

МАМАТҚУЛ ЖҮРАЕВ



ЎЗБЕК МАВСУМИЙ  
МАРОСИМ  
ФОЛЬКЛОРИ



«Фан»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

НАВОЙДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МАМАТҚУЛ ЖЎРАЕВ

ЎЗБЕК МАВСУМИЙ  
МАРОСИМ ФОЛЬКЛОРИ

(ўкув қўлланма)

Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

«Фан» нашриёти

2008

Ўзбек фольклорининг жанрлар тизими гоят ранг-баранг бўлиб, тарихий асослари қадим ажододларимиз бадиий тафаккури кашфиётларига бориб тақаладиган бу маънавий қадриялар силсиласида анъанавий халқ тақвими билан боғлиқ бўлган мавсумий маросимлар фольклори муҳим ўрин тутади. Ўлкамизда дехқончилик маданияти ва чорвачилик анъаналари юксак даражада тараққий этганилиги учун ҳам халқ тақвимининг бир неча хил усуслари келиб чиқкан. Шу асосда халқ орасида фасллар билан боғлиқ «Қор ҳат», «Шерда», «Бойчечак ҳабари», «Қозон тўлди», «Наврўз», «Шоҳмойлар», «Лола сайили», «Обло барака», «Суст хотин», «Сўз хотин», «Чайла қозоқ», «Чоймомо», «Яли момо», «Ё Ҳайдар» каби мавсумий маросимлар фольклори шаклланган. Мазкур ўқув қўлланмасида халқ тақвимининг генезиси, дехқон ва чорва ҳисобларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ўзбек мавсумий маросимлар фольклорининг жанрлар таркиби атрофлича ёритилган.

Ўқув қўлланмаси олий ўқув юртлари филология факультетлари талабалари, шунингдек, фольклоршунослик ва этнология масалалари юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган магистрантлар ҳамда аспирантларга мұлжалланган.

Маъсъул муҳаррир:  
филология фанлари доктори  
**Асқар МУСАҚУЛОВ**

Тақризчилар:  
тарих фанлари доктори  
**Адҳамжон АШИРОВ**  
филология фанлари номзоди  
**Олимжон ҚАЮМОВ**

© Ўзбекистон Республикаси  
ФА «Фан» нашриёти, 2008 йил.

ISBN 978-9943-09-743-8

## МУҚАДДИМА

Маълумки, ўзбеклар жаҳондаги энг қадимий маданий анъаналарга эга бўлган халқлардан биридир. Халқимиз томонидан асрлар мобайнида яратилиб, сайқал берилган моддий ва маънавий маданият дурдоналарининг илдизлари жуда олис замонларга бориб тақалади. Бадиий салоҳияти ғоят юксаклиги туфайли жуда қадим замонларданоқ халқ оғзаки бадиий ижодиётининг бабаҳо намуналарини яратган халқимиз нафақат Ўрта Осиё, балки Шарқ халқлари маданияти ривожида муҳим роль ўйнаган фольклор анъаналари ҳамда маросимий қадриятларнинг ҳам ижодкори ҳисобланади. Ҳар бир даврда яшаган аждодларимиз ота-боболари томонидан яратилган бебаҳо миллий фольклор анъаналарини ўз бадиий тафаккури маҳсули билан бойитиб, янада ривожлантирганлиги учун ҳам ўзбек халқининг миллий анъаналари авлоддан-авлодга ўтиб, такомиллашиб келмоқда.

Халқимиз бадиий тафаккурининг сарчашмага монанд қадим илдизлари шу қадар олис замонларга бориб тақаладики, минг йиллар мобайнида халқ дилига жо бўлиб, сўзга чечан ижроҷилар тилидан гушмай такомиллашиб, бойиб, тўлишиб келган фольклор асарлари миллий қадриятларимиз хазинаси саналади. Бу тафаккур мўъжизалари халқимиз маънавиятини шакллантириб ва муттасил ривожлантириб келганлиги учун ҳам қадрлийdir. Маънавият эса, юртбoshимиз таъкидлаганларидек, «инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласидиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»<sup>1</sup>. Зеро, ёшлар тафаккури, дунёқарашини миллий ва умүинсоний қадриятлар асосида шакллантириб, уларнинг бунёдкорлик борасидаги фоллигини ошириш-келажаги буюк бўлган Ўзбекистон пойdevорини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлардан бири ҳисобланади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008, 19-бет.

Маиший турмуш тарзи бевосита дәхқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ бўлган боболаримиз авлоддан-авлодга ўтиб келувчи бой ҳаётий тажрибага эга бўлганлар. Улар экинларни қай вақтда экиш, йилнинг қайси вақтида қандай парвариш қилиш, ҳосилни йифиштириб олишга қачон киришишни яхши билишган. Тажрибали чўпонлар эрта кўкламда сурувни яйловга олиб чиқиш, ўтлоқларни алмаштириш, қўйларни урчишиш ва тўл вақтининг аниқ ҳисоб-китобига асосланган қадимий анъаналар мажмуаси - “чорва ҳисоби”га суюниб иш юритганлар.

Фикримизча, инсоният ўзининг энг қадимий тараққиёт босқичида даставвал термачилик ва овчилик билан шуғулланиб кун кўрганлиги боис ўша даврда меҳнатнинг шу икки тури билан боғлиқ тақвимий амаллар ёки вақт ҳисобини юритишнинг ибтидой усуллари қўлланилган бўлиши керак. Ижтимоий меҳнат тақсимоти ҳосиласи бўлган дәхқончилик ва чорвачилик ишлаб чиқариши ҳам аслида инсониятнинг ана шу илк фаолиятидан келиб чиққан.

Таниқди авестошунос М.Бойснинг қайд қилишича, қадимги зардўштийларда тақвим билан боғлиқ «маидой-зарэмай» (баҳор ўртаси), «маидой-шема» (ёз ўртаси), «маидайиря» (қиши ўртаси), «пайтишахъя» (ғалла йифиш байрами), «айатрима» (чорванинг ёзги яйловдан қайтиши), «хамаспатмаэда» (йилбошидан бир кун аввал фраваши(руҳ)лар шарафига зиёфат бериш байрами) каби мавсумий байрамлар кенг нишонланган (Бойс М., 1987. – С.44).<sup>2</sup>

Аждодларимиз календарь - тақвим яратиш учун самовий жисмлар ҳаракати ва табиат ҳодисаларини асос қилиб олганлар. Жуда қадим замонларда яратилган ўзбек халқ тақвими боболаримизнинг табиат ҳодисаларини узоқ вақт давомида муттасил кузатиб бориши натижасидаги катта ҳаётий тажрибалари ва турмуш кўникмалари маҳсулидир. Халқимиз йил фасллари ва ойлари, ўлкамизнинг табиий-икълимиш шароити ҳақида жуда кўп мақол, матал ва эътиодий қараашларни яратганлар ҳамда уларни ёдда сақлаб, кундалик турмушда амал қиდғанлар.

Ўзбек халқ тақвими аждодларимизнинг неча-неча асрлар синовидан ўтган ҳаётий тажрибалари ва меҳнат анъаналари асосида юзага келгани учун ҳам унда йил фасллари ва ҳар бир ойнинг моҳияти, табиат ҳодисалари ва ўзгаришларининг мулдати, дәхқончилик ва

<sup>2</sup> Мазкур ўқув қўлланмасини ёзишда фойдаланилган адабиётларнинг тўлиқ рўйхати китоб охирида илова қилинган бўлиб, матн ичидаги иктибос олинган ҳар бир манбанинг кисқартма шакли берилади.

чорвачилик хўжалигини юритишининг табиат ҳодисалари билан боғлиқ жиҳатлари ўз аксини топган. Асрлар давомида яратилиб, сайдал берилган бу ойнома мукаммал маданий меросга айланган. Йил ва ойлар ҳолати, дала ишларини бажариш муддатлари, табиат ўзгаришларини олдиндан айтиб берувчи билгич одамлар “ҳисобдон”, «дўғал», «тажрибакор», «юлдузчи» дейилган.

Айтишларича, илгарилари ҳар бир қишлоқнинг ўз ҳисобдони бўларкан. Одамлар далага экин экиш, парваришлаш, ҳосилни йигиб олиш муддатларини, ҳатто наврўз олдидан келгуси йилда қайси экиндан барака топиш мумкинлигигача у билан маслаҳатлашиб иш кўришган. Ҳисобдонлар ота-боболарининг тажрибаларига таяниб туриб, табиатда бўладиган ҳар хил ўзгаришларга, ўсимлик ва жони-ворлар ҳолати ҳамда самовий жисмлар ўрнига қараб, келгуси ой обҳавосини олдиндан айтиб беришга ҳаракат қилганлар. Улар ҳатто кузда дараҳтлар баргининг тўқилиши, иссиқ ўлкаларда қишлиядиган қушларнинг учиб кетиш тартиби, ёғин-сочин миқдорига қараб кўклам қандай келишини тахмин қила олганлар.

Ҳисобдонларнинг маълумотларига қараганда, илгарилари ота-боболаримиз вақт ҳисобини юритища куйидаги усуслардан фойдаланишган: 1) Ернинг күёш атрофидаги даврий айланишига асосланган **шамсий тақвим**; 2) Ой фазаларининг ўзгариши ва ҳаракатига асосланган **қамарий тақвим**; 3) мавсумий қушларнинг кўкламги учиб келиши ва кузда иссиқ ўлкаларга қишиш учун учиб кетиш муддатларига асосланган «**куш қайи**» ёки «**долга ҳисоби**»; 4) Ҳулкар юлдузи билан ойнинг ҳаракат йўналишидаги муайян кесишув муддатларига асосланган «**тўғал**» ёки «**тўқуш ҳисоби**»; 5) ўлкамиздаги дарёлар сатҳининг кўтарилиши муддатларини ўз ичига олган «**тошув ҳисоби**»; 6) дехқончилик йилидаги экинларни экиш, парваришлаш ва ўриб-йигиб олиш муддатларини англатувчи «**дехқон ҳисоби**»; 7) чорвадорларнинг чорва йили давомида бажарадиган удум ва амалларини ўзида мужассамлаштирган «**чорва ҳисоби**»; 8) ёз ва қишининг энг иссиқ ҳамда энг совуқ қирқ кунлик муддатлари билан боғлиқ халқ қараплари асосида келиб чиқсан «**чила ҳисоби**»; 9) Ўзбекистоннинг табиий-иклимий шароитида экинларнинг пишиб етилиш муддатини белгиловчи «**юз ҳисоби**»; 10) фасллар алмашинувидағи фенологик кузатувлар маҳсулни бўлган «**гўқсон ҳисоби**»; 11) юлдузлар ҳаракатини кузатиш асносида келиб чиқсан «**юлдуз ҳисоби**»; 12) «**мучал ҳисоби**».

Халқ тақвимининг бу хил қўринишларидан узоқ даврлар мобайнида фойдаланиб келган аждодларимиз ҳар фаслдаги меҳнат фаолиятининг муайян муддатлари билан боғлиқ удум, урф-одат ва маросимларни яратишган. Тақвим билан боғлиқ эътиқодий инончлар, халқ қараашлари ва тасавурларни ўзида мужассамлаштирган бундай маросимларда ижро этиладиган қўшиқлар, айтим ва аломатлар тизими «мавсумий маросимлар фольклори»ни ташкил этади.

Ўзбекларнинг вақт ҳисобини юритиш билан алоқадор анъаналари барча худудлар бўйича яхлит ҳолда тўпланиб тадқиқ этилган бўлмаса-да, атоқди олим X. Зарифовнинг халқ оғзаки ижодиёти намуналарини ёзib олишни ташкил этиш борасидаги улкан ташкилотчилик фаолияти натижасида халқ тақвимига доир ғоят қимматли материаллар тўпланган.

Ўзбек халқ достонларини ёзив олиш ишини ташкил қилиш ва бевосита эпик асарларни ёзив олишда фидойилик курсатган Исо Эрназар ўғли 1926-27 йилларда ўзи истиқомат қиласидаган Булунғур туманининг Каптархона қишлоғи ҳамда Самарқанд, Жizzах вилоятларида яшовчи аҳолининг одам туғилишидан тортиб, то унинг вафотигача бўлган даврда ўтказиладиган урф-одат, ирим-сирим ва маросимларини тўплаган. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида 9622-сақлов бирлиги остида рўйхатта олинган мазкур манбада чорвадорларнинг кўкламги яйловга кўчиш удумлари, дехқонларнинг далага кўш чиқариш маросими, шунингдек, «юлдуз ҳисоби» ва сафар ойи билан боғлиқ анъаналарга оид материаллар ҳам мавжуд.

Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Қорақурсоқ қишлоғида истиқомат қилувчи ҳисобдон Ҳазратқул Мұхаммадқул ўғли Абдулазизбеков 1958 йилда ўзи яшайдиган ҳудуд чорвадорлари ва дехқонлари орасида амалда бўлган халқ тақвимига доир материалларни ёзив олиб, «Чорвадор ва дехқон оғзаки халқ ҳисоби ҳамда ундаги ҳикоялар, тимсоллар, мақоллар ва ҳикматли сўзлар» номи остида бир умумий дафтарга кўчириб, ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор архивига топширган. Фольклор архивида 1830/1 рақами остида рўйхатта олинган ушбу материал чорва ва дехқон ҳисобларини тадқиқ этишга асос бўлди.

Бахши ва ҳаваскор фольклор тўпловчи Раҳматулла Юсуф ўғли эса 1964 йил 12 февраль, 1967 йил 14 сентябрь, 1980 йил 20 декабрь кунлари Қўщрабод ва Нурота туманлари қишлоқларининг аҳолиси орасида машхур бўлган «Кўзибой майриқ ҳисоби» деб атал-

ган анъанавий тақвимнинг тұла тавсифини, шунингдек, «юлдуз ҳисоби», «түғал ҳисоби», «Қамбар түғал» каби вақт ҳисоби амал-ларига оид маълумотларни ёзib олган булиб, ушбу материаллар ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида 1443/III, 1443/YII, 1443/ III рақами остида сақланади.

Ушбу сатрлар муаллифи ҳам 1980 йылдан бүён ҮзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг доимий «Фольклор экспедицияси», халқаро «Бойсун» фольклор экспедицияси, қарийиб ўн йил давомида иш олиб борган «Остонаси тиллодан» фольклор экспедицияси, шунингдек, Тошкент вилоят давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти, Бухоро давлат университети филология факультетлари талабаларининг «Фольклор амалиёти» таркибида мамлакатимизнинг барча худудларида изланишлар олиб бориб, ўзбек халқ тақвимига доир материалларни тұплаш билан изчил шуғулланди.

Ўзбек халқ тақвими билан боғлиқ халқ қараашлари, миф ва афсоналар, урф-одат ва маросимлар фольклорини тадқиқ этиш ишлари эса ўтган асрнинг 80-йилларидан бошланди. Жумладан, фольклоршунос олим Б.Саримсоқовнинг мавсумий маросимлар фольклорининг «яс-юсун», «шох мойлар», «Суст хотин», «Чоймомо», «Ё Ҳайдар» каби жанрлари тадқиқига бағищланған ишлари бу борадағи илк изланишлар сирасига киради (Саримсоқов Б., 1986).

Ушбу сатрлар муаллифи томонидан ҳимоя қилингандай докторлик диссертациясининг «Тақвимий афсоналар генезиси ва тарихий эволюцияси» номли бобида «дәхқон ҳисоби»нинг хут ойида дохил бўладиган аямажуз, аҳман-даҳман, хезим-хирмон, оби раҳмат кунлари билан боғлиқ космогоник қараашлар тадқиқ этилган (Жўраев М., 1996, 46-50-бетлар). Бизнинг бир қатор китоб (Жўраев М., 1990,б; Жўраев М., 1994,а; «Боболардан қолган нақллар») ва мақолаларимизда ўзбек халқ тақвимининг тарихий асослари, тақвим турлари ва у билан боғлиқ фольклор асарлари таҳлилга тортилган (Жўраев М., 1989, 12-сон, 14-15-бетлар; Жўраев М., 1992,а; Жўраев М., 2005, 106-113-бетлар; Жўраев М., 2006, б, 20-28-бетлар; Жўраев М., 2006, в, 83-90-бетлар). Узоқ йиллар давомида наvrўz байрамининг тарихий асослари, ўтказилиш тартиби, узвлари ва бу баҳорий шодиённанинг фольклорини изчил ўрганиш асносида бир қатор тадқиқотлар нашр этилган (Жўраев М. 1997,а, 12-13-бетлар; Жўраев М., 2004, 36-47-бетлар; Жўраев М., 2006,а).

Шунингдек, халқимизнинг наvrўz байрами билан алоқадор афсона, ривоят, қўшиқ ва иончлари («Наврўз»), «ё рамазон» қўшиқла-

ри («Улуг ой умидлари»), фасллар об-ҳавосини наботот ва ҳайвонот олами, осмон ёриткىчлари ва бошқа белгиларга қараб олдиндан тахмин қилиш билан боғлиқ асрий тажрибалар асосида келиб чиқ-қан фенологик кузатишлар («Об-ҳаво даракчилари») чоп эттирилди. Ушбу сатрлар муаллифи ҳамда ўзбек халқ мавсумий маросимлар фольклорини тадқиқ этаётган ёш олим М.Пирматова ҳамкорлигига «чорва ҳисоби» ва «юлдуз ҳисоби»га бағишиланган мақолалар юзага келди (**Жураев М., Пирматова М., 2005; Жураев М., Пирматова М., 2006**). Ўзбек халқ тақвими билан боғлиқ фольклор жанрлари ёш тадқиқотчи М.Пирматованинг мақолаларида ҳам таҳлилга тортилган (**Пирматова М., 1997, 51-53-бетлар; Пирматова М., 1998, 33-36-бетлар; Пирматова М., 2005, 62-64-бетлар**).

Биз ҳар қандай маросим, урф-одат, ирим-сиirimлар, инончлар таркибида у ёки бу даражада архаик ёки замонавий диний элементлар мавжудлигини маъкуллаб, ўзбек маросим фольклори жанрларини тасниф қилиш билан боғлиқ илмий қарашлар орасида профессор Т.Мирзаев томонидан илгари сурилган классификация ҳар жиҳатдан асосли деб ўйлаймиз. Олимнинг қайд қилишича, ўзбек маросим фольклори «мавсумий маросимлар фольклори», «оиласий-маиший маросимлар фольклори» ва «диний-ибодат маросимлари фольклори»га бўлинади (**Мирзаев Т., 1998, 43-бет**).

Мавсумий маросимлар фольклорининг ўзини тасниф қилиш борасида ҳам бир қатор таклифлар ўргатага ташланган. Рус олимлари В.П.Аникин билан Ю.Г.Кругловлар ҳамкорлигига нашр эттирилган дарсликда мавсумий маросимлар қиши, баҳор-ёз ва кузги маросимларга бўлиб ўрганилган (**Аникин В.П., Круглов Ю.Г., 1983. – С.59-67**). Л.В.Покровскаянинг фикрича эса мавсумий маросимлар фольклори учга, яъни қишки, баҳорги ва ёзги-кузги каби типларга бўлинади (**Покровская Л.В., 1983. – С.67**).

Ўзбек фольклоршуноси Б.Саримсоқов ўзининг маросим фольклорига бағишиланган монографиясида мавсумий маросимлар фольклорини қуйидагича таснифлаган: 1) Қишки маросимлар фольклори (яс-юсун ва гап-гаштаклар); 2) Баҳорги маросимлар фольклори (шоҳ мойлар, кўш чиқариш, лой тутиш, наврӯз байрами, «Суст хотин»); 3) Ёзги маросимлар фольклори («Чой момо»); 4) Кузги маросимлар фольклори («Обло барака» ва шамол чақириш) (**Саримсоқов Б., 1989, 155-156-бетлар**).

Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбекларнинг маросим фольклори мусиқасини тадқиқ этган санъатшунос олим Р.Абдуллаевнинг фикрича, календар маросимлар қуйидагича таснифланади:

1) йил фасллари билан боғлиқ жанрлар: наврӯз байрами қўшиқлари, «барот келди», «бойчечак», «бинафша», «гул сайли», «лола сайли», «қизил гул сайли», «суст хотин», «сафар қочди», «шамол чақириш», «қор келди, қиши келди» ва ҳ.к.; 2) дехқон ва чорвадорларнинг мавсумий меҳнати билан боғлиқ жанрлар: «шох мойлар», «ёзи», «майда», «тоғ сайли», «ҳосил байрами», «обло барака», «шоҳи нақшбанд», «турей-турей», «чирей-чирей» ва ҳ.к.; 3) мусулмон тақвимининг тўққизинчи ойи билан боғлиқ маросим мусиқаси жанрлари: «ё рамазон» ёки «ё раббим» (Абдуллаев Р., 2007. – С.50-51).

Ўзбек мавсумий маросим фольклорини маҳсус ўрганган ёш тадқиқотчи М.Пирматова ўзининг диссертация ишида фольклоршуносликда мавжуд бўлган илмий қарашлар ва таснифларни яхлит ҳолда умумлаштириб, қуидаги янги таснифни ўртага ташлади: 1) қамарий йил ҳисоби билан боғлиқ фольклор жанрлари: «барот келди», «ё рамазон», «сафар қочди», «охир чоршанба»; 2) йил фасллари билан боғлиқ маросим фольклори жанрлари: «яс-юсун», «лой тутиш», «шох мойлар» ёки «биринчи қўш», «қозон тўлди», наврӯз, меҳржон, сумалак пишириш билан боғлиқ маросимлар («Ашшадарози» ўйини, «сумалак бевити», «сумалак сайли»), «бойчечак хабари» ёки «бойчечак сайли», «лола сайли», «гули сурх» сайли, «қизил гул сайли», ёмғир ёғдириш маросими («Суст хотин», «Чала хогин», «Сўз хотин», «Чайла қозоқ» ва ҳ.к.), шамол чақириш («ё Ҳайдар») ва шамол тўхтатиши маросимлари («Чой момо», «Ялли момо»), «обло барака», ҳосил байрамлари, «шоҳи нақшбанд», «мощоба»; 3) мучал ҳисоби билан боғлиқ маросим фольклори: «мучал гўйи» (Пирматова М., 2008.).

Бизнинг назаримизда, ана шу кейинги тасниф маълум даражада муқаммал бўлиб, ўзбек мавсумий маросим фольклорининг маълум бўлган барча жанрларини қамраб олганлиги билан характерланади. Шунинг учун мазкур ўкув қўлланмасида ҳам мавсумий маросим фольклорини ушбу тасниф асосида талқин қилишни маъқул деб билдик.

Халқ тақвими ва у билан боғлиқ фольклор жанрларининг муқаммал таснифини яратиш ҳамда ҳар бир жанрнинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий-генетик илдизлари, ривожланиш босқичларини тадқиқ этиш ўзбек маросим фольклорининг поэтик табиатини ўрганишда муҳим илмий аҳамият касб этади. Ушбу китобда ўзбек халқ тақвимининг тарихий асослари, дехқон ва чорва ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда йил фасллари билан боғлиқ мавсумий маросимлар фольклорининг жанрлар тизими хусусида сўз юритилади.

# ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАҚВИМИ

## ХАЛҚ ТАҚВИМИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбек халқ тақвими аждодларимизнинг кўп асрлик фенологик кузатишлари, календар мифлари, осмон жисмлари ва табиий ҳодисалар тўғрисидаги космогоник қараашларининг тадрижий ривожи натижасида келиб чиқсан бўлиб, илк тақвимий тушунчалар тош асрига оид петроглифларда ҳам ўз ифодасини топган.

Ўрта Осиё ҳудудида яшаган аждодларимиз томонидан яратилган қоятош суратларида қадимги мифологик тасаввурлар, турли хил магик қараашлар, ҳосилдорлик ва кут-барака ғояси билан боғлиқ инонч-эътиқодлар, архаик маросим ва удумлар ўз ифодасини топган. Фарғона тизма тоғларидаги Кўгарт довони яқинида денгиз сатҳидан 3,5 минг км баландликда жойлашган Саймалитошдаги қоятош суратлари ва чизгиларда (Хлудов Н.Г., 1902.-С.40-43; Зимма Б.М., 1950; Берништам А.И., 1952, №2. - С.50-67; Голендухин Ю.Н., 1971. – С.181-202) деҳқончилик маданиятининг юзага келиши даврига оид мифологик қараашлар, хусусан, календарь мифлар, қуёш, ой ва ҳосилдорлик культу билан боғлиқ асотирий тасаввурлар, наврӯз байрами ва ерга биринчи марта қуш солиши маросими ўз ифодасини топган.

Саймалитош қояларига чизилган қадимий суратларнинг яратилиши узоқ давом этган тарихий жараён бўлиб, А.Н.Берништамнинг фикрича, бу ерда куйидаги даврларга оид петроглифлар мавжуд: 1) милоддан аввалги II-I минг йиллклар – протосак, яъни сакларнинг аждодлари ёки саклардан аввалги даврга мансуб петроглифлар; 2) милоддан аввалги VIII-III асрлар - саклар даври петроглифлари; 3) милоддан аввалги III асрдан - милоднинг II асригача бўлган давр - хунн-усун даври петроглифлари; 4) милоднинг III-VIII асрлари - хунн-туркийлар даври петроглифлари (Берништам А.Н., 1952. №2. - С.50-67).

Шунгá кўра, уч-тўрт минг йил бурун яшаган қадим аждодларимизнинг вақт ҳисоби амаллари тўғрисидаги нодир маълумотларни

ўзида мужассамлаштирган Саймалитош суратлари халқ тақвими-нинг тарихий илдизлари протосак маданиятига бориб тақалишини кўрсатувчи муҳим далиллар. Бу ердаги қоятош бўлакларидан бирида боши доирасимон шаклдаги афсонавий маъбуд тасвири мавжуд. Унинг бошида айланасига 28та чизиқча (нур белгиси) туширилган бўлиб, бошининг ичига чизилган “куёш одамча”нинг бошида эса 12та чизиқ бор. Маъбуд тасвирининг тепасида эса ярим ой ёки дунглик шаклидаги белги чизилган. Бу ой маъбудининг тасвири бўлиб, унинг бошидаги 28 чизиқча тунги ёритқичимиз фазаларининг ўзаро ўрин алмашишидан иборат бир ойлик муддатнинг тақвимиий ифодасидир. Қадимги одамлар ой фазалари 28 кун ичida қайталанишини яхши билишган ҳамда ой тангрисининг юз кўрсатиши, янги ой кўринган кун ёки ойбошини алоҳида магик ритуаллар билан қаршилаганлар. Бугунги кунгача янги ой кўрганда “Ҳаққой, ҳаққой, ойни кўрдик омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги ой, янаги йилларга, бош эсон, бағрим бутун бўлиб етайлик” қабилидаги ритуал айтимларнинг ижро этилиши ўтмишда ой тақвимидан самарали фойдаланган аждодларимизнинг календарь маросимлари тизимида ой маъбудини шарафлаш билан боғлиқ магик қарашлар ҳамда ритуаллар кенг урф бўлганлигидан далолат беради.

Ой маъбуни бошининг ичига чизилган “куёш одамча”нинг бошида 12та чизиқ мавжудлиги эса Ю.Н.Голендухин тўғри тахмин қилганидек, қадимги фарғоналиклар ҳар бири 28 кунлик ой тақвимини кўллаганликларини кўрсатади. Бу тақвимга кўра, бир йил 12 ой ёки 336 кундан иборат бўлиб, шамсий йилга нисбатан йўл қўйилган 30 кунлик “хато” ўн учинчи ой ҳисобига тўлдириб, тенглаштириб борилган. Саймалитошда қайд қилинган бошида ўн учта нур мавжуд бўлган одамча тасвирини Ю.Н.Голендухин ана шу “кўшимча ой”нинг тимсолий ифодаси деб ҳисблайди (Голендухин Ю.Н., 1971. - С.190).

Бизнинг фикримизча, ой маъбуни тасвирининг устидаги ярим ой ёки дўнг шаклидаги белги ушбу суратнинг қамарий тимсол эканлигини тасдиқловчи чизги бўлиши керак.

Саймалитош суратларида боши куёш шаклидаги афсонавий образлар, қўш ҳайдаётган одамлар, рамзий рақсларни ижро этаётган шомонлар, курбонликка аталган жониворга камонидан ўқ узаётган тирандозлар тасвирланганлиги мазкур худуд қадимги дехқонларнинг мавсумий маросимлар ҳамда осмон ёритқичлари ҳақига курбонлик ритуалларини ўтказадиган муқаддас жойларидан бири

вазифасини бажарғанлигини күрсатади. Маълумки, қуёш ва ой культи Ўрта Осиёда яшаган қадимги одамлар турмушида, мифологияси, урф-одат ва маросимларида муҳим ўрин тутган. Саймалитош петроглифлари орасида боши нур таратиб турган қуёш шаклидаги одамлар образининг кўп учраши ҳам ана шу фикрни тасдиқлайди. Қадимги космогоник мифологияда осмон ёритқичлари ҳам жонлантириб тасаввур қилинган, мифларда улар одамга хос сифатларга (масалан, одам кўринишига) эга бўлган асотирий персонажлар тарзида талқин қилинган. “Ширин қиз” номли мифда кечаси нур таратувчи ой аввал ерда яшаб, Ширин деган соҳибжамол билан хусн талашганлиги туфайли осмонга чиқиб кетган қиз деб тасвирангани сингари қадимги одамлар қуёшни ҳам инсоний қиёфада тасаввур этишган. Ана шу мифик қарашлар Саймалитош петроглифларида боши қуёш шаклидаги оёқли одамчалар образининг ифодаланишига асос бўлган.

Боши қуёш шаклидаги одамлар тасвирининг қоятошга чизилганлиги қадимги Фарфона водийсида истиқомат қилган аждоддларимиз мифологиясида осмон ёритқичларининг антропоморф қиёфали образлари мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Ўзбек фольклорида қуёш культидининг шахслантирилган образи “Кенжা ботир” эртагида («Кенжা ботир», 3-28-бетлар) тасвиранганд. Бу эртакда ҳикоя қилинишича, қуёш ҳар куни эрталаб ўз уйини тарк этиб, осмонга чиқади ва кун бўйи фалакни айланиб, кечаси яна ер остига – онаси хузурига қайтиб келади. Қуёшнинг чиқиши ва ботишини изоҳловчи космогоник миф сифатида туғилган бу мотив эпик тафаккур тараққиёти давомида мазкур эртак сюжетига сингиб кетган (Акрамов F., 1977, 51-бет). Саймалитош петроглифлари чизилган даврларда Фарфона водийси аҳолиси орасида қуёшнинг эрталаб чиқиши, тушда маълум муддат тепада туриб қолиши, кечаси қизарип ботиши, қуёш тутилиши, йилнинг турли фаслларида уфқнинг турли жойларидан чиқишининг сабабларини изоҳлашга, гушунтиришга қаратилган шамсий мифлар кенг оммалашган эди.

“Қуёш одамча”ларнинг доирасимон бошидан таракалаётган нурлар сонининг ўн иккита эканлиги эса бу петроглифларнинг ижодкорлари бўлган кишилар осмондаги ўн икки юлдуз буржлари, қуёшнинг йил давомидаги чиқиш ва ботиш нуқталари, бир йилнинг ўн иккни ойдан иборатлиги ҳақидаги астрономик-тақвимий билимларга эга бўлганлигидан далолат беради. Жанубий чўққи олдидаги тошлардан бирига ана шундай учта “қуёш одам” тасвири

чизилган бўлиб, уларнинг тагига ой фазаларининг ҳолатини акс эттирувчи белгилар туширилган. Ю.Н. Голендухиннинг аниқлашича, бу тошнинг петроглиф туширилган тарафи деярли йил бўйи офтоб “юзини кўрмас”, фақат ёзги “куёш туриши” пайтида ўша “куёш одам”чалар суратига нур тушар экан (Голендухин Ю.Н., 1971. - С.188-189).

Бизнинг фикримизча, дехқончилик маданияти ҳийла эрта тараққий этган қадимги Фарғона дехқонлари баҳорги ва кузги тенгкунлик, ёзги “куёш туриши”, яъни энг узун кун ҳамда қиши “куёш қантарилиши” ёки энг қисқа кун муддатлари келганда Саймалитошда муайян мавсумий маросимларни ўтказиб, куёш культига сифи нишдан иборат ритуалларни бажаришган. Жанубий чўққи остидаги тошда тасвиirlанган “куёш одам”образининг учталиги эса, назаримизда, ёзги “куёш туриши” вақтини аниқ белгилаш мақсадини кўзда туттан. Чунки ўзбек халқ тақвимида куёш ҳаракати билан вақт манзилларини аниқлашда учлик мезонига амал қилиш анъанаси мавжуд. Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Назари, Айлангари қишлоқларида йилбоши-наврӯз байрами бўладиган кун, яъни куёшининг ҳамал буржига кириши жануб томондаги чўққида ўсаётган учта асрый арчага қараб аниқланган: «Уч арча ўсаётган тоғнинг олдидаги чўққида бир катта заранг дарахти ўсади. Ўша заранг дарахтидан куёш ботгандан кейин эртаси куни ҳут ойининг биринчи куни ҳисобланади. Бу кун назарилклар шевасида “хутка” дейилади. Ҳут ойи охирлаб қолганида чоллар куёшнинг ботишини кузатадилар. Бу қишлоқларда куёш қуий тарафдаги тоғларнинг орқасига ботади. Куёш ана ўша уч арчанинг биринчисидан ботган куни “эртага қозон тўлди” эълон қилинади. Эртаси куни қуёш ўртадаги арчадан ботади ва қейинги куни куни йилбоши қилинади. Куёш ўртадаги арчадан ботганининг эртасига қишлоқ ҳисобдонлари биринчи ҳамал киради дейдилар (М.Жўраевнинг дала ёзувлари. 2003 йил 25 октябрь куни 1949 йилда туғилган Ризо ака Исаевдан ёзib олинган).

Бизнингча, Саймалитошнинг Жанубий чўққиси олдидаги тошга чизилган учта “куёш одам” тасвири ҳам худди шунга ўхшаш тақвимий белги вазифасини бажарган бўлиши керак. Қадимги дехқонлар қуёш нурининг ана шу рамзий чизгиларга тушишига қараб ёзги “куёш туриши” муддатини белгилаганлар. Куёш нури ўртадаги суратга тушган куни дехқончилик учун жуда зарур бўлган сувнинг мўл-кўл бўлишини, дарё ва сойлар тўлиб-тошиб оқишини сўраб маросим рақсларини ижро этишган.

Бу тошнинг қўйи қисмига юқорига ва пастга қараб турган ярим ой шакли чизилганлиги эса Саймалитошда рамзий маросимларни адо этган кишилар тунги ёритқичимиznинг манзиларини ҳам изчил кузатиб боришганлигини кўрсатади.

Жанубий чўққи остидаги қояга чизилган “қуёш одамча”лар бошининг ўртасига қўшув аломати акс эттирилганлигини аниқлаган Ю.Н.Голендухин “қадимги деҳқонларга дунёning тўрт томони (шимол, фарб, жануб, шарқ) ҳақидаги тушунчалар маълум бўлган” деган холосага келади. Бизнинг фикримизча, қоятош суратлари ва чизгиларидағи қўшув ҳамда бут аломати аслида космогоник тимсол бўлиб, моҳиятига кўра қуёш рамзиdir. Зеро, Саймалитош петроглифларини тадқиқ этган А.Н. Бернштам бу ердаги қоятошлардан бирида утга “шамсий белги” акс этган чизгилар мавжудлигини аниқлаган эди (**Бернштам А.Н., 1952, 63-бет (13-сурат)**). Бу петроглифларнинг учаласи ҳам доирасимон шаклда бўлиб, иккитасининг ўртаси қўшув аломати билан бўлинган бўлса, учинчисининг орасига саккиз қиррали (яъни иккита қўшув белгиси) чизиқ чизилган.

“Қуёш одамча”лар тасвири чизилган бу қоятошлар мажмуаси қадимда муайян мифологик ритуаллар, хусусан, деҳқончилик маданияти билан боғлиқ маросимлар, қуёш тангрисини шарафлаш үдумлари ўтказиладиган мұқаддас жойлардан бири бўлган. Фикримизча, Саймалитош петроглифларидаги “қуёш юзли” одамчалар қадимги Фарғона деҳқонлари топинган шамсий маъбудларнинг қоятошларга чизилган образи булиши керак. -

Аждодларимизнинг тақвимий қарашлари, хусусан, йилбоши байрами билан боғлиқ мифологик тасаввурлари ва инончлари Марказий Қизилқумдаги Буқантов тоғидаги қоятош суратларида ҳам ўз ифодасини топган. Ойбохансой деган жойдаги Боҳали булоғи ёнидаги тошда бир-бирига рўпарама-рўпара турган иккита қўш ўркачли нор тиянинг оёқлари орасида, чапдаги тиянинг эса ўркачи ўртасидаги астраль белги бу жонзотлар қуёш культига алоқадорлигини кўрсатади.

Ўйлашимизча, бу суратда халқимизнинг йилбоши байрами – наврўз билан боғлиқ қадимий ритуалларидан бири – тиян ўриштириш удуми акс эттирилган. Тиян ўриштириш наврўз байрами тантаналарининг доимий ва қадимий элементларидан бири бўлиб, ҳосилдорлик культи билан боғлиқ ҳолда келиб чиқсан анъанавий ритуалдир. Н.Я. Бичуриннинг келтиришича, Куча вилоятининг Оқтоб-

деган жойида яшаган одамлар ҳар йили янги йилда етти кун мобайнида күчкор, от ва түя уриштириш томошаларини ўтказишган ҳамда уларнинг уришишига қараб туриб, йилнинг баракали ёки камхосил бўлишини тахмин қилганлар (Бичурин Н.Я., 1950. - С.296-297).

Фикримизча, Саймалитош қадимги дехқонлар ва чорвадорлар томонидан йилнинг муайян фаслларида анъанавий мавсумий ма-росимлар ўтадиган муқаддас жой вазифасини бажарган кўринади. Шунинг учун ҳам, мазкур чизгиларни календарь мифлар билан боғлаб тадқиқ этган Ю.Н.Голендухин «Саймалитошдаги суратлар ўзига хос обсерватория вазифасини бажарган бўлиб, қуёшнинг чиқиши ва ботишига асосланган вақт ҳисобини акс эттиради», - деб ёзган эди (Голендухин Ю.Н., 1971. - С. 189).

Самовий жисмлар ҳаракати ва фасллар об-ҳавосидаги ўзгаришларни яхши биладиган билгич ҳисбонлар баҳорий тенгкунликнинг дохил бўлиш муддатини ҳам бехато айтиб бера олишган. Чунки астрономик билимлар ҳийла эрта тараққий этган мамлакатимизда вақт ҳисобини юргизишнинг бир неча хил усуслари мавжуд бўлган. Ҳисбонлар орасида қуёшнинг йиллик ҳаракатини кузатишга асосланган “шамсий тақвим”, ой фазаларининг муттасил ўзгаришини ифодаловчи “қамарий тақвим”, ой ва Ҳулкар юлдузининг ҳаракат йўналишидаги кесишув нуқталарини белгиловчи “тўғал ёки тўкуш ҳисоби”, ўлқамиздаги дарёлар сатҳининг кўтарилиб-тушишини кўрсатувчи “тошув ҳисоби”, экинларни экиш, парваришилаш ва ўриб-йигиб олиш муддатларини ўз ичига олган “юз ҳисоби”, қушларнинг кузда иссиқ ўлкаларга қишилаш учун учиб кетиши ва кўклиамда яна юртимизга қайтиб келишини кўрсатувчи «қуш қайи» ёки «долга ҳисоби» жуда машхур бўлган. Бундан ташқари, халқимиз орасида «мучал ҳисоби», «дехқон ҳисоби», «чорва ҳисоби», «тўқсон ҳисоби», «чилла ҳисоби», “юлдуз ҳисоби”, “Қамбар тўғал” ҳисоби ҳам амалда қўлланилган. Ана шу далилларнинг ўзи бизнинг аждодларимиз қўёш ва ой манзиллари, юлдузлар ҳаракати, табиий ҳодисаларнинг рўй бериш сабаблари ва муддатларини кузатишга асосланган катта фенологик билимга эга бўлганликларини кўрсатади.

## ДЕХҚОН ҲИСОБИ

Қадим замонлардан буён икки дарё оралиғидаги мўътабар замин – она Ўзбекистонимизда дехқончилик маданиятини яратган аждодларимиз вақт ҳисобини юритишида кўпинча қуёшнинг осмон

гумбазидаги йиллик ҳаракатига асосланиб иш күришган. Қүёш бир йил давомида ўн икки юлдуз буржини айланиб чиқишига асосланган ҳолда дәхқонларимиз орасида кенг амалда бўлган «шамсий тақвим» - «дәхқон ҳисоби» вужудга келган. Дәхқонларимиз амалиётида қўлланиладиган бу тақвим «ўроқ ҳисоби» деб ҳам юритилади.

«Дәхқон ҳисоби» ва у билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар махсус тадқиқ этилмаган бўлса-да, А.Нарзикулов, З.Исоқов, А.Аширов, А.Саримсоқов ва бошқа олимларнинг этнографик тадқиқотларида (Нарзикулов А., 1991; Исоқов З., 2004, 205-208-бетлар; Аширов А., Саримсоқов А., 2006, 98-105-бетлар) вақт ҳисобини юритишнинг бу усулига доир қимматли мулоҳазалар билдирилган.

Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Қоракурсоқ қишлоғида истиқомат қилган ҳисобдон Ҳазратқул Мұҳаммадқул ўғли-нинг айтишича, экин-тикин ишларини бажаришнинг аниқ астрономик ҳисобини яхши ўзлаштирган билгич дәхқонларни «дәхқончилик ҳамалининг устаси» деб ҳисоблайдилар. Булунғурликлар таъбирича, ҳақиқий дәхқон бўлишнинг уч шарти бўлади: *биринчиси*, дәхқончилик ҳамали ҳисобининг шарт-шароитларини яхши билиш; *иккинчиси*, хўқизларига ҳар куни чорак (2 кг)дан ем бериш, шудгорни «лола оби» қилиб ҳайдаш, ҳар кузда уч маргадан кам ҳайда маслик, ҳар ҳайдаганда омочга янги тиш солиш; *учинчиси*, дәхқончиликнинг ҳамма туридан экиш, ҳатто мош ва бургаккача экиш. Дәхқончиликнинг ҳамма туридан экадиган дәхқонни «ашрафий» ёки «дуруст дәхқон» дейдилар («ЗЎФА». И nv.№1830. 1958 йилда Ҳазратқул Мұҳаммадқул ўғли ёзib олган).

Мамлакатимиз бўйлаб ўтказган фольклористик кузатишлиаримиздан шу нарса маълум бўлдики, ҳар бир худуд, қишлоқнинг ўз ҳисобдонлари бўлган ва улар ўша жойнинг иқлими, табиий шароитларидан келиб чиқиб ўзига хос тақвимий амалларни қўллаганлар. Натижада, ҳалқимиз орасида бир неча хил номлар билан аталувчи «дәхқон ҳисоби» усуслари шаклланган.

Масалан, Нуротанинг Қоракиса қишлоғида истиқомат қилган Раҳматулла Юсуф ўғли томонидан ёзib олинган маълумотга кўра, “бундан беш юз йиллар чамаси илгари Қоратовда Қўйчибой деган ҳисобдон одам бўлган экан. Ривоятларда бу ҳисобдоннинг исми Қўзибой мерган деб ҳам юритилади. Баъзиларнинг айтишича, Қўзибой майриқ жудаям бурунги замонда туркийлардан чиққан бир ҳисобчи экан. «Қўзибой мерганинг ҳисоби» бўйича араб ҳисобидан ҳафта олдин ойбоши қилинади. Масалан, жадий 29 кун бўлса, 23-

арабий жадида Қўзибой майриқнинг ҳисоби бўйича биринчи далв киради» («ЗЎФА». И nv. № 1713).

Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғлиниң қайд этишича, булунғурлик ҳисобдонлар фикрича, Ўзбекистон шароитида ерга экилган уруғларнинг кўкариб чиқиши мумкин бўлган ойларни белгилашда «декон ҳисоби»нинг уч хил тури, яъни «Бухор ҳисоби», «Ховос ҳисоби» ва «Ўрта ҳисоб» қўлланилар экан. «Бухор ҳисоби»нинг келиб чиқиши ҳақида шундай нақл мавжуд: Бухоро амирининг Абдуллавали деган бир ҳисобдони бўлган экан. Бир йили у йил алмашиниғида Ховосда экан, янги йил кирганлигини маълум қилиб мактуб ёзибди ва Бухоро амирига чопар юбортирибди. Чопар олти кун йўл юриб, Бухорага келса, ҳали ҳам эски йил юритилаётган экан. Амир ҳисобдоннинг мактубини олгач, янги йил кирганлигини элга маълум қилибди. Шундай қилиб, «Бухор ҳисоби» ховосликлар тақвимидан олти кунга фарқланадиган бўлиб қолган экан.

«Бухор ҳисоби»да деҳқонлар ҳамал юлдузига қараб иш юритишган. Ҳисобдон осмондаги кўзи шаклидаги ҳамал юлдузини топиб, йилбошини тайин қилган ва бошқа ойларни шунга қараб белгилайверган.

«Ховос ҳисоби»нинг «Бухор ҳисоби»дан олти кунга фарқланishiга сабаб, Бухорода ҳаво нисбатан иссиқ бўлиб, Ховосда кечки экинларни Бухорага қараганда ҳафта бурун совуқ уриши тажрибада кузатилган. «Декон ҳисоби» бўйича саратон ойи уч ойлик кечки экинларнинг «ҳамали» ҳисобланади. Шунга кўра, Бухорода 21 июлгача саратон бўлса, Ховосда бу ой 15 июлгача давом этади. «Саксон кунда сабоқда, тўқсон кунда тобоқда» деган нақл ҳам экинларни ўз вақтида экмаса, пишиб етилмаслигига ишора қиласди.

Булунғур туманининг Қорақурсоқ қишлоғида яшаган саксон ёшли ҳисобдон Ҳолжигит махсумнинг айтишича, агар кун саратоннинг бир-иккисидан узая бошласа, «кўк экин»лар пишмасдан хом қолиши мумкин экан. Мободо кун саратоннинг учидан эътиборан узая бошласа, бу муддат ойнинг еттисигача чўзилар ва кузга бориб хом экин қолмас экан. Ҳисобдонлар ана шуларга асосланган ҳолда кўпинча «Бухор ҳисоби» ва «Ховос ҳисоби»ни умумлаштириб, ўзига хос «Ўрта ҳисоб» бўйича иш юритиганлар («ЗЎФА». И nv. № 1830, 6-7-бетлар. 1958 йилда Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғли ёзиб олган).

Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғлиниң айтишича, Булунғурда юқоридаги ҳисоблардан ташқари деҳқончиликда яна икки хил ҳисоб юритилар экан. Бу ҳисоблардан биринчисига кўра, қиши ойларини

жад, дал ва хут деб ҳисоблайдилар. Бунда «чилла» уч ойнинг юзини кўради: беш кун «жад», «далв» тўлигича ва беш кун «хут» «чилла»га даҳлдор бўлади. Бу ҳисобда «аҳман-даҳман» ҳам «хут»да қолади, «сади пок» бўлмайди. «Қантар» далвнинг ўн бешида оғади. Иккинчи ҳисобга кўра, қиши қавсдан 10 кун олади, кейин 40 кун «чилла», 40 кун «ҳилла» киради. Мазкур ҳисобда «қантар» тушунчалиги сабабли куннинг узайиши куннинг қантарилиши билан белгиланмайди («ЗЎФА». И nv. №1830, 50-бет. 1958 йилда Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғли ёзиб олган). Аммо бу икки ҳисоб дехқонлар орасида унчалик шуҳрат топган эмас.

Анъанага кўра, ўзбек халқ тақвимидағи «дехқон ҳисоби» ҳамалдан бошланади. Ҳамал баҳор мавсумининг биринчи ойи бўлиб, 21 мартдан 21 апрелгача давом этади. «Ҳамал» арабча сўз бўлиб, «кўзи» деган маънени англатади. Маълум бўлишича, қадимги мунахжимлар осмондаги ўн икки юлдуз буржидан биринчисига кирувчи ёритқичлар тўпини қўзига ўхшатишган.

Қадим замонларданоқ кўкламнинг ilk ойи жуда катта ҳаётий аҳамиятга эга деб қаралган. Буюк олим Маҳмуд Кошфарийнинг ёзишича, туркийлар ilk баҳор ойини “улув ой” ёки “умид ойи” деб атаганлар. Бу даврда улар наврӯзи оламни нишонлашган, шунингдек, оммавий сайил-томошалар ўтказишган. Қиши бўйи сўлим фасл - кўкламни орзиқиб кутган одамлар ям-яшил дала-қирлар бўйлаб чечаклар очилган кунларда сайилга чиқишиган.

Қашқадарёликлар баҳорнинг дастлабки биринчи ва иккинчи ойларини «аламжуй» дейдилар ва табиатдаги ҳамма ўсимлик, довдараҳтлар жадал ўсиш палласига кириб, гуллаётган бу даврда ёш болаларни боғ-рогларда, дов-дараҳтлар орасида, айниқса, катта дараҳтлар тагида ёлғиз қолдириш, ўт-ўланлар ичидаги ёлғиз ўйнаши ва ухлашига йўл кўймайдилар (Мирзаев Н., 1991, 11-бет).

Кўклам кунлари дала ишларининг бориши ҳақида гурунглашаштган кексалар суҳбатига қулоқ тутсангиз, “Хутда томмасин, ҳамалда тинмасин”, «Хутда ёғ бўлсаям томмасин, ҳамалда қон бўлсаям тинмасин» каби мақолларни кўп эшитасиз. Ҳамалдан аввалги ой - кутда ёмғир кўп ёғса, далаларда одатдагидан кўпроқ нам тўпланиб қолади, ер лой-балчиқка айланиб, дехқонларга кўп ташвиш келтиради. Ҳадеганда нами кўтарилавермаган далаларни ўз вақтида ҳайдаб экишга тайёрлай олмаган дехқоннинг юриш-туришида ҳаловат бўлади дейсизми! Ахир, «Бир кун бурун эксанг, ҳафта бурун ўрасан», деган нақл бор. Экиш мавсумини қўлдан бой беришининг

ҳосилга таъсирини яхши билган боболаримиз кўкламда қулагай обҳаво бўлишини орзу қилишган. Ҳамалда ҳамма ўсимликлар жонланниб, ўсишга киришади, яъни «амалга киради». Шунинг учун халқ мақолида «Ҳамал кирди – амал кирди» дейдилар. Ҳамалда ерга суқилган чўп ҳам кўкариб дараҳт бўлади. Бу ойда «Қочиб кетгунча сочиб кет» мақолига амал қилган дехқонлар баҳори экинларни экиш учун шошиладилар. Айниқса, донли экинлар уругини сепишида эҳтиёткор бўладилар: қалин қўкарған майса нимжон булиб ўсади ва камҳосил бўлади. Шу боис, тажрибакор дехқонлар «Қалин шош келтирас, сийрак бош келтирас» дейдилар («ЗЎФА». И nv. №1830, 6-7-бетлар. 1958 йилда Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғли ёзиб олган).

Ҳамал ёмғири, айниқса, кузги буғдойнинг “қони”. Ҳаво жўнашиб кетган баҳор кунлари тез-тез ёмғир ёғиб турса, лалмига экилган донли экинлар ривожи тезлашади. Ҳароратли офтоб остида кўклам оби ҳаётидан баҳра олиб бўй чўзган буғдойларнинг бошоқлари бўлиқ, дони йирик бўлади. Кўклам қурғоқ келса, буғдойзорлар барвақт ўсишдан тўхтайди, ҳосили ҳам бебарака бўлади. Шунинг учун “Ҳут билан ҳамал орасида ёмғир ёғса, сомонлар ҳам олтин бўлар” дейдилар. Ҳатто ҳамалда серёғин кунлар кўплиги учун уни “ҳамал йиғлоқи” деб ҳам атайдилар.

Ҳамалнинг охирида аксарият дала-қирларда, тоғларда лола қийғос очилади. Ана шу даврда дехқонлар баҳорикор ерларни шудгор қиласидилар. Лола очилган пайтда шудгор қилинган ерлардан ёзи билан нам кетмайди. Агарда баҳорикор дехқон ҳайдаган ерига мола бостириб қўйса, бундай ерларни «лола оби қилиб нам бостириш» дейдилар. Одатда «лола оби» қилинган ерга лалми қовун, тарвуз, кунгабоқар, тариқ, маккажӯҳори экилса, ёзи билан қопқора бўлиб авж қилиб кетаверади. Чунки ҳамалда ҳайдалган ердан кесак кўчмайди, тупроқ майин бўлади, сира нам кетмайди («ЗЎФА». И nv. №1830, 11-бет. 1958 йилда Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғли ёзиб олган).

Бу ойда тоғ ва тоғолди ҳудудларида яшовчи дехқонлар ўзаро сұхбатлашганда «терма қўчди» деган ибора кўп қўлланилади. Бу ҳодиса ўзбек фольклорида «Ҳамалда тоғ бағридан қўчар терма, Одам бўлсанг номардга сиринг берма» мисраларида ҳам ўз ифодасини топган. Маълумки, қиши бўйи ёққан қор тоғ тепасидаги чўққилар ва ўнгурларда тўпланади. Ҳут кириб, ҳаво исиши билан ана шу қорлар эрий бошлайди. Айниқса, ер тагидан иссиқ юргач, тўпланиб қолган қор уомлари яшин тезлигига тоғдан пастга қараб эниб тушади. Халқимиз ана шу табиий ҳодисани «терма қўчиши» деб атайди.

Ҳамал ёмғири дала-тузлардаги барча гиёхларни, ўт-ўланларни күкартиради. Шунинг учун халқ термаларида:

*Ердан гиёни күкартар,  
Ҳамалнинг ёмғир, жаласи,  
Бутун йўлларни яшнатар,  
Саврнинг гулу лоласи, - дейилади*

(«ЗЎФА». И nv. №1313).

Ҳамалдан кейин савр ойи киради. Савр – “хўқиз” демакдир. Фалакиётда иккинчи юлдуз буржидаги самовий жисмлар хўқизга ўхшаб кўрингани учун “савр” деб номланган. Қадимги сўғдлар йилнинг иккинчи ойини «xvarguz» деб атаганлар. Ҳозирги ҳисоб бўйича 21 апрелдан 21 майгacha давом этган бу ой номи «куёшга топиниш ойи» маъносини англатган (Фрейман А.А., 1959. – С.122).

«Савр ойи – давр ойи»дир. Бу ойда буғдойлар бошоқлади, момақалдироқ гумбурлаб, тез-тез ёмғир ёғиб туради. Қоракўл туманидаги Арабхона қишлоғида яшовчи 87 яшар Қаландар Хўжақулловнинг айтишича, кузги буғдой «Беш ойда бир қарич ўсдим, бир ойда беш қарич ўсдим» дер эмиш. Чунки ҳамалнинг охири-саврнинг бошига келиб кузги буғдой ривожи жадаллашиб кетади.

«Гулнор пари» достонида «Савр кирса кўчар дехқонлар боққа, Сулув қиз силкиллаб кирар чорбоққа» дея тасвирланганидек, савр ойида дехқонлар ўзларининг боғларига, дала ҳовлиларига, кўчиб ўтганлар. Зеро, қадимда ўзбек дехқонлари орасида эрта кўклам қунлари дала ҳовлига кўчиб чиқмоқчи бўлганда ўзлари танлаган жойга пичоқ суқиб белги қилиш ва бу жойни банд этиш учун бирор буғчани ташлаб келиш – «буғча ташлади» удуми мавжуд бўлган. Фольклор тўпловчи Исо Эрназар ўғли томонидан 1926-1927 йилларда Жиззах ва Самарқанд вилоятидан ёзил олинган этнографик материалларнинг гувоҳлик беришича, баҳор фасли бошланиб, далага чиқиладиган бўлганда халқ тақвимини биладиган одамлардан «юлдуз ўнгми, чап?» - деб юлдузнинг «ўнг» ёки «чап»-ини сўрашган: Агар у юлдузни «ўнг» деса, кўчиб чиқишиган, «чап» деса, юлдуз «ўнг» бўлгунига қадар кутиб туришган. Борди-ю, ўша сўраган куни юлдуз «ўнг» бўлмаса, ё танланган жой қулай бўлмаса, ё кўшниси бўлмаса, ё бирон зарур иш чиқиб қолганлиги сабабли шу кун кўчолмайдиган бўлса, оқсоқоллар: «шу бугун кўчмаққа ўнг эди, кўчмасангиз борадиган жойингизга бир нарсани ирим қилиб ташлаб келинг», - дейишган.

Шунда далага отланаётган дәхқон «юлдуз чап бұлиб қолмасин» деб бир бугча, ё бұлмаса, шунга үхшаган бирор рүзгор буюмини күлиға олиб йўлга тушган. Агар даласига күшни күчиб чиқсан бўлса, ҳалиги буғчани шунинг уйига ирим қилиб қўйиб келган. Далада күшни бўлмаса ва эрта-индин юлдуз чап бўлиб, кўчолмай қоладиган бўлса, ўзи кўчиб боришга мўлжаллаган жойга бир пичоқни суқиб, ё ташлаб келган.

Кўчаётганда эса от-аравага кўч-қуронини ортган дәхқон ўзи йўлга чиқишидан аввал дарвозасининг олдида кўчанинг икки тарафига ўт ёккан ва шунинг ўргасидан отини миниб ўтган («ЗЎФА». Инв.№9622. 1926-27 йилларда Самарқанд вилоятидан Эрназар ёзиб олган).

Дәхқонлар савр кириши билан дала ишларини қизитиб юборишиди. Саврнинг дастлабки кунлари кўпинча қурғоқ келади. Шу боис, дәхқонлар “Ҳамал ииғлоқ - савр қурғоқ” деб бамайлихотир экинтикин ишларини давом эттираверадилар. Ҳалқимиз орасида “Саврчинг саногида қишининг ёғини бор”, “Савр деган сонли қиши” деган мақоллар ҳам учраб туради.

Самарқанд вилояти дәхқонлари орасида «ойнинг боши, беши ва ўн бешидан қўрқ» деган нақл бор. Баъзи йиллари савр ойининг бошида бўлиб ўтадиган «шишайи савр» деган муддат ҳам анчайин совуқ ва ёғингарчилик билан ўтиши кузатилган (Нарзиқулов А., 1991, 20-бет).

Булунғурда эса саврнинг 7-8-куни «шиша совуқ» деб аталган бўлиб, бу кунлари баъзан ёш экин ва меваларни совуқ уриб кетади дейдилар. Саврда «саври шоли», пахта ва ҳ.к. олти ойлик экинларни экадилар. Бу ойда дәхқонлар ўз экинларини суғоришига киришадилар. Булунғурликлар орасида кўп кўлланиладиган «Чурчимомо гуллаганда қўшинингга айтмасдан экинингни суғор» деган мақол ҳам шундан далолат беради. Одатда саврда экинларни унчалик кўп суғормайдилар, чунки устидан ёмғир ёғиб, «хиналаб» қолади. Аммо зифирга қанча кўп сув қўйса, ҳосили шунча мўл бўлади. Ҳатто зифир тилидан айтилган «Қирқ марта суғорсанг қирқ йиллик қарзингдан қутқазаман» деган нақл ҳам бор.

Саврда тут пишиғи бошланади. Қашқадарёликлар орасида ҳалқ гақвимининг бу даври «баччахўрак» дейилади. Балхи тутлар оқара бошлаганини кўрган одамлар «тут баччахўрак бўлибди» дейдилар (Жўраев Б., 1977, 125-бет).

Саврнинг охирида ғалла экинлари бош олиб, донга тўлиша бошлийди. Тақвимнинг бу даврини Олот туманидаги Баҳринбаёт қиши-

ЛОГИ дәхқонлари «буғдой қокил ташлади» дейдилар. Агар даладаги буғдой ўралиб, қокилга үхшаб турган бұлса, ҳосил мүл бұлади деб бирорта жонлик сұядилар ва худойи қиласылар. Шұ қишлоқ дәхқонлари орасида қайд қилингандың «Савр — арна-буғдойингни қовур» деган мақол бу ойда мазкур экинларнинг дони нисбатан қотиб, ейишта яроқлы бўлиб қолишини англатади («ЗЎФА». И nv. №1827/17. 2005 йилда М. Пирматова ёзиг олган).

Халқ орасида «Савр деган сонли қиши, мен жавзонгдан қўрқаман» деган нақлга қўра, гоҳо саврда қор-ва совуқ ёмғир ёғиб, экинларга катта зарап етказғанлиги маълум. Аммо шундай бўлса-да, тажрибали боғбонлар саврдан кечиктиրмай ток очишга ҳаракат қиласылар. Чунки совуқ уради деб ток очиш кечиктирилса, токнинг селини тупроқ сўриб кўяди дейдилар. Натижада ток камҳосил бўлиб қоларкан. Шунинг учун саврнинг биринчи ҳафтасидан қолдирмай токни очадилар. Савр охирида ток гуллайди, шу боис миришкорлар ток гулламасдан хомток қилишга ҳаракат қиласылар. Чунки «Узум гуллаганда токнинг кундасидан илон ўтмасин» деган нақл бўйича, гуллаган ток қирқилса, ҳосили тўкилар экан. Бошқача қилиб айтганда, «Боғбон бўлсанг — хархор қил, дәхқон бўлсанг — шудеор қил» дейдилар («ЗЎФА». И nv. №1830, 22-23-бетлар. 1958 йилда Ҳазратқул Муҳаммадкул ўғли ёзиг олган).

Нуротанинг Қоракиса қишлоғилик Раҳматулла Юсуф ўғли ёзиг олган «Кўзибой майриқ» ҳисоби бўйича, савр ойига келиб кеча анча сурилади, бу кунларда дәхқонлар боғ очадилар. Баъзи йилларда савр аёзли келиб, токларни совуқ уриб кетади. Тўргинчи савр “тарра-тарра”нинг куни” дейилади. Дәхқонлар тарра-тарранинг келганини кўриб туриб ток очадилар. Тарра-тарра кўк рангли куш бўлиб, жарларда, тоғда юради. Жўхори қўриқловчилар бу қушнинг ўлигини ходага осиб кўядилар.

Ойномамизнинг учинчи ойи жавзо бўлиб, баҳор фасли ёз тўқсони билан алмашинадиган санага тўғри келади. Жавзо, фалакиёт илми талқининг кўра, ўн икки юлдуз буржидан учинчисининг номи бўлиб, “бир-бирига нисбатан яқин жойлашган Кастор ва Поллукс юлдузлари кўпинча эгизаклар” (Азизов С., 2004) тарзидан тасаввур қилинади.

Дәхқонлар жавзони “юзнинг усти” деб атайдилар. Бу ибора май ойининг охирларидан бошланадиган “юз ҳисоби” билан алоқадордир. “Юз ҳисоби”да дәхқонлар «Уч ойлик — кўкча бойлиқ» деган мақолни айтишган. Дәхқонлар «боғ эксанг уч йилда кўкаради, қовун

эксанг уч ойда, яъни 90-100 кунда пишади» деганлар. Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги Қалқон ота қишлоғида яшовчи Турсунмурод Аллабергановнинг айтишича дәҳқонлар «юзнинг ичидаги уч ойда пишадиган қовунни емаганинг бошини уриб ёр» деганлар (Муаллифнинг дала ёзувлари. 2004 йилда ёзиб олинган). Олот туманидаги Баҳринбаёт қишлоғида яшовчи Жумадурди Бегиевнинг айтишича, халқ орасида «Юз кун - узгин» деган мақол қўлланилиши ҳам «юз ҳисоби» билан боғлиқ. Чунки Олот туманининг табиий-икклимий шароитида гулоби қовун роппа-роса юз кун ичидаги пишиб етилади. Шунинг учун бу қовун навини экишда «юз ҳисоби» асосга олинади («ЗЎФА». И nv. № 1827/17. 2005 йилда М. Пирматова ёзиб олган).

Дәҳқонларнинг анъанавий ҳисоб-китобига кўра, “юз ҳисоби” “мезон ойи киришига юз кун қолди” деган маънони англатади. Масалан, жавзода «юз ҳисоби» олтмишга киргунга қадар, яъни июннинг охиригача оқ жўхори ва шоли экилади. Чунки бу экинларнинг пишиб етилиши учун камида олтмиш кун зарур. «Юз ҳисоби» дәҳқончилик қилиш учун қулай об-ҳаво сақланиб турадиган юз кунлик мавсум ҳисобланади. Кўклам ноқулай келиб, ерга сочилган уруг қатқалоқ таъсирида кўкаролмай қолса, бундай ерлар қайта ҳайдалиб, бошқатдан экин экилган. “Жавзода жўғдек экиш” иборасининг маъноси ҳам ана шунда. Экин экишда ҳар бир куннинг аҳамияти катта бўлиб, у ҳосил йиғиштираётганда яққол билинган. Айниқса, экинлар барқ уриб ўсаётган даврда ёғингарчилик бўлса экинга катта зарап етказади. Чунки дәҳқонларнинг айтишларича, намгарчилик ва ёмғирдан ёмон кўргулик йўқ. Шунинг учун бўлса керак, улар “Жавзода ёққан ёмғирдан илон ёққани яхши” деб нақл қилишган.

Жавзо ойи «дәҳқон ҳисоби» бўйича шоли, жўхори, макка каби экинларнинг ҳамалидир. Дәҳқонлар шоли экиш муддатини жийданнинг гуллаш мавсуми бошланишига қараб белгилайдилар. Шунинг учун ҳам «Шолини жийда гуллаганда эк» деган мақол яратилган. Жавзо билан саратон «кўк экин»лар қизғин утоқ қилинадиган давр ҳисобланади. Уруғидан кўпаймайдиган бегона ўтларни ер ҳайдаш пайтида тозалашга ҳаракат қилинади. Айниқса, ажриқларни ердан сугуриб олгач, аввал қуритиб сўнгра хашак фарамига кўшиб кўядилар. Чунки ажриқ куриб қолган бўлса-да, намга тегиши билан яна кўкариб кетиши хусусиятига эга. Нақл қилишларича, бир куни шолипоядан сугуриб ташланган ҳилол сувда «Вой ўлдим!» - деб оқиб келаётган экан, лайлак уясида ётган ажриқнинг унга кўзи тушиб:

- Ҳа, ҳилол, намунча войвойлайсан, қачон оқизилдинг? – деб сұрабди.

- Мени шу бугун үтаб оқизиши, - дебди ҳилол.

- Үлмаган бизнинг жонимиз, етти йил бўлди лайлак уядаману, ёнбошим ерга тегса яна кўкараман деб умид қилиб ётибман, - дебди ажриқ.

Шу ойда арпа пишиб етилганлиги учун булунғурлик ҳисобдонлар «Жавзонинг ўн еттисида сувнинг тагидаги арпа пишади» дейдилар («ЗЎФА». И nv. №1830, 24-бет. 1958 йилда Ҳазратқул Мұхаммадқул ўғли ёзиб олган).

Жавзода арпа, кузги буғдой каби донли экинлар пишиб етилганлиги учун, ўрим-ийим ишлари ҳам бошланади. Дәхқончилик амали ётидаги бу мавсум ҳақида «Жавзо – арпа, буғдойинги қавза» деган мақол яратилган («ЗЎФА». И nv. №1827/17. Олот туманидаги Баҳринбаёт қишлоғида яшовчи 74 яшар Жумадурди Бегиевдан 2005 йилда М. Пирматова ёзиб олган). Бу мақол матнидаги «қавза» сўзи чошдаги донни чўп-чорлардан тозалаш, яъни қавзаш маъносида қўлланилган.

Қоракўллик дәхқонлар ўрилган буғдойни бирор тақир жойга уюб қўйишган ва уч-тўртта эшакни галаговга қўшиб буғдой янчганлар. Жониворлар гарамнинг ўртасига ўрнатилган ёғоч атрофидан айланётганда дәхқон қўлидаги «ёвок» - паншахаси билан буғдойни ағдариб турган. «Оёқ дўгмас, ёвок дўгар» (яъни «Оёқ янчмас, паншаха янчар») дейди тажрибали дәхқонлар. Ёрдамга келган қўни-қўшнилар «Хирмонга барака!» ёки «Чошга барака!» деса, бундан курсанд бўлган дәхқон «Умрингизга барака!» - деб жавоб қайтарган.

Баъзи қишлоқларда эса жавзони “етти сариқ” деб ҳам атайдилар. Бунинг маъноси шуки, жавзо ойида тут, ўрик, олма, гилос каби мевалар, буғдой, арпа, тариқ сингари донли экинлар, турли сабзавотлар пишиб етилади. Шу маънода жавзода тўқин-сочинлик, пишиқчилик мавсуми бошланади.

**Саратон** ёз тўқсонининг биринчи ойи бўлиб, 21 июндан 21 июлгача давом этади. Кўкдаги ўн икки буржнинг тўртинчиси – Саратон “қисқичбақа” деган маънони англатади. Бу ой ичидагинлар парваришига эътибор кучаяди. Бутун саратон экинларнинг амали ҳисобланади. Бу ойда жавзодан қолган уч ойлик экинлар экилади. Лекин гоҳида уругликни қурт-кумурсқа еб кетади. Баъзан бутун ангор(экин майдони)ни тозалаб ташлайди. “Саратонда сара экиш, қолаверса, тариқ экиш”, деган гап ҳам бор. Саратоннинг охирига қадар экилган жўхориларнинг ҳам дони пишиб улгуради.

Деҳқон “юз ҳисоби” тугагунга қадар үзига зарур экинларни экиб улгuriшга интилади. Қимматли дамларни үтказиб юбориб, экиш мавсумини қўлдан бой берган кишилар “ер қуруқ турғандан кўра ҳеч бўлмаса мол ўтию, товуқ дони бўлади-ку”, деб ерларига тариқ экишади. Деҳқонлар тариқ экканда уруғликни имкони борича қалин сепадилар. Халқ орасида «*Тариқни этикнинг михига менгзаб сен*» деган нақл ҳам бор. Бу ойда булунғурлик деҳқонлар үз экинларини «**саратон суви**» деб аталган машҳур сув билан кечалатиб сугоришга ҳаракат қиласидилар. Чунки бу сув экинлар ҳамалини олдинга олади, яъни пишишини тезлатади дейдилар. Саратонда экилган тариқ қийғирак (яъни сумбула)да дон олади, қийғиракда эса чумчук дурмак бўлиб қолган бўлади, яъни тариқ донининг қаттиқ пўстини ечолмайди.

Тажрибакор деҳқонлар «*Саратонда чигиртка ўтиради*» дейдилар. Чунки жавзода экинларни чигиртка еса, саратон ойи дохил бўлиши билан бу хавф йўқолади, чунки чигиртка «*ўтириб қолади*», яъни уруғ қўяди ва уруғ қўйган чигиртканинг үзи эса ўлади. Саратон ойининг яна бир үзига хос белгиси, бу ойда жизилловуқ чиқади («**ЗЎҒА**». И nv. №1830, 24-бет. 1958 йилда Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғли ёзиг олган).

Нуротанинг Қоракиса қишлоғилик ҳисобдонлар талқини бўйича, саратоннинг 17-сидан 22-сигача “**иссиқ сув**” дейилади. Шу кунларда полиз ва боғ сугорилса, экин ва дараҳтлар сўлиб қолади. Полизчи деҳқонлар “иссиқ сув”дан парҳез қиласидилар. Халқ орасида азалдан қўлланилиб келинган «тошув ҳисоби» номли тақвимга асосан Зарафшон дарёсининг тўртинчи тошиши “*гармоб*” ёки “*иссиқ сув*” дейилган. Иссик сув саратон ойининг 17-куни (9 июль) бошланган. Гармоб келиши муддатини деҳқонлар янтоқнинг гуллаши ёки узум пишиғига қараб аниқлаганлар. Одатда “иссиқ сув” 17 кун давом этган, аммо буҳоролик деҳқонлар бунга яна беш кун қўшиб, “иссиқ сув” ни 22 кунга етказганлар. Ана шу қўшимча беш кунни ҳисобдонлар “*иссиқ сувнинг оқоваси*”, “*оби талаш*”, “*талаш суви*”, “*жанжалли сув*” деб юритганлар. “**Иссик сув**” даладаги ҳосилнинг пишиб етилишини таъминлаган (*Бу ҳақда қаранг: Мухамеджанов А., 1978. - С.119-122*).

Буҳоро вилоятининг Когон туманидаги Гулистон жамоа хўжалиги деҳқонлари ёзда «*иссиқ сув*»дан кейин келадиган муддатни «**аччиқ сув**» деб атайдилар. Бу даврда келган сув билан сугорилган экинлар куриб қолгани учун шу атама келиб чиқсан дейдилар.

Саратонни “ёз чилласи” деб ҳам атаймиз. “Чилла” ёз ва қиш тұқсонастарының әртүрлілігін сипаттауда көрсеткіш болады. Салтанаттың қызығынан шығып шындықтың қызығынан шығып жүргізу мүмкін. Салтанаттың қызығынан шығып шындықтың қызығынан шығып жүргізу мүмкін. Салтанаттың қызығынан шығып шындықтың қызығынан шығып жүргізу мүмкін. Салтанаттың қызығынан шығып шындықтың қызығынан шығып жүргізу мүмкін.

Жанубий Қозогистоннинг Тулкибош қишлоғида яшовчи ўзбеклар шевасида ёз чилласида куннинг әртүрлілігін сипаттауда көрсеткіш болады (Мухаммаджонов К., 1988, 17-бет).

Бухоро вилоятининг Олот туманинде Бахринбаёт қишлоғида яшовчи 74 яшар Жумадурди Бегиевнинг айтишича, деңгөнлар ёз чилласини «совуқ сув» ва «иссиқ сув» деб аталған иккі қысмга бүлділар. Ер совуқ сувга қондириб сугорилгач, экин экисе серхосил бүлади дейдилар («ЗЎФА». Изв.№1827/8. 2005 йилда М.Пирматова ёзигінде олган).

Ёз тұқсонастарының әртүрлілігін сипаттауда асад ойи дохил бүлади. Фалакиёт илмиға күра, ўн иккі бурждан бешинчесининг күріниши шер шаклида тасаввур қилинген ва унга “асад”, яъни “шер” номини берілген. Күш асад буржига ўтганда деңгөнлар тақвиміда асад ойи бошланады. «Асад кирған кун осмондаги айиқ, яъни Етти қароқчи юлдузи ағдарилиб ухласа, ёз иссиқ келар эмиш. Саратоннинг 10-идан асад-гача “Туз куни” ва “Кумга тушиш” вақти бүлади», - дейді Раҳматулла Юсуф ўғли. Чиндан ҳам, анъянага күра саратон ойида, ёз чилласида одамлар дарддан халос бүлиш учун эски туз конларига бориб, тузга кирадилар. Халқ орасида күм ва тузга кириш муддати-ни белгиловчи тақвимий ҳисоб ҳам мавжуд бүлганды.

Халқ орасида «Асадда оралаб е, сумбулада саралаб» деган мақол бор. Бу мақол асад ойида боғ-роғларда пишиқчилик бошланғанлыгини англағады. Миришкорлар довул қоқиши, палахмон отиш орқали ўз боғларидаги узумларни, ғалла экинларини чумчук, зарғалдоқ, майна, чуғурчук ва бошқа күшлардан құриқлаганлар. Ана шу жараён билан боғлиқ ҳолда «Хой гала» ёки «Күриқчилик даъватлари» деб аталған құшиқтар келиб чиққан. Хассос олима М.Алавия томонидан Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманинде Енариқ

қишлоғида яшовчи Султоной Қосимовадан ёзіб олинган қуидаги күшиқ донли әқинларни құриқлаш өткізу үшін:

*Сарғалдоқ саріғ-о,  
Еганиң ботмон таріғ-о,  
Кетінгеда югурға-югурға,  
Бұлдым ариғ-о!  
Гала ўлсін-о,  
Омбор-ғалладонларга,  
Донлар тұлсін-о,  
Гала чумчук-чумчуғ-о,  
Бурнинг пучук-пучуғ-о,  
Узумларни чүқилаб,*

*Кілдинг учіқ-учиғ-о! (Алавия М., 1974, 121-бет).*

Булунғурлық деңқонлар «Асад, магарам шолғом расад» мақолига амал қилиб, асаднинг аввалида шолғом экса бұлади деб ҳисоблайдилар. Богбонлар тилидеги «Асад – ангур расад» мақолидан маълум бұладики, бу ойда узумлар фарқ пишиб етилади. «Янтоқ гулласа, чилги пишади» деган нақл ҳам бор. Чунки асад кириши билан янтоқтар гуллаб, устида асаларилар ружғон үйнай бошлайды. Шу даврда булунғурда «доройи» деб аталған узум пишади. Буни күрган деңқонлар «Доройи ола бұлди, сув бало бұлди» дейдилар. Чунки қадимда доройи пиша бошлаши билан Зарафшон дарёсининг суви күтарилиб, тошув мавсуми бошланған («ЗҮФА». И nv. №1830, 27-бет. 1958 йилда Ҳазратқұл Мұхаммадқұл ўғли ёзіб олған).

Июлнинг охиридан бошлаб қүёш беҳад қиздирали. Айниқса, ғұза тез-тез сувталаб бұлиб туради. Асад ойида бажариладиган дала юмушлари ҳақида гап кетса, бир пахтакор иккінчисига: “Хозир айни ғұзалар ҳосил тугадиган пайт, “асад – ғұзанғы ясат”, деса, бошқаси “Биродар, ҳозир ҳавонинг дами қайтиб турибди, ғұзани қондириб суормаса, у гулини түкиб юборади, ахир, “асад суви - асал суви” деб бежиз айтмаган. Экиндан бұшаган ерларни күрган отахонлар “Асад кирди, ётма тек, макка билан шолғом эк” дейишган.

Асаддан кейинги сүмбула ойи ҳозирғи ҳисоб бүйіча 21 августдан бошланади ва 22 сентябрғача давом этади. Сүмбула юлдуз буржларидан олтінчисининг номи бұлиб, “бошоқ” деган маънени англатади.

“Сүмбулада сув совийиді” деган мақолни эшитгандирсиз? Айрим жойларда әса “Сүмбула түшганини сув билар” дейдилар. Бунинг бо-

иси шуки, ёз түқсони охирида, чилла тугаши билан, ўлкамизда фасллар алмашади, ариқ ва дарёлардаги сув ҳарорати пасаяди. Ёз кечаси аста-секин узаяди, тунлар салқын тушади. Энди ташқарида, ҳовлида ётиб ухлаш мумкин бўлмай қолади: ярим кечаси ҳаво бирдан совуиди. Шунинг учун одамлар уйда ётадилар. “Сумбулада сунуб кир” деган гап шундан қолган.

Ҳазратқул Мұхаммадқул ўғлининг айтишича, булунғурлик ҳисобдонлар сумбула ойини иккига бўлиб ҳисоблайдилар. Бу ойнинг дастлабки 17 куни «сумбула» деб аталса, қолган 14 куни «қийғирак» дейилади. Яъни сумбуланинг ўн еттисидан бошлаб биринчи мезонгача «қийғирак» ҳисобланади. Мазкур муддатнинг «қийғирак» деб аталашига сабаб, шу вақтда тўполон, қуюнли шамол билан олғир қушлар, шу жумладан, қирғий деган қуш тоғдан болаларини учирма қилиб пастга тушади ва овга ўргата бошлайди. Шунинг учун ҳам бу вақтда чумчуклар экинларни ейолмасдан, ҳуркак, дурмак бўлиб қолади. «Қийғиракнинг бошида дондагиси пишади, куз яхши келса қиндагисиям пишади», «Қийғиракда қинда, ё донда» дейдилар. Қийғирак ўн бир ойлик кузги буғдойнинг ҳамали ҳисобланади.

«Қирғиракда етти сариқ пишади» мақолига кўра, бу даврда халқ орасида «етти сариқ» дея тавсифланадиган буғдой, арпа, тарик, ўриқ, анжир, жийда ва беҳи пишиш мавсуми ўз ниҳоясига етган (**Шомақсадов Ш., Шораҳмедов Ш., 1987, 328-329-бетлар**).

Дехқонлар орасида бу давр билан боғлиқ «Қийғиракда қирқ том-гунча, мезонда бир томсин» деган мақол ишлатилади. Чунки қийғиракда ёққан ёғингарчилик қишига ғамлаб қўйилган мол ўти – емишларни чиритади, донли экинларнинг янчилиши қийинлашади («ЗЎФА». И nv. № 1830, 28-бет. 1958 йилда Ҳазратқул Мұхаммадқул ўғли ёзиб олган).

Нуротанинг Қоракиса қишлоғи ҳисобдонлари орасида машхур бўлган «Қўзибой майриқ ҳисоби»га кўра эса, 15-сумбула “**қирғияк куни**” дейилади. Бу кунда ҳам совуқдан хатар етиши эҳтимоли бор. Чунки баъзи йиллар сумбулада полиз экинларини совуқ урган. Қирғияк куни қирғий келади. Ундан кейин чумчуклар галалашиб учолмайдилар. Тарик, жўхори қўрувчиларнинг меҳнати енгиллашади. 5-сумбуладан кейин “**жўхори балиқ кўзи бўлган вақт**” дейилади. Бу кунларда ҳам 1-2 кун қумга тушиш мумкин дейдилар.

Хингов водийиси тожиклари тақвимида ҳам сумбула ойининг 17-21 кунлари «қирғияк» деб аталади. Бундан ташқари, тожик ҳисоб-

донлари талқинича, сумбулада ўзининг серёғин ва аёзли кечиши билан ажралиб турадиган ҳар бири етти кунлик «ғазак» ва «амуд» деган муддатлар ҳам бор (**Рахимов М.Р.**, 1957. – С.156).

«Қирғияқ»да ҳаво совуқ келиши ўзбек халқ қўшиқларида ҳам ўз ифодасини топган:

*Қишинг боши қирғияқ, уч ой тўқсон,*

*Сувнинг музи сўлқиллар болта суқсам («Оқ олма, қизил олма», 183-бет).*

Бухоро вилоятининг Когон туманидаги Гулистон жамоа хўжалиги деҳқонлари тақвимига кўра, кузда «қирғияқ», «якчума» каби муддатлар бўлиб ўтади.

Турмуш тарзи чорвачилик билан бевосита боғлиқ бўлган айрим туркий халқлар, масалан, қозоқлар тақвимида “қирғияқ” деган ой бор бўлиб, бу сентябрга тўгри келади. X. Абишевнинг фикрича, “қирғияқ” лексемаси қирғий ва куйек сўзларининг қўшилишидан ясалган. Чунки бу ойда қирғий учиб келади. Қўчкорларни қўйга қўшиш муддати яқинлашганлиги учун уларнинг белига маҳсус мослама – «куйек» болграб қўйилади (**Қаранг: Абишев X.**, 1949. – С.10).

Мезон 21 сентябрдан 21 октябрга қадар давом этиб, деҳқончилик учун энг масъулиятли даврлардан бири ҳисобланади. Ҳавода оқ ипсимон нарсалар – мизонларнинг уча бошлаши мезон ойи кирганлигининг аломати деб қаралади. Бу пайтда теварак-атрофда оппоқ толалар учиб юради. Бойсунликлар буни “**мизом**” дейдилар ва ана шу мизомнинг йўғон ёки ингичкалигига қараб туриб қишининг қандай келишини таҳмин қиласидар. Бойсун туманининг Назари қишлоғида яшовчи 1949 йилда тугилган Ризо Исаевнинг айтишича, «**мизом**» баланд учса, қиши каттиқ келади, паст учса енгил келади. Мизомнинг олди йўғон бўлса, қишининг боши қаттиқ келиб, охири енгил бўлади. Агар тескари бўлса, қиши об-ҳавоси ҳам ўнга мос бўлади.

Халқ орасида «мизом» деб аталувчи ипсимон нарсалар аслида ўргимчакларнинг или бўлиб, Р.Олимжоновнинг ёзишича, «эрта кузнинг курсоқчил ва иссиқ пайтларида ўргимчакларнинг тухумларидан жуда кўп ёш ўргимчаклар чиқади. Буларнинг ҳаммасига бир жойдаги озиқ етишмаслиги сабабли бу ёш ўргимчаклар ўзларидан ип чиқариб турли томонларга учиб тарқаладилар» (**Олимжонов Р.**, 1958, 39-бет).

“Сумбулада сув совийди, мизонда күн совийди”, “Тарозида тонг совийди, мизонда күн” каби мақоллар ҳам тақвимнинг бу даври об-ҳавосидаги ўзгаришлар борасида маълумот беради. Дәхқон йил бўйи пешона тери тўкиб етиштирган ҳосилини нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олишга ҳаракат қиласди. Бу ойдан «куз тўқсони» бошлини, дараҳтлар барги сарғайиб, аста-секин тўкилишга киришади. Боғларда ва тутзорларда, ишкомлар остида ҳар куни эрталаб анчамунча хазон тўпланиб қолади. Қишидан дарак берувчи совуқ шамоллар бошланиши билан кексалар “Мизондан сўнг ёз бўлмас, на-врўздан сўнг қиши бўлмас” дейишади.

Мезонда экинларнинг пишиши жуда тезлашади, ҳатто ёш кичкина қовунларнинг ҳам таъми яхши бўлиб қолади. Буни булуңгурликлар **«мезон туйнак»** дейдилар. Ҳисобдонлар мезон ойини ҳам иккига бўладилар: ойнинг дастлабки 17 куни **«мезон»** деб, қолган 13 куни эса **«туро»** деб аталади. Дәхқонлар мезонда ёқсан ёмғирни фойдали деб биладилар, чунки қиши юмшоқ келади деб таъбирланади. Бундан ташқари, мезоннинг ёмғири теккан қорақурт чақолмайди дейдилар.

Мезон шамолини еб пишган қовун-тарвузлар жуда мазали бўлади, мева-сабзавотлар ҳам қиши билан яхши сақланади. Миришкорлар бу даврда палакдан узиб олинган ҳамакларниям мезон шамоли ва офтобини еб пишсин учун томдаги пичан устига ёзиб қўядилар. Ҳатто ернинг остида яшайдиган ҳашаротлар, жондорлар ҳам мезоннинг офтобига ўзини ёймаса, қишида чириб кетар эмиш.

Хоразмда қовуннинг пишгану хомига қарамай тамоман палаги билан йигиб олиб том тепасига чиқариб қўйилишини **«лош этмак»** дейдилар.

Булуңгурлик ҳисобдонлар тақвимига кўра, 5 октябрдан – 18 октябргача бўлган 13 кунлик муддат **«туро»** дейилади. Бундай дейилишига сабаб, мезоннинг ўн еттисидан кейин совуқ тушиб экинларни уриб кетади, урмасаям кечалар анча узайгани боис шабнам тушиб сабзавотдан бошқа экинларнинг наф олиши тўхтаб қолади. **«Саксон кунда сабоқ, тўқсон кунда табоқ»** деган мақол ҳам камида гурогача 80 кунни ҳисоблаб экилган экин ниқ бўлиб пишмасаям, ўз ўрнини олишини англатади. Масалан, асад 31 кун, сумбула 31 кун, мезоннинг ўн еттиси билан, ярим кун саратондан, ярим кун гуродан олиб ҳисоблаганда 80 кун бўлади. «Ховос ҳисоби» билан эса бу муддат 86 кунгача боради (**«ЗЎФА»**. Инв.№1830, 29-бет. 1958 йилда Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғли ёзиб олган). Этнограф М.Р. Ра-

ҳимовнинг ёзишича, Хингов дарёси соҳилида, Дорвозд тоғлари этакларидаги яшовчи тожик деҳқонлари ҳисобича, октябрнинг 17-числосидан «дүкак» деб аталган давр бошланади. Юлдуз номи билан аталувчи бу икки кунлик муддат совуқ бўлиши билан характерланади (**Рахимов М.Р.**, 1957. – С.156).

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги Батош қишлоғида куз фаслининг мезондан кейин келадиган ойи **тура** деб аталади (**Жӯраев Б.**, 1974, 151-бет). Раҳматулла Юсуф ўғли ёзиг олган «Кўзибой майриқ ҳисоби» ча ҳам 15-мезонда **тира** киради. Шундан кейин ҳеч қандай экин ўсмайди. Ўссаям тикка эмас, балки қиясига ўсади, шолғом энига янада катталашади. Бинобарин, “**тира**” атамаси шеваларимизда куз фасли маъносига қўлланилувчи “тирамо” сўзига ўзакдош бўлиб, аслида Ўрта Осиё ҳалқларининг қадимги тақвимидаги ой номларидан бири – “Тирмоҳ” атамасидан олинган. Қадимги хоразмилклар тақвимига кўра, Тирмоҳ - кузнинг биринчи куни. Бу ҳақда Абу Райхон Беруний “Фарвардин моҳ (йилнинг биринчи ойи) ёзниң бошланиш муддати, Тирмоҳ (4-ой) кузнинг бошланиш вақтидир”, - деб ёзган (**Беруни**, 1957. - С.223).

Миришкор полизчилар орасида “*Мезон шамолини еган мевалар мазали бўлади*” деган нақл юради (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. Навоийлик Тошева Назокатдан 2004 йилда ёзиг олинган). Бу ойда кузги мевалар ва полиз маҳсулотлари мезон шамолини еб, ошқовоқ, қовун, тарвуз ширин бўлиб пишади. Навбаҳор туманидаги Қалқон ота қишлоғида яшовчи Аллаберганов Турсунмурод отанинг айтишича, мизонда «декон ҳисоби» бўйича экилган экинларнинг бироргасиям пишмай қолмайди. Мизон шамолини еб пишган меваларга “*мизом туйнак*” дейдилар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 2004 йилда ёзиг олинган). Мизон кириши билан ариқларда оқаётган лойқа сув тинади (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. Навоийлик Музаффарова Ферузадан 2004 йилда ёзиг олинган).

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида «**мизом**»нинг ўнини ўтқазиб, ер нам олгандан кейин тромойи олма ва қищда турадиган узумларни узишади (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. Бойсун шаҳридағи Ариқ усти маҳалласида яшовчи 93 яшар Умбар бобо Ҳўжамовдан 2003 йил 24 октябрда ёзиг олинган).

Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Шерқишлоқ маҳалласида яшовчи 79 яшар Дурди Чўллиевнинг айтишича, дараҳтлар баргини совуқ урган пайтга «**мезони ҳазон**» дейдилар. Бу даврда дов-дараҳтлар барги сарғайиб, ҳар куни барг ташлайди. Шунинг учун ҳисоб-

донлар «Мезон – ҳар куни хазон» деган нақдни келтирадилар («ЗУФА». И nv. № 1827/9, 14. 2005 йилда М. Пирматова ёзib олган). Ариқларда, томорқаларга сув борадиган жүяклар ичида, ишкомлар остида, тутзорларда ҳар тонг офтоб күтарилиши билан барглар дув-дув түкилади. Одамлар шибирткі ёки паншаха билан у ер-бу ерда түпланиб қолған хазонларни йиғиштириб офтоб тушиб туратын айвон ёки бостирма тагига ёйиб күйиб куритадилар. Сүнгра обдон куриган хазонлар оғилхона бурчагига уюб ташланади. Бу мазали озуқа қишиқировли кунларда молларга жуда асқотади. Одатда қишлоға фамланған беда ва бошқа хашаклардан аввал хазон едирилади. Шунинг учун «Мезон – кунда хазон» мақоли келиб чиққан.

Бойсун туманининг Ариқусти маҳалласида яшовчи Умбар бобо Хұжамов мезондаги хазонрезилик ҳақида шундай дейди: «тажрибакорлар “даражат бошидан сарғайса, қиши қаттық келади” деб таъбирлайдилар. Қараб турибман, бу йил дараҳтнинг бошидан сарғайиб жұнған. Ҳалигина қаср-кусур бұлды. Яқинда Бойсунга ҳам қасир-кусур қилиб бир ёғиб үтди. Бир хил тажрибакорлар айтады, “агар тоқда қасирдаса, ҳеч нима бұлмайди. Ё олдидан, ё кейніда бир аломат бўлади. Бир-икки қасрдаса кун иссиқ келади”. Мен ўш пайтимда ана шунақанги қиши яқын қолған вақтда ҳаво қасрдагандан кейин кун ёзилиб кетиб, даштдан куриган таппи ҳам териб келғанмиз. Тажрибакорлар “түя әзиз түгса ҳам қиши илиқ келади” дейдилар».

Бухоро вилоятининг Қоракүл туманинаги Осиё қишлоғида кузги момақалдироқ гумбурлаганини эшитган деҳқонлар «Ана, қишини уриб кетди, энди союқ бўлмайди» деб таъбир қиласидар.

Бойсун шаҳридаги Күктепа маҳалласида истиқомат қилувчи 1912 йилда туғилған Холиқ бува Раҳмонов “Биз томонларда қишининг қандай келишини дараҳт баргининг сарғайышыға қараб аниқлайдилар. Агар дараҳтларнинг япроқлари тепадан сарғая бошласа, демек қиши товдан бўлади. Мободо дараҳтларнинг барглари пастдан қовжираи бошладими, биламизки, қиши чўлдан бўлади. Кузда баъзан ерга чодир тушади. Майдагина бир қурт бўлади, ҳар ер-ҳар ерга оппоқ чодир ташлайди. Яъни тортанак ерга тўрлайди. Ер оппоқ бўлиб қолади. Ер бетини, чукурчаларни қоплаган оқ чодирчаларнинг ичида “паланг қурт” деган сариқ, ола қурт бўлади. Агар мезон охирида ер бетида ана шундай тортанак чодирлари кўпайса, қишимиз мазза қилмайди, яъни қиши союқ келмайди. Ёнгичилик кам бўлади», - дейди.

Бундан сўнг **ақраб** ойи киради. Ақраб арабча “чаён” демакдир. Ақрабда оқ жўхори ўриб олинади. «Ақраб – жўхори пишар қақраб»

мақолида ҳам шунга ишора қилинган. “Ақраб -экинлар келар қақраб”, «Ақраб – ёвонлар келар қақраб» каби мақоллар ҳам бор. Булунғурлик ҳисобдонлар орасида машхур бўлган «Тўққиз ойлик тўйғазади, етти ойлик етказади» мақоли бўйича ақраб 9 ойлик кузги буғдойнинг экиш ҳамали ҳисобланади. Деҳқонлар ақрабда кузги буғдойни майсалатиб “панжа урдириш” учун шошиладилар. Қоракӯл туманинг Тангачар қишлоғида буғдой экаётган деҳқон ёнига боргандада «Тухум боши илари (юқори)!» дейилади. Деҳқон эса бунга жавобан «Айтганингиз келсин!» дейди.

Богонларнинг ҳам юмуши кўпаяди: токларни буташ, хомток қилиш, кўмиш каби ишлар бажарилади. Бу ойда деярли барча экинларни, дов-дараҳтлар баргини совуқ уриб кетади. Чунки бу ойда кузнинг энг совуқ даври бошланади, шу сабабли “Ақраб келар айқириб, совуқларни чақириб” дейишади. Ақраб барги ҳазон даври саналади. Тажрибакорлар дараҳт бошидан ҳазон бўлса, қишининг боши қаттиқ бўлади, пастдан барг ташласа қишининг охири қаттиқ келади деб таъбирлайдилар.

Булунғурлик ҳисобдонлар ақрабнинг 17-18-кунларини «молиқ совуғи» деб атайдилар. Чунки ҳозирги ҳисоб бўйича 4-5 ноябрда сув музлайди, баъзан қор ёғади («ЗЎФА». И nv. №1830, 32-бет. 1958 йилда Ҳазратқўл Муҳаммадқўл ўғли ёзиб олган).

«Малиқ» атамаси Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Авлод қишлоғи «дўғаллари», яъни ҳисобдонлари амалиётида ҳам қўлланилади. Шу қишлоқлик 1933 йилда туғилган Турдивой aka Маматқуловнинг айтишича, «ақраб ойида уч кун малиқ бўлади, шу уч кун малиқ уч ойга сарфланади». 1933 йилда туғилган авлодлик ҳисобдон Ваҳоб Манноповнинг ҳикоя қилишича, «**малиқнинг** маъноси шуки, боболар тирамонинг уч куннинг об-ҳавосини соатма-соат кузатиб туриб, шунга қараб қишининг қандай келишини тахминлаганлар. «Малиқ» уч кун бўлиб, 27 октябрь малиқнинг биринчи куни, у 30 октябргача давом этади. Малиқнинг бир куни бир ойга нисбат беради. Ана шу уч кун уч ойга - катта чилла, кичик чилла, хутга сарфланади. Агар шу уч кун малиқда қўйлар ўёnlаса, яъни қўйлар куннинг иссигида калласини бир-бирининг кетига тиқиб турса, қишилгина дадилроқ келади деб таъбирлайдилар. Эски боболаримиз, қўй, эчки, молларнинг ҳолатига қараб малиқнинг қишига нисбатини белгилардилар. Масалан, малиқнинг ҳар бир куни шамол қайси тарафдан эсганини, шамолнинг кучини кузатадилар. Шамол эсиб совуқ бўладими, шамол булутларни

олиб келадими, шамолдан кейин ёғингарчилик бўладими, ана шуларнинг ҳисобини бир кунга оладилар. Шу бир кун ичидаги рўй берган аломатлар қиши об-ҳавосини белгилайди дейдилар. Шунинг учун боболар ақраб ойининг номини “малиқ” деб ҳам атар эдилар» (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 2003 йил, 27 октябрь).

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманинг Мачай қишлоғида туғилған Б.Умуркуловнинг айтишича, агар ақрабнинг бошида қор ёғса, «*Қиши бола ташлади*» дейдилар.

Н.Ликошиннинг ёзишича, биринчи қор ёққандаги аёллар **«Қор ёғди»** маросимини ўтказганлар. Ўтган йил биринчи қор ёққан вақтда яқин қариндошларидан бирори ўлган оиласларда аёллар махсус ош пишириб, марҳум хотирасини эслаганлар ва «*Қор ёғди, сиз қайдасиз, келмадингиз*», - деб йифлаганлар (**Ликошин Н.**, 1893, №82).

Нуротанинг Қоракиса қишлоғи ҳисобдонлари орасида:

*Ақраб чаёндур – чақар,  
Қавс камондур – отар,  
Далв қовғасин тутар,  
Жадий бобонгдур – сўкар,*

*Хут наҳангдур – ютар*, - деган нақл бор бўлиб, унда «дехқон ҳисоби»га мансуб ойлар табиатининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, бу ойлар тўғрисидаги асотирий қарашлар ўз аксини топган.

Куз фаслининг якунловчи ойи **қавс** бўлиб, арабча бу сўзнинг лугавий маъноси “ёй, камалак” демакдир. У 21 ноябрдан 21 декабрга қадар давом этади. Дехқонлар қавс ойида экиндан бўшаган ерларни яхшилаб ўзудорлаб, келгуси мавсумга тайёрлай бошлайдилар. Ипакдай майин қилиб ҳайдалган далалар қиши бўйи оппоқ қор остида дам олади. Булунғурлик дехқонлар экинларни иккига, яъни **«օқ экин»** ва **«қўқ экин»**га бўладилар. «Оқ экин» деганда арпа ва буғдой назарда тутилади. Сабзавот, картошка, ёзда экиладиган тариқ, қўноқ, маккажӯҳори, оби қовун, тарвуз эса **«қўқ экин»** бўлиб, қиши билан совуқ уриб ётган обикор ерларга экилган **«қўқ экин»**ларнинг ҳосили мўл бўлади (**«ЗЎҒА»**. Инв.№1830, 3-4-бетлар. 1958 йилда Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғли ёзиб олган).

Булунғурлик ҳисобдонлар қавснинг дастлабки кунлари об-ҳавосига алоҳида диққат қиласидилар: агар қавснинг киришида икки кун сув музлаб турса 2 ой қиши, уч кун музлаб турса 3 ой қиши совуқ бўлади деб таъбирланади. Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғлининг айтишича, булунғурлик ҳисобдонларнинг **«Қавсни қишидан ажратолма-**

*дим, ҳутни баҳордан*» мақолига күра, қавснинг 15 куни (14-29-кунлари) қишига тобе бўлса, ҳутнинг ҳам 15 куни (1-15-кунлари) қишига дахлдор деб қаралади. Бу ҳисоб бўйича «обираҳмат» кунлари ҳут ойига киради. Айрим ҳисобдонлар эса қавснинг 17-кунидан бошлаб қишига тобе бўлади дейдилар. Бунга кўра З кунлик «обираҳмат» ҳамалга ўтиб кетади ва тақвим бўйича ҳар ойнинг 17-куни бир аломат бўлиб туради. Масалан, жавзонинг 17-сида арпа пишади; сумбуланинг 17-сида «қийғирак» киради; мезоннинг 17-сида «туро» бошланади; акрабнинг 17-сида «молик» дохил бўлади; қавснинг 17-сида «тўқсон» бошланади ва ҳ.к.

Қавснинг 15-куни (бошқа ҳисоб бўйича 17-куни)дан бошлаб «тўқсон» киради. Кексалар: “**тўқсон кирди**” ёки “**тўқсон туғди**” дейдилар. «Тўқсон» киришининг белгиси Ҳулкар юлдузининг ботиши бўлиб, бу даврда дараҳтлар «маст бўлиб қолади», совуқ урмайди.

Тўқсон кириши биланоқ аста-секин кунлар узая бошлайди. Чўпонлар тушки пайт таёқларини ерга қадаб қўйиб, унинг соясига қараб кун узайишини кузатиб борадилар. Шу боис, ҳалқимиз орасида “*Тўқсонда тўргай одимидаи, чиллада чил (қуш) одимидаи, қантарда қарға одимидаи, оқпонда от одимидаи кун узаяди*”, деган нақл бор. Тўқсон кирса, тўргай одимидаи кун узаяр» деган мақолга кўра бу ҳисоб киргандан кейинги 25 кун давомида кун узаяди. 25 кундан кейин «чилла» киргач, кун узайиши миқдорида ўзгариш рўй беради.

Баъзан йил яхши келса, қавсда саккиз ойлик буғдой экишган. Аммо қўпинча, экилган дон музлаб, кўкармай қолганлиги сабабли дехқонлар орасида «*Қавсда эккунча қовурмоч қил*» деган нақл ‘кенг оммалашган («ЗЎФА». Изв.№1830, 33-бет. 1958 йилда Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғли ёзиб олган).

Халқ орасида “*Қавсга етган буғдойни қовурмоч қилиб е*” деган мақол ҳам бор. Бунинг сабабини Бойсун шаҳридаги Ариқ усти маҳалласида истиқомат қилувчи 93 яшар Умбар бобо Ҳўжамов 2003 йил 24 октябрда шундай изоҳлади: «Хозир (яъни 24 октябрь) тукқан ойнинг ўн беши ақрабга, ўн беши қавсга тааллукли бўлади. Қавсда ер ҳайдамайдилар. Буғдой экмайдилар, чунки ерга нам тушгандан кейин уруғлик фалла шишиб, кўкариб, шишиниб қолади. Иссиқ бўлгандан кейин эса бу дон ниш уриб кўкармай даббалаб қолади».

Дехқончилик учун энг масъулиятли давр бўлган яхоб суви бериш мавсуми бошланади. Қишининг қорли-қировли кунлари бошланмай, ер музламасдан туриб далаларнинг шўрини ювиб, келгуси

йилга таҳт қилиб қўйган деҳқон янги йилни хотиржам қаршилайди. Деҳқонлар «қавс суви»да ҳикмат кўп деб биладилар. Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғлининг айтишича, қавсда токларни, дараҳтларни суғорса экинларга зарар етказувчи курт-кумурсқалар ўлади. Келгуси йил экин экиладиган ерларга «қавс суви» берганда сув камчил бўлсаям эрнинг нами кетмайдиган бўлади. Қавсда суғорилган ернинг тубигача сув етиб, «ёрнинг зеҳи очилади» ва натижада ёзда экинларни «гарм урмайди», ҳатто бундай ерлар келгуси йили ҳам «нам қусади». Аммо «қавс суви»ни бедага қўймайдилар, чунки йўнғичқани «қўтариб ташлайди». Яъни бедазорга қўйилган сув музлаб, йўнғичқани илдиз-пилдизи билан қисиб ердан чиқаради. Шунинг учун ҳисобдонлар «Йўнғичқани қуритмоқчи бўлсанг қавсда сув қўй» дейдилар («ЗЎФА». Инв.№1830, 33-34-бетлар. 1958 йилда Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғли ёзиб олган). Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Осиё қишлоғида яшовчи Саттор бува Аҳмедовнинг айтишича, «қавс суви ернинг қичигини олади», яъни ернинг шўри кетиб, ширин бўлади («ЗЎФА». Инв.№1827/14. 2005 йилда М.Пирматова ёзиб олган).

«Деҳқон ҳисоби» бўйича буржи ҳокий (қиши) жаддадан бошланади. Мунажжимлар ўнинчи бурждаги юлдузларнинг жойлашувини улоқчага ўхшатиб тасаввур қилишгани боис ўша бурж билан алоқадор ойга ҳам “жадда” номини беришган. Бинобарин, “жадда” сўзи арабча бўлиб, “улоқча” деган маънони англатади. Жадда 21 декабрдан 21 январгача давом этади.

Жаддада ер музлайди, сувлар совиб, қаттиқ музлама бошланади. Қишининг бошида қуруқ қор ёққани яхши бўлади, агар ёмғир ёғса емишлар, ўтин-чўплар чириб кетади. Буни яхши билган деҳқонлар «Жаддада ёмғир ёққани, йиғинга жала ёққани» дейдилар. Жаддада етти ойлик кузги буғдой экадилар. Бу буғдой қиши билан бўртмасдан, қор тагида ётади ва кўклам келиши билан серавж бўлиб униб чиқади. Шунинг учун ҳисобдонлар «Етти ойлик етказади» дейдилар («ЗЎФА». Инв.№1830, 37-бет. 1958 йилда Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғли ёзиб олган). Қор-қировли кунларда кузги буғдой эккан деҳқонлар қанча кўп қор ёғса шунчалик суюнадилар. Чунки қор - ернинг қони, қишида қанча кўп қор тўпланиб, ер намга тўйинса, кўкламда майсалар тез жонланиб, баравж бўлиб ўсади. Шунинг учун қор ёғаётганини кўрган деҳқон “Қор ёғди - дон ёғди”, деб хурсанд бўлади.

Деҳқонлар қишида ҳам айрим белгиларга қараб об-ҳаво ўзгаришларини олдиндан чамалаганлар. Масалан, қишида кечга томон

туман түшса - ҳаво исиб кетади, мўрилардан чиққан тутун кўкка ўрласа - қаттиқ совуқ тушади, кечаси ҳаво очиқ бўлишига қарамасдан ой қўтонлаб турса - бу яқин орада қаттиқ ёғингарчилик бўлишининг белгиси деб билганлар. Ахир “ой қўтонласа ойда ёғар, кун қўтонласа кунда ёғар” деб бежиз айтишмаган-да!

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида қишининг энг совуқ мавсумини «қора қиши», «қатқоқ қиши», «катта чилла», «кичик чилла» деб юритадилар. Зеро, човдир туркманлари ҳам қишини «гара гыш», «улы чилле», «кичи чилле» каби муддатларга ажратганлар (**Ниязкълычев К.**, 1973. – С.91).

Гўқсон ҳисоби йигирма бешга тўлгач, яъни жадданинг охирида қишининг энг совуқ палласи - чилла киради. Халқимиз қиши чилласини иккита йигирма кунлик муддатга - катта ва кичик чиллага бўлган. “Чилла” атамаси форс - тожик тилидаги “чил” (қирқ) сўзидан олинган бўлиб, ёз ва қиши фаслларининг энг иссиқ ва энг совуқ қирқ кунлик муддати атамасидир.

Айтишларича, ўз даврини ўтаб бўлаётган катта чилла сўнгги кунларининг бирида ўрнини кичик чиллага, яъни ўз укасига бўшатиб беради:

- Эсиз, қор бўронлари билан қаҳратон совуқни юбориб, бутун жонли-жонзотни қиши уясига қамаб қўйиб, бир масса қилмоқчи эдим, бўлмади-да! Одамлардан уялдим, юзим чидамади. Минг қилсаям, ёшим катта, “если-хусли бўла туриб, қилаётган ишини қаранг”, деб дашном беришларидан чўсидим. Сенинг йўрифинг бошқа, укажон! Ҳали ёшсан, айни кучга тўлган навқирон пайтинг. Бостириб совуқларингни қўйворавер, бешиқдаги боладан тортиб ўчоқдаги қумғон ичиди қайнаётган обжўшгача барини музлатмасанг, сендан рози эмасман. Ҳеч ким сендан ранжимайди ҳам. “Бу ҳали ёш бола, қўяверинглар, бир кунмас бир кун эси кириб қолади”, деб сенинг ишларингни ёшлик бебошликларига йўйишади. Энди ҳамма умидим сендан, бўш келма, укажон! - дер эмиш.

Кичик чилла ҳам:

- Хўп бўлади, - деганича енг шимариб ишга тушиб кетаркан. Лекин бола барибир бола-да! У тажрибасизлик қилиб, совуқ изфириналарни дам у тарафдан-дам бу тарафдан юборар, унинг орқасидан одамларни қорга тутиб, кўп ташвиш келтиаркан. Аммо гоҳ-гоҳ ўйинга берилиб кетиб, ўз ўрнини ташлаб кетиб қолар, ана шунда чилланинг шашти қайтиб совуқлари пасайиб қолар экан.

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Авлод қишлоғида яшовчи 1933 йилда туғилган Турдивой ака Маматқуловнинг айтишича, «кичик чилла “акамнинг жойида бўлсан, бияларни болайи чала қиласадим” (яъни “акамнинг ўрнида бўлганимда эди, совуқнинг зўридан бияларни бола ташлаттирадим”) дер эмиш».

XIX аср охирида В.П.Наливкин томонидан Тошкентдан ёзib олинган этнографик маълумотга кўра, кичик чилла катта чиллага қараганда совуқроқ кечса-да, кун узайганлиги сабабли аёз астасекин бўшашар экан. Айтишларича, кичик чилла «*Агар менинг ортимдан кўклам келмаганида биянинг қорнидаги қулунигача музлатар эдим*» дер эмиш (**Наливкин В.П.**, 1896. – С.22).

Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Каттабаёт қишлоғида яшовчи 80 яшар Зиёд бобо Олтиевнинг айтишича, катта чилла «*Варқ эттим, шарқ этдим, ўтдим*» дермиш. Кичик чилла эса «Чириллатаман» дер экан. Шу қишлоқлик 58 яшар Ойпара Муродовнинг айтишича, катта чилла «*Мен хўппайиб, хар-хур қилиб ўтдим*», дер экан. Қоракўл туманининг Бандбоши қишлоғида яшовчи 67 яшар Бобораҳмат Жумаевдан ёзib олинган халқ қарашига кўра, чиллада ерда қор эримаса, «*ер бўғоз бўлди*» дейишган. Бунда экинзорларнинг ҳосили баракали бўлар эмиш (**«ЗЎФА»**. И nv.№1827/8. 2005 йилда М.Пирматова ёзib олган).

Чилла билан боғлиқ бундай календарь мифлар бошқа туркий халқлар фольклорида ҳам қайд қилинган. Масалан, қўмиқлар тақвимича қишилласи «уллу чилле» ва «киччи чилле»га бўлиниади. «Киччи чилле», яъни кичик чилла ўйинқароқлиги туфайли қорлиқировли кунларни ўтказиб юборгандан кейин акасига қараб:

- Агар мен ҳам сиздай катта бўлганимда эди, кучимни бир кўрсатиб уч яшар ҳўқизнинг шохигача зирқиратардим, - дер эмиш (**Гаджиева С.Ш., Трофимова А.Г., Шихсаидов А.Р.**, 1964. – С.10).

Қашқадарё вилоятининг Филон, Қизил эмчак қишлоқларида яшовчи тожиклар тақвимида «кичик чилла» «**чилла хурд**» дейилади. Баъзан ана шу кичик чилла ҳақида сўз кетганда ахборотчилар «**бахман**» атамасини ҳам кўллайдилар (**Кисляков И.**, 1960. – С.89).

Катта чилланинг ўргасида, яъни 21 январда **далв** ойи дохил бўлади. Далв ўн биринчи буржнинг номи бўлиб, “кудуқдан сув оладиган чарм идиш, қовға” деган маъноларни англатади. Нурота туманидаги Қоракиса қишлоғи ҳисобдонлари талқинича, биринчи далвда “**қантар оғади**”. Одамлар “*Далвда қовғали сувини тўқмасин*”, яъни ёғингарчилик кўп бўлмасин дейдилар.

“Қантар” атамаси қадимий “чорва ҳисоби” билан боғлиқ бўлиб, озуқаси камайган чорвадорларнинг отларни қантариб қўйиши билан алоқадор. Зеро, чорвадорларнинг қишига фамлаган ем-хашакларини баҳоргача етказиш мақсадида тежаб-тергаб сарфлашлари “чорвани қантариб қўйиши” дейилган.

Қантар ҳисобига кўра иш юритган аждодларимиз қиши тўқсонининг ярми ўтгач, яъни февраль ойининг бошида (айрим манбаларга кўра 8 февралда) “қантар оғди” дейдилар. Бунинг маъноси шуки, қиши совуқларининг кўпини ўтиб, ози қолди, энди қиши кунлари камайиб, баҳор яқинлашди деганидир. Кунлар исий бошлагани боис қантар оғандан кейин ёқсан қор кўп туриб қолмайди. “Қантар оғса қозиқ бошида қор турмас” мақолида ҳам ана шунга ишора қилинган.

Нуротанинг олис Қоракиса қишлоғида яшаган зукко бахши Раҳматулла Йосуф ўғли ўз қўли билан ёзиб топширган «Райҳон араб» достонида қадимда урф бўлган бир одатни таърифлаб, шундай дейди: «Бурунгилар қишки мавсумда кирлаган кийимларини ечиб, тўплаб қўя берар эди. Кир кийимлар кўп бўлиб кетганидан кейин қишининг ярми ўтиб, қантар оққандан кейин аёллар булоқча чиқиб, тўпланган кир кийимларни ювар эди, кўклам чиққанидан кейин аёллар булоқча чиқиб иккинчи марта кир ювар эди» («Гўрғли достонлари», 109-бет).

1926 йилда Тошкентда туғилган Тоҳир Содиқовнинг айтишича, «қантар» астрономик тушунча бўлиб, аслида юлдузлар мажмуасининг номи. Бу юлдузлар ҳар йили икки марта, яъни баҳорда (март ойида) ва кузда (сентябрь ойида) гуж бўлиб қўринар экан.

Қоракўл туманининг Тангачар қишлоғида яшовчи 1932 йилда туғилган Шарофат Мурод Олим қизининг айтишича, февраль ойининг ўрталарида қиши бўйи ёқсан қорлар эриб, ердан буф кўтарила бошлайди. Ана шунда тажрибали деҳқонлар «Мана энди қантар оғди, ер бўғоз бўлди», - дейишар экан. Қантар оққандан кейин ер тагидан иссиқ чиқиб, қишида яхоб суви билан сугорилган ерлар «төвлаб», яъни тобига келиб, экиш мавсумига тайёр бўларкан. Шу туманинг Осиё қишлоғилик Саттор бува Аҳмедовнинг айтишича, 21 январда «қантар оғади». Қантар оғса, ерга чўғ юради, ўсимликларнинг илдизи сув тортади, кун орқага қайтади. Деҳқонлар ўз ерларига пиёз, картошка экадилар («ЗЎҒА». Инв.№1827/14. 2005 йилда М.Пирматова ёзиб олган).

Бойсун туманидаги Авлод қишлоғида яшовчи Турдивой ака Маматқұловнинг ҳикоя қилишича, «Бойсуннинг тоғида бир айқ бор, шу айқ уч ой ётади дейдилар. Тұксон күн ичидә қирқ беш күн бир томонига, қирқ беш күн иккінчи томонига ағдарилиб ухлар экан. Қирқ беш күнда у ёнбошидан бу ёнбошига бир ағдарилиди дейдилар. Шу ағдарилган вақтида бир вағ этса, қишиң мен келади, совуқ бүләди дейдилар. Бобайлар ана шу айқыннинг ағдарилишини “қантар оғди” деб атайдилар».

Үзбек фольклорида қантар билан боғлиқ мақоллар ҳам бор бўлиб, улар дәҳқонларимизнинг кўп йиллик ҳаётий тажрибалари ва кузагишлари асосида келиб чиққан. Маълумки, «қантар оққандан» кейин ер тагига иссиқлик югуриб, замин кўкламга тайёрлана бошлайди. Қорлар эриб, ердан буғ кўтарилаётганини кўрган дәҳқонлар қўклам яқинлашиб қолганлиги, демак, уруғликни саралаб, омоч-бўйинтурукларни тайёрлаб кўйиш кераклигини англашиб, шошилиб қоладилар. Кўшга қўшиладиган хўқизларнинг парвариши ҳам кучайтирилади. Қиши бўйи йиғилиб қолган гўнгни араваларга ортиб экин экиладиган далаларга ташийдилар. Шу боис, зукко боболаримиз «Қантар оғса қалт этар, дәҳқоннинг кўзи ялт этар» мақолини яратганлар. Халқ орасида бу мақолнинг «Қантар оғди қалт этди, бойнинг кўзи ялт этди» варианти ҳам бор. Чунки қадимда ер-суви кўп бўлган бойлар ҳам қантар оғиши билан қўклам тарааддудини бошлаб юборгандар: хизматкорлар ва чоракорларини ишлатиб, ерларига маҳаллий ўғит чиқаришган, янги мардикорларни ёллагандар.

Қиши бўйи туриб қолган қорнинг тинимсиз эрий бошлаши қантар оғишининг энг асосий белгиси деб қаралган. Қантардан кейин ёққан қор эса ерга «чўқмасдан», дарҳол эриб кетган. Дәҳқонлар қантар оққандан кейин қор ёғса ҳам чўчимаганлар, ер бағрига иссиқлик юргурганлиги боис бу қор тезда эришини яхши билишган. Шунинг учун «Қантар оғса, қозоқ бошида қор турмас» дейдилар.

Қишининг ўрталарига келиб кечалар аста-секин қисқариб, күн гобора узая бошлайди. Чиллада бу жараён, айниқса, тезлашади. Қантар оққандан кейин эса қўклам яқин қолганлиги боис күн узайиши авж олади. Шунинг учун ҳам дәҳқонлар «Қантарда қарға одимидаи күн узаяр» дейдилар.

Қозоқ этнографи Х.Абишевнинг фикрича, “қантар” атамаси “куннинг қантарилиши”, яъни “күн қисқаришининг тўхташи” маъносини билдиради. Чуваш тилида эса туш вақти “қантар” дейдилади (Абішев Х., 1960, 251-252-бетлар). Демак, “қантар”//“қанг-

тар” атамалари қүёшнинг осмон гумбазидаги ҳаракатини муттасил кузатиш асосида келиб чиқсан тақвимий тушунчадир.

«Қантар» ўзбек халқ тақвими билан алоқадор қадимий атамалардан бири бўлиб, ўлкамизнинг турли вилоятларида анъанавий вақт ҳисобининг муайян бир муддатини ифодаловчи тушунча маъносини англатар экан. Маълум бўлишича, «қантар» тушунчаси қадимги аждодларимизнинг осмон ёритқичларини муттасил кузатишга асосланган илк фалакий қарашлари замирида келиб чиқсан бўлиб, куннинг қантарилиши, яъни қисқаришдан тўхташ муддатини ифодалайди. Маълумки, кунчиқар тарафдан чиқсан қүёш осмоннинг ерга нисбатан жанубий шари бўйлаб ҳаракатланади ва қибла томонга ботади. Қуёшнинг осмон гумбазидаги энг баланд нуқтага кўтарилган вақти ёз фаслига, аниқроги, 22 июнга тўғри келади. Унинг қути томон бўйлаб ерга энг яқин келиши, яъни энг паст нутқада бўлиши эса 22 декабрда рўй беради. Ўша нуқта қуёшнинг уфққа энг яқин келган ҳолати ҳисобланади. Қуёшнинг осмон бўйлаб йўлидаги ўрта нуқтаси уфққа бундан яқин даражада пасаймайди. Ана шу табиий ҳодиса «қуёшнинг қантарилиши» деб ҳам юритилган. Қуёш билан уфқ орасидаги масофа максимал даражада қисқарган ана шу даврда кундузнинг қисқариши ва туннинг узайиши жараёни ҳам юқори нуқтага этади. «Қантар» билан боғлиқ халқ қарашлари аждодларимизнинг ушбу фалакий ҳодисаларни узоқ йиллар давомида узлуксиз кузатishi натижасида келиб чиқсан.

Этнограф М.С.Андреев томонидан 1927 йил 9 март куни тошкентлик Юсуф исмлик чолдан ёзиб олинган «дехқон ҳисоби» тақвимига кўра (Андреев М.С., 1959. – С.173), қиши фасли билан «ёз», яъни баҳор ораси 100 кунни ташкил этади. Бу муддат учун «тўқсон» ҳисоби асосга олинган бўлиб, қиши кириши билан 25 кун ўтгач «чилла» бошланади ва қирқ кундан кейин яна 25 кун «тўқсон»га даҳлдор бўлади. «Тўқсон тўлгач», «шаша», «сариқ сумалак», «ҳисоб йўқ» каби муддатлар келади. Маълумки, илгари уйларнинг ҳозиргидай томи шифер билан ёпилмаган бўлиб, лойсувоқ қилинган. Қиши бўйи ёқсан қор ва ёмғир томда тўпланиб, музлаб тураверган. Тўқсон тугагач, қунлар исиши биланоқ тушга яқин томлардаги қорлар ҳам эриб, тарновлардан, бўғотлардан оқа бошлаган. Бу давр ҳақида халқ орасида “Тушгача мугуз, тушдан кейин кигиз” деган нақл мавжуд бўлган. Чунки томдан оқаётган қор суви кечга томон музлаб, сумалакка айланади. Шунинг учун “тушгача мугуз”, яъни “шоҳдай қаттиқ” дейишган. Тушдан кейин ҳаво бир оз илиши билан сумалакка айланади.

лаклар эриб, кигиздай юмшаб қолади. Илгари уйларнинг томлари лойсувоқ қилингани учун қор суви лой билан аралашиб сумалаклар сарғиш тус олган. Шу боис, ҳисобдонлар ҳут ҳақида сўз кетганда “**сариқ сумалак кирди**” ёки “**сариқ сумалак чиқди**” деган ибораларни ишлатишган. Одамлар «Сариқсумалак ўтгандан кейин қиши бўйи ухлаб ётган кўкқарға уйғонади», деб нақл қиласидар.

Ўзбек тилининг Шаҳрисабз шевасида февраль охирида кундузи кунлар исиб, тушга яқин эриган қор-музлардан ҳосил бўлган сумалаклар бўғотларда осилиб кечга томон музлаб қоладиган кунлар номи **саримуз** дейилган (**Жўраев Б.**, 1977, 148-бет).

Тошкент шаҳрида 1926 йилда туғилган Т. Содиковдан 1995 йилда ёзиб олинган маълумотга кўра, ҳут ойи «**қақрайла**», «**сариқ сумалак**», «**очам сумалак**», «**бойчечак чиқар вақт**», «**терак кучала қори**», «**лайлак қор**», «**ўрик гули қори**» каби даврларни ҳам ўз ичига олади. «**Қақрайла**» атамаси аслида «**қаҳр айла**» бирикмасининг фонетик жиҳатдан ўзгаришга учраган кўриниши бўлиб, ҳут ойининг бошида бўладиган бир-икки кунлик аёзли кунлар номини англатади. Лой томлардан оқиб турган қор суви февраль ойининг охирларига бориб сариқ тусга киради. Пешин ҳаво совийди ва лой билан сувнинг қўшилишидан ҳосил бўлган сумалаклар сариқ тусга кириб қотади. Шу даврни «**сариқ сумалак**» дейидилар. «**Очам сумалак**» да тарновларда ҳосил бўлган сумалаклар оқариб, уни тумтоқ ҳолатга келиб қолади.

Деҳқон ойномаси ҳут билан якунланади. Ҳут қадимги фалаки-этда ўн иккинчи юлдуз буржининг атамаси бўлиб, маъноси “**балиқ**” демакдир. Ҳут ойи “**қиши тўқсони**” билан ҳижрий-шамсий йилни якунлаб, янги йилни бошлаб беради. Деҳқонларимиз “**Ҳут кирди, ер остига дуд кирди**” дейишади. Яъни, ҳут ойида табиатда уйғониш бошланади, қорлар эриб, қир-адирлар яшнаб кетади.

Бойсун туманидаги Назари қишлоғи ҳисобдонлари орасида «**ҳутка**» деган тушунча мавжуд. Шу қишлоқ фуқаролар йигини раиси, 1949 йилда туғилган Ризо aka Исаевнинг айтишича, “**Ҳутка**” деганимиз ҳут ойининг биринчи куни дегани. Биз буни тоғдаги бир заранг дараҳтига қараб аниқлаймиз. Тоғнинг тепасидаги энг баланд чўққида бир катта заранг дараҳти ўсарди. Бирор кесиб кетганми ё ўзи йиқилганми, билмадим, ҳозир унинг кундаси омон қолган, холос. Ён-веридан шоҳ-шабба чиқариб, хурпайиб турибди. Ўша заранг дараҳтидан қуёш ботгандан кейин эртаси куни ҳут ойининг биринчи куни ҳисобланади. Биз ўша кунни «**ҳутка**» деб атаемиз».

Хут ойида бўладиган изғиринли совуқлар ўткінчи бўлғанлиги учун деҳқонлар орасида «Қўрқма ҳутнинг қишидан, қўрқ ҳамалнинг бешидан, Йўлчини йўлдан қолдирап, ҳўқизни қўяр ишидан» мақоли ишлатилади. Чунки ҳамалнинг бошида дала ишлари айни қизиган пайтда бўладиган ёғинли совуқ деҳқон ишига халал берган.

Хут кириши билан боғбонлар дараҳтларни буташга киришадилар. Чунки ҳалқ ҳикматларидан бирида «Хут тўққизида чироқ ёқиб боғ бута» дейилганлиги бежиз эмас.

Тошкентда хут ойининг ичида «терак кучала», «лайлак қор» деган муддатлар ҳам мавжуд. Эрта баҳорда тераклар барг ёзишдан аввал куртак бўртмаларини чиқаради. Бу пўпаксимон «гул»лар, яъни кучалалар тез орада тўклилиб, уларнинг ўрнидан терак барглари чиқа бошлиайди. Айтишларича, тераклар илк куртак чиқарганда ҳосил бўлған кучалалари ерга тушаётганда «қаттиқ ерга тегиб белимиз синмасин», деб худодан қор тиларкан. Шунинг учун ҳам Тошкентда терак куртак чиқарган пайтда ёқсан қорни «терак кучала» дейдилар.

Бойсун шаҳрининг Кўктепа маҳалласида «Юз битди, ҳисоб ўитди» деган мақол бор. Бу мақол «энди қишдан холис бўлдик, совуқдан ҳавф қолмади» деган маънода қўлланилар экан.

Хут ойининг сўнгига - қоқигулларнинг заъфарон ёноқларида кўклам таровати жилоланган ажойиб кунларда диёrimизда қадимиҳ ҳалқ байрами бўлмиш наврӯзи олам нишонланади. Наврӯз - янги йилни, янги ойномани бошлаб берадиган анъанавий шодиёнадир.

## ЧОРВА ҲИСОБИ

Дунёдаги кўплаб ҳалқларнинг турмуш тарзи ва тирикчилик манбани белгиловчи асосий меҳнат турларидан бири чорвачилик ҳисобланади. Чорвадорларнинг турмуш тарзи, урф-одат ва маросимлари, чўпонлар фольклори, мол боқиши билан боялиқ ҳалқ қарашлари этнографик (Аргинбаев Х., 1974. – С.194-205; Гуляева Л.П., 1986. – С.172-180; Криничная Н.А., 1986. - С.181-189; Фишман О.М., 1986. - С.190-205; Сейткулова Ж.Б. 2002; Маншеев Д.М., 2003; Бўриев О., 2005, 40-50-бетлар; Саримсоқов А.А. 2005) ва фольклористик (Ксенофонтов Г.В., 1929; Журавлев А.Ф., 1978. – С.71-94; Ҷендузелевский И.А., 1984. – С.256-277; Камол Очил, 1992, 22-29-бетлар) нуқтаи назардан маълум даражада ўрганилган. Зоро, жониворларни қўлга ўргатиш ва хонакилаштириш жараёни бошланган қадимги даврлардан эътиборан одамлар чорва моллари-

ни боқиши, күпайтириш, яйловларни алмаштириш мұддатларини белгилаш асносида аста-секинлик билан чорва тақвимини яратғанлар. Шунинг учун ҳам турмуш тарзи чорвачилик билан боғлиқ бұлған халқтар маңнавий маданиятида “чорва ҳисоби” тақвими жуда мұхим ўрин тутады (**Куфтин Б.А.**, 1916, №3-4. – С.123-150; **Абишев Х.**, 1949. – С.10; **Гаджиев Г.А.**, 1987. – С.31; **Фиельструп Ф.А.**, 2002. –С.210-211; **Бельчибоев Е.А.**, **Бурнаков В.А.**, 2003. №12 (13), - С.110). Бу ҳисобнинг юзага келишида чорвачилик билан боғлиқ маросим ва урф-одатлар ҳам мұхим роль үйнаган. Жумладан, “Хорда Авесто”да “айатрима”, яъни “Чорвани ёзги яйловдан қайтариш байрами” үтказилғанлыги ҳақида маълумотлар бор (**Бойс М.**, 1987. – С.44; **Аширов А.**, 2001, 10-бет).

Чорвачилик билан шуғулланувчи күргина халқтар орасида «чорва ҳисоби» тақвими кенг құлланилған. Хусусан, лезгин чўпонларининг тақвими қамарий-шамсий ҳисобга асосланған. Улар тунги ёритқиличиз тұлин ой фазасига кирганида отарни янги яйловга күчиришган. Шунингдек, қўйлар жунини олиш, яъни қирқимни ҳам ой гўлин бұлғанда бошлашған. Ой тұлин бұлғанда бошланған қирқим баракали бўлади деб ҳисоблаганлар (**Гаджиев Г.А.**, 1987. – С.31).

Турмуш тарзида чорвачилик хўжалиги билан боғлиқ анъаналар мұхим ўрин тутган туркий халқтарнинг тақвимий қарашлари ти-зимида “чорва ҳисоби” алоҳида аҳамият касб этған. Масалан, қирғиз тилида қўлланиладиган айрим ой номларини билдирувчи куйидаги лексик бирликларнинг маъносини изоҳлайдиган халқ таъбирлари ҳам шу фикрни тасдиқлайди: “жилған курان” - тоғ эчкилари ва тоғ қўйларининг бевақт түл бериши; “чин куран” - ҳақиқий түл вақти; “бугу” - кийикларнинг модаси наридан ортда қоладиган вақт, яъни тез орада уларнинг тўли бошланади; “қулжса” - тоғ такаси; “боли оона” - бир яшар эчкилар такалар билан яқинлашади; “айик оона” - ёши катта ва қари эчкилар такадан чиқади (**Фиельструп Ф.А.**, 2002. –С.210-211) Туркий халқтардан яна бири - тўба халқ тақвимида эса ой номларининг маъноси овчилик ва чорвачилик анъаналари билан боғлиқ ҳолда шаклланған (**Бельчибоев Е.А.**, **Бурнаков В.А.**, 2003. - С.110).

Ўлкашунос Б.А. Куфтин томонидан ёзиб олиниб, үтган асрнинг бошида чоп эттирилған этнографик материалларга кўра, Ўрта Осиё ҳалқлари тақвимидаги айрим ой номларининг келиб чиқиши чорвачилик хўжалиғи билан боғлиқ бўлған. Бу тақвимдаги ой номлари куйидаги маъноларни англатади: «чилда» - қирқ кун давом эта-

ди ва майнинг ўрталаридан бошлаб, июннинг охиригача давом этади; “*сараша тамиз*” - ўтлар иссиқдан сарғаядиган пайт; “*қораша*” - ёзги яйловлардаги ўт-ўланлар подалар оёғи остида босилиб, ер қорайиб очилиб қолади. Чүпонлар аста-секин қишки ўтовларига қайтишга тайёргарлик күрадилар; “*қирқ ўйоқ*” - ёз ойида кўйларнинг ўсиб кетган жунлари қирқиладиган ой; “*қозон*” - октябрнинг ярмигача давом этадиган муддат атамаси бўлиб, одамлар сутли овқатдан гўштли таомга ўтадилар; “*икки оғайни*” - одамлар сўқим зўйишиб, қишки мавсумга гўшт тайёрлайдилар; «*қангтар*» (отни қантариб қўйиш) – январнинг бошларига қадар, қиш ўртаси; «*оқпанг*» - қаттиқ совуқлар бошланади, қишки тўқсон тугайди; «*ола сапран*» - баландликлардаги қорлар аста-секин эриб, бир қанча ерлар очилиб қолади; “*кўқ-кўқ*” - яйловларда ўсимликлар ўсиб чиқадиган вақт; “*мамир*” - апрелнинг йигирманчи кунигача давом этадиган ой номи, бу даврда қиш бўйи озиб кетган ориқ моллар семира бошлайди; «*мавсум*» ёки “*ота моли*” - мол ўтлатиш даври, йигирманчи майга қадар чўпонлар ёзги яйловга кўчиб ўтишади (**Куфтин Б.А.**, 1916. – С.123-150).

“Чорва ҳисоби” ўзбек халқ тақвимининг ҳам қадими турларидан бири бўлиб, чўпонлар орасида фаол қўлланилган. Анъанавий халқ тақвимининг бу кўриниши ҳозирга қадар фольклористик ва тарихий-этнографик жиҳатдан ўрганилган эмас. Фольклоршунос олим Б.Саримсоқовнинг ёзишича, ўзбеклар ўзининг “меҳнат фаолиятида икки хил календардан фойдаланганлар. Бу календарлар кишиларнинг чорвачилик ҳамда деҳқончилик фаолиятининг амалга кириши ва тугалланиши билан бошқарилган. Демак, ўзбекларда икки хил йил ҳисоби бўлиб, улар қуйидагича белгиланган. Деҳқон йили 22 марта бошланса, чўпон йили 16 марта бошланган. Дарҳақиқат, 22 марта кейин Ўрта Осиё шароитида ер илиб, ўсимликларга амал киради. Чўпон йилининг 16 марта бошланиши ҳам ерга амал кириши ва ўт-ўланларнинг ўсиб чиқа бошлаши билан боғлиқ. Ана шу кундан чорвадорлар ёзги яйловга кўчиш ишларини бошлаб юборадилар” (**Саримсоқов Б.**, 1986, 40-41 – бетлар).

Ўзбек чорвадорлари орасида қўлланилган «чорва ҳисоби» тақвими қуйидаги ойларни ўз ичига олган: «*оз*» - март ойининг чорвадорлар орасида оммалашган номи бўлиб, халқ мақолида «*Оз бўлмай ёз бўлмас, ёз бўлмай маз (мазза) бўлмас*» («*Ўзбек халқ мақоллари*», 1989, 489-бет) дейилади; «*ўт ёқмас*» - кунлар исиб кетганлиги сабабли уйларда ўт ёқилмайди (апрель); «*кўқ-кўқ*» - «*кўқ-кўқ*» деб

сайрайдиган мавсумий қуш учиб келади (май); «чилда» - күклам тугаб, ёз иссиғи бошланади (июнь); «сорчи» - иссиқдан яйловлардаги ўт-ўланлар сарғая бошлайды (июль); «қирқ қуяқ» - қўйга қўшиладиган қўчқорларнинг белига жундан тўқилган маҳсус белбоғ - қуяқ боғланади (август); «мизом» - ҳавода ўргимчак уясига ўхтайдиган оқ иплар учиб юради (сентябрь); «қорача» - шу ном билан аталадиган гозлар иссиқ ўлкаларга учиб кетади (октябрь). Бу даврда ёққан қор кўп турмай, тезда эриб кетади. Шунинг учун «*Корачанинг қори турмас*», «*Корачада от тўқимидаи қор ёғса, олти ойлик йўлга чиқ*» деган мақоллар яратилган: Қозоқ чўпонлари ҳам илк ҳазонрезги мавсумида ёққан қорни «*қарашанинг қори*» (Кенесбаев И., 1977, 635-бет) дейдилар; «*қозон*» - қатиқ, сут, сариёғ билан тириклий қилиб, ёз бўйи қозон осмаган чорвадорлар семирган сўқимларни сўйиб, қозон осадилар (ноябрь); «*қантар*» - қуёш қантарилиб, кунузая бошлайди (декабрь); «*оқпон*» - январь ойининг чорвадор тақвимидаги номи бўлиб, бу ойининг олти куни айниқса, қаттиқ совуқ билан кечганлиги учун халқ орасида «*Оқпон-оқпон олти кун, ой-ҳой сенинг қотувинг, Ўлчаб осган этингга, қўноқ келса қаттиқ кун*» деган мақол юради. Оқпонда кунузайиши янада тезлашади, яъни «*Оқпонда от одимидай кун узаяр*» («*Ўзбек халқ мақоллари*», 1989, 490-бет); «*иаврўз*» - (февраль).

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Назари қишлоғида яшовчи 1949 йилда туғилган Ризо ака Исаевнинг айтишича, «чорвадорлар баҳорни дехқондан ўн беш кун аввал олади. «*Чорва ҳисоби бўйича йилбони кирди*» деган гаплар ҳам бор. Яйловда ўт ўса бошлашига қараб туриб, сурувни ҳайдайди».

Бойсун туманининг Айлангари қишлоғида яшовчи 1920 йилда туғилган Шариф бобо Сайдовнинг айтишича, «Чорва ҳисоби дехқонникидан 15 кун илгари киради. Чорванинг баҳори февралнинг 10-15-идан бошланади, дехқоннинг баҳори эса март ойидан киради. Тўл мартаңдан бошланади. Ақрабда чорвага қўчқор қўшади».

Демак, ўзбек халқ тақвимига кўра, асосан икки хил вақт ҳисоби амаллари фаол қўлланилган бўлиб, «чорва ҳисоби» календари бўйича меҳнат мавсуми «дехқон ҳисоби»дан 10 кун олдин бошланади. Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги Қалқон ота қишлоғида яшовчи Аллаберганов Турсунмурод бувадан ёзиб олинган этнографик маълумотга кўра, «дехқон ҳисобини ҳазрати Али эшадилар. Бу ҳисоб «чорва ҳисоби»дан ўн кун кейин келади. Чорва ҳисобини ҳазрати Усмон биладилар. Бу ҳисоб 10 кун олдин келади.

Деҳқон ҳисоби мартнинг 18-20-сидан киради. Ҳулкар ҳазрати Усмон ҳисобини белгиловчи юлдуз ҳисобланади. Одамлар ҳазрати Усмоннинг хузурига бориб: “Ҳулкар туғдими?” деб сўрашган. Ҳулкар ботса, кийиклар, олқорлар бир-бирига яқинлашадилар. Ноябрда Ҳулкар ботади, мартнинг 20-сигача улар туғадилар” (**Муаллифнинг дала ёзувлари**, 2004 йил). Хатирчи туманидаги Қуччи қишлоғида қайд қилинган маълумотга кўра, чорва ҳисоби 5 мартда бошланади (**Муаллифнинг дала ёзувлари**, 2004 йилда 74 яшар Жоникул бобо Қаландаровдан ёзиб олинган).

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғидан ёзиб олинган этнографик маълумотларга кўра, илгарилари одамлар ўз қўйларини бирор чўпоннинг қўйларига “қўшиб”, яъни чўпон ёллаб боқтирганлар. Чўпон ўзининг шахсий чорваси бўлмаган, яъни бошқа кишиларники бўлган қўй-эчкиларни “чакана” деб атаган. Баъзи чўпонлар эса фақат одамларнинг қўй-эчкиларинигина боқади, бундай чўпонни “чаканачи” ёки “чаканакаш” дейдилар. Эрта баҳорда чакана қўйларни сурувга қўшганлар.

Чорвани кўкламда яйловга олиб чиқишга ҳозирлик қўриш ишлари Бухоро вилоятининг Қоракўл, Олот, Жондор туманларида февраль ойининг ўрталарида, яъни қантар оғандан кейин бошланади. Қишилласи тугаб, ерга чўф тушганидан сўнг қорлар эриб, тушдан кейин ердан буғ кўтарила бошлайди. Шундан кейин қоркам ёғади, ёғсаям туриб қолмайди, тез эриб кетади. Шу даврни чўпонлар “қантар оғди” деб атайдилар.

“Қантар оғандан” кейин, яъни ер бетига иссиқ кўтарилиб, баҳор яқинлаша бошлаши билан чўпонлар қишилганни тарк этиб, яйловга кўчиш тараддудига тушадилар. Шунинг учун ҳам ўзбеклар орасида “чорва ҳисоби” тақвимининг бу муддати билан боғлиқ “Қантар оғди қалт этди, чўпоннинг кўзи ялат этди”, “Қантар оғиб қайтади, чўпон чолига (қўтонга) қайтади” каби ҳалқ мақоллари мавжуд.

Самарқанд вилоятининг Булунгур туманидаги Қорақурсоқ қишлоғида яшаган билгич ҳисобдан Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғлиниң тақвимий қарашлари бўйича, қишилганниң қирқ беш куни, чилланинг йигирма беш куни ўтса, “қантар оғади”. Булунгурликлар ҳисобига кўра, қантар январь ойининг 18-куни “оғади”. “Қантар оғди қалт этди, бойнинг кўзи ялат этди” мақоли ҳам бор. Декабрь ва январь ойларининг биринчи ярмигача ёқсан қор ва чопқин бўрон чорвадорлар учун чинакам синов даврини бошлаб беради. Қаттиқ совуқ туфайли чорва моллари чўлда ем-хашик то-

полмайдилар. Нагижада уларнинг изғирин зўридан нобуд бўлиш ҳавфи туғилади. Қантар огиши билан эса об-ҳавода бирдан ўзгариш рўй беради ва қиши совуғи ҳам маълум даражада кесилади. Чорва молларининг кўплаб қирилиб кетиш ҳавфи йўқолади. Та-биатдаги ана шу ўзгариш рўй берадиган муддатни чорвадорлар “қантар” номи билан атайдилар («ЗЎФА». И nv. №1830/I. 40-бет. М. Пирматова ёзиб олган).

Халқ орасида қантар билан алоқадор афсона ва ривоятлар ҳам мавжуд. Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғли томонидан ёзиб олинган ривоятда айтилишича, «бир бой қишининг ўргаларида ўғлини чўлдаги қўйига юборади. Бойнинг ўғли чўлда юрганида қибладан бўрон бўлиб, қор ёғмоқда эди. Қўйлар ётадиган кўтон қор билан қопланади, қўйлардан совуқ ўтгач, бўрондан қочабошлайди. Кебанак кийган бойвачча қўйни қайтаришга ҳаракат қиласди, аммо уддалай олмайди. Қўйни бўрон ҳайдагандан кейин одати шундай бўладики, сира ортига қайтмайди. Агар олдинга тушиб бир бошдан қириб гашласа ҳам қайтмайди, битта қолса ҳам ўшанинг ўзи қочиб кетавради. Агар бирор деворми, жарликми қорайиб олдидан чиқиб қолса, шундагина қўра олиб тўхтайди. Қорни совуриб рўбару куячайётган бўронда қўра олмасдан қочишида давом этса, чарчаб қор остида қолиб ҳалок бўлар эди.

Бойнинг ўғли ҳали ҳам қўйни қайтариш умидида чопар эди, ахiri қўйлар жуда чарчаб қор тагида қолиб кетди. Бойнинг ўғлини ҳам қор кўмиб қолди. Тажрибакор чўпонлар бўлса, ҳалок бўлмасдан эсон-омон қолиб кетади. Аммо умрида қўй боқмаган бойвачча бу ишнинг удласидан чиқолмаслиги аён эди.

Қишлоқда бу совуқни билиб ўтирган бой: «агар шу бугун ярим кечагача ўғлим билан қўйлар омон-эсон бўлса, ярим кечадан кейин қантар оғади, соғ-саломат қолади», - деб ўйлаб чиқади.

Эртаси куни тонг саҳарда бой чўлга жўнайди. Чўпонларни топиб олиб, биргалашиб ўғлини излашга тушади ва ахiri уни қор гагидан топиб оладилар. Қараса, ўғли тирик, қўйлар эса ҳалок бўлибди. Шунда бой ўғлидан аҳволини сўрайди. Ўғли эса «мен ҳолдан тойиб йиқилганимдан кейин қор босиб қолди. Рўбару баданларим совиб яхламоқда эдим. Совуқнинг шиддати кучаймоқда эди. Яхлаш ҳолатимда ярим кечада ернинг тагидан иссиқ чиқди ва мен яхламасдан омон қолдим», - деди. Ана шунда бой «чиндан ҳам ярим кечада қантар оққан экан» деди» («ЗЎФА». И nv. №1830, 42-43-бетлар. 1958 йилда Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғли ёзиб олган).

Айрим ҳисобдонлар “қантар” атамасининг маъносини чорвачилик хўжалиги билан боғлаб изоҳлайдилар: қиши ўртасига келиб чорвадорлар томонидан қишлоғ учун тайёрланган ем-хашакнинг асосий қисми сарфланади. Шунда улар жониворларга озуқани тежаб-тергаб, меъёр билан бера бошлайдилар. Бу одат чорвадорлар тилида “чорвани қантариб қўйиш” дейилар экан. Козоқ ва қирғиз халқ тақвимида “қантар” деган ой номи мавжуд бўлиб, 27-28 кунлик бу ой январнинг бошларига қадар давом этади. Чорвадорлар бу ойда жониворларнинг қишлоғдан беталофат чиқиши учун тайёрланган ем-хашакни тежаб-тергаб ишлатади (**Куфтин Б.А.**, 1916. - С.128).

Лақай чўпонлари тақвимида қишининг охири - эрта баҳор мавсуми “қора қилтинг” ёки “қора ғалтанг” деб аталган. Одатда қирқ кун давом этадиган бу муддатнинг бошланиши она қўйлар елининг сутга тўлишига қараб аниқланган ва то тўл бошлангунига қадар давом этган. “Қора қилтинг” бошланиши билан лақайлар чорвани қишки қўтондан чиқариб, яйловда боқа бошлашган (**Кармышева Б.Х.**, 1954. – С.110).

Қўйларни яйловга олиб чиқиладиган хосиятли кунни ҳисобдонлардан сўраб аниқлайдилар. Чунки чорва ҳисобини билмаган кишилар молларини чўлга ҳайдаб, яйловга чиққанлар ва натижада аямажуз, тўғал, аҳман-даҳман каби кунлар келиб қолиб бемаҳал яйловга чиқарилган чорваларидан айрилиб қолишган. Тажрибали чўпон эса ана шу кунларни ўтказиб, кейин яйловга чиқиб кетган. Бойсун туманидаги Кўктепа маҳалласида истиқомат қилувчи 1912 йилда туғилган Холиқ бува Раҳмоновнинг айтишича, чўпонлар чоршанба ва пайшанбани ирим кўрмайдилар. Жумани улуғ кун деб биладилар (**Жўраев М.**, 2005, 108-бет). Шунинг учун ҳам “чорва ҳисоби”ни биладиган кишилар қўтон бузиш муддатини кўпинча чоршанба кунига белгилаганлар. Чунки чоршанбани баракали кун деб билишган (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 2004 йилда Бойсун туманидаги Паданг қишлоғида яшовчи 1936 йилда туғилган Хадиҷа Маматқуловадан ёзиб олинган).

Сурхондарёлик чўпонларнинг чорва молларини баҳор охирларида тоқقا ҳайдаш пайти «вўрлам» дейилган (**Раҳимов С.**, 1985, 82-бет). Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги “Гулистон” жамоа хўжалигига қарашли Эски маҳалла қишлоғида яшовчи 1926 йилда туғилган Исмат ота Раҳмонқулов деган чўпондан ёзиб олинган маълумотларга кўра, “чорва ҳисоби” 10 марта, яъни аямажуз, аҳман-даҳман, хезим-хирмон қунлари ўтгандан кейин бошланади.

“Чорва ҳисоби”нинг боши “**қўтон бузиш**” деб аталади. Бу баҳорда гоққа, яйловга кўчиш деган маънони англатган. Кекса чўпонлар “эрта баҳорда йилқилар бир-иккита қулунлагандан кейин чўрчи-кал деган қуш келади” дейдилар. Чўрчикал – бургутдан катта, бо-шининг тепасида озроқ жойи патсиз бўлган бир қушнинг номи. Чўпонлар бу қушни “**ҳисобчўт**” дейишади. Улар бу қушни кўргач, “чўрчикал келди, энди қўтонларни бузиб, яйловга чиқаверса бўлади. Бундан кейин қор, ёмғир, аёзли кунлар хавф солмайди” дейдилар. Чунки бу қуш келган вақтда ернинг иссиғи бетига қўтарилганли-ги учун ёққан қор кўп турмай, эриб кетади” (**Муалифнинг дала ёзувлари**. 1986 йил 8 ноябрда ёзиб олинган).

Шимолий Фарғона чўпонлари эрта баҳорда “**наврўз чумчук**” деб аталувчи қушнинг учиб келиши вақтига ва унинг рангига эътибор беришган: агар у оқ рангли бўлса, ёғингарчилик кам бўлади, сариқ гусли бўлса, ёмғир кўп ёғади деб таъбир қилишган (**Саримсоқов А.А., 2005, 137-138-бетлар**).

“Чорва ҳисоби”ни билиш сурхондарёлик чўпонлар учун жуда катта амалий аҳамият касб этган. Чунки “чорва ҳисоби”ни яхши билган ва унга тўла амал қилган чўпон сурувни хатардан холи сақлай олган. Воҳада қайд қилинган афсонада айтилишича, бир ҳисобдон “Бугун кечкурун Амударё музлайди, от, тuya билан на-риги томонга ўтса бўлади”, - дебди. Одамлар унинг гапига ишон-майдилар. Аммо айтганидай, ўша кечаси ҳаво совиб, Амударё муз-лаган ва чорвадорлар нариги томонга ўтиб кетишган.

1945-46 йилларда Турдиқул бобо деган ҳисобдон ҳамқишлоқла-рига қараб: “Бугун кечаси Азизмомо киради, ҳар эҳтимолга қарши ҳайдовда юрган йилқиларнинг қорнини тўйдириб, тушовлангларда, бир жойга боғлаб қўйинглар”, - дебди. Ўзи йилқиларини айтга-нидай қилиб боғлабди. Кўп одамлар унинг бу сўзига эътибор бер-май, “Ҳеч нарса бўлмайди” деб от, бияларини яйловга ҳайдаб юбо-рибдилар. Эргаси куни қарасаларки, бўш юрган йилқиларнинг бари ўлиб ётар, тушовлаб боғлаб қўйилган отлар эса тирик эмиши. Ана шунда ҳамма ҳисобдон Турдиқул бобонинг билгичлигига тан берган экан (**Муалифнинг дала ёзувлари**. 2004 йилда Қизириқ туманидаги Работак қишлоғида яшовчи Шерзод Турдиқуловдан ёзиб олинган).

Бошқа чорвадорлар билан биргаликда белгиланган куни баҳор-ги яйловга кўчиб кетолмаган чўпон оиласи ўзининг бирорта рўзгор анжомини қўчувчилардан бериб юбориши удуми «**Абрук чиқариш**» деб юритилган. Одатда оқсоқолларнинг йўл-йўриги, юлдузлар ҳола-

ти ва сайёralар ҳаракатини яхши билувчи ҳисобдонлар маслаҳати, кекса қўйчивонларнинг кўп йиллик тажрибаларига суюниб иш кўрган чўпонлар эрта кўкламда ҳафтанинг қайси куни яйловга кўчиш омадли келишини аниқлаганлар. Бахти ёки омадли кунда яйловга кўчиб чиққан чўпон кўрасидан барака аrimаслигига ишонган чорвадорлар орасида бирор киши кўчишга имкон тополмаса ёки бирор сабаб билан кўчолмай қолса, сурувни яйлов сари ҳайдётган ҳамкасларига ўз ўтови ёки капасининг бирор анжомини бериб юборган. Шу удум «*абрук чиқариш*», яъни, «чорванинг баракасини сақлаб қолиш» дейилган. Бинобарин, «*абрук*» атамасининг ўзи ҳам аслида арабча бўлган «барака» сўзининг кўплик шаклидаги кўриниши бўлиб, «*абрук чиқариш*» удуми чорвага барака тилаш маъносини билдиради (Омонтурдиев А., 2007, 134).

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғидан ёзib олинган этнографик маълумотларга кўра, эрта баҳорда қўйларни сурувга қўшишнинг ҳам ирими бўлган. Фольклоршунос У.Жуманиёзов томонидан 1981 йилда ёзib олинган маълумотга кўра, “баҳорда қўйни дастлаб чўпонга қўшиш пайтида қўчқор ёки серка шохига бир тарвузни уриб ёриб: “*Илоҳим, бу йил қўйларимиз тарвузнинг тухумидай кўтайиб, баракали бўлсин*”, - деб яхши ният қиласидилар ва “Куръон” оятларини ўқийдилар” («ЗЎФА». И nv.№1760/1. 1981 йилда Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғида яшовчи 1926 йилда туғилган Остон Жўраевдан ёзib олинган).

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Бандбоши қишлоғида яшовчи 67 яшар Бобораҳмат Жумаевнинг айтишича, “қўйлар хут ойида яйловга олиб чиқилади ва қишида янтоқ яхлаганидан сўнг қишлоғга қайтариб олиб келинади” («ЗЎФА». И nv.№1827/24. 2005 йил 20 августанда М.Пирматова ёзib олган).

Чорванинг қишки қўтондаги қишлоғ мавсумини якунлаб, баҳорги мавсумни бошлишда қатор ирим-сиримларга амал қилгандар. Хусусан, Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Катта Баёт қишлоғида яшовчи 80 яшар чўпон Зиёд бобо Олтиевдан ёзib олинган маълумотларга кўра, эрта баҳорда чўпонлар сурувни яйловга олиб чиқишидан олдин қўтон-чолисининг олдига катта олов – гулхан ёқишиган. Эрта тонгда қўйларни қўтондан олиб чиқиб, ана шу олов атрофида айлантириб, чўпон таёғини ҳам шу ловиллаб ёнаётган олов тилига тегизиб, уч марта “ялатиб” олганлар. Бу удум “*таёқ қизартирап*” дейилган. Шундай қилинса, йил бўйи сурувга ҳеч қандай зиён-заҳмат етмайди деб ўйлаганлар («ЗЎФА». И nv.№1827/24. 2005 йил 13 августанда М.Пирматова ёзib олган).

Қашқадарё вилоятида яшовчи барлосларнинг баҳорда молни қишлоқдан тоққа ҳайдаш пайти ўтказилган анъанавий маросими «сурпа қоқти» деб аталган. Деҳқонобод, Китоб туманлари чўпонла-ри янги яйловга кўчиш, отарни қишки қўтондан чиқариш мудда-тини «юлдуз ўнглар» одатига кўра аниқлашган. Кўчиш пайтида кўча-диган томонга Зуҳра юлдузи рўпара келиб қолса, юлдуз ўз ҳарака-гини ўзгартиргунга қадар кўчишни уч-тўрт кунга кечиктириб тур-ганлар (**Жураев Б.**, 1971, 105, 159-бетлар).

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жигачи, Қораҳожи, Қулончи, Куввача қишлоғи чўпонларининг одатича, эрта баҳорда сурувни яйловга ҳайдаётганда бир яланглиқнинг икки тарафига қатта гулхан ёқишган ва қўйларни ана шу икки ўт орасидан ҳай-даб олиб ўтишган. Шундай қилинса, «Ҳамма бало-қазо, зиён-зах-матлар оловда куйиб, сурувга зарар етказмайди» деганлар. Ёвмит туркманлари ҳам «кўз тегмасин» учун баҳорда отарларини олов орасидан ўтказганлар. Туркман фольклоридаги «Өт астында бела галмаз» («Олов остида бало қолмас») мақоли ҳам шу удумга дахл-дордир (**Басилов В.Н.**, 1973. – С.192).

Навоий вилоятининг Хатирчи туманида сурувни баҳорда би-ринчи марта яйловга чиқарганда қўйларнинг қий-қумалогини олиб яйловга сепиб юборадилар. “Кўй-қўзишлар, эчки-улоқлар ана шу қума-лоқдай кўпайиб кетсин” деб ирим қиласидилар (**Муллифнинг дала ёзувлари**. 2004 йилда Музаффарова Ферузздан ёзиб олинган).

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Паданг қишлоғи-да қайд қилинган анъанага кўра, сурувни баҳорда биринчи марта яйловга чиқаришдан олдин муллани чақириб, қўй сўйилади ва чорвадорлар пири “Чўпон ота”нинг ҳақига дуо ўқилади. Эртаси куни чўпон ҳам-қишлоқларининг фотиҳасини олади-да, битта нон-ни синдириб белига бойлаб, қўйларни яйловга ҳайдаб кетади.

Чорвадорлар учун хут ойи жуда муҳим аҳамият касб этган. Бойсун шаҳрининг Кўктепа маҳалласида яшовчи Холиқ бува Раҳмоновнинг айтишича, “Хутда мол овқат олади. “Яхши келса, кади-кади сут, ёмон келса сой тўла пум” дейди. Агар хут ойи ёмон келса, яъни совуқ кунлар чўзилиб, ер бетини қоплаган ўтлар яхши ўсмаса, унинг ўтлиги бўлмайди. Ерда ҳеч нима бўлмаса, мол овқатини ололмайди. Сўнг нима бўлади, қаттиқроқ бир қор ёғиб, совуқ бўлса, мол ўлаверади».

Шунинг учун ҳам баъзан бу ой ҳақида гап кетганда «хут - ют» ибораси қўлланилади. Агар баҳор барвакт келса, молларнинг қорни

Үтга түйса, қишиң қаҳатчилиги тезда унугтилиб кетади. Мободо қишиң фасли бироз чўзилиб, хут ёмон келса, бу чорвачилик учун талай гашвишларни туғдирди. Шу боис, кексалар «Яхши келса ҳутни кўринг, ҳурма-хурма сутни кўринг, Ёмон келса ҳутни кўринг, серрайиб ётган пунти кўринг» деб нақл қиласидар. Хут ойи билан алоқадор мақолларда кўп тақрорланадиган «Керагада пут», «серрайиб қолган пут», «сой тўла пут» каби ибораларнинг қўлланилишига сабаб шундаки, агар хут ойи кўт-баракасиз келиб, ҳаво совуқ бўлганлиги боис эндиғина қўкариб чиққан ўт-ўланларни совуқ уриб кетса чорва учун ҳалокатли давр бошланган. Чўпонлар ориқлаб, тўзиб кетган қўйлар бекорга ҳаром ўлиб кетмасин учун уларни сўйиб, гўштини ўтовнинг четансимон девори – керагага осиб қўйишган. Ҳаром ўлган қўйларнинг эса терисини шилиб олиб, маслигини сойга ташлаганлар.

Хут ойининг ана шундай аёзли, совуқ ва бебарака келиши ҳалқ орасида «ют» (ёки «жут») дейилади. Бу ой ҳақида гап кетганда чорвадорлар орасида «Хой-ҳой март ойимиз жут бўлди, қаҳрга олиб ют бўлди», «Яхшиликка олса – ҳут, ёмонликка олса - жут», «Ҳут ойимиз қаҳрли келди, молимиз учун заҳарли келди» каби мақоллар қўлланилганлигини эщитиб қоламиз. Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги Гулистон қишлоғида яшовчи 1926 йилда туғилган Исмат Раҳмонқуловдан 1986 йил 8 ноябрда ёзиг олинган маълумотга кўра, хут ойи одатдагидан кўра совуқроқ келиб, ўт-ўланлар вақтида қўкариб чиқмаса ёки эндиғина ниш урган майсаларни совуқ уриб кетса қишиқи қутондан яйловга ҳайдаб келинган чорва моллари қирилади. Буни чорвадорлар «жут» дейдилар.

Туркий ҳалқлар орасида мавжуд бўлган инончларга кўра, чорва учун ҳалокатли бўлган бундай «жут»лар кўпинча күён йилида рўй бериб, ҳар ўн-ўн икки йилда бир марта қайтарилар экан. Аммо ҳалқ орасидаги «тўнғиз қирғин», «қўй қирғин», «товоруқ қирғин» каби ибораларнинг қўлланилиши бундай «жут»лар мучал тақвими-нинг бошқа йилларида ҳам рўй бериши мумкинлигидан далолат беради (*Бу ҳақда қаранг: Арғынбаев X., 1969, 56-58-бетлар*).

Чўпонларнинг “тўл вақти” да амал қиласидиган инонч-эътиқодлари ва удумлари ҳам ўзига хосдир. Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Тангачар қишлоғида яшаган кекса чўпон Бардиш Сultonовнинг айтишича, тўл бошланиши билан чўпон, чўлиқ ва обкаш (сув ташувчи)лар тирноқ олмаганлар, соч-соқол олдиришдан ҳам тийилиб турганлар. Мободо бу таъқиқ бузилса, чорванинг барака йўли ҳам қирқилади деб қўрқишган. Худди шундай табу ёвмит

туркманлари орасида ҳам қайд этилган: чўпонлар тўл вақти соч ва тирноқ олмаганлар. Тўл якунлангандан кейин эса улар олинган гирноқ ва соchlарини қўзилар оёғи тагига ташлаганлар ёки қўйлар ётогига кўмганлар (Басилов В.Н., 1973. – С.189).

Қашқадарёлик чўпонлар орасида тўл пайтида ўchoқдаги чала, ёниб тугамаган ўтинни ёниб тугамасдан чиқаришни манъ этиш одати мавжуд бўлган. Улар агар ўchoқдаги ўтин охиригача ёндирилмасдан чала қолдирилса, бўғоз молларнинг бола ташлашига ёки чала туғишига сабаб бўлади деб ўйлашган (Мирзаев Н., 1991, 93-96-бетлар).

Тўл вақтида кўп совлиқлар бир кечада ўнлаб, юзлаб қўзиласа, чўпонлар шошиб қолиб қўзиларни бир жойга қўйса, ҳиди бир-бирига уриб қолади. Шунда боласини олмаган қўйларга, шунингдек, барраси сўйилган она совлиқларни соғиш пайтида «турей-турей» қўшиқлари ижро этилади:

*Болагинанг оққина, турей-турей,  
Үйқулари соққина, турей-турей,  
Агар боланг олмасанг, турей-турей,  
Сагирдир бебоққинанг, турей-турей.*

*Ол болангни жонивор-а, турей-турей,  
Сол меҳрингни жонивор-а, турей-турей,  
Ёна ерда ётганда-я, турей-турей,  
Ёнингда ўйнап шул боланг-а, турей-турей.*

*Даштга борсанг чанг босар-а, турей-турей,  
Бозорга борсанг дам босар-а, турей-турей,  
Агар боланг олмасанг, турей-турей,  
Юраккинанг ғам босар-а, турей-турей.*

Баҳорда эчкилар ҳам болалай бошлайди ва биринчи марта туқ-қан ёш она эчкилар улоғини олмай, улоқиб кетаверса, чўпонлар “турей-чурей” қўшигини айтиб, эчкига боласини эмизадилар. Эчкини боласига ийдириш ёки эчки соғиш қўшиқлари “чириё”, “турей-чурей”, “чирия” каби номлар билан аталади:

*Молдан билинап қашқанг-а, чириё,  
Борма-ё бундан бошқага, чириё,*

*Ёна ерда ётганда-ё, чириё,  
Ёнингда ўйнар жон боланг-а, чириё.*

*Шохларинг бор бир минор, чириё,  
Минорга қушлар қўнап, чириё,  
Боланг олиб искасанг, чириё,  
Куюнгандан юрагинг қонар, чириё.*

«Чорва ҳисоби»ни яхши биладиган кишилар сұхбатида «Саврнинг ўтидан ҳамалнинг тупроғи яхши» деган мақол кўп қўлланилади. Бу мақол қишидан озиб-тўзид, нимжон бўлиб чиққан чорва молларининг ҳамалда наф олишини англатади. Ҳамалда яйловларда кўкарған ўтлар «ялама» дейилади. Чўпонлар қўйлар бақувват бўлиши учун йилда икки маҳал қирқ кечада боқиши керак дейдилар. Яъни ҳамалда қўзилар оёқлангандан кейин қирқ кечада қўйларни «ялама»га ҳайдаб боқишиган бўлса, кузги «қўчқор қўшиш» палласи она қўйлар қирқ кечада бўлиқ ўтли яйловда боқилган. Шундай қилинса, қўйлар эгиз туғади деб нақл қиласидилар. Кечаси боқишининг ҳикмати шундаки, қўйлар ёйилмасдан тўп бўлиб юради, кундузлари эса чўпон сурув олдида юрсагина ўтгайди, яъни кўп юради. Қўй кечаси кўп семиради дейдилар. Чўпонлар ўзаро сұхбатлашгандан «Кўйни ўтдан ўтказдингми, ёки ўтни қўйдан?» деган савол ўртага ташланганини эшишиб қоламиз. Агар чўпон сурувнинг олдидан юриб борса, буни «Кўйни ўтган ўтказиш» дейилади. Ана шунда қўй ҳеч нарсани қолдирмай еб кетаверади ва яхши семириб, соғлом бўлади («ЗЎФА». И nv. № 1830, 11-бет).

Жавзо кириши билан тоғ ва тоғ олди худудларида яшовчи кишилар пичан ҳозирлашга киришадилар. Халқ орасидаги «Пиширгачи топилса, куйдиргани топилур» мақолида ҳам жавзода ўтин тўплаш билан овора бўлмасдан, имкони борича кўпроқ пичан, хашак йиғиш кераклиги уқдирилади. Чунки ҳисобдонлар тўғри таъкидлаганларидек, «Ўтин ийғсанг кул бўлар, емиш ийғсанг пул бўлар» («ЗЎФА». И nv. № 1830, 24-бет).

«Чорва ҳисоби»нинг энг масъулиятли давларидан бири ёз фасли ҳисобланган. Этнограф X. Тошевнинг ёзишича, Зарафшон воҳаси чўпонларининг ёзги яйловда қўй боқиши муддати майнинг охиридан августнинг бошигача давом этган. Бу даврда сурув эрта тонгдан тушга қадар ўтлатилган ва иссиқ тушгач, сувлоққа ҳайдаб борилган. Шундан кейин сурувни яна яйловга ёйишган ва қўёш ботгунигача боқилган. Куннинг энг иссиқ пайтидаги бокув вақти чўпонлар тилида “гарм” деб юритилган (Тошев X., 1972. – С.63.).

Қоракүл туманидаги Жигачи, Тангачар, Кулончи, Вахм қишлоқларининг чўпонлари ёзнинг энг иссиқ даврини “томус”, “тошқизар” дейдилар (*Муаллифнинг дала ёзувлари*. 2003 йил). Бухоро араблари тақвимида жавзонинг ўргасидан сумбуланинг ярмигача бўлган муддат “таммуз” деб аталган. Таммузда чўпонлар қўйларини кўрага қамамасдан, туни билан боқиб чиқишган. Сурув ўтлашдан тўхтаб ётганида чўпон битта узун арқонни олиб, бир учини қўйларидан биттасига боғлаган, иккинчи тарафини эса ўзининг оёғига тушиб қўйиб, бемалол ухлайверган. Сурув қўзғалиб, ўтлагани кетаётганини ана шу ипнинг тортилганидан билган чўпон ҳам уйқудан уйғониб қўйларининг изидан борган. Тажрибали чўпонлар “Таммузда қўйни бир кечада ўтда қўйсанг, уч кечада сувда қўй” деб нақл қиласидилар. Чунки ёзнинг иссиғида сувдан қониб ичмаган қўйларни қишда бит босади дейдилар (Винников И.Н., 1962. – С.220).

Чўпонлар қўйларни ҳар куни икки маротаба тонгда ва кун боғищдан аввал санагаnlар. Бунинг учун чўпон бир қўлига ўн-ўн бешга қий олиб, қўйларини чўлиқларига ҳайдатган. Ҳар 50 қўйни санағанда ўнг қўлидаги қийлардан биттасини чап қўлига олаверган. Шундай қилиб, чап қўлидаги қийлар сонига қараб сурув ҳисобини олишган («ЗЎФА». Инв.№1827/24. Ёзib олувчи: М.Пирматова).

Қоракүл туманининг Жигачи қишлоғида истиқомат қиласан кекса чўпон Жумоқ буванинг ҳикоя қилишича, баҳор серёғин келса чўпон-чўлиқлар ёмғир сувини пастлик-тақирикларга оқизиб, сунъий қўлларни вужудга келтиргандар. Бу қўлчалар чўпонлар тилида «қоқ» деб аталган. Баҳор ёмғирли келса, ана шундай «қоқ»ларнинг суви билан ҳатто ёзда ҳам қўй-қўзиларни сугоришган. Кўкламда ёмғир ёғмай, яйловдаги ўт-ўланлар қурий бошласа, сўйилган қўй-эчкиларнинг калла суякларини ҳамда ишлатиб бўлинган эски сувқовоқларни куйдириб, худодан ёғин тилашган.

Чўпонлар ёзда қўйларни асосан кечаси ўтлатишган. Қўйлар ётса, чўпон мободо қўзи илиниб сурув улоқиб кетмаслиги учун ипнинг бир учини чаққонроқ серканинг оёғига боғлаган ва бир учини қўлига боғлаб калтагини бошининг тагига қўйиб ухлаган. Чўлда кўп бўладиган қорақурт, бий, илон, чаён зарар етказмасин деган умидда чўпон ўзининг теварагини қўй жунидан қилинган арқон билан доирасимон шаклда ўраб қўйган. Шундай қилинса, зиён-захматлар ана шу арқондан ўтолмайди деб ирим қилишган.

Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Каттабаёт қишлоғида яшовчи 58 яшар Ойпара Муродованинг айтишича, чўпонлар асадда қор-

нида боласи бор бўлган молларни сувсиз қолдирмаганлар. Акс ҳолда бола ташлайди деб чўчиғанлар («ЗЎФА. И nv.№1827/14. 2005 йилда М.Пирматова ёзиб олган).

Чорвадорлар орасида «*Қўй керак бўлса асадда, жун керак бўлса сумбулада қирқимни ўтказ*» деган мақол бор. Одатда сумбуланинг ўрталарига келиб қирқим мавсуми бошланган.

«Чорва ҳисоби» бўйича «**қирғияк**» кириши билан қўйга қўшиш учун боқилаётган қўчқорларнинг белига жундан тўқиб тайёрланган маҳсус тасма - «**куяк**» боғлаб қўйилади. Бинобарин, Нурота тоғларида қўлланилган “Кўзибой майриқ ҳисоби” деб аталувчи маҳаллий тақвимга кўра, сумбула ойининг 15-куни “**қирғияк** куни” дейилади («ЗЎФА». И nv.№1443/VIII. 1969 йил 14 сентябрда Раҳмгулла Юсуф ўғли ёзиб олган).

“Чорва ҳисоби” бўйича энг масъулиятли давр “**қўчқор қўшиш**” мавсуми ҳисобланган. Этнограф олим Б.Х. Кармишеванинг ёзишича, лақай чўпонлари Ҳулкар юлдузи оқшом ботиши ва эрта тонгда уфқ узра кўринишини ёз фасли тугаб, куз фасли яқинлашганлигининг белгиси деб билишган. Тарози ва Жарқировуқ юлдузларининг кўриниши эса куз бошланганлигининг аломати деб қаралган. Жарқировуқ, яъни Сириус юлдузи (тожик тилида бу юлдуз “Ситораи хунук” деб аталади) чиққандан сўнг ер юмшайди ва яна ўт-ўланлар ўса бошлайди. Ана шу даврни лақай чорвадорлари “**қўчқор қўшиш вақти**” дейдилар (**Кармишева Б.Х.**, 1954. – С.107). Чўпонлар орасида «**Ҳулкар ботгач, чўпон сурувига қўчқор тушади**» деган гап ҳам бор. Қорақалпоғистонда яшовчи қўнғирот уруғига мансуб ўзбекларда чорва молларини қўчқорга қўшиш мавсуми «**қочириш мазаи**» дейилади (**Ишаев А.**, , 1979, 136-бет).

Бухоро вилоятида истиқомат қилувчи араблар орасида қўлланилган “чорва ҳисоби” бўйича ақраб ойининг саккизинчи кунидан бошлаб қўйларга қўчқор қўшилган. Ҳамалнинг саккизинчи кунидан эса тўл олиш бошланган (**Винников И.Н.**, 1962. – С.220). Шу вилоятнинг Қорақўл туманидаги Бандбоши қишлоғидаги чўпонлар акрабнинг 20-чисида қўйларни қўчқорга қўшишган. Кўзилатиш мавсуми эса ҳамалнинг 20-чисидан бошланган («ЗЎФА». И nv.№1827/24. Ёзиб оловучи: М.Пирматова). Навбаҳор тумани Қалқон ота қишлоғида яшовчи Аллаберганов Турсунмурод отанинг айтишича, қадимда чўпонлар Ҳулкар ботгандан кейин сурувга қўчқор қўшишган (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 2004 йил). Тошкент вилоятининг Пискент тумани чўпонлари октябрнинг 10-16

числоларидан бир ой боқилган күчқорларни қўйга қўшишган. Ана шунда улар беш ойу беш кунда туғар экан (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1986 йил 8 ноябрда 1926 йилда туғилган Исмат ота Раҳмонқуловдан ёзиб олинган). Бойсунлик чўпонлар ҳам қўйнинг кўпайиши муддатини беш ой, беш кун, беш соат деб ҳисоблашади. Шу вақтда қўй боласини ерга бериши керак. Бу ерда октябрнинг ўнида қўйни кўчқорга қўйган чўпон мартнинг йигирмасида тўлини олади (**Жўраев М.**, 2005, 108-бет).

Қўйларни кўчқорга қўшаётганда ҳам ҳосилдорлик гояси билан боғлиқ магик амаллар бажарилган. Қоракўл туманидаги Осиё қишлоғида яшовчи 1926 йилда туғилган Саттор бобо Аҳмедовнинг айтишича, кўчқор қўшишдан аввал чўпонлар қўй сўйиб, Чўпон ота ҳақига худойи қилишган. Қўй каллаларини тўплаб оловда куйдирганлар, сурувга исириқ тутатиб, теварагидан айлантирганлар. Кейин битта пишган тарвузни олиб, сурувга қўшиладиган энг зўр кўчқорнинг шохига уриб ёришган. Бу билан “*Қўйларимиз тарвуз тухумидай кўпайсин*” деб ирим қилишган («ЗЎФА». И nv. №1827/24. 2005 йил 20 августда М. Пирматова ёзиб олган).

Одатда чўпонлар “чорва йили”нинг кузги мавсумида қишлоқ яқинидаги “ангора”, яъни экиндан бўшаган далаларга сурувни ҳайдаб келадилар. Ана шу пайтда баҳорда чакана қўшган кишилар ўз қўй-кўзиларини, эчки-улоқларини ажратиб оладилар. Чўпон билан ҳар бир бош қўй-кўзи ҳисобидан боқилган давр учун ҳисоб-китоб қиласадилар. Чўпон ҳам қўкламда қабул қилиб олинган чорва сони бўйича ҳисоб беради, касалланиб нобуд бўлган ёки жондор (бўри) тегиб ўлган молларнинг терисини эгасига топширади. Ҳар бир оила ўз чорвасининг қишлиқ озуқасини жамғариб қўйгани учун қўй-эчкиларига қиши бўйи ўзи қарайди. Улар қўй-эчкиларнинг қишки озуқаси етарли бўлишига алоҳида эътибор берадилар. Чунки чўпонлар эътирофича, қўй совуққа чидамли бўлади, эчки эса совуққа юпқадир. Шунинг учун тажрибали чўпонлар орасида “*қўй – қорнимни тўйғазиб қорда қўй, эчки – қорнимни тўйғазим қўрда қўй*” дер эмиш деган нақл юради (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1980 йилда Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида яшовчи 1948 йилда туғилган Абдулла Файзуллаевдан ёзиб олинган).

Чорвани кузда ёзги яйловдан қиши кўтонига қайтариб олиб келишда ҳам маълум урф-одатлар, иримларга амал қиласандар. Ўзбекистоннинг кўпгина жойларида кузда қўйлар суруви қишлоғига қайтарилаётганда икки жойга катта олов ёқиб, отарни ана шу гул-

хан орасидан ўтказганлар (**Шаниязов К.**, 1974. – С.230-231; **Саримсоқов А.А.**, 2005, 138-бет). Олов орасидан ўтказиш удуми ўт воситасида поклаш ритуалларининг таъсирида келиб чиққан.

Яйловда ўтлаётган сурувнинг ўртасидан бўлиб ўтиш гуноҳ саналганлиги учун мабодо бирор киши тасодифан сурув орасидан ўтиб қолса, бирдан еттигача бўлган сонларни уч марта санаши керак дейдилар. Шундай қилинса, сурувдаги қўйлар бўлинниб кетмас экан. Эрта баҳорда қўтон бузиш маросимида яйловга чиқарилаётган қўйлар отарининг орасидан ўтиш, яъни сурувни бўлиб ўтиш ҳам гуноҳ ҳисобланган.

Чўпонлар чорва йили мобайнида отарда касаллик пайдо бўлса ёки бирорта қўй-эчки касалга чалинса маълум магик амалларни бажаришган. Дейлик, “чорва молларига ўлат касали дориса, эшонларга назр бериш, ёмон кўзлардан асраш учун молларнинг бўйнига, шохига тумор тақиши, талоқ касали билан оғриган моллардан бирининг тўрт оёғини юқори қилиб, йўл ёқасида тириклай кўмиш каби магик характердаги ирим-сириларни бажариш одат тусига кириб қолган” (**Камол Очил**, 1992, 22-бет).

Қашқадарёлик чўпонлар эса қўй отарларида касаллик ёки ўлат пайдо бўлса, сурувни “Чўпон ота” деган “бузруквор”нинг қадамжосига олиб бориб уч марта айлантирганлар (**«ЗЎФА»**. Инв.№1753/15. «Қўнғирот қабиласининг ирим-сирим, қаъда, расм-русумлари»). Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги Чим қишлоқ фуқаролар йигинига қарашли Эски Қамай қишлоғида яшовчи 1920 йилда туғилган Ҳазратқул баҳши *Худойбердиев томонидан 1981 йилда тўпландган*).

Навбаҳор туманидаги Учтут қишлоғидаги “Учтут” қабристонида “Ойимбуви” деган муқаддас мозор бор. Агар одамларнинг қўйлари ёки моллари касалга чалинса, молига бирор қасд қилган бўлса ана шу мозорни айлантириб, мол сўйиб худойи қилишади (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1991 йилда Навбаҳор туманидаги Учтут қишлоғида яшовчи Зулфия Шодиевадан ёзиб олинган).

Чорвани касалликлардан ва зиён-заҳматдан асраш учун ёки моллар касал бўлиб қолса, чорраҳа йўлга чиқиб тўрт томондан чўпчак гериб исириқ тутатганлар. Бу “чўпчак чорраҳа” деб юритилган. Агар сигир болалаган бўлса, уни ёмон кўздан асраш учун саримсоқ, туз, жийданинг чўпи, итнинг оқ тезагидан тумор тикиб, унинг шохи олдига илдириб қўйилади (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1991 йилда Навбаҳор туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида яшовчи Маърифат Ўразовадан ёзиб олинган).

Шимолий Фарғона қишлоқларида “сурувни ёзги қароргоҳға ҳайдаш вақтида ёвуз күчлардан, ёмон кўзлардан сақлаш мақсадида чўпонлардан бири қўлида машъала ушлаган ҳолда сурувни айланиб чиққан ва қўйларга исириқ солган. Ҳар йили яловуга кетишдан ва яловдан қайтишдан олдин чорва ҳомийлари – Чўпон ота (қўйчилик ҳомийси), Чечан ота (эчкичилик ҳомийси) ва Занги отага (қора мол ҳомийси) бағишилаб қурбонлик қилинганд” (Саримсоқов А.А., 2005, 138-бет).

Чорвадорлар ўз отарларини офатдан сақлашга алоҳида эътибор берганлар. Ҳалқ орасида “Чорва чорвага қирқ ийлда етади, дехқон дехқонга бир ийлда етади” деган нақл ҳам яратилган («ЗЎФА». Инв.№1830/1. 19-бет). Бунга кўра чорва моллари бўрондан, очликдан ёки касалликдан қирилиб кетса, уни тикилаш учун кўп йил вақт талаб қилинади. Баъзи чўпонлар «Эчки юзга етмайди, юзга етсаям кузга етмайди» деган нақлни келтирадилар. Бунга сабаб, биринчидан, ўзбекнинг нимаси кўп, меҳмони деганларидаи, меҳмонга улоқ сўйиш, тўйларга улоқ қўшант қилиб бориш, қушночларнинг иримсириимиға улоқдан қон чиқариш каби удумлар туфайли эчкилар сони тез камаяди. Бундан ташқари, эчкилар орасида «олаўтка», яъни ўлласига куйдирги тушиши ва кўтирилган касали кўп учрайди.

Чўпонлар қўй-эчкиларни ёшига қараб турли номлар билан атайдилар. Масалан, найман уруғига мансуб ўзбекларда қўй олти ойлигига «барра», бир ёшда «қўзи», икки ёшда «тўқли», уч ёшда ургочи бўлса - «тусоқ», нар бўлса «шишак» ёки «чори», тўрт ёшда «новчори», беш ёшда «панжи», олти ёшда «манғи», етти ёшда «чанғи» дейилади. Боласи сўйилган қўйлар «марри», она қўйлар «сөвлиқ», қисир қўйлар «қирри» деб юритилади.

Булунғурлик чўпонлар таърифича, қўй бир яшарлигига «қўзи», икки яшарлигига «шишак», уч яшарлигига «чори», тўрт яшарлигига «панжи», беш яшарлигига «шашиби», олти яшарлигига «манғи» дейилади. Ҳисори қўйларни иложи борича шишаклигига сўймайдилар. Чунки «Шишак сўйдинг, пишак сўйдинг» деган мақолда айтилганидек, шишак гўштни оз қиласи, аммо эти мазали бўлади. Булунғурлик чўпонлар жунни кўп берадиган «жундас жайдари», оёқлари узун, юнги қилчиқ бўладиган «ҳисори» ва бўйни узун бўлиб, юз килогача семиралигиган «қўнғироти» қўйларни боқишишган. Ҳалқ орасида «Юнг оламан десанг жайдари, бой бўламан десанг ҳисори» деган мақол ҳам бор («ЗЎФА». Инв.№1830, 12-бет. 1958 йилда Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғли ёзиб олган).

Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги Чим қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Эски Қамай қишлоғида яшовчи 1920 йилда туғилған Ҳазратқул Худойбердиевнинг айтишича, қамайлик қўнғирот чўпонлари бозордан қўй-эчки сотиб олса, «ҳамиша теварагида мол қўпайиб, ўралиб, айланаб юрсин» деб шу ушоқ молнинг атрофидан ўроқ айлантириб олади. Агар қўй отарларида қасаллик пайдо бўлса, «Чўпон ота»га атаб бирор жонлиқни худойи қилиб юборищади. Бирорта қўйда қўтириб касаллиги пайдо бўлса, Қамашидаги Ўғлонжон ота деган бузрукворнинг қабрига олиб бориб етти марта айлантириб келадилар («ЗЎФА». И nv. №1753/14,15,16,21).

«Чорва ҳисоби»га кўра, қавснинг ўргаларида кийикларнинг нари модаси билан қўшилади. Айтишларича, кийикнинг олқори билан модаси икки бошқа юрар эмиш. Кузнинг охирларида ҳар тонг катта бир тошнинг устига чиқиб Ҳулкарнинг ботишига қарар эмиш. Қайси куни Ҳулкар ботса, нари билан модаси қўшилиб бирга юрар эмиш. Олқор Ҳулкарга қараган вақтларда унинг тошга оққан нафси мумиё бўлар эмиш («ЗЎФА». И nv. №1830, 36-бет. 1958 йилда Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғли ёзиб олган).

Далвнинг 2-3-кунидан бошлаб «қантар оғиши» билан қўйларнинг «ботқоқ қасаллиги» деб аталувчи қасалликка чалиниши эҳтимоли кучяди. Булунғурлик Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғлининг айтишича, агар қишида кун иссиқ бўлса, қорда қўй бир кун қуёшга қараб ётса ҳам «ботқоқ қасаллиги»га чалиниши мумкин. Қиши иссиқ келганда қўйлар қутонда сақланса, қий ҳам, кун ҳам, қўй ҳам иссиқ бўлганлиги учун жониворлар қасалланиши кузатилган («ЗЎФА». И nv. №1830, 39-бет. 1958 йилда Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғли ёзиб олган).

Қиши ўргасига келиб чорвадорлар томонидан қишлоғ учун тайёрланган ем-хашакнинг асосий қисми сарфланади. Шунда улар жониворларга озуқани тежаб-тергаб, меъёр билан бера бошлайдилар. Бу одат чорвадорлар тилида «чорвани қантариб қўиши» дейилади.

Чўпонлар қўйларининг ёшини тишига қараб аниқлайдилар. Масалан, булунғурлик ҳисобдон Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғлининг айтишича, қўзининг тишилари майда бўлади, қўй иккига кирса, иккита курак тиш пайдо бўлади. Уч яшарлигига қўзи тиши қолмайди, яъни тишиларини тўғрилайди. Олти яшар қўйларнинг тишининг ораси очилади. Етти-саккиз яшарлигига «тишини уради», яъни мўлтоқ бўлиб қолади. Тўққизўн яшар қўйларнинг оғзида тиши қолмайди («ЗЎФА». И nv. №1830, 13-бет. 1958 йилда Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғли ёзиб олган).

Халқымиз орасида қўй билан алоқадор удум ва анъаналар ҳам талайгина. Қадимги хоразмликларнинг удумига кўра, боланинг милкida дастлабки тишлари пайдо бўла бошлаганда, тиш ёриш жараёни қийин кечса, оила даврасида кичкинагина “тиш тўйи” қилинган. Бунинг учун қўй сўйилиб, “тиш тўйи”нинг анъанавий таоми ҳисобланган калла шўрва пиширилган. Қўйнинг калласини юнгдан тозалаб, тишларини қоқиб олмасдан бурун икки киши уни боланинг боши устида ушлаб туриб, уч марта айлантириб олгач, иккига ажратган. Шундай қилинса, боланинг тишлари милкни тез ёриб осон чиқади, деб ўйлаганлар. Айрим жойларда боланинг тиши чиқаётганда “унинг тишлари худди қўзиникидай бўлиб текис чиқсин” деб қўзига миндирганлар. Боланинг биринчи тушган тишини қўйлар ўтладиган жойга ёки қўрага ташлаш одати ҳам бўлган. Бу билан боланинг янги чиқадиган тишлари эгри-буғри бўлмасдан, қўзиларнинг тишидай текис чиқсин деб умид қилинган.

Ховлиларда, боғларда қўчқорларни bogлаб қўйиб боқишда ҳам муайян рамзий маъно бўлган. Қадимги инончларга кўра, қўй ёки қўчқор боқилаётган жойга ёвуз кучлар яқин келолмас, бу жониворлар хонадонни ёмон қўздан ҳам асрар эмиш. Яъни бад ниятли одамнинг назари қўчқорга тушиши биланоқ унинг “кўзи” ўз кучини йўқотади деб ишонгандар.

Қўчқор барака, хайр-саховат тимсоли деб қаралганлиги туфайли илгари бирор эзгу ишга қўл уришни ният қилган кишилар даставвал қўй бозорига бориб, қўчқор бошини силаганлар. Шундай қилса, бошланажак иш бароридан олар экан. Наврўз байрамида, халқ сайиллари ва тўйлардаги қўчқор уриштириш удумининг замирида ҳам серҳосиллик, эл-юрт хотиржамлиги ҳамда кут-барака фояси мужассамлашган.

Кўй қадим замонлардан буён қут-барака, ҳосилдорлик, танси-хатлик, ободончилик, хотиржамлик ва меҳр-мурувват тимсоли сифатида эъзозланган.

Чорвадорлар орасида **чўпон таёфи** билан боғлиқ қизиқарли инончлар мавжуд. Куйи Зарафшон воҳаси чўпонлари орасида урф бўлган анъанага кўра, чўпон таёфи тол, иргай каби дарахтлардан ясалган бўлиб, узунлиги тўққиз тутам бўлган. Фольклоршунос О.Қаюмов Хатирчи туманидан ёзиб олган маълумотга кўра, ҳар бир чўпон ўзига гаёқ ясаётган пайтда «*Тол таёқ, толмон таёқ, эчки оёқ, мохов таёқ, чўпон таёқ*», - деб тутамлаган. Ҳар бир одамнинг тутами ўз гавдасига мос бўлганлиги боис чўпон тўққиз тутам узунилкдаги таёққа суюниб

турганида унинг устки қисми чўпоннинг иягига тегиб турар экан.

Бойсун шаҳридаги Кўктепа маҳалласида истиқомат қилувчи 1912 йилда туғилган Холиқ бува Раҳмоновдан 2003 йил 23 октябрь куни чўпон таёфи билан алоқадор қуидаги ирим-сиirimларни ёзib олдик: «Чўпоннинг таёфининг ирими бўлади. Ирими шуки, унинг устидан ҳеч бир инсон ҳатлаб ўтмайди. Уйнинг ёнида бир ип бўлади, таёқни шу ерга илиб қўяди. У ерга ҳеч ким бормайдиям, уни ҳеч ким олмайдиям, тегмайдиям. Ирими шундай. Ундан кейин бир одам номарди-кор иш қилди. Мен шу одамнинг олдига бориб, “сен менинг бир молимни егансан” дейман. У “мен сенинг молингни емаганман” деб бўйнига олмайди. Мен қасамга тирайман, емабсанми, олмабсанми, мен сени урмайман, сўкмайман, мана шу таёфимдан ўт дейман. Таёқдан ўтади ва агар ҳақиқатан ҳам молимни еган бўлса, таёқдай куриб ўлади. Агар айби бўлмаса, ҳеч таъсир қилмайди.

Гаёғимизни менга бобом берган бўлса, мен чўпончиликни ташламоқчи бўлганимда ўғлимнинг қорнини тўйғазаман-да, ёнимга ўтқазиб: “Улижон, мен қаридим, энди молга ярамай қолдим, эл ичиди маърака бор, тўй бор, ўлим бор, мен булардан қуруқ қола-япман, бориб шерик бўлмаяпман”, - деб боламга топшираман таёқни. Бобом Зокирбой дегич эди, таёфини отамга топширган. Отам менга берганлар, мен йигирма бир йил чўпончилик қилдим. Бу йил боламга топширдим. Болам таёфини олдирди, уриб олдилар қўлидан. Ҳозир ҳам таёғимга ичим ачишади. Чўпон таёфини олдирса, давлат кетади, баракаси кетади. Бошингиздаги телпакни, ёнингиздаги пичоқни бирорга бермайсиз, белингиздаги белбоғни бирор одамга бермайсиз, таёғимни ўғлим йўқотган, ҳозир ҳам таёғимга ичим ачишади» (**Жўраев М.**, 2005).

Исо Эрназар ўғли томонидан 1927-28 йилларда Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидан тўпланган маълумотларга қараганда, чўпон таёфининг ирими қуидагича бўлади: «Ушоқ жонлиқ боқадиган чўпонлар иргай таёқ билан мол боқади. Мевали ёғочларнинг шохидан кам таёқ қиласди. Гужум, қайрағоч, тол, тут, товдинг қаттиқ ёғочларидан таёқни қилаберади. Лекин жингил деган ёғочдан таёқ қилмайди. Сираям уйига келтирмайди. Ёқмоқ учун ўтинга олиб келсаем, косовам қилмайди. Жингилни таёқ қилмаслик катта ирим бўлади. Молининг сони кўп бўлса, жингилдан таёқ қилса озаяди, деган ирим бор. Шунинг учун жингилдан чўпон таёқ қилмайди».

Қашқадарёлик қорлуқларда «чўпон таёфи мўътабар тутилган. Ерда ётган чўпон таёфининг устидан ҳатлаб ўтиш мумкин бўлмаган. Мо-

бодо бирор киши билмасдан таёқ устидан ҳатлаб ўтса, яна иккинчи марта қайтиб ҳатлаши, дарров чўпон таёғини қўлига олиб уч марта ўпид тавоф қилиши керак дейишган. Кимда-ким чўпон таёғининг устидан ҳатлаб ўтса бамисоли таёқдай қурийди деб ирим қиладилар. Ҳомиладор аёл чўпон таёғи устидан ҳатлаб ўтса, вақтидан аввал қўзи ёриши ёки боласи тушиши мумкин деб қўрққанлар. Бундан ташқари, чўпон таёғи билан қасам ичиш одати ҳам мавжуд бўлган» (Шаниязов К., 1964. - С.76-77).

Чўпонлар нутқида «*таёқ кўтариш*» ибораси чўпонлик қилиш маъносида қўлланилса, «*таёқ ташламоқ*» чўпонлик касбини ташлашни англатади. Сурхондарё чўпонлари орасида «*таёқ топшириди*» деган удум бор. Бу маросимда узоқ йиллар давомида «таёқ кўтарган», яъни чорва боққан кекса чўпон ўз ўғлига таёғини топшираётуб: «*Таёғинг қутлуғ бўлсин, чорванг сутли бўлсин, ота-бободан қолган бу таёқ сенга баҳту баракот ва омад келтирсин, бошинг тошдан бўлсин, омин!*» - деб фотиҳа берган. Баъзан бу маросимда ёш чўпонга иргай ёки заранг деган ёғочи қаттиқ дараҳтдан йўниб тайёрланған таёқ ҳам топширилади. Бундай таёқни яхши ният билан кекса чўпоннинг ўзи тайёрлайди ва шогирдига топшираётганда:

*Иргайдан кесдим таёқ,  
Йўлинг тўғри бўлсин деб,  
Зарангдан йўндин таёқ,  
Бошинг тошдан бўлсин деб, - дейди (Омонтурдиев А., 2006, 112-бет).*

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқ тақвимининг қадимий ва анъанавий турларидан бири ҳисобланган “чорва ҳисоби” ўз ичига чорвани эрта баҳорда биринчи марта яйловга олиб чиқиш, “қўтон бузиш”, тўл олиш, яйлов алмаштириш, “қирқим”, яъни қўйларнинг жунини олиш, қўчкор қўшиш, кузда яйловдан (тоғ ва тоғ олди туманларида) тушиш, қишлоғга қайтиш каби муддатларни ўз ичига олади.

## ҚИШКИ МАРОСИМЛАР ФОЛЬКЛОРИ

Халқимизнинг қиши фасли билан боғлиқ мавсумий маросимлари тарихи олис замонларга бориб тақалади. Абу Райхон Берунийнинг маълумот беришича, қадимги хоразмликларнинг қиши фаслидаги байрам ва маросимлари ҳам хилма-хил бўлган. Улар «а-х-ш-р-в-и-р» ойининг биринчи куни «Ф-б-р-и-х» ёки «Ф-а-р-у-ба» маросимини ўтказишган. Бу маросим Хоразм подшолари совуқ келиши билан шаҳар ташқарисидаги қароргоҳларига кўчиб чиқиб, ўз юртини ёвдан ҳимоя қилиш куни сифатида нишонланган. «Умри» ойининг биринчи куни эса «Аздокаңдхвар», яъни «совуқ тушиши билан олов ёқилган уйларда ўчоқлар атрофида йиғилиб, ёғлиқ нон ейиш куни» маросими ўтказилган. Ўша куни қаттиқ совуқ бошланганлиги учун одамлар иссиқ уйларга кириб, ўчоқ ёнида ёғлиқ нон (патир) ейишган. Бу ойининг ўн учинчи куни Чири-Руж байрамини нишонлашган. Бу байрам худди Мехржон сингари жуда катта тантана билан ўтказилган. Қадимги хоразмликларнинг қиши фасли билан боғлиқ мавсумий маросимлари тизимида «Р-и-м-ж-д» ойининг ўн бешинчи куни нишонланган «Минач-ахиб» ҳайити жуда муҳим ўрин тутган. «Мина кечаси» маъносини англатувчи бу байрамнинг келиб чиқиши ҳақидағи афсонада айтилишича, қадимда бир малика қишининг охири-баҳорнинг бошланиши арафасида юпқа шойи куйлак кийиб кечаси саройдан ташқарига чиққан ва бир жойда ухлаб қолган. Кечаси бирдан аёз бошланиб, маликани совуқ урган ва ўлиб қолган экан. Шундан бўён ўша кун ёвуз руҳларни ҳайдаш мақсадида бажариладиган турли-туман урф-одатларни ўз ичига олган байрамга айлантирилган экан. «Минач-ахиб» куни одамлар исириқ тутатганлар ва турли хил таомлар тайёрлаб, шуларнинг исидан ёвуз кучлар қочади деб ишонгандар. Шунингдек, ҳар хил афсун-дуолар ҳам ўқилган.

Қадимда Ўрта Осиё ва Эрон ҳудудида истиқомат қиласидиган халқлар қишининг энг узун туни, яъни ҳозирги ҳисоб бўйича 22 декабрда алоҳида маросимни ўтказганлар. «Сада» деб аталган бу маросимда одамлар кўча-куйда, дарвозаларининг олдида, майдонларда гулхан ёқишган ва олов атрофида хурсандчилик қилиб, ўйин-

кулгу билан тонг оттирганлар. «Қишининг заҳрини даф қилиш» мақсадида маҳсус тутатқиларни тутатганлар. «Барча зиён-заҳматларни бартараф қилиш мақсадида сопол идишларни уриб синдириш» ган. (*Аширов А.*, 2001, 16-бет).

Бу қадимий маросимлар аллақачонлар унтулиб кетган бўлсада, халқимиз орасида биринчи қорнинг ёғиши муносабати билан қилинадиган «қор хат» удуми, қиш фасли бошланиши билан деҳқонлар, боғонлар, сабзавоткор ва полизкорлар ўзларининг дала юмушларидан бўшаб, кўпроқ уйда бўлганликлари боис ўтказилган «тўкма», «шерда», «гап», «дангана», «гаштак», шунингдек, ҳозирги жорий тақвим билан боғлиқ «янги йил» байрами кенг оммалашган.

## ҚОР ХАТ

Киш фасли бошлангач, биринчи қорнинг ёғишини халқимиз алоҳида эътибор билан қаршилаган. Чунки бу табиат ҳодисаси фаслда кескин ўзгариш рўй бериши ва совуқ кунлар бошланишидан дарак берибгина қолмай, инсон руҳиятида ҳам муайян эврилишлар мавсумини бошлаб берган. Ўтган йилги қор-қировли мавсумдан кейин ўтган давр мобайнида бирор яқин қариндоши ёки оила аъзоларидан бирори вафот этган кишилар «қор ёғди» маросимини ўтказганлар. Бунда ўтганларнинг хотираси ёдга олиниб, йўқлов кўшиқлари ижро этилган.

Биринчи қор ёққанда ўтказилган анъанавий маросимлардан бири «қор хат» удумидир. Ўзбекларнинг «қор хат» ёзиш анъанаси ҳақида илк маълумот ўлкашунос Н.Ликошиннинг 1893 йилда ёзган бир мақоласида учрайди. Бу мақолада одамларнинг ҳар йили қиш фасли бошида илк қор ёққан куни бир-бирларига «қор хат» ёзиш одати ҳақида маълумот берилган (*Ликошин Н.*, 1893. - №82).

«Қор хат» ёзиш ва шу муносабат билан маҳсус зиёфат ўтказиш анъанаси халқимиз орасида кенг ёйилган. Масалан, Сурхон воҳасида бу маросим қуйидаги тартибда ўтказилган: ерга биринчи қор тушиши билан қишилар бир-бирларига «қор хат» ёзишган. «Қор хат»да мактуб мўлжалланган кишининг оиласига соғлик-омонлик, гинчлик-тотувлик, барака тиланган ҳамда хат олиб борувчини туғолмасалар бир зиёфат қилиб бериш шарт қилиб қўйилган. Одатда бундай мактублар «Қор хатга тушириш биздан, зиёфат бериш сиздан» деган ёзув билан тугаган. «Қор хат»ни ёзган киши мактуб кимга аталган бўлса ўша одамнинг ўз қўлига топшириши керак бўлган.

Агар у киши билмасдан хатни құлига олиб құйса, «қор хат»ға түшгандан бұлади. Хатни берувчи киши эса мактубни топшириши билан оқысига бурилиб қочган. Агар хатни олган киши мактуб ёзған одамни дарвозасига етмасдан тутиб олса, хат ёзгувчининг үзи «қор хат»ға түшгандан ҳисобланади ва зиёфат беришіга тұғри келади. Дарвозадан ичкарига кирганды ушлаб олса ҳисобға үтмайди. Яна бир шартты шундаки, «қор хат»ни олган киши уни ўқиса-ўқимаса, құлига олган бұлса бас, агар хат әгасини қувиб етолмаса зиёфатта түшганды ҳисобланади (**Хабибулла Faфур.**, 1992, 33-бет). «Қор хат»ға түшганды киши белгиланған вақтда зиёфат қилиб берган.

Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманинде Эски Қамай қишлоғида «қор хат» деган расмға құра, ҳар йили биринчи қор ёққанда бу қишлоқдан у қишлоққа ёки бир овулдан бошқа овулға «қор хат» ёзилған. Бундай хатни қишлоқнинг энг чаққон йигитлари олиб бориб нариги қишлоқдаги тенгқурларидан бирига беріб келишганды. Агар улар хат олиб борувчини ушлаб қолса, «қор хат» ёзған қишлоқ зиёфат бериши шарт болған; мободо ушлай олишмаса улар белгиланған муддатда «қор хат»да күрсатылған шарт бүйіча «хәқ» беришганды («ЗҮФА». Изв. №1757/19. 1981 жылда Х.Худойберди ўғли ёзиб олған).

«Кор хат» ёзиш маросимини анъанавий халқ үйини сифатида таҳдил қылған Ш.Галиевнинг фикрича, «бу үйин эркаклар жамоасининг анъанавий йиғинлари – меҳмонхона, гап-гаштаклар билан боғланиши унинг қачонлардир ритуал аҳамият қасб этганлигини күрсатади» (**Галиев Ш.**, 1998, 45-бет).

Биринчи қор ёққанда алохіда маросим үтказыш анъанаси Ўрта Осиёning бошқа халқарига ҳам маълум болған. Жумладан, Серахс ўлкасида яшовчи туркманлар биринчи қор түшганды куни «қор ёғди» маросимини үтказышганды. Маросим қуйидаги тартибда үтганды: ilk қор ёққан куни йигит-яланглар түп-түп бўлиб уйма-уй айланиб юрганлар ва бирорта дўстларининг хонадони олдига келганды қорни думалоқлаб копток ясад ичкарига отганлар. Агар қор-коптокни билинтирмасдан ичкарига отган йигит үз уйигача югуриб келгунинг қадар уй әгаси уни қувиб етолмаса, дўстларига зиёфат бериши шарт болғанды. Мободо уй әгаси қор отган кишини қувиб етса, унинг үзи зиёфат берган (**Джикеев А.**, 1983. – С.101-102).

Тожикларда бу маросим үйини «Барфи» деб аталған бўлиб, анъанага қўра бир қишлоқ йигитлари – жўралар қўшни қишлоқдаги тенгқурларига «қор хат» ёзиб жўнатганлар. Мактубни олиб борган йигит уни бирорта белгили жойда қўйиб, үзи «қор хат» олиб келганды.

лигини баланд овозда қичқириб маълум қилган ва орқасига қараб қочган. Құшни қишлоқ йигитлари хат олиб келган кишини қишлоғига етиб келгунинг қадар кувиб етолмасалар зиёфат беришга мажбур булишган (Рахимов Р.Р., 1990. – С.48-49). Шунингдек, «қор хат» ёзиш маросим-үйини ҳақидаги илмий қайдлар Н.А.Кисляковнинг бир мақоласида ҳам учрайди (Кисляков Н.А, 1947. - №1. – С.125).

Ўзбек фольклорида «қор хат» ёзиш билан боғлиқ ўзига хос фольклор асарлари ҳам яратилган. Ф.Жаҳонгировнинг ёзишича, «бундай қор хат»лар «Қорни ёғдирған худойимнинг ўзи» сұzlари билан бошланарди. Қорда қолган одам ночор сифатида тасвиранар, кўпинча, юл ёки кампирлар тилга олинарди» (Жаҳонгиров F., 1975, 68-бет). Олим анъанавий «қор хат»ларда кўлланиладиган қуйидаги мисраларни келтирган:

*Қор ёғади гунгалаб,  
Аммам келар чўккаласаб,  
Кўрпача солинг ёнимга,  
Аммам келсин уйимга* (Жаҳонгиров F., 1975, 68-бет).

ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институтининг Фольклор экспедициялари натижасида бу анъанага алоқадор халқ қўшиқлари – «қор хат» матнлари ҳам ёзил олинган. Ҳусусан, Қўқон шаҳрининг Фурқат кўчасидаги 63-йида яшовчи 70 яшар Лутфинисо Аҳмедовадан 1965 йилда Адолат Фозилова қуйидаги «қор хат»ни ёзил олган:

*Одам Отодур наслимиз,  
Қор хат ёзмоқ фарзимиз,  
Бўлди зиёфат растимиз,  
Гўзал қишидур фаслимиз.*

*Сизга айтдик арзимиз,  
Энди чўзинг қарзингиз,  
Хеч бормадик тўйингизга  
Таклиф этарсиз уйингизга.*

*Кўп десак инсофданмас,  
Йўқ десак ҳам яхши бўлмас,  
Зиёфат бермоқ энди ишингиз,  
Ёздек ўтсин қишингиз.*

*Ўзимиз ҳам ўн киши,  
Киши билан бўлмас иши,*

Қозонга ёқсангиз олов,  
Тайёр бўлар ёғлиқ палов («ЗЎФА».Инв.№ 1657.пап.

21. даф.1/6).

Ўтказилиш вақти қиши фаслида локаллашганлиги, иштирокчилар таркиби томонидан бажариладиган хатти-ҳаракатлар («қор хат»ни ёзиш, уни «эга»сига олиб бориб бериш, мактуб олиб борувчининг таъқиб этилиши ва ҳ.к.) муайян ҳаётий-драматик моҳият касб этиши, вербал («қор хат», хат ёзувчи ва уни олган киши ўртасидаги нутқий мулоқот) қисмнинг мавжудлиги ва энг асосийси, маросимнинг биринчи қор ёққан куни ўтказилиши «Қор хат» ёзиш анъанасининг ўзига хослигини кўрсатадиган белгилар сирасига киради.

## ШЕРДА

Ҳалқимизнинг қадимий анъанасига кўра, йил бўйи меҳнат қилиб, кузда дала ишларини ниҳоясига етказган деҳқон ва боғбонлар, шунингдек, ўз сурувини қишлоғга қайтариб келган чорвадорлар қиши билан турли-туман маросимлар орқали вақтнинг кўнгилли ўтишини таъминлаганлар. Ёши тенг бўлган кишилар, яъни ҳамтенг, жўра, дўст-ёrlар «тенг-тенгти» билан йиғилишиб, *gap-gashtag*, *дангана*, *тўқма*, *шерда*, *ҳарфона (халпана)*, *ўтиришма*, *зиёфат*, *ташкил*, *гурунг* каби турли хил маросимларни ташкил этишган. Ана шу килдаги ўтиришлар халқ орасида кенг оммалашган бўлиб, одатда ўзига хос маросим тарзida ўтказилган.

«Гап» ёки «гаштак». Тенгдош дўстлар ёки улфатларнинг чойхона ёки ўз уйларида навбати билан зиёфат бериши маросими «гап», «гаштак» деб аталган бўлиб, жўрабоши (оқсоқол) томонидан бошқариб турилган. «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да ҳам «гап» сўзи «дўст-тенгкур, ҳамкасаба улфатлар орасида навбати билан ҳафта ёки ойда улардан бириникида ўтказиладиган зиёфат, улфатчилик» деб изоҳланган («Ўзбек тилининг изоҳли лугати», 485-бет).

Ўзбек тилидаги «гапхона», «гапхона қилиб ўтиromoқ» сингари лисоний бирликлар қадимда «гап-гаштак»лар маҳсус меҳмонхоналар(этнограф Р.Раҳимов таъбири билан айтганда, «эркак уйлари»-)да ўтказилганлигидан далолат беради. «Гап-гаштак» маросими иштирокчилар томонидан навбатма-навбат улардан бирининг хонадонида ўтказилиши нисбатан кейинги ҳолатдир. Ҳар ҳолда, Н.С.Ликошин, Г.П.Снесарев, М.С.Мирҳосилов, Р.Р.Раҳимовлар томонидан тўплланган этнофольклористик далиллар (Ликошин Н.С., 1916.

– С.353; Снесарев Г.П, 1963. – С.171; Мирхасилов М.С, 1963. - №5. – С.116-121; Рахимов Р.Р, 1990. – С.22-24) мазкур маросим генгдош дўстлар, улфатлар томонидан аввалдан қатъий тарзда белгилаб қўйилган навбат асосида гапхўрларнинг уйида галма-талига ўтказилишини тасдиқлади.

Бу маросим номини билдирувчи «гап» атамасининг семантикаси «мулоқот», суҳбат», «фикр алмашиш», «маслаҳатлашиш» маъноларини англатса, «гаштак» лексемасининг этимологик асоси форс-тожик тилидаги «навбат» маъносини билдирувчи «гашт» сўзи бўлиб, «-ак» сўз ясовчи қўшимчадир (Рахимов Р.Р, 1990. – С.24). Демак, «гаштак» сўзи «навбатма-навбат ўтказиладиган маросим» маъносини беради.

«Гап» одатда чойхўрликдан бошланган ва гап берувчи кишининг имкониятига қараб қуюқ-суюқ таомлар тортилган. Таомлар орасида куй-қўшиқлар тингланган, ашулалар ижро этилган, аскиябозлик, қизиқчилик қилинган, латифа, нақл, ривоятлар ҳикоя қилинган. Б.Саримсоқов тўғри таъкидлаганидек, «гап-гаштак маросимларида халқ қўшиқлари ва термалари ҳам ижро этилади. Аммо мазкур маросимнинг ўзидагина айтиладиган маҳсус қўшиқ ёки айтимлар ҳақида аниқ маълумот мавжуд эмас. Тахминимизча, ўтмишда гап-гаштак қўшиқлари бўлган, лекин кейинчалик улар унутилиб кетган» (Саримсоқов Б., 1986, 45-бет).

«Дангана». «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да «дангана» сўзининг икки хил маъноси берилган. Бу сўзниң биринчи маъноси, «бир қанча оиласида навбат билан тайёрланган, тайёрланадиган ва тарқатиладиган овқат» бўлса, иккинчи маъноси «шерикчиликка бирор тирик мол (от, сигир, туя ва ш.к.) сотиб олиб, сўйиб, гўштини тенг тақсимлаш» деб изоҳланган («Ўзбек тилининг изоҳли лугати», 555-бет).

Чиндан ҳам, Ҳазратқул бахши Худойберди ўғлининг маълумот беришича («ЗЎФА». И nv.№1757/77), Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги Эски Қамай қишлоғида қиш кириши билан шу қишлоқда истиқомат қилувчи 20-30 киши бирлашиб бозордан ёки бирор ҳамқишлоғидан битта қўй ёки ҳўқиз сотиб олиб сўядилар. Гўштни тенг бўлиб олиб, сотиб олинган молнинг пулинни кимга қанчадан етса қўшилишиб тўлайдилар.

Бу одат Сурхон воҳаси чорвадорлари орасида ҳам мавжуд бўлиб, тилшунос А.Омонтурдиев томонидан «дангана» сўзи «кимдир ўз молини нархлаб сўйиб сотиши» деб изоҳланган. Воҳа чорвадорлари

орасида кенг тарқалган «Дангана деса ёқади, нули мени чақади» айтими (Омонтурдиев А., 2006, 135-бет) ҳам шу одат билан алоқадордир.

«Тўкма». Тенгкур, тенгдош, жўра, улфатларнинг қиши кунларида ўттада маблағ тўплаш ёки масаллиқ йигиш йўли билан ўтказадиган анъанавий маросими «тўкма» деб аталган. «Тўкма» сўзининг маъноси «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да ҳам «улфатлар ўттага тўккан маблағ ва масаллиқ ҳисобига, одатда, қиши кунларида ўтказиладиган ўтириш» («Ўзбек тилининг изоҳли лугати», 233-бет) деб талқин қилинган.

Қиши фаслида ўтказиладиган «тўкма» маросими Тошкент (Гаврилов М.Ф., 1929. – С.4) ва Самарқанд (Мирхасилов М.С., 1963. – №5. – С.116-121) вилоятларида ҳам мавжуд бўлганлиги қайд этилган.

Бу маросимнинг ўтказилиш вақти ва давомийлиги гап-гаشتакка ўхшаб аввалдан қатъий белгиланган муддат асосига қурилган эмас. Қиши кириши билан ёш-яланглар, йигитлар, ўрга яшар ва кекса кишилар ҳар қайси ўз тенгдошлари – «тўпи» билан уюшиб, ўттага маблағ ёки масаллиқ тўкиб бу ўтиришни ташкил қиласеришган. Масалан, Фарғона водийсида ҳам «тўкма»нинг ўтказиладиган вақти қатъий белгилаб қўйилмаган бўлиб, улфатлардан бирорининг уйига меҳмон келиши, узоқ сафарга кетган жўралардан бирининг қайтиб келиши ёки ўзаро келишувга кўра белгиланган кунда ўтириш иштирокчиларидан бирининг уйидаги ўтказилган. «Тўкма»ни ўтказиш учун улфатлар асосий масаллиқ – гўшт, думба ёғ, гуруч, сабзи ва ҳ.к.ларни ўттада пул йигиш йўли билан сотиб олишган. Конибодом, Хўжанд атрофидаги қишлоқларда қиши бўйи ҳафтанинг пайшанба (жума арафаси) ва шанба (бозор бўладиган якшанба кун арафаси) кунларидан ташқари деярли ҳар куни «тўкма» қилинаверган (Рахимов Р.Р., 1990. – С.24-25).

«Тўкма» атамасининг этимологияси хусусида илмий манбаларда турли хил қарашлар баён этилган. Масалан, XX асрнинг 50-йилларида Хўжанд вилояти қишлоқлари аҳолиси турмуш тарзида «тўкма» маросимининг мавжудлигини аниқлаган Н.А.Кисляков бу атаманинг келиб чиқиши араб тилидаги «таом», «овқат» маъноларини англатувчи «тұмма» сўзи билан боғлиқ деган илмий фаразни илгари сурган эди (Кисляков Н.А., 1973. - С.93). Фарғона вилоятининг Риштон туманида яшовчи кексалар бу атама «маблағ ёки масаллиқни тўплаш, бир жойга йигиш, тўкиш» маъносини билдиради деб ҳисоблайдилар (Рахимов Р.Р., 1990. – С.25).

Бизнингча ҳам, «тўқма» атамасининг этимологик асоси «тўқ» феъли бўлиб, унга «-ма» ясовчи қўшимчасини қўшиш орқали ушбу мавсумий маросим номи сифатида қўлланилиб келинган атама ясалган.

«Шерда». Қиши фасли билан боғлиқ мавсумий маросим фольклорининг ўзига хос қўшиқлар силсиласини жонли ижро ҳолатида XX асрнинг 80-йилларида қадар сақлаб келган қадимий жанрларидан бири «шерда» деб аталган. Таниқли олим Б.Саримсоқов ўзининг маросим фольклорига бағишланган монографиясида қиши фаслида ўtkазилган анъанавий маросимлар хусусида тўхталар экан, «яс-юсун атамаси мӯгулча бўлиб, унинг биринчи қисми «яс» қандай маъно англатишини аниқлай олмадик, иккинчи қисми эса мӯгулча «ёсо» сўзидан олинган бўлиб, тартиб, қоида, урф-одат, катти-ҳаракат маъноларини англатади. Ўзбекларда бу маросим бошқача номлар билан ҳам юритилади. Масалан, Тошкент ва Фарғона водийсида бўзахўрлик; Бухоро, Самарқанд ва Туркистон ҳамда Сайрам атрофларида қўна ўтиришлари деб аталади. Биз қуйида фақат Яс-юсун атамасини қўллаймиз» деб ёзган ва ўзбек маросим фольклори жанрлар тизими таснифотида мазкур маросимни «яс-юсун» номи билан тавсифлаган эди (**Саримсоқов Б.**, 1986, 45-бет).

Бу атаманинг қўлланилиши анчайин баҳсли бўлиб, биринчидан, ўзбеклар орасида ғоят кенг қамровда оммалашган бу маросимнинг ҳалиқ орасида «яс-юсун» тарзида номланиши кузатилмаган ва аслида мӯгулча бўлган сўзлар негизида ясалган бу атамани ўзбек фольклори жанрлар таркибида тиқишириш ўзини оқламаган. Бинобарин, М.Ф.Гаврилов ҳам «яс-юсун» атамаси мӯгул тилида «ҳақ-хукуқ», «тартиб-қоида» маъноларини билдиришини қайд этган ва 1928 йилда Шаҳристон-Зомин йўналиши бўйлаб ўтказилган этнофольклористик экспедиция давомида аниқланган мазкур маросимни «шерда» деб талқин қилган эди (**Гаврилов М.Ф.**, 1929. – С.3-4).

Иккинчидан, ўзбекларнинг қиши фаслида ўтказиб келган бу маросимининг номини билдирувчи «шерда», «бўзахўрлик», «кўна ўтиришлари», «ҳаққона» каби атамалар мазкур жанрни билдирувчи терминни ўзбек тилининг ички имкониятлари асосида танлаш мумкинлигини кўрсатади. Бизнинг фикримизча, қиши фаслида тенгқур жўраларнинг ўзаро маблағ тўплаш ёки галма-галлик принципи асосида ташкил қилинган ва ўзининг анъанавий поэтик фольклорига эга бўлган мавсумий маросим фольклорининг бу жанрни «шерда» номи билан фольклоршуносликнинг илмий терминологияси тизимида киритиш мақсадга мувофиқдир. Зоро, М.Ф.Гав-

рилов ҳам, Б.Саримсоқов ҳам бу маросим «шерда уюштириш йўли билан ташкил этилиши»ни таъкидлаганлар (Гаврилов М.Ф., 1929.-С.4; Саримсоқов Б., 1986, 45-бет). Демак, маросимнинг ташкилий асоси «шерда» усулига қурилиши ҳам бу жанрнинг номи учун шу сўз асос бўлиши зарурлигини кўрсатади.

Халқимиз орасида «шерда» атамасининг бир неча хил талқинлари бор. Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги Эски Қамай қишлоғида яшовчи Ҳазратқул бахши Худойберди ўғлининг айтишича, «шерда деганимиз масалан, 20 киши бирлашиб бир қўйни бозор куни сўйиб бир ярим ёки икки кг.дан бўлиб олиши одати. Улар янаги ҳафтада мен, ундан кейинги ҳафтада сиз деб навбат тузиб, дастлаб шерда бошлаганда қанчадан гўшт бўлиб олинган бўлса, ана шу давом этиб, йигирмаси ҳам биттадан қўй сўйиб бўлиб беради» («ЗЎҒА». И nv.№1757/76).

Сурхон воҳаси чорвадорларининг «шерда» удуми ҳақида тиљшунос олим А.Омонтурдиев шундай ёзади: «Чорвадор яйловга кўчиб боргач (яйлов ҳаёти 6,8 ой давом этиши мумкин), қўйлар семира бошлаши билан, овлу аъзолари бир-бирига тир (тeng) келадиган, навбатма-навбат сўйилиши керак бўлган биттадан кўйларни қутон ўртасига олиб келишади; овлубоши маъкуллагач, буруш урилади (буруш уриш – қўй орқасидан бирор жойининг жунини кесиш, белги қилиш). Мана шу удум билан боғлиқ сўйиладиган қўй **шерда** (шерикли маъносида) дейилади. Шерда овлу аъзолари томонидан тенг тақсимлаб (кўпинча тарозисиз, чамалаб) олинади. Чорвадор нутқидаги «бугун шерда куни», «бугун шерда бўлади» гаплари «бугун қўй сўйиладиган, гўшт ейиладиган кун» ёки «шерда қўй», «буруш урилган қўй», «сўйиладиган қўй» тушунчаларининг эвфемик ифодасидир» (Омонтурдиев А., 2006, 135-бет).

«Шерда» маросимининг тўлиқ тавсифи 1928 йилда этнограф олим М.Ф.Гаврилов томонидан Зомин ва Шаҳристон туманларида истиқомат қилувчи «қирқ», «минг», «юз», «қарапчи», «парчаюз» уруғларидан ёзиб олинган.

Анъянага кўра, «шерда» маросими икки хил йўл билан, яъни ўтириш учун зарур бўладиган масаллиқларни биргаликда, қўшилишиб харид қилиш ёки «тўкма» усулида (шунинг учун ҳам М.Ф.Гаврилов бу маросим Тошкент атрофидаги қишлоқларда «тўкма» деб аталади деб ёзган эди) ҳамда маросим иштироқчилаrinинг ҳар бири галма-гал харажат қилиши йўли билан ташкил этилган. «Шерда» қиши бўйи ўтказилиши кўзда тутилганлиги са-

бабли бу маросимда иштирок этадиган жўралар, улфатлар ёки тенгдошлар ўзларининг ичидан бир кишини «бек» қилиб сайлаганлар. Бек эса ўзига ёрдам берадиган «ўнг оталиқ» ва «чап оталиқ»ни гайинлаган. Улар бирор сабаб билан бек «шерда»да қатнашмай қолса, унинг вазифасини бажарувчи ўринbosар ҳисобланишган.

Одатда қиши кириши билан ўтказилган биринчи «шерда»да «бек» сайланган. Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги Фориш давлат хўжалигининг 2-бўлимида яшовчи 70 яшар Ортиқвой Рисбековнинг айтишича, бу удум «бек қўтариш» дейилган. Бунда «шерда»га йиғилган йигитлар ўзларининг энг обрў-эътиборли жўрасини «бек» қилиб қўтаришгач, ҳаммалари қур тўкиб ўтиришган ва улардан бири косагулнинг қўлидан бўза куйилган пиёлани олиб қўйидаги қўшиқни ижро этган:

*Эй бегим, бекликкинанга ёна бўл,  
Мажлиса кирган йигитлар доно бўл!  
Дўст келиб, душман кетар кундир бугун,  
Эй бегим, қўш оталиқ, мардана бўл,  
Бегим аллаёр, аллаёр,  
Бегим аллаёр, аллаёр!*

*Эй бегим, нечада бордир ёшингиз,  
Ҳамиша давлатда бўлсин бошингиз,  
Дўст келиб, душман кетар кундир бугун,  
Ҳамиша Хизр бўлсин йўлдошингиз,  
Бегим аллаёр, аллаёр,  
Бегим аллаёр, аллаёр!*

*Қор ёғмайин ола бўлган тоғлар-а,  
Ғунчасинда ҳазон бўлган боғлар-а,  
Куйистонда куйиб ўтган бедилхон,  
Устида қагиллаб ўтган гозлар-а,  
Бегим аллаёр, аллаёр,*

*Бегим аллаёр, аллаёр!*

(«ЗЎФА». Инв.№1745. 1980 йилда Б.Саримсоқов ёзиб олган).

Форишликлар орасида урф бўлган анъанага қўра, «шерда»да баъзан ҳатто 50-60 нафар улфатлар иштирок этган ҳоллар ҳам бўлган экан. Ана шундай кўп кишилик «шерда»ни бошқариш, ташкил қилиш ва тартибли ўтказиши бекдан алоҳида маҳорат, тажриба

ва қаттиққұлликни талаб қылған. Одатда бундай «шерда»нинг «бек күтариш» удумида йигитлар «Салламно» құшиғини ижро этиб, бекнинг сифатларини таъриф-тавсиф қылғанлар. Хусусан, Фориш тұманиндағы Учма қышлоғилик Юсуф деган йигитни бек қилиб күтарғанда жүралары қуйидаги құшиқни ижро этишган:

*Юсуфбек Учма соиідан,  
Сұхбат қуриб жат<sup>4</sup> ойидан,  
Эллик йигитта бош бұлиб,  
Юсуф бегимга салламно!*

*Эллик йигиттія� ози,  
Ярашиққа олтын қози,  
Анніг ўзи бұлиб сози,  
Баҳушёрингга салламно!*

*Яна келдик Юсуфбекка,  
Эркавойнинг бүйі тикка,  
Косани сунғанда бекка,  
Дароз бүйінгга салламно!*

*Ясавули Эркавойдир,  
Минганлари қилич тойдир,  
Анніг ўзи яқка бойдир,  
Баҳушёрингга салламно!*

ХХ асрнинг 20-30-йилларида «шерда» маросимида тариқдан тай-зәрланадиган маҳсус ичимлик – бұза ичилған (Гаврилов М.Ф., 1929. - С.4; Саримсоқов Б., 1986, 45-бет). Шунинг учун бек үлфатлар орасидан бир кишини «косагул» этиб тайинлаган ва у ҳар бир үтиришда жүраларға бұза сузіб узатып вазифасини адо этған. Бундан ташқары, бекнинг ҳамма буйруқларини бажартирадиган чаққон бир йигитни «ясавул» этиб сайлашған. «Шерда» бұлиб үтадиган уй эгаси «әшик оғаси» дейилған.

«Шерда» маросимининг ўзига хос тартиб-қоидалари мавжуд бўлиб, унда иштирок этувчи кишилар қуйидаги талабларға амал қилишлари керак бўлған: 1) маросимнинг ҳар бир иштирокчиси

<sup>4</sup> «жат» - форишлиқ чўпонлар январь ойини шу ном билан атайдилар.

косагул томонидан узатилган бўзани дарҳол қўлига олиб, бир нафасда ичиб юбориши керак; 2) косани кўтариб ичайтганда бўзани гўкмаслик керак; 3) маросимда қатнашаётган йигитларнинг бари чўкка тушиб, яъни «чорзани» усулида ўтириши ва фақат бек рухсат берган тақдирдагина оёғини узатиб, чордона қуриб ёки бошқа шаклда ўзига қулай ҳолатда ўтириши мумкин бўлган; 4) ўтириш тугамагунга қадар ҳушёр бўлиб ўтириши, маст бўлиб шовқин солмаслиги, сўкинмаслиги, бақирмаслиги керак; 5) «шерда» ўтаётган хонани эшик оғасининг рухсатисиз тарк этган киши қайтиб келганида бекнинг қўлида коса бўлса, дарҳол косани олиб бўзани ичиб юбориши лозим бўлган.

«Эшик оғаси» билан ясавул даврадаги йигитларнинг хатти-ҳаракати, ўзини тутишини кузатиб туришган ва бирор киши қоидани бузган тақдирда дарҳол буни бекка билдиришган. «Шерда» талабларини бузган йигит бекнинг буйруfiga кўра ясавул томонидан жазоланган. Жазо турлари ҳам хилма-хил бўлган: масалан, қоидабузарни қаҳратон қишида ташқарига олиб чиқиб, бир даражатга боғлаганлар ва устидан совуқ сув куйганлар, дарра билан урганлар ва ҳ.к. (Гаврилов М.Ф., 1929. - С.6; Саримсоқов Б., 1986, 46-бет).

Бу маросимнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда иштирок этувчи йигитларнинг барчаси «шерда»да айтиладиган анъанавий ҳалқ қўшиқларини ширави овоз билан ижро этишган. Иштирокчилардан бири томонидан ижро этилган тўртлик бошқа киши томонидан қайтарилимаган. «Шерда» бошлангач, косагул бўза қуийлган косани улфатлардан бирига тутар экан:

*Алёр бўлсин-ай,  
Хўжам ёр бўлсин-ай,  
Хўжам берган бу давлатга  
Душман зор бўлсин-ай! –*

деб қўшиқ айтган. Косани олаётган киши бунга жавобан одатда «Олло ёр бўлсин-ей!» деган бўлса-да, қўпинча жавоб тўртликлари ҳам айтилган:

*Ойга ўхшайдир юзинг,  
Чулпонга ўхшайди кўзинг,  
Мунча ҳам яхши бўлурми,  
Эл ичинда юлдузинг (Гаврилов М.Ф., 1929. - С.9).*

Профессор Т.Мирзаевнинг фольклор экспедициялари натижасида Туркистон, Қарноқ, Иқон, Сайрам, Қорабулоқда «шерда» маросимида ижро этиладиган анъанавий халқ қўшиқлари «ҳаққоналар», «кўналар», «бўзагарлар қўшиғи» деб аталиши маълум бўлди. Бу жойларда урф бўлган анъанага кўра, бекнинг амри билан бўза тўла косани олган киши чилдирма жўрлигига «ҳаққона» қўшиғининг икки тўртлигини ижро этиши, бинобарин, биринчи тўртлик қайси сўз билан бошланган бўлса иккичи тўртликни ҳам айнан ўша сўз билан бошлаш қоидасига риоя қилиши лозим бўлган.

1963 йилда тилшунос олим Ф.Абдуллаев Туркистон туманидаги Қарноқ, Иқон, Ибота қишлоқларида истиқомат қилувчи Усмон Муҳаммедов, Тўғон Султонов, Мирза Шораҳимов, Бобош Турсунбоевлардан «Шерда» маросимида ижро этилган «ҳаққона» ёки «кўҳна дунё» (кў:налар) деб аталувчи қадимий халқ қўшиқларини ёзиб олган. Бу қўшиқлар «шерда» маросими фольклорининг ўзига хос ижро усули ва матний тузилиши тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради:

*Бийик-бийик тепалардан тоирилдим,  
Учар қушман, қанотимдан қайрилдим,  
Мен найлайн шу улфатнинг дастидан,  
Юргук отман, туёғимдан айрildim.*

*Бийик-бийик тепада қуш ўлтуурур,  
Йўқчилик бошимга кулфат келтирур,  
Ёрли бўп, оғайнига хор бўлгунча,  
Тоғдаги арслон бўлай то ўлгунча.*

*Қизларжон, қилиққинанг қил ёради,  
Лабларингнинг шакари тил ёради,  
Қошлиргиң қози бўлиб юрт сўраса,  
Кипригинг жаллод бўлиб жон олади.*

*Қизларжон, қайнар булоқقا бошламанг,  
Моли кўп деб бой боласин хушламанг,  
Мол деган қўлнинг кири, ювса кетар,  
Кокилингиз чор тарафга ташламанг.*

*Қошингнинг қорасига пайвастаман,  
Ман сани олай деган ҳавасдаман,*

*Ман сани олай дедим, ололмадим,  
Тұтиқуш боласидек қафасадаман.*

*Қошингнинг қорасига қотғил мани,  
Ошиқлар бозорида сөтгил мани,  
Ошиқлар бозорида олмасалар,  
Кипригиндан ўқ ясаб отғил мани*

(Абдуллаев Ф., 1978, 123-125-бетлар).

Маълумки, «шерда» маросимида ижро этилган құшиқларда юксак ахлоқий-маърифий ғоялар, ҳақиқий йигитликка хос мардлик, жұмардлик, ҳалол-покиза яшаң, оиласи ардоқлаш, эл-юрг-га, ватанға садоқат тараннум этилади. Икон қишлоғида 1900 йылда туғилған Юнус Эрмат ўғлидан ёзіб олинған «хаққона»ларда бевосита «шерда» маросими билан боғлиқ ана шундай мотивлар яққол күзға ташланиб туради:

*Бұзанинг ҳам косаси, пиёласи,  
Йигитта ҳамроҳ бұлур қайнонаси,  
Йигитнинг олган ёри яхши бўлса,  
Олдида ўйнаб турар жононаси.*

*Бұзанинг асли онаси курмакдин,  
Хеч мажолим қолмадику, юрмакдин,  
Келганим йўқ бу ерга бўза ичгали,  
Фаразим яхши-ёмонни кўрмакдин.*

*Эр йигитнинг минган оти оладир,  
Ярашиққа ёл-қуйруғин тараиди,  
Эр йигитта ўғил фарзанд бўлмаса,  
Ўлар чоғда орқасига қарайди.*

*Эр йигитнинг минган оти буврилдир,  
Чуҳ деганда қўлдан қамчи суврилди,  
Эр йигитнинг фарзандлари бўлмаса,  
Ўлар чоғда замонаси қуврилди.*

*Бий ака, бийлингинга йўқдур гумон,  
Хайбатингнинг зўридан тоғлар туман,  
Биринг арслон, биринг қоплон, бекларим,  
Иккингиз бир бўлсангиз, кимлар душман?*

*Бий ака, деб айтабермасми киши,  
Мард бўлиб мардона бўлмасми киши,  
Ҳар киши жоним деса, таним деса,  
Қип-қизил девона бўлмасми киши*

(Абдулаев Ф., 1978, 117-119-бетлар).

ХХ асрнинг 20-йилларида тўпланган материалларга кўра, бу маросим ўзига хос тарзда якунланган. Ўтириш учун тайёрланган бўза тугагач, косагул бўзанинг охирини косага солаётуб:

*Тоғоралар тақ этди,  
Хизматлар бажо етди,  
Охир туби оқ тўш! –*

деган. Буни эшитган бек маросим қатнашчиларини уй-уйларига тарқалишга изн берган ва шу билан «шерда» ўз ниҳоясига етган.

«Шерда» маросимининг қадимий анъаналари ўтган аср ўрталарида қадар яшаб келган бўлса-да, халқимиз турмуш тарзи ва қадриятларининг изчил ривожи давомида сақланиб қолмади. Аммо бу маросимда ижро этилган халқ қўшиқлари кекса авлод хотирасида сақланган бўлиб, фольклор экспедициялари чогида «ҳаққона», «кўҳна» деб аталувчи бу тафаккур дурдоналарининг кўплаб намуналари ёзиб олинган.

## БАҲОРГИ МАРОСИМЛАР ФОЛЬКЛОРИ

Маълумки, мавсумий маросимларнинг аксарияти ҳалқимизнинг йил давомида қиласиган меҳнатининг турлари ва характерига боғлиқ ҳолда келиб чиқсан булиб, ҳар бир фаслда ўтказилган анъанавий маросимларда деҳқон, чорвадор ва боғбонларнинг ўша фаслдаги меҳнат фаолиятининг ўёки бу қирраси ўз ифодасини топганлиги кўзга ташланади. Янги меҳнат мавсумини бошлаб берадиган баҳор фасли ҳам ана шундай маросим ва урф-одатларга бой фасл саналади.

Халқимизнинг баҳор фаслида ўтказган маросимлари қадимишлиги ва асрлар давомида изчил тарақкий этиб келганлиги билан ажralиб туради. Улуг юртдошимиз Абу Райхон Беруний ўзининг «Осорул-боқия ан ал қарун ул ҳолия», яъни «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар» асарида келтиришича, аждодларимиз фарвардин ойининг биринчи куни наврӯз байрамини нишонлаганлар. Хоразмликлар эса йилбоши байрамини новсоржи ойининг биринчи куни нишонлаганлар. «Ҳ-р-в-дот» ойининг биринчи куни «арижосувон», яъни «Иссик кийимдан чиқиши» маросими қилинган. Берунийнинг қайд этишича, бу маросим ўтказилгач, деҳқонлар ерларига кунжут каби экинларни экишган. Қадимги хоразмликларнинг эрта баҳорда ўтказган бу маросими қиши фаслининг якунланиши ва кўкламнинг бошланиши тантанаси ҳисобланган (*Қаюмов А.*, 1974, 11-12-бетлар).

Баҳор фасли янги меҳнат мавсумини бошлаб берганлиги сабабли қадимдан йилнинг бу даврига оид кўплаб маросимлар вужудга келган. Бу фаслдаги маросимларнинг аксарияти йилбоши-наврӯз байрами билан бевосита боғланиб кетади. Ҳалқ орасида анъанага айланган «лой туғиши», «охир чоршанба», «қозон тўлди», «сумалак сайли», «ашшадарози», «сумалак бевити», «йилбоши», «кади синдириди», «варрак учириш», «ҳалинчак учиш», «шохмойлар», «дарвешона», «эломон худойи» каби маросимлар бевосита наврӯз байрами тизимиға мансуб бўлган. Бу маросимлар билан боғлиқ қўшиқ, афсона, ривоят, нақл, айтим, ирим-сирим ва эътиқодий қарашлар тақвим фольклорининг наврӯз туркумига оид ҳалқ ижоди на-муналари сирасига киради.

Баҳорги маросимлар силсиласида гул сайиллари алоҳида муҳим ўрин тутган. Мамлакатимизнинг тоғ ва тоғ олди худудларида «бой-чечак хабари», «лола сайли» маросимлари ўтказилган бўлса, бошқа жойларда «қизил гул», «гули сурх», «гули аргувон» сайиллари урф бўлган. Наманган вилоятининг Чуст туманига қарашли Тошқўрғон, Машҳад қишлоқларида ҳар йили май ойида «Сумбула сайли» ўтказилган. Бу маросимлар Ўрта Осиё ҳалқлари мифологиясида ўлибтирилувчи табиат тимсоли сифатида тасаввур қилинган Сиёвуш культи билан боғлиқ ҳолда келиб чиққанлиги характерлидир.

Кузда иссиқ ўлкаларга қишлиш учун учиб кетган мавсумий күшлар эрта баҳордан эътиборан юртимизга қайтиб кела бошлайдилар. Тошкент вилоятининг Бурчмулла қишлоғида яшовчи болалар баҳорда илк бор саъвани кўргандা:

*Саъва момо, саъва момо,  
Эсон-омон келдингизми?  
Саъва момо, саъва момо,  
Кўзингиз тузалдими,  
Пўстакларингиз очилдими?*

— деган айтимни айтишган. Халқ қарашларига кўра, саъва бутун қиши бўйи кўй пўстагидан тикилган пўстинига ўралганча, кўзларини юмиб ётар эмиш (Пещерева Е.М., 1925. - С.96).

Турналар учиб кетаётганда уларга қараб: “Хой турналар, турналар, хизмат қилаётган акамга салом айтинглар!” - деб армияда хизмат қилаётган яқинларини ёдга олганлар. Нақл қилишларича, турналар пастлаб учса, арzonчилик бўлади. Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида яшовчи Азима Сайдованинг айтишича, турна келганда:

*Арқон бўл, гилам бўл,  
Арқон бўл, гилам бўл,*

— дейилади. Айтишларича, турналар баландлаб учса — қимматчилик, пастлаб учса — арzonчилик бўлар эмиш. Навбаҳор туманида яшовчи Сиддиқ бува Турдиевдан эса турна келганда ижро этиладиган куйидаги айтим-кўшиқни ёзиб олган эдик:

*Турналар қурей-қурей,  
Тўргай чулдир-чулдирей,  
Қайда сўқмоқ - ийлдир-еј,  
Оёқ ости гулдир-еј!*

-Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Қуввача қишлоғида эса баҳорда турналарнинг арқондай бўлиб учиб ўтаётганини кўрган болалар қувончини қўшиққа жо қилиб, шундай дейдилар:

*Турна, турна, арқон сол,  
Киссангга талқон сол,  
Толқонингни ейлик,  
Тегаверсун дейлик.*

Турналар барвақт учиб келса, баҳор эрта бошланади дейди дехқонларимиз. Бу қушлар тўп-тўп бўлиб ўйин-рақсга тушса, кун исийди, улар қичқирса, ёмғир ёғади деб таъбир қилинади. Тажрибали дехқонлар турналарнинг кўкламги учиб келицигагина эмас, балки кузда иссиқ ўлкаларга учиб кетишига ҳам эътибор берадилар. Уларнинг қўп йиллик кузатувларига қараганда, кузда турналар баланд учса, куз узоқ вақт давом этади. Улар барвақт ва настлаб учиб кетишича, қишиштиқ келади. Ҳатто халқ орасида “Турнанинг орқасидан аёз келади” деган нақл ҳам бор. Шунинг учун ҳам Чимкент вилоятининг Сайрам туманида яшовчи Жаҳон опа Имомраширова 1969 йил 10 апрелда фольклоршунос З.Хусаиновага «*Турна келди, тур хотин, тўғирлиғингни сур хотин*» мақолининг маъносини изоҳлар экан, кузда турна учиб ўтаётганини кўрган одамлар қора ўйнинг намат кигизи – тўғирлиқни жойига суриб, қишиштиқ келади киришишганлигини баён қылган («ЗЎФА». Инв.№1643/9).

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Назари қишлоғида яшовчи 1958 йилда туғилган Исмоил aka Нуриллаевнинг айтишича, дехқонлар турна учиб ўтгандан кейин баҳор бошланади деб ҳисоблашар экан. Бойсунликлар турна учиб ўтганда қуйидаги қадимий халқ қўшиғини айтадилар:

*Турна ўзи кўримли,  
Усти қора, бўйни-оқ,  
Турна учса баландлаб,  
Йил келади қурғоқ,  
Аргамчи, гиламчи,  
Аргамчи, гиламчи.*

*Турна тилла тарози,  
Об-ҳавога қози,*

*Турна қолса юртингда,  
Салқин келади ёзи,  
Аргамчи, гиламчи,  
Аргамчи, гиламчи.*

Тошкент вилоятининг тоғ олди қишлоқларида кўклам кунлари қиз-жувонлар дала-қирларга кўкат тергани чиқишиган. Сижжак қишлоғида истиқомат қилувчилар тоғларга чиққанларида ожуд (кatta сабзидай, томирлари хушбўй, хуштаъм ўсимлик бўлиб, унинг томирини худди лавлагини пиширгандай пишириб ейдилар. Илгарилари очарчилик бўлганда халқ шуни еб тирикчилик ўтказган), олғи (томирида худди картошкага ўхшаган тугунаклари бўлади, уни сутда пиширадилар) деган ўсимликларни ҳам терадилар. Халқ орасида «Олғи деманг, ожуд деманг бизни, уч ой боқамиз сизни», - деган нақъ ҳам айтилган экан.

Қадимда болалар чучмомани “Чув-чув момо” деб аташган. Эрта баҳор кунлари чучмома териш учун далага йўл олган болаларнинг ҳар бири бу кўклам даракчисини биринчи бўлиб кўришга ошиқканлар. Далада чучмомани излаётганда:

*Чимма, чимма, чиралай,  
Сенинг кўзинг қуралай,  
Чув-чув момо! – деб қўшиқ айтганлар.*

Биринчи чучмомага кўза тушган болакай уни сугураётганда қувончини ичига сифдиролмай, завқ-шавқ билан шундай қушиқ куйлаган:

*Янги тўнинг кийиб чиқ,  
Кўхна тўнинг қўйиб чиқ,  
Чув-чув момо, чиқ, чиқ!* («ЗЎФА». Инв.№1713,

1971 йил 19 март куни Нурота туманининг Қоракиса қишлоғида Раҳматулла Юсуф ўғли ёзиб олган).

Болалар наврўзда қоқи ўтнинг зарғалдоқ гулларини тераётганда қуидаги айтимни ижро этишган:

*Топил, топил, топғач қуш,  
Топилмасанг ўтғач қуш!* («ЗЎФА». Инв.№1713,

1971 йил 19 март куни Нурота туманининг Қоракиса қишлоғида Раҳматулла Юсуф ўғли ёзиб олган).

Кўкламда момақалдироқ бўлиб, осмон гумбирлаганда одамлар ерга замбуруқ-қўзиқорин тушди деб хурсанд бўлишган. Баъзан

күпчилик бўлиб, қўзиқорин қўп бўладиган жойларга бориб, тоза қўзиқоринларни териб келиб, кабоб қилиб ейишган. Қўзиқорин теришга чиққанда битта замбуруқни толиб олган киши хурсанд бўлиб, яна излай бошлаган ва маҳсус айтимларни айтса, кишининг омадим чопади деб умид қилган.

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғида яшовчи Қаҳрамон Жўраевнинг айтишича, қўзиқорин териб юрган киши «Замбуруқ, сўписи ёриқ, жўрангни тои!» деган айтимини айтса, қўп қўзиқорин терар экан.

Маълумки, суғорма дәҳқончилик маданиятининг ривожи дарёлар сувининг мўл бўлишига боғлиқ бўлгани сабабли йил қурғоқ келганда ёмғир ёғдириш маросимлари ўтказилган. Бундай маросимларнинг қадимиyllигини Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк” асарида келтирилган куйидаги далил ҳам тасдиқлайди: “Яда - ёмғир, шамол ва бошқаларни талаб қилиш учун маҳсус тошлар (яда тоши) билан фол очиш усулидир. Бу одат улар орасида кенг тарқалгандир. Мен буни яғмолар шаҳрида ўз кўзим билан кўрдим. У ерда пайдо бўлган бир ёнғинни сўндириш учун шундай фол қилинган эди, худонинг амри билан ёзда қор ёғди. Кўз олдимда ёнғинни сўндириди”.

Туркий элатлар диёрини кезиб, халқ оғзаки ижодиёти ва маросимларини синчилаб ўргангандан Маҳмуд Кошғарий “Бек ядачига дуо ўқитди, Шунинг учун шамол эсди. Ёмғир ёғди. Бу ҳодиса гурклар мамлакатида машхурдир. Тош орқали шамол, ёмғир, совуқ қўзғатилади”, - деб ёзған ва ўз “Девон”ида (3-жилд, 322-бет) “ятлади” феълига “афсунчи ёмғир ёғдириш учун яда тоши билан дуо ўқитди” деб изоҳ берган.

Бу маълумотлар «сехрли» тош воситасида баҳор ойларида ёмғир ёғдириш маросимлари ўтказилганидан далолат беради. Зеро, 1983 йилда Оҳангарон воҳаси бўйлаб ўтказилган фольклор экспедиасида ёмғир ёғдириувчи «Ядачи бобо» тўгрисида мифлар ёзib олинганди, Фарғона водийсида ёмғирни тиндириш учун «тескари яда» айтимлари айтилганилиги, Бухоро вилоятининг Фиждувон туманида тўйида ёмғир ёққан қизга нисбатан «ядаси бор» ибораси ишлатиши «яда» тоши билан боғлиқ халқ қараашлари XX асрга қадар сақланиб келганилигини кўрсатади.

Ўзбеклар ўртасида ёмғир ёғдириш билан алоқадор «Суст хотин», «Сут хотин», «Сўз хотин», «Сел хотин», «Сус хотин», «Туз хотин», «Чала хотин», «Чайла қозоқ», «Ёмғир гадойи», «Кўсам-кўсам», «Шероло» каби мавсумий маросим фольклори жанrlари

мавжуд бўлиб, бу маросимлар ўзининг ўтказилиш тартиби, ижро-чилар таркиби ва ижро этиладиган қўшиқларининг ўзига хослиги-га кўра бир-биридан фарқланади.

Баҳорнинг охирида ҳамма жойда балхи тутлар пишади. Оппоқ маржонлардек тут мевалари етилиши билан илгарилари «Тут сайли» ўтказилган. Одамлар «*Тут пиши – ют қочди*», яъни тут пишгач, очлик бизлардан қочади деб суюнганлар ва қўпчилик бўлиб сайил қилиб, тут мевасидан шинни тайёрлашга киришганлар.

Кўйида ўзбекларнинг баҳор фасли билан боғлиқ мавсумий маросим фольклорининг айрим жанрлари хусусида сўз юритамиз.

## БОЙЧЕЧАК ХАБАРИ

Мамлакатимиз ҳудудида анъанавий тарзда ўтказиб келинган гул сайилларининг энг қадимиysi ва кенг тарқалгани “**Бойчечак сайли**” ёки “**Бойчечак хабари**” маросими ҳисобланади. Зарафшон да-рёси соҳилида истиқомат қилувчи аҳоли ҳар йили эрта кўкламда илк бойчечаклар очилиши биланоқ “**Бойчечак гулгардони**” номли анъанавий сайилни ўтказиш учун дала-қирларга ошиқишган.

ХХ асрнинг 20-йилларида Зарафшон воҳаси бўйлаб ўтказилган этнографик экспедиция қатнашчиси О.А.Сухарева Самарқанд шаҳри яқинидаги қишлоқлардан бирида бойчечак билан боғлиқ маросимни кузатишга муваффақ бўлган. Унинг ёзишича, “бойчечак чиққанлигининг ilk даракчилари болалар ҳисобланган. Одатда ўғил болалар тўп-тўп бўлишиб, далага чиқишиди ва қор кетган ўнгирларда очилиб ётган бойчечакларни теришади. Улар баҳор нафаси уфуриб турган бойчечаклардан жажжигина гулдаста ясашиб, қишлоққа қайтиб келишади ва бойчечак қўшигини қўйлаганча, уймай кириб чиқишиди. Кексалар, касаланд кишилар бойчечакни қўзларига суртишиб, болаларга нон, қанд, ширинлик ҳадя этадилар” (**Сухарева О.А.**, 1986. - С.31-32).

Фольклоршунос А.Мусақуловнинг кузатишларича, бойчечак қадимги туркий тилдаги «бой» - муқаддас, давлат (бойлик), таъқиқланган, яъни руҳлар учун қурбонликка аталган ва чечак-гул маъносини англатувчи сўздир. Худди «Бойбўри» - муқаддас бўри, «Бойкўл» (Байкал) – муқаддас кўл маъносини билдиргани каби «бойчечак» сўзининг этимологик маъноси ҳам «муқаддас гул»- дир. Шу боис, бойчечак билан боғлиқ барча маросим, урф-одат, ирим-сиримлар тарихан магик-ритуал аҳамиятга эга бўлиб, ҳосилдорлик ғоялари билан боғланади (**Мусақулов А.**, 2003. - №2).

Тарихан магик характердаги “Бойчечак сайли” ёки “Бойчечак хабари” маросими қадимдан наврўз олди шодиёналардан бири сифатида үтказиб келингган. Баъзи жойларда болалар бир даста бойчечакни узун ходанинг учига боғлаб олганлар ва уни кўтариб қишлоқ айланганлар. Бойчечак чиққанлиги - қиши-қировли кунлар орта қолиб, кўклам яқинлашганлигини англатган. Шунинг учун кекса ва касал одамлар болалар олиб келган бойчечакни юз-кўзларига суртиб, ундан яқинлашаётган баҳор ҳидини туйганлар. Соғ-омон наврўзга етиб келганликларига шукронга айтиб, “Омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги йил шу кунларга эсон-омон етайлик! Оғирлигим ерга, енгиллигим ўзимга”, - деганлар.

XX асрнинг бошида Тошкент шаҳрининг Бешёғоч даҳасида бойчечак очилиши болалар учун бамисоли байрамга айланиб кетган. Улар саккиз-үн нафар бўлиб, бойчечак теришган ва кўчама-кўча юриб, ёши улуф кишилар ва кўпдан буён бетоб бўлиб ётган маҳалладошлиарига бойчечак олиб боришган. Бойчечак кўтарган болалар ҳар бир уй олдига келганда:

*Бойчечагим бойланди,  
Қозон тўла айронди,  
Айронингдан бермасанг,  
Қозон-товоринг вайрондир.  
Қаттиқ ердан қазилиб чиққан бойчечак,  
Юмишоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак,*

- деб қўшиқ айтганлар. Мободо уй эгаси бирор юмуш билан банд бўлиб, ҳадеганда “бойчечакчи”лар ҳузурига чиқавермаса, болалар:

*Овратманг, овратманг,  
Болаларни жовратманг!*

- дейишган (**Пещерева Е.М.**, 1925.- С.92).

Тошкент вилоятининг тоғ олди қишлоқларида эса “Бойчечак сайли” ўзига хос тарзда үтказилган. Фольклоршунос Ш.Галиевнинг маълумотларига қараганда, даста-даста бойчечак териб олган болалар тўп-тўп бўлишиб қишлоқ айланишган ва ҳар бир хонадон эшиги олдига борганда:

*Адирлар тўла чечак,  
Биз келдик уча-учा,  
Бойчечагим, бойчечак,  
Кутуб олинг, ҳой чечак,*

- деб қўшиқ айтганлар. Уй эгалари эса болалар олиб келган садаф-дек оппоқ бойчечакларни юз-кўзларига суртиб, тавоф қилганлар

ва “Омонлик, омонлик, илоҳим ҳеч кўрмайлик ёмонлик!” - деб болаларни алқаганлар. Ҳар бир хонадон соҳиби бойчек хабарини келтирган болакайларни бирорта тансиқ ширинлик билан сийлашга ҳаракат қилган. Бундан хурсанд бўлган болалар эса:

*Бойчек келтиридик эшигингизга,  
Худойим ўғил берсин бешигингизга,*

- деб қўшиқ айтиб, бошқа хонадон сари отланганлар. Баъзи болалар эса уй эгасининг фарзанди ўғил бўлишига истак билдириб қуидаги қўшиқни ҳам куйлашган:

*Ҳурли бўлинг, ҳурли бўлинг,  
Бойчекадай гулли бўлинг,  
Келаси йил шу маҳал,  
Қўш кокил ўғилли бўлинг!*

(Талиев Ш., 1998, 73-74-бетлар).

Ўтган асрнинг 20-йилларида маросим фольклори ва халқ ўйинларига доир материалларни тўплаш мақсадида Тошкент вилояти бўйлаб фольклор экспедициясида бўлган Е.М.Пещерева Бурчмуллада болалар томонидан “Бойчек сайли”да айтиладиган қуидаги қўшиқни ёзив олган.

*Олатой, булатой,  
Мен сени йўргалатай,  
Йўрга отим ўлибди,  
Гўштини кимга сотай?  
Банди, бандига сотай,  
Банди кетармон бўпти,  
Хотин оларман бўпти,  
Хотинининг кучи йўқ,  
Чачвонининг учи йўқ,  
Ошиқ ўйнар ўғли йўқ,  
Кашта тикар қизи йўқ*

(Пещерева Е.М., 1925. – С.93).

Наманган вилоятида қўкламги биринчи чечак – “гулбарра” очилганда “Бўка-бўқавой” маросими ўтказилган. “Гулбарра” сап-сариқ рангли лолага ұхшаш гулнинг номи бўлиб, бу гулнинг очилганини кўрган болалар дала-қирларга ошиқадилар. Улар гулбаррадан бир даста териб олиб, кичкина таёқчанинг учига боғлайдилар ва уни қўтариб уйма-уй юрадилар. Ҳар бир хонадон эшигини тақиллатаётган пайтда улар:

*Бўка, бўкавой, бойтилла,  
Уйнгизга чоч тилла,  
Худойим ўғил берсин,  
Унинг оти Раҳматилла,  
Ўлтириб чиқинг,  
Ёғоч товоқни,  
Тўлдириб чиқинг,*

- деб қўшиқ айтишади (Пещерева Е.М., 1925. - С.92).

Айрим қишлоқларда эрта тонгданоқ болалар тўда-тўда бўлиб бойчечак излаб адирга чиққанлар. Болалардан қайси бири бойчечакни биринчи бўлиб кўрса, югуриб бориб илк кўклам чечагини юлиб олганча қишлоқ томон чопиб кетган. Бошқа болалар эса унга етиб олиш учун юрганлар. Бойчечакни кўтариб олган бола тезлик билан қишлоққа етиб келиб, энг кекса кишилар истиқомат қиласидиган хонадонга кириб уларга бойчечак хабарини етказган. Уй эгалари эса болани совға билан сийлаганлар (Абдуллаев Р., 1994. – С.64).

1927 йилда Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Жомбой даҳасида яшовчи 51 яшар Ҳамза биби Эшмурод қизидан Баҳром Иброҳимов (Йўқсул) ёзиг олган маълумотга кўра, «кўклам вақти бир турлук сариқ чечак чиқади. Мана шунинг муносабати билан кўйлар, моллар ўтлоққа ёйилиб кетиб, қувнашадилар. Бойчечак чиққан куни болалар олиб келиб, уйма-уй юришиб, «Бойчечак» айтадилар, севинадилар:

*Бойчечак айтиб келдим эшигингга,  
Худойим ўғил берсин бешигингга,  
Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак,  
Юмиоқ ердан югуриб чиққан бойчечак.  
Бойчечагим аслидир,  
Асли самарқандидир,  
Шу уйди орқасида ой кўрдим,  
Шу уйди эгасини бой кўрдим,  
Бойчечагим бойирон,  
Козон тўла айрон.*

Болалар шундай қўшиқ айтиб, уйма-уй юришади ва анча-мунча пул, нон йигадилар» («ЗЎФА». Инв.№30).

«Бойчечак хабари» маросимида ижро этилган халқ қўшиғининг қуйидаги намунаси ўзига хос бўлиб, мазкур матн ушбу

маросимнинг ўтказилиш тартиби ва иштирокчилари хусусида анча тұлароқ маълумот олиш имконини беради. Маълум бұлишича, даладан янги чиққан бойчечакларни териб олган болалар құлла-рида гул билан уйма-уй юришган ва ҳар бир хонадон олдига борганды анъанавий құшиқни айтишган:

*Ассалому алайкум, бизлар келдик,  
Күргали, күришгали салом бердик,  
Ассалому алайкум ётган бойлар,  
Әчки, құй, подага ботған бойлар,  
Әчки, құй, подани киминг ҳайдар,  
Елкалари ялпиллаб құлинг ҳайдар,  
Қаттиқ ердан қақраб чиққан бойчечак, бойчечак,  
Юмшоқ ердан югуриб чиққан бойчечак, бойчечак.*

*Бойчечак айтган билан тұямызми,  
Бурунгининг қаъдасини құямызми,  
Бойчечагим билла, бойчечак, бойчечак,  
Ҳамён тұла тилла, бойчечак, бойчечак,  
Үша тилладан берсангиз, бойчечак, бойчечак,  
Үфлингиз бұлсın мулла, бойчечак, бойчечак.*

Құшиқнинг ижро усули ва матндағи айрим мисралар рұза кунлари болалар томонидан айтиладиган анъанавий «ё рамазон» құшиқларига үшшаб кетади. Бу эса «ё рамазон» құшиқларининг ижро шакли аслида Ўрта Осиё халқларининг аграр культлар ва ўлибтирилувчи табиатни үзіда мужассамлаштирган мифологик персонажлар билан алоқадор календарь маросимларидан бири – бойчечак чиққанда уйма-уй юриб «күклам даракчиси» хабарини етказиш анъанасининг ислом дини таъсирида қайта поэтик мушоҳада этилиши натижаси эканлигини күрсатади.

Бинобарин, «Бойчечак хабари» маросими құшиғида ҳам хонадон соҳибларига эзгу истакларни баён қилиш, айниқса, «бойчечак айтиб келингган уй әгаларининг бешигига құчқордай ўғил тилаш» мазмуни етакчилик қиласы:

*Бойчечагим боласи, қулогида донаси,  
Донасини олай десанг, югуриб чиқади онаси,  
Бойчечак айтиб келдик эшигингизга,*

Күчкордек ўғил берсин бешигингизга.  
Бойчечакни айтар экан Ҳаким ота,  
Бошида катта дастор, белида пўта,  
Бойчечак, бойчечак.

Ўрта Осиё халқларининг бойчечак чиққандада ўтказған маросимларини тадқиқ этган олимлар ҳар бир оиласга «бойчечак хабари»ни олиб келган болаларга хонадан соҳиблари нон, ширинлик ва бошқа бирор нарсани кўнглидан чиқариб берганлигини қайд этадилар (Бу ҳақда қаранг: Рахимов М.Р., 1957. – С.195-196; Сухарева О.А., 1986. – С.32).

«Бойчечак хабари» маросими кўшиғининг бу намунаси таркибий тузилиши жиҳатидан ҳам ўзига хос бўлиб, кўклам гулини юзкўзларига, пешонасига суртиб баҳорга етиб келганликларига шукронга қилган кишилардан турли-туман эҳсонларни олган болаларнинг ўй эгаларини алқаши анъанавий фотиҳа-олқиши жанрига хос хусусият касб этган:

Сув қайнаган қозонингда мой қайнасин,  
Тўрингда тўрт-беш ўғлинг жайрангласин,  
Насибаси ортиқ бўлсин болаларнинг,  
Ўйнаб-кулиб ёнбошингда мой чайнасин,  
Эшигингнинг олди ўр бўлсин,  
Сенга келган балонинг  
Икки кўзи кўр бўлсин,  
Жабагадаги кигизидан,  
Ёмғир ёғса ўтмасин,  
Худой берган кенг давлат,  
Тепқиласа кетмасин,  
Ичкани қатиқ бўлсин,  
Насибаси ортиқ бўлсин,  
Бойчечак, бойчечак («ЗЎҒА». И nv.№4314).

Назаримизда, «Бойчечак хабари»ни етказиш чоғида ижро этилган қўшиқнинг ушбу матни мазкур мавсумий маросим фольклорининг нисбатан қадимий намунаси бўлиб, «бойчечак» ва «ё рамазон» жанрлари ўргасидаги генетик алоқадорликни аниқлашда муҳим илмий қимматга эга.

Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Қорақурсоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳазратқул Муҳаммадқул ўғлининг ай-

тишича, одатда далвнинг 2-3-куни «қантар оғади», яъни ер тагига иссиқ киради. Қантар оғандан кейин қори кетган беткайларда бойчечак кўрина бошлайди. Бойчечакнинг энг кўп очилиш даври эса асосан хут ойига тўғри келади. Бу баҳорий чечак очилганда болаларнинг «Бойчечак» қўшигини айтиш одати мавжуд бўлган. Айтишларича, бойчечак чиққанда «бултурги одамлар бу йил ҳам бор экан» дер эмиш. Шунинг учун болалар бойчечакдан даста-даста териб, қишлоқдаги ҳамма одамларга тарқатиб чиқишган.

Мустақиллик йилларида “Бойчечак сайли” ёки “Бойчечак хабари” маросими наврўз байрами сценарийсининг экспозиция қисмини ташкил этувчи муҳим этнофольклорий ҳодисалардан бири бўлиб қолди.

## ЛОЙ ТУТИШ

Баҳор фаслининг ilk кунларида лойқа чўкиб қолган ариқ-зорурларни маҳалла-қишлоқ аҳли биргалашиб, кўпчилик бўлиб тоzалаши, ариқ қазиш ва уларни янги мавсумга тайёрлаш ишлари билан боғлиқ маросим «Лой тутиш» дейилган. Кўкламда сув кела-диган ўзанларни тозалаш билан боғлиқ маросим Ўрта Осиёning бошқа халқлари, жумладан, тоzikлар орасида қайд этилган (*Қаранг: Аламшоев М.М., Каландаров Т.С., 2000. - №4. – С.68-73*).

«Лой тутиш» маросими, яъни баҳорда ариқларни тозалаш удуми Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида «хайров», Хоразм вилоятида «боки», Республикаизнинг қатор ҳудудларида бўлгани каби, Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида «ҳашар» деб юритилади. Анъанага кўра, ариқ қазишга маҳаллада истиқомат қилувчи эркаклар жалб қилинган ва ҳашар йўли билан амалга оширилган. Маросим пайтида ариқ қазувчилар олдидан, айниқса, қазилаётган ариқ кўпргидан бирор киши ўтиб қолса, қазувчилардан бири қўлидаги белкуракда бир хим лой олиб, устига бир бурда нон кўйган ва ана шу лойни кўтариб ўтиб кетаётган йўловчи олдига чиққан. Йўловчи лой устидаги нонни олган ва шартга кўра, ё ариққа тушиб ўзига ажрагилган жойни қазиб бериши, ёки қўшиқ, достон, топишмоқ айтиб, рақс тушиб, қизиқчилик қилиб қазувчиларнинг кўнглини овлаши, ё бўлмаса, қазувчилар орасидан энг қорувчи, полвон йигит билан кураш тушиб унинг курагини ерга тегизиши керак бўлган. Агар йўловчи курашда енгилса, ариқ қазишга жалб қилинган.

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Осиё қишлоғида яшовчи халқ ҳисобдони, 1926 йилда туғилган Саттор Аҳмедовнинг ҳикоя

қилишича, бир куни унинг ўзи ана шундай қазувчилар томонидан устига лой қўйилган қўприкдан ўтишига тўғри келиб қолибди. Қазувчилар бободан топишмоқ айтиб беришни сўрабдилар ва у қуидаги жумбоқни айтибди:

«Бир киши отига бир аёлни миндириб бораётган экан, қароқчиларга йўлиқибди. Қароқчилар унга «ё отингни, ё отта мингашган аёлни қолдириб қетсанг жонинг омон қолади» дебдилар. Шунда ҳалиги аёл: «Мен бир топишмоқ айтаман, агар жавобини топсаларинг айтганингизга розиман. Мободо тополмасаларинг бизни ўтказиб юборасизлар» дебди. Қароқчилар рози бўлишгач, у отлиқقا ишора қилиб шундай дебди: «Бу менинг жоним, мен бунинг жононаси, бунинг онаси менинг онамнинг қайнонаси. Қани, айтингларчи, бу менга ким бўлади?» Қароқчилар бу жумбоқнинг жавобини айтиб беришолмабди».

Отга мингашган аёл отлиқнинг ўз қизи эканлигини билмаган ҳашарчилар бу топишмоқнинг жавобини тополмай, бобони ўтказиб юборибдилар.

Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида эрта баҳорда кўпчилик бўлиб, ариқ қазиш пайтида «**чем қўйди**» одати бажарилган. Қазувчилардан бири ариқ ёнида яшовчи хонадон эгаларидан бирининг дарвозаси олдига бир бел чим элтиб қўяди. Ўша куни бу чим эвазига хонадон эгаси ариқ қазувчиларга зиёфат қилиб берган.

Ариқ қазиш ҳашарининг ўзига хос удумлари, ирим ва инончлари мавжуд бўлган. Масалан, Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Баҳринбаёт қишлоғида истиқомат қилувчи 71 яшар Ҳанифа Рўзиеванинг айтишича, ариқ қазиётган киши ўзининг иш қуролини ариқ лойига суқиб туриб гапириши мумкин бўлмаган. Башарти бирор қазувчи шундай ҳолатда гапириб юборса, унинг ёнидагилардан бири келиб дарров белни тортиб олган-да, ўша қазувчининг исмини айтиб «Фалончиникига ошга!» - деб қичқирган. Иш қуролини лойга тикиб гапирган киши барча қазувчиларга ош қилиб бериши керак бўлган.

Олот туманининг Катта баёт қишлоғида яшовчи 80 яшар Зиёд бобо Олтиевнинг айтишича, илгарилари бефарзанд қишилар ариқ қазувчиларга зиёфат бериб фотиҳа олса фарзандли бўлиб кетади деган қараш мавжуд бўлган. Қорақўл туманининг Осиё қишлоғида яшовчи 80 яшар Саттор бува Аҳмедовнинг айтишича, қазувчилардан фотиҳа олгандан кейин туғилган ўғил болага «Элўғли» деб от

қўйғанлар («ЗЎФА». Инв.№1827/7. 2005 йилда М.Пирматова ёзib олган).

Назаримизда, «Лой тутиш» маросимининг тарихий асослари foят қадимиyllигини Абу Райҳон Беруний томонидан нақл қилинган қуидаги афсона ҳам тасдиқлайди: «Жамшид замонида ҳалқ кўпайди, ҳатто уларга ер торлик қилди. Шунда худо ерни турган миқдорига нисбатан уч баробар кенгайтирди. Одамларни гуноҳларидан пок булишлари учун сувда чўмилишга буюрди. Улар йил давомидаги оғатларни ўзларидан даф этиш учун ҳар йили шундай қиласидилар. Баъзи кишиларнинг гумонича, Жамшид анҳорлар қазишни буюрган ва шу (фарвардин моҳнинг 6-куни бу анҳорларга сув кўйилган. Одамлар бундай серобчилик бащоратидан қувониб, шу анҳорлардаги сувда чўмилганлар. Кейинги авлод ҳам табаррук юзасидан олдингиларнинг бу ишини давом эттирган»( Беруний, 1968, 256-бет).

«Лой тутиш» маросимининг келиб чиқишида аждодларимизнинг зардўштийлик билан боғлиқ қадимий тасаввурлари муҳим рол ўйнаган. Чунончи, М.Бойснинг қайд қилишича, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилган «*abzohr*», яъни «сувга қурбонлик қилиш» маросими зардўштийлик моҳиятини ўзида мужассам этган удумлардан бири бўлиб, бу ритуал кўпинча булоқ бошида амалга оширилган (*Boysce M.*, 1985. – p.48).

## ҚОЗОН ТЎЛДИ

Халқимизнинг қадимий анъанасига кўра, наврўз байрами ҳут ойининг охирги кечаси, яъни 20 мартаңдан 21 мартаңга ўтар кечаси оила даврасида ўтказиладиган қозон тўлди удуми билан бошланган. 1897 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилган наврўз байрамини кузатган шарқшунос олим В.Вяткин ўз мақоласида «қозон тўлди» удуми тўғрисида қуидагиларни ёзган эди: «Бу маросим «оби раҳмат» кечаси ёки янги йил арафасидаги оқшом ўтказилади. Бунда ҳар бир оиласида бирорта тансиқ таом пиширилади ва овқат пиширилаётганда қозоннинг тўла бўлишига алоҳида эътибор берилади» (*В.Яткин* В., 1897. - №14. – С.61).

“Қозон тўлди” соф оиласиудум бўлиб, ҳар бир хонадон аҳли ўз имкониятига яраша тансиқ таомлар (кўпинча, палов), кўк со́мса, бўғирсоқ тайёрлайдилар. Шунингдек, ўтган аждодлар ҳақига “ис” чиқарадилар. Ана шу “ис” ёғи билан қўшга қўшиладиган хўкизларнинг шохлари мойланган. “Қозон тўлди” оқшомида тайёрланган

гаомлар ва пишириқлар қуни-қўшниларга, қариндош-уруғларга ҳам улашилган. Келаётган йил баракали келсин, рўзфоримиздан кут ари- масин деган эзгу ниятда ҳамма идишлар сувга тўлдириб қўйилган. Шу оқшомда кечаси билан кўпчилик бўлиб сумалак ва ҳалим ҳам пиширилган. Бу таомларнинг қозони эртасига очилган.

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғида наврўз арафасида ўрик туршагини қайнатилган сувда ивитиб, маҳсус шарбат тайёрланади. “Қозон тўлди” оқшомида ҳар бир хонадон дастурхонини ўрик туршагининг шарбати, бўғирсоқ ва қўқ сомса безатиб турса, келаётган янги йилнинг ҳосили мўл бўлади деб умид қиласидар.

Илгарилар уйларнинг тахта поли бўлмаган, одамлар лойсувоқ қилиб қўйилган полда сандал учун маҳсус чукурча қолдиришган. Қиши бўйи ана шу чукурчани чўқقا тўлдириб, сандал атрофида ўтирганлар. “Қозон тўлди” куни ана шу сандаллар олиниб, чўғ солинадиган чукурчани кўмишдан аввал унга озгина ўрик шарбати қўйганлар. Олов культи ва серҳосиллик гояси билан боғланиб кетадиган бу одатнинг замирида ҳам эзгу тилаклар мужассамлашган. Боболаримиз наврўзни йил алмашадиган, қишининг совуқ кунлари ортда қолиб, фусункор кўклам бошланадиган саодатли кун деб билганлар. Шунинг учун ҳам одамлар “қишидан кутулиб, кўкламга етишдик, илоҳим тўрт мучамиз бутун бўлсин, бу йил ҳам боғларимиз мевага мўл бўлсин, экинимизга Бобо дехқон назар қилсин”, - деб ўрик шарбатини навбатма-навбат ичишган.

Қоракўл туманининг Куввача қишлоғида яшовчи 44 яшар Баҳшанда Бозорованинг айтишича, «қозон тўлди» куни барча идишлар ун, буғдой, сувга тўлдириб қўйилади ва етти хил овқат пиширилади. Айтишларича, беҳиштнинг етти эшиги бор бўлиб, кимки «қозон тўлди» куни етти хил таом пиширса охиратда ўша одамга жаннатнинг етти эшиги очилар эмиш («ЗЎҒА». И nv. №1827/4. 2005 йилда М. Пирматова ёзиг олган).

“Қозон тўлди” дехқонлар учун масъулиятли давр-экиш мавсуми бошланганидан дарак берувчи удум ҳисобланган. Йилбоши арафасида миришкор дехқонлар қўшга қўшиладиган хўқизларини тайёрлаб, омоҷу бўйинтуруқларини созлаганлар. Уруғликка олиб қўйилган дон-дунларни саралашган. Экиш мавсумининг бошланиши муддати ва ҳалқ тақвими сирларини яхши биладиган тажрибали ҳисобдонлар кузда майин шудгор қилиб, экишга шайлаб қўйилган далаарни айланиб, қўпчиб турган тупроқдан бир сиқим олиб, уқалаб

қўришган. Бу билан ернинг етилғанлигини аниқлаганлар. Кўп йиллик бой ҳаётий тажрибага эга бўлган деҳқонлар наврўз арафасида етти тахтача устига буғдой, арпа, тарик, шоли, жўхори, жавдар, мош каби донли экинлар урганини ёйиб қўйиб, ҳар куни сув сепиб турганлар. Наврўз арафасида, яъни “Қозон тўлди” куни ана шу донларнинг унишига қараб келаётган меҳнат мавсумида қайси экиндан олинажак ҳосил мўл бўлиши мумкинлигини чамалашган: қайси дон бўлиқ ва бехато кўкарса, ўша экиннинг ҳосили баракали бўлади, яккам-дуккам унган майса эса камхосиллик аломати деб қаралган.

Киши бўйи даласини соғиниб, кўклам келишини орзиқиб кутган боғбонлар ҳам боғ оралаб, оппоқ гуллаган ўрик шохларига мамнун бўлиб боқар экан, янги меҳнат мавсумининг ҳосилини чамалайди. Турфа мевали дараҳтларнинг кўчатларини экиб, янги боғлар барпо этишга киришади. Маҳалла оқсоқоллари бўлса йигит-яланларни тўплаб, ариқ-зовурларни тозалашга бош-кош бўладилар.

“Қозон тўлди” куни бекаларнинг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Улар оиласа кут-барака ёғиладиган мунаvvар байрамга тайёргарлик кўрадилар, наврўз арафасида ҳар йилги одатларига кўра, “уй кўтаратилар”. Яъни уйдаги гилам-паласларни, кўрпа-тўшакларни ташқарига чиқариб, ёядилар. Ҳамма ёқни супуриб-сидирадилар, эски-туски кераксиз рўзгор анжомлари чиқариб ташланади.

Наврўз арафасида “қозон тўлди” қилиш анъанаси аждодларимизнинг ҳосилдорлик ва қут-барака билан алоқадор қадимий эътиқодий қарашларини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Тарихнависларнинг маълумот беришларича, қадимги аждодларимиз томонидан мўътабарлаштирилган катта қозонлар муқаддас ҳисобланган. Чунки кенг қўламли оммавий маросимлар чоғида таом тайёрланган бундай қозонлар эл-юртнинг оғзини бирлаштиришга, ўзаро ҳамжиҳатликка, бирдамлик ва фаровонликка хизмат қиласи деб билгандар.

Бизнингча, қозон тўлди удумининг тарихий асослари аждодлар культига топиниш анъанаси ҳамда эзгуликни улуғлаш билан боғлиқ қадимий тасаввурлар асосида келиб чиқсан Ҳамаспатмаэда маросимига бориб тақалади.

Деҳқончилик билан шуғулланган қадимги аждодларимиз йилбоши байрами нишонланадиган баҳорий тенгкунлик арафасида, яъни наврўздан олдинги кун оқшомида Ҳамаспатмаэда маросими ни ўтказганлар. Ахура Мазда ва инсон шарафига бағишлиб ўтказилган бу маросимда ҳақиқат ва саодат тимсоли Ашани улуғлаган

ҳақгүй кишиларнинг руҳи - фравашилар ёдга олинган (*Бойс М.*, 1987. – С.44).

«Авесто»нинг «Фравардин яшт» деб аталган ўн учинчи яшти ҳам аждодлар культига бағишлиланган. Бу алқовнинг 49-бандида оламдан ўтган солиҳ кишиларнинг руҳлари ўз уйларига келадиган кун ҳақидаги мифологик қараашлар шундай ифодаланган:

*Кучли, голиб фраваши  
Имонлилар руҳига  
Намозимиз йўллайлик.  
Улар ўз уйларига  
Хамаспадмаэда  
Кунида келиб сўрар  
Тирикларнинг ҳолини.  
Ўзларига намозу  
Эътиқод борлигини.  
Ва шунда ўн кун қолиб  
Тириклардан хабардор  
Бўлиб, кўнгил тинарлар*

(*Авесто*. Фравардин алқови).

Алқовда айтилишича, кимки арвоҳлар келадиган кундан кейинги ўн кун давомида ота-боболарининг руҳларини ёд этиб, Аша номини эслаб қурбонликлар келтириб турса, ўша мўмин бу олам неъматларидан тўла баҳраманд бўлиб, баҳтиёр яшаркан.

Зардўштийларнинг арвоҳлар келадиган кун ҳақидаги тасаввурлари эзгу илоҳа Аша образи билан бевосита алоқадорлиги бу алқовда ҳам ўз ифодасини топган. Унда айтилишича, кимки арвоҳлар келадиган кундан кейинги ўн кун давомида ота-боболарининг руҳларини ёд этиб, Аша номини эслаб қурбонликлар келтириб турса, ўша мўмин бу олам неъматларидан тўла баҳраманд бўлиб, баҳтиёр яшаркан (*Авесто*. Фравардин алқови).

Ҳалқимизнинг кўхна анъаналарига кўра, наврўз арафасида қабристонларга бориб яқин кишиларининг мозорларини зиёрат қилиб, ўтган аждодлар хотирасини элашган. Одатда йилбоши байрамидан аввал ҳар ким ўз яқинларининг қабрларини хас-чўплардан тозалаған, кексалардан бири марҳумлар ҳақига тиловат қилгач, аёллар ўтганларни ёдга олиб йўқлов қўшиқларини айтишган:

*Олмадан отлар қиласай,  
Баргига хатлар қиласай,*

*Наврӯз куни онажонимни  
Ўлтириб ёдлар қиласай.*

*Үйилсин ерлар, үйилсин-а,  
Ўртасидан бўлинсин-а,  
Наврӯз куни онажонгинам  
Бойчечак бўлиб кўринсин-а.*

*Ўсмалар экким келади-я,  
Баргини тергим келади-я,  
Наврӯз куни меҳрибонимни  
Биргина кўргим келади-я*

(Жўраев М., 2007, 22-бет).

Бизнингча, ҳалқимиз орасида бугунга қадар сақланиб қолган қадимий маросимларидан бири - наврӯз байрамидан бир кун аввал, аниқроғи, ўтаётган йилнинг охирги кечаси ўтказиладиган «қозон тўлди» удумининг тарихий асослари ҳам аждодлар культига топишиш анъанаси ҳамда Аша билан боғлиқ мифологик тасаввурлар асосида келиб чиққан Хамаспатмаэда маросимига бориб тақалади.

Аждодларимиз наврӯз арафасида ўтказган Хамаспатмаэда маросимида ҳам барака ва серҳосиллик тимсоли саналган катта қозонларда эзгу илоҳа Аша шарафига қурбонлик таомларини тайёрлашган. Бу маросим орқали улар келаётган янги йил баракали бўлишини, далалар серҳосиллигини, замин қурғоқчилик ва бошқа табиий оғатлардан фориғ бўлишини, эл-юртда хотиржамлик ҳукм суришини ният қилишган.

Бизгача етиб келган қадимий афсоналардан бирида айтилишича, скифларнинг улкан муқаддас қозони бўлган. Улуғ муаррих Геродот ўзининг “Тарих” асарида шундай ҳикоя қиласади: “бу баҳайбат мис қозон скиф ҳоқони Ариантнинг фармонига қўра ясалган эмиш. У ўз фуқароларининг сонини билиш мақсадида ҳар ким биттадан камон ўқининг учини олиб келишини буюрибди. Ҳашпашиб дегунча сарой майдонида камон ўқларининг учлари тоғ бўлиб уюлибди. Ҳоқон бу ўқларнинг барини қайтадан эритиб, каттакон қозон ясашни амр этибди. Шу тариқа скиф-сакларнинг афсонавий мис қозони пайдо бўлган экан. Бу қозонни мўътабар билишган ҳамда фақат муқаддас маросимлар чоғидагина унда маҳсус таомлар пиширишган экан” (Қаранг: *Геродот. История. кн.2. - С.228.*).

Улкан мис қозонлар қадимги саклар учун ҳам муқаддас саналганлигини, тангрилар шарафига бағишлаб ўтказилган қурбон-

лик маросимларида ана шундай катта қозонларда махсус таомлар пиширилганилиги илмий манбаларда қайд қилинган (*Ақишев К.А., Күшесев Г.А.*, 1963. - С.21-24). Бинобарин, наврұз байрамини эң зүр шодиёна сифатида тантана қылған саклар ҳам йилбоши куни байрам таоми пишириладиган улкан қозонларни серхосиллик тимсоли деб билғанлар. Бундай қозонларда пишган сумалакдан тановул қылған кишига йил бүйі омад, қут-барака эш бўлади деб билишган. Аждодларимиз баҳорги ва кузги тенгкунлик нишонладиган байрамларда катта қозонларда қуёш шарафига қурбонлик қилинган от гўштини пиширишган ва бу таомни биргаликда истеъмол қилишган. Бу удум эл-юрт фаровонлиги ва тўкин-сочинлигини таъминлайди деб билишган (*Кузьмина Е.Е.*, 1977. - С.109-110).

Маълумки, ҳар бир маҳалланинг, қишлоқнинг тўй-ҳашамларда, оммавий сайил-томошаларда таомлар тайёрлайдиган катта қозонлари бўлади. Одамлар ҳар йил кўкламда ана шундай қозонларда сумалак, ҳалим (ҳалиса) ва наврӯзнинг бошқа таомларини пиширишган. Қадим замонлардан буён йилбоши - наврӯзда эл-юрт йиғилишиб, ана шундай катта қозонларда пиширилган сумалак, ҳалим каби йилбоши таомларини биргаликда тановул қилишлари ўзига хос анъана бўлиб келган. Чунки наврӯз азалдан умумхалқ байрами, оммавий тантана ҳисобланган. Катта қозонлар ҳамма вақт эмас, алоҳида тантанали маросимларда, умумхалқ байрамларида ишлатилгани учун ҳам азиз саналган. Қадим аждодларимиз бир қозондан таом еган кишилар қариндошдек бўлиб қолишига, яъни биргаликда ейилган таомнинг ижобий магик кучига ишонганлар. Шу боис, достонларимизда Гўрӯғли ҳар куни қирқ йигитига бир ерда чўлон берган (*Мусақулов А.*, 2003. - №3-4). Бундай қозонлар ва уларда пиширилган таомлар анъанавий дунёқарашга кўра, шубҳасиз, муқаддас бўлган.

Ҳалқ мўътабар қозонларда муқаддас таомлар пишадиган, яъни “қозонлар тўладиган” тантаналарни зўр кувонч билан кутиб олган. Чунки қозонлар тўлиши - бу мўл ҳосил тимсоли, тўкин-сочинлик, мўл-кўлчилик, қут-барака белгиси эди. Қозон тўлса, демак эл-юрт гинч-омон, дехқон даласидан, чўпон қўрасидан барака аrimайди. Наврӯз ҳам ана шундай қозонлар тўладиган, яъни қут-барака тантана қиласидиган умумхалқ байрамидир. Наврӯзда қозон-қозон сумалаклар қайнаши - келаётган йилнинг тўкин-сочинлиги, далалар серхосиллиги, мамлакатимиздаги сўлим боғлар саховатидан нишонадир.

Бундай ишонч қадимги халқларнинг барчаси учун хос бўлган. Халқимиз асрлар давомида наврўзни энг мўътабар байрамлардан бири сифатида кент нишонлаб келар экан, ҳар йили бу баҳорий шодиёнани тантана қилаётганда эл-юрг фароғатини, бола-чақасининг роҳатини, яйловларга қўй ёйган чўпоннинг дўлини, олис сафарга отланган аҳли тижоратнинг йўлини, эзгу ният ила далага дон сочган бободеҳқон хирмонининг баракасини берсин деган умидда наврўз оқшомида катта-катта дошқозонлар тагига ўт қалаб сумалак пиширишган. Наврўз байрами азал-азалдан эзгулик, офтоб, баҳор шодиёнаси сифатида нишонланган бўлса, йилбошининг маҳсус таоми пишадиган муқаддас қозонлар халқ наздида барака манбай деб эъзозланган. Кишилар кўкламнинг фараҳбахш қунларига чиқиб, навжувон майсалар узра чопиб юрган илк баҳор эпкинидан баҳра олгач, наврўзи оламни нишонлар экан, жимжилоги билан сумалак ялаётиб, “Киш ўтиб, кўклам келди! Қозон тўлди, энди яхши қунларга етишдик, серобликка чиқдик!” - деб шукрон қилганлар.

“Қозон тўлди” - боболаримизнинг эзгулик ва ҳақиқат илоҳаси Ашадан мўл ҳосил, тансиҳатлик, фаровонлик, барака тилаш мақсадида ҳар йили наврўз арафасида жамоанинг муқаддас қозонларида йилбошининг севимли таомларини пишириш анъанаси асосида пайдо бўлган қадимий удумдир.

## НАВРЎЗ БАЙРАМИ

Ҳар бир халқнинг миллий ўзига хослигини ва бошқа халқлар билан қадимдан моддий ҳамда маънавий алоқаларини кўрсатадиган анъана ва маросимлари, урф-одат ва байрамлари бор. Асрлар бўйи яратилиб, зукко халқнинг юксак ижодий салоҳияти туфайли сайқалланиб келган ана шундай анъаналар аслида ўша миллатнинг ўзлигини, менталитетини, миллий қиёфасини белгилайди. Зеро, ҳар бир миллият ўз боболарининг тафаккур сарчашмасидан баҳра олган миллий анъаналар тизимининг бекиёс руҳий-маънавий қувватидан куч олиб тараққий этади, ривожланади. Икки азим дарё оралиғидаги шу муборак заминда ўзига хос қадимий маданиятни бунёд этган халқимизнинг эзгу ва ҳаётбахш анъаналарини ўзида мужассамлаштирган наврўз байрами ҳам ана шундай бетакрор бадиий қадриятдир.

Наврўз байрами бободеҳқонларимиз мўл ҳосил олиш ниятида она заминга барака уруғи қадайдиган, чўпон-чўлиқлар эса кўклам

ёмғиридан баҳра олиб яшнаган ям-яшил үтлоқларга қўй-қўзила-  
рини ёядиган саодатли кундир. Халқимиз ўзлигини танибдики,  
янги йилни баҳорий тенгкунликдан бошлашга, күёш ҳамал бур-  
жига кирадиган кунни байрам қилишга одатланган. Фасллар алма-  
шадиган, йил янгиланадиган, диллар яйрайдиган бу шодиёна хал-  
қимиз ҳаётига шу қадар сингиб кетганки, у билан боғлиқ дилрабо  
куй ва қўшиқлар, афсона ва ривоятлар, удум ва одатлар келиб  
чиққан. Шунинг учун ҳам наврӯз фақатгина йилбоши байрами  
эмас, айни пайтда зукко аждодларимизнинг бекиёс тафақкур дур-  
доналарини ўз ичига қамраб олган маънавий қадрият ҳамдир. Қадим  
аждодларимизнинг вақт ҳисобини юргизиш билан алоқадор амал-  
лари, самовий ёритқичлар ҳаракати ва табиат ҳодисаларини мутта-  
сил кузатишга асосланган ҳаётий тажрибалари, деҳқончилик ва  
чорвачилик маданиятининг сарзамини вазифасини ўтаган эътиқо-  
дий қарашлар наврӯз байрамининг юзага келишига асос бўлган.

Манбаларда қайд қилинишича, бизнинг аждодларимиз қўёш,  
ой ва юлдузларнинг даврий ҳаракатини жуда яхши билганлар. Энг  
қадимги даврларда йил даставвал икки қисмга, ёз ва қиши фаслла-  
рига бўлинган бўлиб, ана шу фаслларнинг ўрин алмашиш муддати  
муҳим ҳаётий аҳамият касб этган. Чунки қишининг аёзли, изфи-  
ринли кунлари тугагач, наботот ва ҳайвонот олами уйғонадиган,  
дов-дараҳтлар барг ёзиб, замин ям-яшил либос киядиган иссиқ  
кунлар бошланган. Шу боис, боболаримиз кўкламнинг ҳар бир  
аломатида эзгулик тимсолини кўрган. Табиатда рўй берган янгила-  
ниш ва тозариш жараёни инсон руҳий дунёсига ҳам покиза эпкин  
олиб киради. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, боболаримиз на-  
врӯздан бошланадиган ойни “улуг ой” ёки “улув ўғлоқ ой” деб  
атаганлар. Бу эса йилбоши байрами қадим замонлардан бери кенг  
гантана қилиб келингани, наврӯздан кейин бошланадиган янги  
меҳнат мавсуми кишиларга катта маънавий кувват баҳш этганли-  
гини кўрсатади.

Аждодларимиз учун заминни нурга чулғайдиган қўёш, ризқ-рўз  
манбаи бўлмиш тупроқ, поклик ва бокий ҳаёт тимсоли ҳисобланган  
сув ҳамда олов мўътабар саналган. Шунинг учун ҳам улар ўз уйлари-  
нинг эшигини қўёшга қаратиб очганлар. Эрта тонгда чиқаётган қўёш-  
га, тунда эса тўлин ойга уч марга эгилиб, ўз эҳтиромларини ифода  
этишган. Шуниси қизиқки, Ўрта Осиёнинг айрим жойларида наврӯз  
куни уй деворига доирасимон шаклларни чизиб қўйиш одати XX  
асрнинг бошларида ҳам сақланиб қолган экан. Шубҳасиз, бу доира-

лар қүёш тимсоли ҳисобланган ва наврўз байрамида кун билан тун генглашишига ишора вазифасини ўтаган.

Қадимги афсоналарда ҳикоя қилинишича, наврўз Жамшид подшо бўлиб, таҳтга ўтирган кундир. У ўзига шоҳона таҳт ясатириб, ҳар хил қимматбаҳо тошлар билан жило берилган, неча турли дуржавоҳирлар қадалган қимматбаҳо тожини кийиб, тонг маҳали таҳтга ўтирибди. Шу пайт қүёш чиқиб, офтобнинг заррин нурлари Жамшиднинг тожу таҳтини ёритибди. Бутун теварак-атроф мунавар бўлиб кетибди. Бу гаройиб мұъжизани кўрган улус ажабланиб, Жамшид таҳтга ўтирган кунни “наврўз”, яъни “янги кун” деб байрам қилишган экан (*Беруний*, 1968, 254-бет).

Ҳасрнинг улуғ муаррихи Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахийнинг “Бухоро тарихи” номли асарида келтирилган бир далил наврўз байрамининг ёши тўрт минг йилдан ортиқроқ эканлигини исботлайди. Наршахий бухороликларнинг қўхна удумларидан бири хусусида ҳикоя қиласар экан, шундай ёзади: “Сиёвуш бу ерда (яъни Бухорода) ўзидан бир ёдгорлик қолдиришни истади. Шундай қилиб, у Бухоро ҳисорини бино қилди ва кўпроқ вақт ўша жойда турар эди. Кимлардир у билан Афросиёб ўргасида гап юргизди ва натижада Афросиёб уни ўлдирди ҳамда уни шу ҳисорда шарқий дарвозадан кираверишдаги “Дарвозаи фўриён” деб аталувчи сомонфурушлар дарвозасининг ичкарисига дағн этдилар. Шу сабабли Бухоро оташпарамстлари ўша жойни азиз тутадилар ва унга атаб ҳар йили наврўз куни қүёш чиқишидан олдин ўша жойда биттадан хўрор сўядилар. Бухоро аҳолисининг Сиёвушнинг ўлдирилишига бағишлаб айтган марсиялари ҳам бор бўлиб, у барча вилоятларда машхурдир. Куйчилар унга мослаб куй тузганлар ва қўшиқ қилиб айтадилар. Қўшиқчилар уни “оташпарамстлар йифиси” дейдилар. Бу гаплар бўлиб ўтганига ҳозир уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди” (*Наршахий*, 1966, 28-бет).

Агар хассос муаррих “ҳозир” деганида ўзи яшаган Ҳасрни назарда тутганлигини, ўша замондаёқ наврўзи олам “уч минг йилдан ортиқроқ” ёшга кириб қолганлигини эътиборга олсак, минг йиллар оша халқимиз маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилиб келган бу фусункор шодиёна ўлкамизда тўрт-тўрт ярим минг йил давомида кенг нишонланганни маълум бўлади.

Наршахийнинг наврўз тарихига доир юқорицаги қайдномаси ишончли эканлигини тасдиқлайдиган яна битта далил бор. “Девону луғотит турк”нинг муаллифи Маҳмуд Кошгари “қаз” сўзига изоҳ беради:

ётиб, қуидаги маълумотни беради: “Бутун Моворауннаҳри туркійлар ўлкаларидан деб ҳисоблаганлар. У Янканддан бошланади. Унинг бир оти Дизруйинdir. У сариқлигига кўра, мис шахри демакдир. Бу Бухорога яқиндир. Бу ерда Афросиёбнинг қизи - Қазвиннинг эри Сиёвуш ўлдирилгандир. Маъжусий-оғашпастлар ҳар йили бир кун бу ерга келиб, Сиёвуш ўлган жой атрофида йиғлайдилар. Моллар сўйиб, қурбонлик қиласидар. Сўйилган мол қонини унинг мозори тепасига тўқадилар. Уларнинг одатлари шундай”. Бу ўринда ҳам Сиёвуш дағн этилган жойда ҳар йили наврӯз куни ўтказиладиган анъанавий маросим тўғрисида сўз бормоқда. Бизнингча, Маҳмуд Кошфарий ҳам “ҳар йили бир кун” деганда айнан йилбошини назарда тутган.

Наврӯз байрами Сиёвуш билан алоқадорлигининг боиси шундаки, қадимги аждодларимиз мифологиясида Сиёвуш ўлиб-тирилувчи табиат тимсоли деб қаралган. Йилбоши шодиёналари ҳам маълум маънода, кузда рамзий маънода “ўлган” табиатнинг кўкламги “тирилиши”ни нишонлаш тантанаси ҳисобланган.

Чинлик муаррихлардан бири Вэй-Цзе қадимги самарқандликларнинг наврӯзи ҳақида шундай ёзган: “Олтинчи ойнинг биринчи куни уларда йилбоши ҳисобланади. Ўша куни подшоҳ ҳам, халқ ҳам ўзларининг янги либосларини киядилар, соч-соқолларини олдиришади. Улар шаҳарнинг қунчиқар тарафидаги бир дараҳтзор ёнидаги майдонда тўпланишиб, байрам қиласидар. Етти кун мобайнида моҳир тирандозлар от чоптириб туриб, ўз камонларидан нишонни мўлжаллаб ўқ отиш баҳсида қатнашадилар. Еттинчи кун нишон ўрнида олтин танга қўйилади ва ушбу нишонни бехато урган қирағай мерган бир кун шоҳлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. Улар кўк тангрини мўътабар тутадилар ва унга ўз эҳтиромларини ифода этадилар. Айтишларича, илоҳий маъбуд еттинчи ойда ҳалок бўлган ва унинг суюклари йўқолганлиги боис, бу маъбуд культига топинувчи одамлар ҳар йили ўша ойнинг бошида қора кийим киядилар, далаларда ялангоёқ йиғлаб юриб, маъбунинг ҳокини ахтарадилар. Еттинчи куни йилбоши байрамининг тантаналари ўз ниҳоясига етади” (Толстов С.П., 1948. - С.204).

Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар” номли асарида келтирилишича, “Жамшид подшо бўлгач, маъжусийлар динини янгилади ва бу иш қилинган кун, яъни наврӯз, “янги кун” деб аталди, бу кун, гарчи у Жамшиддан олдин ҳам ҳурмат қилинган бўлса-да, ҳайитга айлантирилди” (Беруний, 1968, 254-бет).

Демак, наврӯз Ўрга Осиёда яшаган қадимги дәхқонларнинг ба-  
ҳорий удумлари, кўкламни эъзозлаш, сув, олов, тупроқ, қуёшга  
сифиниш билан боғлиқ маросим ва эътиқодлари асосида бундан уч  
ярим-тўрт минг йилча бурун пайдо бўлган умумхалқ байрамидир.  
Бу байрам ерни севишга, меҳнатни қадрлашга, кўклам мўъжиза-  
ларидан лаззатланишга, ҳаётнинг боқийлигига имон келтиришга  
ургатади. Наврӯз эски йил тугаб, янгиси бошланадиган, дәхқон  
умид билан ерга барака уруғи қадайдиган, чўпон қўй-қўзиларини  
ям-яшил ўтлоққа ёядиган саодатли кундир. Бу кунда эзгулик тан-  
гана қиласди. Бу кун - ҳаёт абадияти нуқтасидир.

Халқимиз орасида наврӯзни қачон нишонлашни аниқлаш билан  
алоқадор талайгина анъаналар мавжуд. Одатда бу айёмнинг бош да-  
ракчилари болалар ҳисобланади. Фольклоршунос О.Сафаровнинг  
ёзишича, шофирконлик болакайлар зағизғон уясига тухум қўйга-  
нини қўришса, бу хабарни катталарга етказиб, наврӯз дарагини  
беришга шошилғанлар. Тошкент, Жиззах, Сирдарё атрофидаги қиши-  
лоқларда эса бойчечак чиқишига қараб туриб, наврӯз келганлигини  
аниқлаганлар.

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Айлангари қиши-  
логида яшовчи 1958 йилда туғилган Исмоил aka Нуриллаевнинг  
айтишича, қишлоқнинг қуий тарафида жойлашган тоғнинг Бини-  
восеъ деган чўққисида бир белгили арча бор. Ҳар йили қуёш ўша  
белгили арчага келса, йилбоши қилинади. Қишлоқда буваларнинг  
бир белгили жойи бўлган, улар ҳутнинг охирида ўша жойда тўпла-  
ниб ўтириб қўёшнинг арча ортига ботишини кузатганлар.

Бойсун туманининг Назари қишлоғи кексалари ҳам йилбоши  
байрами тантана қилинадиган кунни қишлоқнинг қуий тарафида-  
ги тоғ устида ўсиб турган учта асрий арчага қараб белгилашган:  
анъанага кўра, қуёш ана шу уч арчанинг ўртадагисининг орқасига  
ботган куннинг эртасига наврӯз байрами нишонланган. Қуёш уч  
арчанинг биринчисидан ботиб, йилбошига белги бергандан кейин  
қишлоқнинг ёши улуғ кексалари уйма-уй айланиб юриб, ҳар бир  
уй эгаларига соғлик, кут-барака тилайдилар.

Наврӯздан кейинги уч кун ичиди Назарида болалар, йигитлар  
**“шоғол ўйини”** деган бир ўйинни ўйнайдилар. Улар ниқоб киядилар,  
соқол-мўйлов қиласидилар. Бўриникига ўхшаган қулоқ ясад  
киядилар. Тўнларининг орқасини йигиштириб, бураб дум қиласидилар.  
Бу ўйиннинг номини **“Гургургак”** - **“Бўри келди”** деб ҳам айтайдилар.  
Ёш болалар ва 10-18 ёшгача бўлган болалар юқоридагича

күринишига кириб, уйма-уй юрадилар. Ҳар бир уйга борганда құшиқ айтадилар Уй эгаси чиққанида уни ҳалиги “дум” и билан урадилар. Уй әгалари чиққач, ўша хонадон уйининг олдида икки-уч минут үйин-кулгу қиладилар. Уй эгаси, бекалар майда-чуйда чиқариб берадилар. Болалардан иккитаси халта күтариб юради. Бекалар чиқариб берган нарсаларни ўша халталарга соладилар. Қишлоқни айланыб чиққач, тұпланған нарсалардан бирорта таом пишириб, биргалашиб ейдилар ва уй әгаларининг ҳақига дуо қиладилар. Ортиб қолған нарсаларни фақирларға тарқатадилар. Бўри келди - файз келди дейдилар (*Муаллифнинг дала ёзувлари*. 2003 йил 26 октябрда Бойсун туманининг Назари қишлоғида яшовчи 1949 йилда туғилган Ризо ака Исаевдан ёзиб олинган).

Туркистан атрофидаги қишлоқларда бу байрам наврӯзак деган қүшнинг учиб келишига қараб аниқланган бўлса, Тошкент вилоягининг Сижжак қишлоғида «наврӯзгул» деган баҳорий чечакнинг қийғос очилиши йилбошидан дарак берган. Ҳазратқул баҳши Худойберди ўғлиниң ҳикоя қилишича, Қашқадарё воҳасида наврӯзи оламнинг ташрифи муддати лайлакларнинг учиб келишига қараб белгиланар экан. Бу ерларга лайлаклар одатда 10-15 март оралиғида учиб келаркан. Шу боисдан ҳам шундан кейин ёққан қорни “лайлак қор” дейдилар.

Наврӯз байрами ўз таркибиға бойчечак, лола, қизил гул, қизғалдоқ билан алоқадор “гул сайиллари”, йилнинг охирги чоршанбасида ўтказилган “охир чоршанба” удуми, ариқ-зовурлар тозаланиб, янги боғлар барпо этиладиган “ҳашар” анъанаси, йилбоши арафасида қилинадиган “қозон тўлди” удуми, илк кўкламда дала-га биринчи марта кўш чиқариб, дон экиш одати – “шоҳ мойлар” маросими, етти хил дондан “наврӯз гўжа” пишириш ҳамда етти хил кўкатдан кўк сомса тайёрлаш одати, арғимчоқ учиш, сумалак ва ҳалим тайёрлаш, варрак учираш, кўчқор, хўрөз, тuya уриштириш анъаналарини ҳам ўз ичига олган муҳташам миллий қадриятимиз саналади. Бу удум ва анъаналарнинг ҳар бири ўзига хос рамзий маъно касб этган бўлиб, замирида аждодларимизнинг эзгу гушунчалари ётади. Масалан, Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод гуманида наврӯз сайли куни маҳалла аҳли бир ерга жам бўлиб, идиш сифатида фойдаланиб келинаётган сув ва мойқовоқлардан бир нечтасини ерга уриб синдиришган. *«Қади синдириди»* деб атаглан бу удумнинг моҳияти келаётган янги йилда яхши ва эзгу ниятлар кўзда тутилишига қаратилган (*Мирзаев Н., 1991, 39-бет*).

Наврўз байрами тантаналари қадим-қадимдан кўпкари, кўчкор уриштириш, хўroz уриштириш, тuya уриштириш, кураш каби халқ ўйинларисиз ўтмайди. Йилбоши билан боғлиқ бу анъананинг тарихи жуда олис замонларга бориб тақалар экан. Қадимги Чин муаррихлари қаламига мансуб “Тан сулоласининг тарихи” деб номланган манбанинг Фарғона тавсифига бағишланган фаслида қуйидагилар битилган: “ҳар йили янги йил байрамида шоҳдар ва қабила сардорлари икки гурӯҳга бўлинадилар. Ҳар тарафдан бир баҳодир ўргатага чиқади ва олишадилар. Иккала томон қийқириқ ва шовқин-сурон билан ўз баҳодирини қўллаб-куватлаб турди. Ботирлардан бирининг қўли баланд келгач, жангни тўхтатадилар ва шунга қараб келаётган йилнинг ҳосили мўл ёки камҳосил бўлиши башорат қилинади” (Толстов С.П., 1948. - С.282-283). Қадимги Ҳиндистонда ҳам ҳар йили баҳорда кўклам қўёшининг галабасини шарафлаш мақсадида камондан ўқ отиш мусобоқалари ўтказилган экан. Наврўз байрамида кўчкор, тuya ва хўroz уриштириш баҳсининг ўтказилиши аслида кут-барака ва мўл ҳосил тилаш foяси билан боғланади.

Хуллас, наврўз байрами суформа деҳқончилик маданиятини яратган қадимги аждодларимизнинг мифологик тасаввурларидан тортиб ҳозирги даврда ўз ижодий салоҳиятини эркин намоён этаётган юртдошларимизнинг бадиий тафаккуригача бўлган улкан маънавий қадриятлар силсиласини ўзида яхлит ҳолда жамлаган ҳаётбахш шодиёнадир. Мамлакатимиз миллий истиқдолга эришганидан кейин кўплаб унугилаёзган қадриятларимиз қатори наврўз байрами ва у билан боғлиқ фольклор асарлари, удум ва анъаналар ҳам қайта тикланди. Азалдан чинакам халқона тантана сифатида байрам қилиб келинган наврўз ўзининг аслий қиёфасига қайтди. Зукко момоларимизу нуроний отахонлар хотирасида сақланиб қолган наврўз қўшиқлари, айтим ва ўйинлар яна кенг кўламда ижро этила бошлианди. Аждодларимиз тафаккурининг сарчашмасидан бош олган халқ наврўзномаси бамисоли ўзанига қайтган дарёлар сингари мавжланиб-мавжланиб оқа бошлади. Зеро, наврўз байрами ўз тарихий тараққиёти давомида ҳеч қаҷон бизнинг кунлардагидек қадр топиб, фоятда кенг миқёсда нишонланмаган эди.

Миллий анъаналаримизни сақлаб қолиш ва халқимизнинг маънавий тикланишига замин яратиш йўлида фидойилик кўрсатаётган юртбошимизнинг сайъ-ҳаракатлари туфайли наврўз байрамининг барча узвлари тикланиб, унинг қадимий анъаналари бугунги за-

мондошларимиз томонидан яратилган бадиий қадриятлар билан уйғунашиб чинакам миллий байрамга айланди. Эндиликда бу байрам мамлакатимиздаги барча халқларни үзаро бирлаштирадиган, меңнатсеварлик ва яратувчилик, тинчлик ва хурфиксалик, серхосиллик ва күт-барака, меҳр-муруват ва эл-юрт ободончилиги гоясини ташувчи умумхалқ шодиёнаси сифатида үлкамизда кенг нишонлади. Зеро, үз аждодларининг маънавий қадриятларини қадрлаган халқнинг истиқболи ойдин бўлиши табиийдир.

## СУМАЛАК ПИШИРИШ

Халқимизнинг кўхна эътиқодларидан бири бўлмиш йилбошини сумалаксиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ота-боболаримиз наврӯзга тайёргарликни ҳам сумалак пишириш учун майса ундиришдан бошланлар. Наврӯз бамисоли тан бўлса, сумалак унинг жони, уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Аждодларимиз асрлар бўйи наврӯз оқшоми катта-катта дошқозонларда сумалакларни қайнатиб, келаётган янги йил баракали, қутли ва серхосил бўлишига умид боғлагандар. Сумалак пишираётган онахонларимиз қадимий халқ қўшиқларини, байт-газалларни айтиб, байрам файзига файз қўшганлар.

Анъанага кўра, сумалак пишираётганда ҳамиша Биби Фотима ёдга олинниб, ундан мадад тилайдилар (**Жўраев М.**, 1990,в; **Жўраев М.**, 1992,г.). Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Тангачар қишлоғида яшовчи Шарофат Мурод Олим қизининг хотирлашларича, илгарилари сумалак пишираётганда қозонга буғдой майсасидан сиқиб олинган шарбатни солиш пайтида момоларимиз:

*Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм!  
Бувиларимизнинг оши ширин бўлсин,  
Ризқу рўзимиз бутун бўлсин,  
Умримиз узун бўлсин,  
Тўрт кўзимиз тугал ўтайлик,  
Муродимизга етайлик! -*

деб агар кўнгилларидаги орзулари рўёбга чиқса, келгуси йил на-врӯзда яна элга сумалак қилиб беришни ният қилганлар.

Анъанага кўра сумалак пиширишдан аввал Биби Фотиманинг ҳақига дуюю фотиха ўқилади, ўчоқ бошида “ис” чиқарилади, ис чироқлар эшиб, ёқилади, исириқ тутатилади. Айтишларича, шундай қилинса, сумалак пиширувчиларга Биби Фотима бош-қош бўлиб туармиш. Айни тонг маҳали сумалак ковлаётган момолар-

нинг кўзлари илингандада Биби Фотима сумалакка беш панжасини урад, шунда бу баҳорий таом қиёмига етиб, мазали бўлиб пишар эмиш (Задыхина К.А., 1952. - С.394; Қиличев Т., 1988, 75-бет). Шунинг учун сумалак пиширилаётган пайтда момолар унинг руҳидан мадад сўрайдилар. Масалан, қозонга ёғ колаётганда:

*Бисмилоҳир раҳмонир роҳийм!  
Худойим ўзи ёр бўлсин,  
Биби Фотима мададкор бўлсин,  
Қўлим енгил, юзим ёруғ бўлсин,  
Ишбошимиз қутлуғ бўлсин,  
Сумалагимиз тотлиғ бўлсин! –*

деб яхши ният билдирадилар.

Сумалак учун ундирилган буғдой майсасининг ширасини қозонга колаётганда ҳам аёллар қизил куйлак кийиб, бошларига қизил рўмол ўрайдилар, қулоқларига эса ял-ял ёниб турган қизғалдоқлардан тақиб оладилар. Шундан кейин тогорадаги ширани қозонга кола туриб:

*Бисмилоҳир раҳмонир роҳийм!  
Муродимиз ҳосил бўлсин,  
Сумалагимиз қизил бўлсин! –*

дейдилар. Қизил куйлак кийиб, қизил рўмол ўрашнинг ҳам муайян рамзий маъноси бор: шундай қилинса, сумалак қип-қизариб пишади деб умид қилиганлар.

Нурота туманининг Қизилча қишлоғида яшовчи 53 яшар Ойтӯти Мирзаевадан 1991 йилда ёзиб олинган маълумотга кўра, сумалак пишираётганда ўчоқ бошида мойли пахтадан ип йигириб чироқ ёқилади. Ёли нон қилинади ва ўчоқдан уч марта айлантириб олингандан кейин бўлиб ейилади. Бу таом Биби Фотиманинг оши бўлганилиги учун сумалак кўзғатиладиган уч капкирни ҳамма навбати билан ушлаши керак дейдилар.

Қашқадарёда олиб борилган фольклор - этнографик кузатишлар эса сумалак пишириш анъанаси ўзбек маросим фольклорида шамол пири сифатида тасаввур қилинувчи *Мирҳайдар* культи билан ҳам алоқалантирилишини кўрсатди. Хусусан, Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Миришкор қишлоғида яшовчи Тўхта Хосиятовадан 1972 йилда куйидаги кўшиқ ёзиб олинган:

*Сумалагим пишади,  
Қозонга ёпишади,*

*Сумалакнинг эгаси  
Пишак бўп тирмашади.  
Сумалак бажўши,  
Қайна, қайна, жўш!  
Косаи Мирҳайдар,  
Ширинак бажўши!*

(«ЗЎФА». И nv. №1652-11, 35 - бет).

Кейинги тўртлиқда номи зикр этилган Мирҳайдар Ўрта Осиё халқлари орасида шамол эгаси сифатида тасаввур қилинадиган мифологик образдир («Древние обряды...» 1986. - С.201; Саримсоқов Б., 1986, 136 - бет).

Бизнинг фикримизча, бу мифологик образнинг қадимий илдизлари «Авесто»га бориб тақалади ва аждодларимиз томонидан шамол эгаси сифатида эътироф этилган *Vata//Vayu* ҳақидаги кўхна инончлар ўзбек халқ маросим фольклоридаги шамол пири - Ҳайдар образининг келиб чиқиши учун асос бўлган (*Бу хақда каранг: Жўраев М.*, 1997, в.).

Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Қорлуқ қишлоғида яшовчи 64 яшар Шарофат Кўзиевадан 1972 йилда С.Фойибов ёзиголган маълумотга кўра, сумалак пишираётганда:

*Сумалак пўшишалла,  
Тегларига ёпишалла,  
Эгалари тортишалла, -*

дэйилади («ЗЎФА». И nv. №1656).

Шу вилоятнинг Қарши туманидаги Қоракутчи қишлоғида яшовчи 62 яшар Ўғил момо Тошеванинг айтишича, сумалак ковлаётганда:

*Сумалак пўшишади,  
Козонга ёпишади,  
Сумалакни кўрганлар чопишади, -*

деб хиргойи қилинган. Қарши туманининг Талликўрғон қишлоғилик 74 яшар Муқим момо Бердиева эса сумалак пишириш чоғида:

*Сумалак пўшишади,  
Тагига ёпишади,  
Сумалакнинг эгаси,  
Қурвақадай тиртишади, -*

деб қўшиқ айтилса сумалак тагига олмасдан қизариб пишади деб ҳикоя қилган («ЗЎФА». И nv. №1656).

Сумалак пишириш удуми ҳосилдорлик культи ва ўлиб - тирилувчи табиат ҳақидаги мифологик тасаввурлар асосида пайдо бўлган-

лиги учун сумалак құшиқлари матнида ҳам Мирхайдар тұғрисида-  
ги инончлар ўз ифодасини топған.

Халқымиз анъanasига құра, күклам кунлари күпчилик бұлиб  
тайёрланадиган бу гаройиб таомни илк дағфа жимжилоқ билан  
татиб күрилса, йил баракали келади, дейдилар. Шу боис, науруз  
кунлари дастурхонга сумалак тортилганда күклам таомини бириң-  
чи бор татиб құраёттан пиру бадавлат отахонларимиз-у табаррук  
онахонларимиз: “Яңгилек, яңгилек, илоҳим ҳеч күрмайлик ёмонлик,  
ниятимиз омонлик-сомонлик. Илоҳим янаги ой, янаги йилларга, бо-  
шимиз эсон, бағримиз бутун бұлиб, ўйнаб-кулиб етишайлик!” дейи-  
шиб, жимжилоқлари билан сумалакни татиб құрадилар.

Қашқадарёлик халқ бахшиси Ҳазратқул Худойберди үғлининг  
айтишича, қўнғирот уруғига мансуб ўзбеклар удумига құра, ҳар  
йили кўкламда 4-5 кг буғдойни ундириб, уни туйиб, шарбати  
олинади. Бир қозонда ўша шарбатни ун билан аралаштириб, бир  
кеча-кундуз қайнатадилар ва сумалак пиширадилар. Бу таом қўнғи-  
рот уруғи аҳли лаҳжасида “Биби Фотиманинг оши” деб аталаркан  
(«ЗЎФА». Изв№1753. 1981 йилда Қашқадарё вилоятининг Қамаши  
туманидаги Эски Қамай қишлоғида яшовчи 1920 йилда туғилған  
Ҳазратқул бахши Худойбердиев ёзиг олган).

Маълумки, сумалакка туз солинмайды, ҳатто ўзбек халқ то-  
пишмоқларидан бирида ҳам (“түзсиз пишган ошни кўрдим”) шунга  
ишора бор. Сумалакнинг қуёш чиқар палласи сузилиши аслида  
аждодларимизнинг қуёш культи билан боглиқ қадимги удумлари-  
га алоқадор.

Баҳор байрамининг шоҳ таомини тайёрлаш анъanasининг тари-  
хи олис даврларга бориб тақалади. Ҳатто милоднинг I - II асрлари-  
да яшаб ўтган юонон олимни Плутарх қадимги одамларнинг баҳорий  
удумлари тұғрисида ёзаркан, улар илк кўкламда буғдойдан маҳсус  
таом пиширганларини алоҳида қайд қилиб ўтган (Бунјадов Т.,  
1989, 123-бет).

Үрта Осиё ҳудудида истиқомат қилған аждодларимиз ҳам бун-  
дан минг йиллар аввал ҳам кўкламни сумалак пишириш билан  
кутиб олганларини XI асрнинг буюк тильтуноси Маҳмуд Кош-  
ғарий ҳам таъкидлаган эди. У ўзининг “Девону луготит турк” яъни  
“Туркий сўзлар девони” асарининг 3-жилд, 253-саҳифасида “сума-  
- ивитилған буғдой номи, уни қуритиб туйилади, сўнгра ундан  
угра ош ва нон қилинади. Шарбат учун қилинган, ундирилған  
арпа учун ҳам шу сўз қўлланилади,” - деб ёзган.

Демак, “сумалак” атамаси “шарбат учун қилинган, ундирилган арпа” ёки эрта кўкламда шарбатидан маҳсус таом тайёrlаш учун кўкартирилган буғдой маъносини англатувчи қадимги туркий сўз бўлмиш “сума” дан келиб чиқсан. Сумалак пишириш удуми эса Ўрга Осиёда яшаган қадимги аждодларимиз орасида кенг расм бўлган.

Шимолий Ҳиндистонда истиқомат қилган қадимги аҳолининг лаҳжаси - санскрит тилида буғдой маъносини англатувчи “сумани” сўзи бўлган экан. Тилимизда дони олинган буғдой пояси “сомон” дейилиши ҳам бежизга ўхшамайди. Манбаларда қайд қилинишича, қадимги аждодларимиз эрта кўкламда келаётган йилнинг баракали бўлишини ният қилиб, мұқаддас ўсимликлардан бирини туйиб, ширасини олганлар ва маросим амалларини бажариш чоғида уни тановул қилғанлар. Ана шундай шарбатни тайёrlаш учун маҳсус идишларда туйиладиган ўсимлик қадимги ҳинд тилида “сома”, “Авесто” битикларида эса, “хаома” деб аталган экан. Бу ҳар иккала сўзнинг ўзаги аслида битта бўлиб, “сиқиб суви олинадиган нарса” маъносини билдирап экан (Бойс М., 1987. - С.12).

Бинобарин, тилимиздаги “сиқмоқ” (бирор нарсани эзиб, сувини чиқармоқ маъносида) сўзи ҳам ана шу ўзакка боғланса ажаб эмас, Қизиги шундаки, “Авесто” асотирларида тасвиirlанган афсонавий улкан уммон - Ворукаша денгизининг ўртасида ўсадиган ҳаёт дарахтининг номи ҳам “Хома” // “Сома” деб талқин қилинади.

Ўйлашимизча, сумалак пишириш анъanasи қадим замонларда яшаган боболаримизнинг ҳаёт дарахти, табиатнинг баҳор фаслидаги рамзий уйғониши ҳамда ҳосилдорлик қульти тўғрисидаги энг кўҳна эътиқодий ишончлари асосида келиб чиқсан. Аждодларимиз сумалак пишириш воситасида эзгулик, яхшилик ва меҳр-муруватни улуғлаганлар, табиатдан сиҳат-саломатлик ва мўл ҳосил тилаганлар.

Этнограф Г.П.Снесаревнинг фикрича, сумалак пишириш анъanasининг тарихий асослари ўсимликларнинг кузда рамзий маънода ўлиши ва кўкламда яна қайта “тирилиши” ҳақидаги мифологик эътиқодларга ишониш удумига боғланади (Снесарев Г.П., 1969. - С.211-214). Ҳақиқатан ҳам сумалакнинг эрта кўкламда, ғалла экинларини экиш мавсуми бошланишидан аввал, бутун борлиқ қиш уйқусидан уйғонадиган, табиатда яшариш, янгиланиш рўй берадиган ажаб бир фаслда пиширилиши ҳам бу анъананинг замирида ўлиб - тирилувчи табиат тўғрисидаги мифологик тасаввурлар мавжудлигидан далолат беради.

Халқимизнинг сумалак пишириш билан боғлиқ қизиқарли удумлари бор. Ҳатто сумалак учун ундирилган буғдой майсасини муқаддас деб билиш расмининг ҳам излари сақланниб қолган. Сумалак пишираётганда фарзанд кутаётган иккиқат жувонларга, шунингдек, бефарзанд аёлларга буғдой майсаси берилган. Бу билан келаётган йилда фарзандли бўлишларига тилак билдирилган. Суннат қилинмаган болалар тезроқ улғайиб вояга етишларига умид боғлаб, уларнинг чопонларининг этакларига буғдой майсасини қистириб қўйганлар. Сумалак тагига олмасин учун қозонга солинадиган тош ва ёнғоқларнинг сонини белгилашда ҳам ўзига хос қадими анъаналарга амал қилинган. Момоларимиз сумалак қайнаётган қозонга еттига тош ташлайдилар. Чунки “етти” дунё халқарининг энг севимли магик сонидир (Қаранг: Жўраев М., Холмуҳамедов К., 1989).

Халқимиз орасида сумалак пишириш билан алоқадор ғоят қизиқарли анъана ва удумлар, эътиқод ва инончлар бўлган. Афсуски, шўролар давридаги мафкуравий тутқунлик оқибатида боболаримиз томонидан яратилган муҳташам қадриятларимизнинг маълум бир қисми унутилиб кетди. Мамлакатимиз истиқдолга эришганидан кейин юртимизда маънавий тикланиш жараёни авж олиб кетди. Аждодларимизнинг бадиий - эстетик салоҳияти маҳсули бўлган кўплаб маънавий қадриятлар тизими тикланиб бугунги кунда халқимизнинг бебаҳо тафаккур дурдоналари сирасидан ўрин олди. Хусусан, дехқончилик маданияти юксак даражада тараққий этган ўлкамизда шаклланган энг саодатли байрамлардан бири - наврӯзи оламнинг ҳам жуда кўп узвлари қайта тикланди. Биз ҳам ўлкамизнинг турли жойларида фольклор-этнографик экспедицияларида бўлганимизда кексалар хотирасида сақланган айрим удум ва тасаввурларни, сумалак пиширишда амал қилинадиган анъана ва одатларга доир маълумотларни тўплашга ҳаракат қилган эдик. Куйида халқимизнинг сумалак билан боғлиқ эътиқодий қарааш ва инончлардан айримларини эътиборингизга ҳавола қўлмоқчимиз:

Кишдан эсон-омон чиқиб олган одамлар бир-икки косадан буғдой йифиб, кўпчилик бўлиб ундириб, бир дошқозонда сумалак пишириб ейишса, бир-бирларига яқин қариндошдек бўлиб қолишар экан. Сумалак пишириш учун буғдой ундирилаётган уйга бегона кишиларни киритмаганлар. Таҳорат қилиб покланган, кўнгли тоза одам (кўпинча, момолар) буғдой ундирилаётган хонага “Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм!” - деб киради ва майсага сув сепади.

Күкартирилган бүгдөй майсасини одамлар күзига суртишади, “янгилик, янгилик” деб тавоф қилишади. Бу билан наврүздан бошландыган янги йилда ҳосил мүл, юрти тинч-омон бүлсін, деб ният қылғынади.

Бефарзанд аёллар, боласи турмайдыган хотинлар, оила аъзоларидан бири олис сафарда бүлгән оналар, бирорта яқын қариндоши оғир касал бүлиб ётган аёллар сумалак майсасини чаккаларига тақиб, мушкүллари осон бүлишига умид қиласылар. Сумалак пишириладыган қозоннинг қулоғига ҳам майсадан “соқол”, осиб құйғанлар.

Сумалак пишадыган куни ҳамма янги кийим кияди, янги либос кийишга имкони бүлмаган киши ҳеч бүлмаса бирорта охорли мато бүлаги билан бармоғини боғлаб құйса савоб бүлади дейдилар. Сумалак қилаётган момолар ундириш учун үстирилган бүгдөй майсасининг ширасини қизил рүмөлдан сузид олғанлар ва ўзлари ҳам қизил құйлак кийиб, шу рангдаги рүмөлни ұраганлар. Шу удумга риоя қилинса, сумалак ҳам қиёмиға етиб, қизарып пишар экан.

Сумалак майсасининг суви күни-құшнайларға, қариндошларға улашилади. Бу сувдан солинган қозонда пишган таом баракали бүлади деб ўйладылар. Сумалакка солинадыган унни пиру бадавлат онахонлар элайдилар. Икки момо ун элаб бүлгач, супра устига дока ёпиб құйиб, ташқарига чиқиб кетадылар. Хона эшиги қия очиқ қолдирилади. Афсоналарға күра сумалак Биби Фотиманинг оши деб тасаввур қилингандығы учун у баҳорий таомға атаб әланған ун құйилған хонага кириб, супрага назар ташласа ҳамманинг муроди ҳосил бүлади деб нақл қиласылар.

Сумалакнинг шарбатини солищдан аввал дошқозонга ёғ солиб қизитилади ва түzsиз сувга қорилған хамирдан бүғирсоқ пишириб, “ис” чиқарадылар. Дошқозон тағига үтін қалаётган аёл құнглида нимаики нияти бүлса, сумалак олдида айтса, орзузи амалға ошармиш. Нопок кишилар сумалак қайнаётган қозон атрофига яқынлаштырилмайды. Мободо таҳорат олмаган ёки нияти бузук одам қозонға назар ташласа, сумалак тошиб кетар эмиш.

Фарзандталаб аёллар сумалак пишаётган қозон атрофини уч мартағайтланиб, ниятларини айтсалар, муродлари ҳосил бүлади дейдилар. Эгизак фарзанд үстираётган онахонлар ҳар йили әл-юрга сумалак сайли қилиб берсалар, болалари эсон-омон улғаяр экан.

Тонгга яқын сумалак ковлаётган аёлларнинг күзини уйку элит-ганды, осмону фалакдан учыб келған малойикалар қозонға туз ташлаб кетишаркан. Пинакка кетған момолар буни билмай қолишармиш.

Сумалакка туз солинмаслигининг сабаби ҳам ана шунда.

Сумалак пишираётганда ҳамма хурсандчилик қилиши, ҳеч бўлмаса кўнглини губорлардан холи қилиши, ҳеч ким бир-бирининг дилини оғритмаслиги керак дейдилар. Сумалак пишаётган қозонга каттароқ мунчоқ, ёнгоқ ёки тош солинади. Сумалак сузилаётганда кимнинг идишига мунчоқ тушса, биринчи фарзанди қиз бўлар экан, деб ирим қиласидилар. Мободо тош тушса, турмуши тошдек мустаҳкам, ёнгоқ тушса бамисоли ёнфокдек сермағиз, яъни зерфарзанд бўлади деб суюнадилар.

Сумалак пишаётганда бехосдан ёмғир ёғиб қолса, бирорта аёлнинг тўнғич боласи қозон атрофини уч марта айланиб:

*Қозоннинг қирғичиман,  
Онамнинг тўнғичиман,  
Булатларни дўндараман (яъни, қайтараман),  
Сумалакни сундираман, –*

деса ёғингарчилик тўхтайди дейдилар.

Сумалакни оила аъзолари баҳамжихат бўлиб тановул қилишган. Агар у оз бўлса, ҳар ким жимжилоги билан бир мартадан ялаб кўрган. Шу боис, халқ орасида “Сумалак - бир яламак” деган нақл ҳам бор.

Сумалак тарқатилгандан кейин яхши ният қилган аёллардан бири дошқозонни ювади-да, қозон ичидан чиққан сувни бирорта мевали дараҳтнинг тагига тўқади.

Сумалак пишириш удуми табиатнинг ўлиб-тирилиши, яъни кузда рамзий маънода “уйқуга” кетган ўсимликлар оламининг эрта кўкламда яна қайта жоланиши ҳақидаги қадимий халқ қараашлари асосида келиб чиққан чинакам халқона анъаналаримиздан биридир.

## АШШАДАРОЗИ

Қарийиб тўрт минг йилдан бўён наврӯзи олам билан бўйдош қадимий анъаналардан бири сумалак пишириш билан алоқадор “Ашшадарози” маросимидир. Амударё соҳилларига хос бу қадимий маросим ва у билан боғлиқ ўйин Хоразм халқ театри анъаналари ни ўрганган санъатшунос Т. Қиличев томонидан аниқланган. Олим 1974 йилнинг 10 нояброда Тўрткўл туманидаги “Кирққизобод” жамоа хўжалигида яшовчи 70 яшар Биби момо Қозиевадан сумалак пишириш пайтида ўйналадиган “Ашшадарози” номли халқ ўйинининг этнографик тавсифи ва қўшиқларини ёзib олган.

Маълум булишича, “Ашшадарози” маросими (Бу ўйиннинг этнофольклористик тавсифи Т.Қиличевнинг “Хоразм халқ театрі” (Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 70-75-бетлар) кигобидаги маълумотлар асосида баён қилинди) сумалак пиширилаётганда ташкил этилган. Бунинг учун икки ярим - уч метрлар чамаси узунликдаги таёқнинг учидан ярим метрлар пастрогидан кўндаланг қилиб кичикроқ бир таёқча боғланган. Тепа қисмида қўл шакли ҳосил қилинган ана шу таёқча узун бўйли бир аёлнинг куйлагини кийгизишган ва унинг учига бир рўмолни ҳам танғиб одам бошига ўхшатиб қўйганлар. Узун бўйли ёғоч қўғирчоқнинг бошига хоразмча дузий дўппи кийгизиб, устидан оқ ипак рўмол гашлаганлар. Узун куйлакли бу қўғирчоқ “Ашшадарози” деб аталган. Аёллардан бири қўғирчоқча кийгизилган узун куйлакнинг ичига кириб олади-да, Ашшадарозини кўтариб, сумалак пиширилаётган жойга олиб боради.

Одатда сўзга чечан, халқ қўшиқларини маҳорат билан ижро эта оладиган аёлга Ашшадарози роли топширилади. У узун куйлакли сарвқомат қўғирчоқ - келинчакни кўтарганча даврага кириб борар экан, сумалак сайлига йиғилган аёллардан бири эркакча кийиниб ўртага чиқади-да, шундай қўшиқ бошлайди:

*Ашшадарози меварам,  
Вақти намози беварам,  
Ўн бармоғини ўйнатиб,  
Боққан онангга бир салом!*

Шунда Ашшадарози аввал сумалак сайлига бош - қош бўлиб турган табаррук момоларга, катхудо - кайвониларга, сўнгра барча давра аҳлига таъзим қилиб, салом солади. Қиз-жуvonлар унинг тавозе билан эгилиб салом беришини зўр хурсандчилик билан олқишлиядилар. Эркакча кийинган хотин билан Ашшадарози ролини бажараётган аёл ўртасидаги айтишув эса қуидагича давом эттирилади:

*— Ашшадарози меварам,  
Вақти намози беварам,  
Бошингни гўрсат манга,  
Рўмоллар олай санга,  
Ман гетаман шаҳри Кўқон,  
Мандан нишон қолсин санга.*

*-Бошимни гўрсатмиман,  
Рўмоллар олмиманам,  
Маломатга қолмиманам,  
Гетсанг бошим садогаси*

(Қиличев Т., 1988, 70-74-бетлар).

Этнографик кузатишлар шуни кўрсатдиги, «Ашшадарози» Хоразм воҳасида, шунингдек, Амударёнинг ўрта қисми соҳилларига яқин қишлоқларда анъанавий тарзда ижро этиб келинган ритуал ўйинлардан бири экан. Бу ўйин сумалак сайлининг анъанавий удумларидан бири ҳисобланган. Ҳалқимиз орасида «Ашшадарози» ўйини ташкил қилинмаса, сумалак қиёмига этиб пишмайди, Биби Фотима сумалакка бош-қош бўлмайди» деган инончнинг мавжудлиги (Қиличев Т., 1988, 75-бет) ҳам бу ўйин ҳосилдорлик культи ва қут-барака билан боғлиқ рамзий маънога эгалигини кўрсатади.

«Ашшадарози» маросимида ўйналган бу ўйин ҳақидаги этнофольклористик маълумотларни ёзиб олган Т.Қиличев унинг тарихий илдизлари хусусида шундай холосага келган: «Ашшадарози» ўйини қуёш тангрисига, оловга сифиниш одатларини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Чунки ўйин илгаридан кечаси гулхан атрофида ташкил қилинган. Эрта билан кун чиқишини сайил қатнашчилари ўйинкулги билан кутиб олганлар» (Қиличев Т., 1988, 80-бет).

Бу маросим ва ўйиннинг келиб чиқишида дехқончилик маданиятининг шаклланиши, мўл ҳосил гарови ҳисобланган ҳаётбахш нурманбаи - қуёшни шарафлаш ва оловни мўътабарлаштириш анъанаси билан боғлиқ ҳалқ қарашлари муҳим роль ўйнаган, албатта. Аммо бизнинг фикримизча, «Ашшадарози» - моддий ва маънавий оламнинг тартиботини сақлаб турувчи эзгу илоҳа Аша ва олов шарафига ўтказилган қадимий баҳор байрами, яъни йилбоши шодиёналари тизимидағи рамзий ўйинлардан бири бўлиб, серҳосиллик ва қутбарака тилаш фоясини ўзида мужассамлаштирган удумдир. Фикримизни исботлаш учун қуйидаги далилларни келтирамиз:

Биринчидан, анъанага кўра, «Ашшадарози» ҳар йили кўкламда, сумалак пишираётган аёллар даврасида ташкил этилган. Бу ўйиннинг ташкил қилиниши қадимдан рамзий маънога эга бўлиб, сумалак қиёмига этиб пишиши учун бу ўйинни кўпчилик бўлиб ижро этишган. Бу эса «Ашшадарози» ўйини тарихий-генетик жиҳатдан ритуал аҳамият касб этганлиги ҳамда йилбоши тантаналари тизимидағи бу анъанавий маросим ўйини ҳосилдорлик культига алоқадор мифологик тасаввурлар асосида юзага келганлигини кўрсатади.

Иккинчидан, наврўз удумлари тизимиға мансуб бу ўйиннинг номини билдирувчи **Ашшадарози** атамасининг этимологик асоси ҳам «Авесто»нинг «Орд яшт» алқовида шарафланган эзгу илоҳанинг номи, яъни **Аша** лексемасига алоқадорdir.

Гилшунос Ф.Абдуллаев Хоразм шевалари лексикасида **ашшадарози** сўзи мавжуд бўлиб, Урганч, Хива ва Ҳонқада бу сўз қўғирчоқ ўйини ва ҳаддан ташқари новча маъноларида қўлланилишини қайд қилган (Абдуллаев Ф., 1961, 24-бет). Т.Қиличев эса «ҳозирги Хоразмнинг жанубий туманларида яшовчи ўзбеклар шевасида **ашшадарози** сўзи ўта узун бўйли, беўхшов узун бўйли маъносида қўлланади» деб ёзади (Қиличев Т., 1988, 77-бет).

**Ашшадарози** сўзи Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғида ҳам қайд қилинган бўлиб, 1932 йилда туғилган Шарофат Мурод Олим қизининг айтишича, қўғирчоқ маъносини билдиради. Гарчи бу қишлоқда сумалак билан алоқадор бу қадимий ўйин ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолмаган бўлса-да, шева лексикасида **ашшадарози** сўзи мавжудлигининг ўзи ҳам йилбоши байрамининг удумлари тизимиға мансуб бу рамзий ўйиннинг тарқалиш ареали бирмунча кенгроқ бўлган деб хуоса чиқаришга асос беради.

Бизнинг фикримизча, аслида икки лисоний узвдан ташкил топган **Ашшадарози** атамасининг биринчи қисми, яъни **аша** сўзи «Авесто»даги эзгу илоҳа **Аша** (ёки **Аши**)нинг айнан ўзи бўлиб, дароз эса **новча**, узун бўйли, сарвқомат маъноларини англатади. Шунга кўра, **Ашшадарози** атамаси **сарвқомат** илоҳа **Аша** деган маънони билдиради деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, «Авесто»да эзгу сўз, эзгу ўй ва эзгу амал улуғланган бўлиб, дунёда ҳақгўйлик ва собит эътиқод билан яшаган кишилар ҳақ марҳаматига сазовор бўлади деб қаралган. Зардўштийлик мифологияси талқинига кўра, рўйи заминдаги ҳаётнинг боқийлиги ва кишилар турмушининг фаровонлигини таъминлаб турувчи эзгу кучлар мавжуд. Улар одамларни ҳар хил хасталиклардан ҳалос қиласди, ёвуз кучлар хуружидан сақлайди ва эзгу мақсад билан ният қилганларни муродига етказади деб тасаввур қилинган. Хусусан, «Авесто»да ер юзидағи абадий ҳаётнинг тартиботини бошқариб турувчи **Аша** (баъзи манбаларда **Аши**) тарзида ҳам ёзилган бўлса-да, биз таникли авестошунос М.Бойснинг фикрини қувватлаб, бу илоҳанинг номини **Аша** кўринишида ёзиш тарафдоримиз) одамларга тансиҳатлик, узоқ умр, фаровонлик ва қут-барака баҳш этувчи эзгу илоҳа сифатида тасвирланган.

*Аша* тұғрисидаги қадимий тасаввурларнинг юзага келиш тарихи, үзига хос мифологик табиати ва зардұштийлікдаги талқынлари хусусида тұла маълумот берувчи илмий тәдқиқотлар яратилған бүлмасада, «Авесто»нинг турли қисмларида бу әзгу илоҳа билан боғлиқ халқ қараашларини акс эттирувчи құплаб мифологемалар мавжудлиги, шунингдек, «Орд яшт» деб аталған ўн еттинчи яшт әзгу тақдир ва баҳт тимсоли *Ашага* бағищланған алқовлардан иборатлигининг үзи омад, барака ва әзгу ниятни үзіда мужассамлаштирган бу афсонавий образ «Авесто» мифологиясида муҳим үрин туттганлигини күрсатади.

М.Бойснинг қайд қилишича, зардұштийларнинг қадим аждодлары қүёш ҳаракати, табиат үзгаришлари ва йил фаслларининг мұттасил үрин алмашиб туриши, хуллас, оламдаги ҳаётни үз измига солиб турувчи бир муқаддас күч бор деб үйлаганлар. Бу илоҳий күдратнинг мифологик тимсоли «Авесто»да *Аша* сұзи билан ифодаланған. Аждодларимиз адолат, садоқат, ҳаққүйлик, жасорат каби хусусиятлар ҳам инсон вужудига *Аша* томонидан сингдирилишиға ишонғанлар ва бу әзгу илоҳа ҳақыға қурбонлық маросимлари үтказиб, уни шарафловчи алқов матнларини ижро этғанлар (Бойс М., 1987. – С.15).

«Авесто»да **аша** түшунчаси ҳақиқат, әзгулик, ҳалоллик маңноларини ташийди ва риёкорлық, ёлғон, фисқу фасод каби инсон табиатини бузадиган хусусиятларға қарама-қарши қўйилади. *Аша* сұзининг маңноси хусусида ҳам қызықарлы фикрлар билдирилған. М.Бойснинг ёзишича, «**аша** сұзини айнан таржима қилиш қийин, чунки бу сүз матнда ифодаланған мазмундан келиб чиқиб, турлича изоҳланади. Масалан, моддий олам ҳақида сұз юритилгандан *тартиб*, ахлоқий масалаларға доир матнларда құлланилғанда эса ҳақиқат, *адолат*, солиҳ маңноларини англатади» (Бойс М., 1987. – С.15).

«Жаҳон ҳалқлари мифлари» қомусидаги «Аши» мақоласининг муаллифи Л.Лелековнинг фикрича, бу мифологик персонаж омад ва түқин-сочинлик тимсолидир (Лелеков Л., 1992. - С.145).

И.М.Стеблин-Каменский үзи рус тилига таржима қилған «Орд яшт» алқовидаги айрим түшүнчаларға изоҳ берар экан, XVII- яшт әзгу баҳт - саодат илоҳаси *Ашага* бағищланғанлигини, бу сүз лисоний-этимологик жиҳатдан олов қульти билан боғлиқ *Ar-Ti* лексемасига алоқадорлигини қайд қылған («Авеста». 1990. - С.160).

«Орд яшт» алқовида Ашанинг сарвқомат гүзәл аәл, күч-қудрат соҳибаси сиғатидаги тимсолий қиёфаси тасвиrlанған бўлиб, одамларга жисмоний қувват, қут-барака, саломатлик баҳш этувчи бу әзгу илоҳа шундай эъзозланади:

Эзгулик келтиргувчи,  
Тансиҳатлик бергувчи,  
Күч-қуввати бекиёс,  
Шарафноку кўркабой,  
Буюк мулкдоримизга-  
Эзгу Ашига томинч

(«Авесто. Орд яшт», 70-бет).

«Авесто» мифологияси талқинича, Аша эзгулик кучларининг соҳиби Ахура Мазда билан Спента-Армaitининг қизи, Сраоша, Рашину, Митраларнинг синглисиdir. Кўнглида бирор орзуси бор киши сут қўшилган муқаддас неъмат - хаома тайёрлаган ва қўлида барсман новдаларини тутганча эзгу ўй, эзгу сўзу эзгу амал билан баралла овоз ила қут сўраб Ашани алқаган. Кимда-ким шарафнок Ашанинг номини эзгу мақсад билан тилга олса, ширин сўз ва пок дил билан эъзозласа ҳақиқат соҳибаси унга эш бўлиши муқаррар деб қаралган.

Ёруелик ва ҳақиқат тимсоли Ахура Мазда томонидан яратилган нажотбахш Аша жамоли ойга менгзаш адлқомат қиз сувратида тасаввур қилинган. Эзгулик ва ҳақиқатни ўзида мужассамлаштирган Аша билан боғлиқ мифологик қаравшлар наврӯз байрамининг келиб чиқиши билан ҳам бевосита алоқадордир.

Маълумки, «Авесто» мифологияси талқинига кўра, Ахура Мазда муқаддас руҳ (Спента-Майнйу) кўмагида олтита илоҳ - **Воҳу Мана** (эзгу ният), Аша **Вахишта** (Ашаҳ ҳақиқат), **Спента Армайти** (комиллик), **Хшатра** - **Ваиря** (олам шаҳриёри), **Хаурватат** (мукаммаллик) ва **Амэрэтат** (барҳаётлик)ни яратган. Кейинчалик Ахура Мазданинг ўзини ҳам шу сирага қўшиб, муқаддас илоҳлар сони еттитага етказилган ва «барҳаёт азизлар» деб атала бошланган. Ана шу етти илоҳий ҳилқатлар сонига монанд ҳолда етти хил нарса ҳам яратилган, бўлиб, М.Бойснинг ёзишича, «Авесто» мифологиясида Хшатра Ваиря, олам шаҳриёри заминни ҳимоя қилиб турган осмон - ҳавонинг эгаси деб эътироф этилган. Куйида жойлашган ер эса Спента - Армайти, комил ақл эгасига таааллуқли. Сув - мукаммаллик тимсоли Хаурватат яратган ҳаётий неъмат бўлса, наботот оламига барҳаёт Амэрэтат жон бахши этган. Зардўштийликда хайрли фаолият ва эзгулик рамзи деб қаралган сигирнинг ҳомийси эса Воҳу Манадир. Оламдаги ҳаётни тартибга солиб турувчи олий ҳақиқат - Аша-Вахиштанинг шарофати ва ҳомийлигида туркираб ёнаётган оловнинг тимсоли саналган қуёш йил фаслларининг алмашиниб туришини таъминласа, беназир ақл-идрок соҳи-

би бүлган инсон эса Ахура Маздага тааллуқли деб тасаввур қилингандын» (Бойс М., 1987. – С.32).

Зардұштың анъаналарининг изчил ривожи давомида етти «барапаёт азизлар» ва уларнинг мифологик табиатини үзида тимсоллаштирилған етти нарса - ҳаво, тупрок, сув, үсимлик, сигир, одам ва олов шарафига еттита маросим ҳамда байрамларни үтказиш удуми ҳам келиб чиққан. Ана шундай байрамлардан иккитаси баҳт-саодат, әзгулик, самовий тартибот ва ҳақиқат рамзи сифатида улуғланған илоҳа Аша номи билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан бўлиб, бу қадимий удумларнинг асрлар давомида муайян үзгаришларга учраган кўринишлари халқимизнинг йилбоши - наврӯз билан алокадор анъанавий маросимлари тизимида сақланиб қолган.

«Авесто» мифологиясида муқаддас ва эзгу илоҳа Аша олов культи билан бевосита боғлиқ ҳолда талқин қилингандигини юқорида айтиб үтган эдик. Оламдаги ҳаётнинг боқийлигини таъминлаб турувчи қудратли куч манбаи деб қаралған олов ва унинг ҳомийиси, кут-барака манбаи Ашани шарафлаш мақсадида үтказиладиган байрам ҳар йили кўкламда, тун билан кун тенглашадиган вақтда нишонланған. Бу байрам наврӯзи олам бўлиб, йил алмашадиган, фасл янгиланадиган, қишининг аёзли кунлари тугаб, кўклам яшиллиги дилларни яшнатадиган, әзгулик ёвуз кучлар устидан тўла тантана қиласидиган улуг кун сифатида кенг халқ оммаси томонидан шодиёна қилинган.

Авестошунос олима М.Бойс наврӯз байрамининг келиб чиқиши кўркам ва гўзал юзли илоҳа Аша тимсолида мужассамлаштирилған әзгуликни улуғлашғояси билан боғлиқлиги ҳақида шундай ёзади: «Унинг (яни наврӯз байрамининг - М.Ж.) авесточа номи бизгача етиб келмаган. Кўклам келиши Аша-Вахишта ва оловга багишлиган байрам сифатида қадимдан тантана қилиб келингандигига асосланған Зардұшт бу шодиёнани баҳорий тенгкунликда нишонлашни урф қилған. Етти байрамнинг энг сўнгги тантанаси сифатида у дунёning эзгу кунини, яни Аша батамом ғалаба қиласидиган куни англатган. Шу билан биргага бу үтаётган йилнинг охирги куни айни вақтда боқий ҳаётнинг янги куни ҳам эди. Бу байрам йилнинг Ахурага тааллуқли мавсуми - баҳорнинг бошланиши ва ёвуз Рұҳнинг ҳар йил эрта кўкламдаги маглубиятидан далолат берарди» (Бойс М., 1987. – С.45).

Демак, ёруғлик ва яхшилик рамзи Ахура Мазда яратган эзгу илоҳа Аша ҳамда олов шарафига бағишлиб үтказилған қадимий

баҳор байрамининг аждодларимиз томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келиниши асосида умумхалқ байрами - наврӯзи олам келиб чиққан. Зеро, ўзбек халқ афсоналарида ҳам наврӯзниң пайдо бўлиши қуёшнинг чиқиши, оловнинг кашф этилиши ҳамда қўкламнинг бошланиши билан боғлаб тасвирланиши (*Бу хакда қаранг*: Жўраев М., 1990,а; Жўраев М., 1992,б; Жўраев М., 1992,в, 20-21-бетлар; Жўраев М., 1994, а, 35-62-бетлар) ҳам бежиз эмас. Чунки бу байрам олов ва қуёш ҳомийси, эзгулик рамзи Аша номи билан боғланган бўлиб, қиши, совуқ, зулмат билан алоқадор ёвузликнинг рамзий мағлубияти, баҳор, иссиқлик ва рўйи заминда ҳаётнинг жўш уриши, нурли кунлар фалабаси ифодасидир.

Юқорида қайд қилганимиздек, Ашага бағишлиланган алқов «Орд яшт» деб аталади. М.Бойснинг ёзишича, зардўштийлар тақвимидағи ойлардан бири ҳам Аша-Вахиштага бағишлиланган бўлиб, у ҳозирги ҳисоб бўйича апрель - май ойларига тўғри келган (Бойс М., 1987. – С.90). И.Брагинский эса кейинчалик Аша-Вахишта образининг мифологик талқини самовий жаннат ва унинг ҳомийси, шамсий тақвим бўйича иккинчи ой(қўклам авжига чиққан давр, тахминан апрель ойига тўғри келади)нинг номига айланган Орд-Беҳишт билан боғлиқ инончларда ўз ифодасини топган деб ҳисоблайди (Брагинский И., 1992. - С.142). Эзгулик илоҳаси Аша баҳор фаслининг мифологик тимсолларидан бири сифатида тасаввур қилинганлиги учун ҳам бу анъанавий образ билан алоқадор халқ қарашлари наврӯз байрамининг генезисида муҳим ўрин тутган.

«Орд яшт»да тасвирланишича, туғма оқил зот Ашанинг сифатларидан энг муҳими унинг сарвқоматлиги, қадду қомати келишган, кўркам бўйлилигидир:

*O, Аши, тангрieberган,  
Бошқарарсан туриб ғоз,  
Борликнинг улуғ чархин*

(«**Авесто. Орд яшт**», 72-бет).

Учинчидан, «Ашшадарози» узун куйлак кийган аёл сувратида тасаввур қилинган ва сумалак сайлида ана шундай ёғоч қўғирчоқни кўтариб олган бир аёл унинг номидан қўшиқ айтган. Зеро, «Орд яшт» талқинича, эзгу Аша «Ахуранинг қизи бўлиб, ўлмас малаклар сингил деб билган зот»дир (75).

Тўртингчидан, «Ашшадарози» ўйинида йигит ролини бажарувчи аёл сарвқомат гўзалдан ойдай юзини, нозик қўлию оёғини кўрса-гишни сўрайди ва қимматбаҳо нарсалар ҳадя этишни ваъда қиласди.

Бу эса «Орд яшт»нинг 15-бандидаги қўйидаги алқов матнида ифодаланган мазмун билан алоқадор деб ўйлаймиз:

*Боқ менга, эзгу Аши,  
Юзлангил менга томон,  
Рахим қил, дариф тутма,  
Шафқатинг этгил эҳсон.  
Рахим қил, сендирип ҳоқон,  
Сийла, қут бер, унумта*

(«Авесто. Орд яшт», 72-бет).

Назаримизда, қадимда эзгу илоҳа Ашадан кут-барака тилаш мақсадида унинг ҳақига қурбонлик қилиш маросимлари ўтказилган ва ана шу маросимларда буюк куч-қудрат соҳибаси сифатида эъзозланган бу сарвқомат илоҳанинг юз кўрсатиши, яъни унинг муруввватига эришиш ниятида уни шарафловчи алқов сўзларини айтиб, турли хил магик амалларни бажаришган. «Ашшадарози» ўйинида бошига ҳарир рўмол ташлаб олган қўғирчоқ-қизга қўшиқ орқали мурожаат қилаётган «йигит» ундан юзини, қадди-бўйини кўрсатишини сўраб мурожаат қилиши ҳам ана шу қадимий ритуалларнинг ўйин ҳаракатига кўчган кўринишидир.

Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, мамлакатимиз худудида қадим замонларда шаклланган юксак дехқончилик маданияти ҳосилдорлик культи ва кут-барака тилаш билан боғлиқ мифологик инончларга асосланган агарар маросимларнинг юзага келишига замин ҳозирлаган. Ана шундай маросимлардан бири «Авесто»да эзгу илоҳа сифатида талқин қилинган сарвқомат Ашани шарафлаш ҳамда йилнинг баракали келишини, тўкин-сочинлик ва фаровонликнинг абадий бўлишини таъминлайдиган бу маъбудага қурбонлик келтириш мақсадида ҳар йили кўкламда, яъни наврўз кунлари ўтказилган.

Ахура Мазда томонидан эзгулик тимсоли Аша-Вахишта ҳамда олов шарафига бағишилаб ўтказилиши урф қилинган еттинчи байрамнинг айни баҳорий тенгкунликда нишонланганлиги ҳам Аша ҳақидаги мифологик тасаввурларнинг ҳосилдорлик культи тизимида талқин қилиниши анъанаси билан боғлиқдир. Мўл ҳосил, барака, эл-юрг хотиржамлиги, тинчлик, табиатнинг мангубарҳётлиги, самовий тартиботнинг боқийлиги, йил фаслларининг мутгасил ўрин алмасиб туриши, табиатнинг ҳар йил кўкламдаги уйғониши, қуёш ва оловнинг мўътабарлиги билан боғлиқ халқ қарашларини ўзида мужассамлаштирган илоҳа Ашага мурожаат қилиб,

ундан омад ва қут сұраш зардұштийликда хосиятлилік аломати деб қаралған.

Бинобарин, Аша культи билан бөглиқ мифологик тасавурлар ўзбек фольклорининг бошқа жанрлари, жумладан, болалар ўйинларыда ҳам ўз аксина топған. Масалан, Е.М.Пещерева томонидан XX асрнинг 20-йилларыда Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасидаги маҳаллалардан ёзиб олинған болалар ўйинларидан бири «Аша болам» деб аталған. Бу ўйинни ўйнаш учун болалар тупроқдан ерда одам шақлини ясаганлар ва унинг теварагида айланиб туриб:

*Аша болам, ашмаша болам,  
Тутга чиқиб тут еган,  
Икки кўзини қурт еган, -*

деб қўшиқ айтганлар (Пещерева Е.М., 1957. – С.93).

Назаримизда, тупроқдан ясалған одам шакли – зардұштийликда муқаддас қульт сифатида эътироф этилған эзгу илоҳа Ашанинг гимсоли бўлиб, ўйин номини билдирувчи атамадаги «Аша» лексемаси ҳам ана шу мифонимга дахлдордир.

Табиатнинг баҳорий янгиланиши ва баракали меҳнат мавсумининг бошланишини нишонлаш тантанаси - йилбоши байрамининг гарихий асослари ҳам қадимги ажодларимизнинг сув, ҳаво ва гупроқни эъзозлаш билан алоқадор қадимий анъаналарида ўз ифодасини топған ҳосилдорлик ғоялари, қуёш ва оловни боқий ҳаёт манбаи сифатида қадрлаш билан бөглиқ үдумлари ҳамда самовий гартибот соҳибаси бўлған эзгу Ашани шарафлаш мақсадида ўтказилған мавсумий маросимларига бориб тақалади. Наврӯз байрами гарихининг зардұштийлик даврида илоҳа Ашага бағишланған маросимлар йилбоши тантаналари тизимининг муҳим узвларидан бири ҳисобланған. Кенг омма томонидан ҳар йил кўкламда эзгулик тантанаси сифатида анъанавий тарзда ўтказиб келингандай наврӯзи олам байрамининг кўп асрлик тадрижий ривожи давомида унинг таркибидаги баязи үдумлар такомиллашиб, айримлари йўқолиб, халқимизнинг юксак эстетик салоҳиятини ўзида намоён этган янги узвлар билан бойитилған. Ана шу этнофольклорий жараённинг гарихий-тадрижий ривожи давомида йилбоши байрамининг келиб чиқишига асос бўлған энг қадимий маросимлардан бири - эзгу илоҳа Аша ҳамда олов(қуёш)ни шарафлаш билан бөглиқ ритуаллар ўзининг дастлабки мифологик моҳиятини йўқотиб (яъни деритуаллашиб), наврӯзнинг шоҳ таоми - сумалак пишириш анъанаси

тизимидағи халқ үйинларидан бири сифатида бизнинг кунларгача сақданиб қолған.

Демак, халқимизнинг сумалак сайли удумида қайд қилинган «Ашшадарози» ўйини «Авесто»да улуғланган эзгу илоҳа Ашани эъзозлаш, ундан қут-барака тилаш, оловни мұтабарлаштириш ҳамда келаётган янги йилнинг ҳосили мұл бўлишини таъминлаш мақсадида ўтқазилган қадимий маросимлар асосида келиб чиққан.

## СУМАЛАК БЕВИТИ

Мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти, шаҳар ва қишлоқларининг сумалак пишириш билан алоқадор ўз қўшиқлари, ўзига хос анъана ва удумлари бор. Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Вахм қишлоғида яшовчи 1916 йилда туғилган Дурсун момо Ўраеванинг айтишича, сумалакка атаб ундирилган буғдой майсасини келида тўйиб, шарбати олинаркан. Кейин ўша шарбатни қозонга солаётганда сувдан бир неча пиёласини бир қўзачага қуйиларкан. Сумалак сайлига келган қиз-жувонлар ўзларининг бирорта нишоналарини, масалан: узук, мунчоқ ёки шунга ўхшаш бирорта белгили нарсаларини ўша қўзачага ташлашаркан. Уч яшар бир бола қўзачага қўлини тиқиб, ҳалиги ташланган нарсаларни битта-битта олиб бериб тураркан. Кимнинг нишонаси чиқса, қозон атрофида ўтириб, сумалак ковлаётган чечан момолар унга атаб қўшиқ айтишаркан. Бу удумни вахмликлар «Сумалакнинг бевити» дейишаркан. «Бевит», сўзи эса «эзгулик», «яхшилик», «хузур-ҳаловат» маъноларини англатади.

Биз 1986-88 йиллар давомида ҳам Вахм қишлоғида бўлиб, фольклор материаларини тўплаш билан шуғулландик ва Мунаввара Имомова, Каклик Маматқуловалардан ҳам «Сумалак бевити» қўшиқларини ёзиб олдик. Ёш тадқиқотчи Манзура Пирматова «Сумалак бевити» маросимига доир этнофольклористик материалларни тўплаш мақсадида 1997 йилнинг баҳорида Қоракўл туманида экспедицияда бўлди ва вахмлик Сайёра Рўзимова, Тилло момо Азимова, Санобар момо Муродова, Ҳайитгул момо Эгамовалардан бу қадимий маросим қўшиқларининг кўпгина намуналарини тўплашга муваффақ бўлди.

«Сумалак бевити»да ижро этиладиган қўшиқлар аслида наврўз оқшомида йиғилганларга яхши ният билдириб, келаётган йилдан эзгулик кутиш мақсадида айтилган. Ҳозир бундай қўшиқ-олқишлилар одамлар хотирасидан кўтарилиган бўлиб, момолар узук эгаси шарафига лирик қўшиқлардан намуналар, кўпинча бирорта тўртлик айтиш билан чекланишади, холос.

«Сумалак бевити» құшиқларыда асосан соғ севги, садоқат, вафодорлик каби бокира инсоний туйгулар ўз бадиий ифодасини топған:

*Толға чиқса толға бүйим толади,  
Кетаверсам ёру жүрәм қолади.  
Бирдан севдим икки юзи лолани  
Бириң десам, бириңнің күнгли қолади.*

«Сумалак бевити» да иштирок этадиган ёш қиз-жувонлар айтадиган құшиқлар момолар томонидан куйланадиган мана бундай түрликлардан бирмунча фарқ қиласы:

*Ой юзинг ойларда бўлсин, қизгинам,  
Тақдиринг бойларда бўлсин, қизгинам.  
Бойларнинг катта-кичик қизлари  
Эшигингда чўри бўлсин, қизгинам.*

Қиз-жувонлар куйладиган құшиқларда севги, муҳаббат, ҳижрон, ошиқлик мадҳ этилса, момолар құшиғида бўй қизларга яхши жойлардан совчи келиши, уларнинг ўзига тўқ, бой-бадавлат оила-ларга келин бўлиб тушишларига ният билдирилади. Яъни бундай түрликлар сумалак құшиқларининг қадимиј тиллари олқиш-истак маъносини ифодалаганligини кўрсатади.

Ўзбек мифологияси талқинича, кўк каптар - парига қиёс қилинади. Раҳматулла Юсуф ўғли томонидан ёзиб олинган маълумотларга кўра, «ҳар доим эртакда ҳам, достонда ҳам пари тилга олиниб, каптар сўзи аралашиб, «Каптарни отиб келса увол бўлади, чунки мободо парилардан бўлса, отувчи заарланиб қолади» - деб, шунга қўпчилик ишонар эдилар. Агар каптарлар айланиб «ху-хуласа» парилар зикрга тушиб, ҳалқа солаяптилар деб ўйлаганлар» («**Боболардан қолган нақлар**», 58-бет). Эпик анъянага кўра, парилар ўз шаклу шамойилини ўзgartирмоқчи бўлсалар, кўк каптарга эвриладилар. Достон ва эртакларда кўк каптарнинг бир юмалаб, гўзал қиз - парига айланиши мотиви кўп учрайди. Париларнинг кўк каптар қўринишига эврилиши мотивининг тарихий асослари жоннинг күш сувратида намоён бўлиши ҳамда ўзга оламнинг кўк ранг билан тимсоллаштирилиши билан боғлиқ мифологик тасаввурларга бориб тақалади. «Сумалак бевити»да ижро этиладиган құшиқларда ҳам кўк каптарга эврилиш мотивининг бадиий талқини мавжуд:

*Кўккина капитар бўлайлик иккимиз,  
Ҳавога парвоз қиласилик иккимиз,  
Икки дарё қўшилиб бир бўлганда,  
Дарёга кўпrik бўлайлик иккимиз.*

Кўк рангли капитар бўлиш тинч-тотув оила қуриш истагини ҳам англаатади. «Сумалак бевити» қўшиқларида бундан ташқари **сариқ** ва **қора** ранглар билан алоқадор бадиий образлар ҳам кўлланилган бўлиб, бу ранг рамзлари хасталик, ҳижрон, айрилиқ, бевафолик ва қайғуни билдиради.

Маълумки, халқ лирикасида дарёнинг икки соҳилида бўлиш - бир-бирига кўнгил қўйган ошиқ-маъшуқларнинг айрилиги, ҳижронини ифодаловчи поэтик детал бўлиб келади. Юқоридаги қўшиқда ҳам дарёнинг нарёғидаги маъшуқнинг ошиқдан кўнгли қолганигини, ёр кўнглини ололмаган ошиқ эса бу айрилиқдан беҳад қийналаётганлигини билдирамоқда:

*Дарёнинг ул юзида кўрдим сани,  
Чодири чопон билан севдим сани.  
Ман сани севдим, санчи, сўқдинг мани,  
Номардинг ўғли бўлай қўйсан сани.*

«Сумалак бевити» қўшиқлари халқимизнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари ва турмуш тарзининг бадиий талқини сифатида тарихий-фольклорий жараённинг қадимий қатламларида юзага келган бадиий тафаккур дурдоналари ҳисобланади. Уммондек бепоён маънавий қадриятларимиз тизимида бамисоли бир маржондек жилоланиб, асрлар давомида халқимиз дилига эзгулик баҳш этиб келган сумалак қўшиқларини асраб-авайлаш ҳамда кенг оммалаштириш орқали ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётининг энг яхши анъаналарини келгуси авлодларимизга етказиб бериш муқаддас бурчимиздир.

## ШОХ МОЙЛАР

Деҳқончилик маданияти билан bogлиқ анъаналар тизимида баҳорги экиш мавсумида далага биринчи марта қўш чиқариш маросими муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган. Чунки далалардан олинажак ҳосилнинг мўл бўлиши ва йил баракали келиши экиш мавсумини ўз вақтида сифатли қилиб ўтказишга боғлиқ бўлган. Шунинг учун ҳам жаҳон халқлари этнографиясида далага ilk бор

Құш солиши ва ерга ууруп сепиши билан алоқадор маросим ҳамда удумлар көнг күләмдә тадқиқ этилган (*Бу ҳақда қаранг*: Чурсин Г., 1927.— С.124-156; Чибиров Л.А., 1976; «Календарь и календарные обряды», 1987; Хаджиева Т.Х., 1988. - С.60-78; Саримсоқов Б., 1986, 50-52-бетлар; Жұраев М., 2006, б, 83-90-бетлар).

Этнофольклористик кузатишлиар шуны күрсатадыки, анъанага күра, далага құш чиқарыладын күнни қишлоқ оқсоқоллари белгилаб беришган. Үрта Осиёда яшовчи халқлар ўзлари яшаб турған худуднинг табиий-икәлимий шароитларидан келиб чиққан ҳолда экиш мавсумига оид турли-туман анъаналарни кашф этгандар.

Одатда эрта баҳорда деҳқонлар ерни ҳайдаб, экишга тайёрланған. Даланинг экишга тайёр бүлганилиги Қоракүл шевасида «ер түвләди» деган ибора билан ифодаланади. Мурғоб дарёси соҳилларда деҳқончилек қылған эрсари уруғига мансуб туркманлар ҳам ернинг экишга шайлигини «таба гелмек» дейдилар (*Оразов А.*, 1985. – С.43).

Бухоролик кекса құшчи Хайрулла бува Файзулла ўғлининг айтишича, ўзбек деҳқонлари наврұз ёки йилбоши арафасидаги чоршанба куни далага биринчи марта құш солишини хайрли, деб билишган экан. Чunksи чоршанба чош, яны мұл-құл дон уюми тимсоли деб тасаввур қилинганды (Муаллифнинг дала ёзувлари. 1981 йил 21 майда Бухоро вилоятининг Қоракүл туманинда Жигачи қишлоғининг Катта ариқ маҳалласидан ёзіб олинған).

Құш ҳайдаладын куни деҳқонлар үзаро маслаҳатлашиб, энг яхши хұқизлардан бир жуфтини далага чиқарышига тайёрлашған. Үша куни эрталаб хұқизларға ивитилған сомон устига озгина ун сепиб едиришған. Момолар бүгдей ёрмасидан “құш оши” пиширишған. Одатда уни пиширишдан аввал уйма-уй юриб, масаллиқ учун ун, дон-дун йиғишишкан. Ҳар бир оила келаётган йил ҳосил мұл, рүзғор бут, бола-чақаси соғ-омон бўлишини ният қилиб, “құш оши”га имкон қадар ўз ҳиссасини құшишга ҳаракат қилишганды. Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида яшовчи Менглибой Раҳимовнинг айтишича, “құш оши” маросимида қуйидаги құшиқ ижро этилған:

*Деҳқон дала айланди,  
Хұқиз шохи мойланди,  
Омоч, мола, чўнка тиши,  
Бобо деҳқон шайланди.*

Бугун байрам-йилбоши,  
Йилбошига құш оши,  
Хар рүзғорнинг ҳиммати,  
Паловми, ё сүк оши.

Момо қуйинг гүжсани,  
Товоқни тут ичгани!  
Дәхқон бобо, бүш келманг,  
Кузда санар жүйжани

(Жұраев М., Мусақулов А., 1990).

Далага қүш олиб чиқилаётганда момолар: “Илоҳим оқликка буюрсин, түқликка чиқайлик! Сенинг шарофатинг билан тогора-тогора ун элайлик!”, деб хұқиз шохи орасыға бир чимдимдан ун сепишиганд. Тожикистан Республикасининг Ёвон туманидаги Күлбулоқ қишлоғида истиқомат қылувчи Саъдулла Мирсапаровнинг айтишига қараганда, лақайлар құшни далага чиқараётганда: “Бу йил ҳосилимизга барака берсин, мұл-күлчилик бұлсын, оёғинг теккан жойга Бобо дәхқон назар қылсын, хайру баракасини берсин!” деб яхши ният билан хұқизларнинг оёқларига ҳам ун суртиб қўйишар экан. Биринчи қүш чиққан куни ҳамма хонадонларда бўғирсоқ пишириб, “ис” чиқариларкан. Ана шу пишириқни кўпчилик еса йил баракали келади, дейдилар. Бўғирсоқ пиширилган мой билан хўқизнинг шохи, бўйни ва омочнинг тифи мойланади. Шундан кейин оқсоқоллардан бири эл-юргатга омонлик, тинчлик-хотиржамлик ва мұл ҳосил тилаб, дуо ўқийди.

Сурхондарё вилоятининг Ангор туманидаги Қорақир қишлоғида далага биринчи марта қүш чиқариб, ғалла экиш маросимида бутун қишлоқ аҳли дала бошига йиғилишиб, кўпчилик бўлиб «қўш оши» пиширганлар.

Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги Тангачар қишлоғида яшовчи Остонакул Жұраевнинг айтишига қараганда, хутнинг охирги чоршанба (ҳаво агар серёғин келса, йил боши) куни дәхқонлар бўғирсоқ еб, ўрик шарбатидан ичишган ва яхши ният билан: «Илоҳи омин, еримиз зўр бўлсын, экканимиз зар бўлсын, буғдойимиз чош бўлсын, еганимиз ош бўлсын, теварагимиз боғ бўлсын, ризқу рўзимиз тоғ бўлсын, Бобо дәхқон давлат берсин, хирмонга баракат берсин! - деб қўш ҳайдашган.

Шу туманнинг Осиё қишлоғида яшовчи Саттор бува Аҳмедовнинг айтишича, хўқизларни қўшга қўшишдан аввал бўйни ва шохларига ёғ суртганлар. Ёши катта кишилардан бири «Баракали бўлсын,

чошимиз күп бўлсин, емак-ичмак насиб этсин» деб ерга уруғлик сепаган ва қўшни бошлаб берган («ЗЎФА». И nv.№1827/15. 2005 йилда М.Пирматова ёзиб олган). Дон сепаётганда кўз тегмасин учун далага битта косовни тескари қилиб суқиб қўйишган («ЗЎФА». И nv.№1827/16. Қоракўл туманининг Қуввача қишлоғида яшовчи 44 яшар Бахшанда Бозорвадан 2005 йилда М.Пирматова ёзиб олган).

Қашқадарёлик деҳқонлар одатига кўра, ер ҳайдаш ва уруғ сепишилари тугамагунча деҳқончилик учун зарур бўлган омоч, мола, бўйинтуруқ, тиш каби асбоб-ускуналарни бошқаларга бериб юбормаганлар. Чунки «басталик» деб юритилган бу одатга кўра, бирор буюмини бошқага бериб юборган деҳқоннинг ўз иши тўхтаб қолса, бу ҳосил тақдирига муҳим таъсир кўрсатади. Деҳқонлар орасида эса **«Бир кун олдин эксанг, ҳафта бурун ўрасан»** деган нақл бор.

Элшунос олим Г.П.Снесаревнинг қайд қилишича, Хоразм вилоятининг Ҳонқа туманида истиқомат қилувчи деҳқонлар далага буғдой билан бирга бир ҳовуч жийда ҳам сочишар экан (Снесарев Г.П., 1969. – С.126). Чунки жийда культ дараҳти бўлиб, барака ва серҳосиллик тимсоли сифатида талқин қилинган. Бухоролик деҳқонлар эса экиш учун олиб келган галласининг бир қисмини атайлаб уйларига қайтариб олиб кетишаркан. Шундай қилинса, гўёйил бўйи ўша деҳқоннинг рўзгоридан барака аrimas экан.

Биринчи қўш маросими билан боғлиқ архаик инончлар бугунга келиб асосан унутилиб кетган бўлса-да, айрим археологик ёдгорликлар, хусусан, қоятошларга чизилган суратлар аждодларимизнинг маросим фольклорида мавжуд бўлган қадимий аграр ритуалларнинг тарихий илдизлари, шаклланиш жараёни ва моҳияти ҳақида сўз юритиш имконини беради. Хусусан, Фарғона водийсидаги Саймалитош номли жойдан топилган қадимги қоятош суратлари орасида далага биринчи марта қўш солиш манзараси тасвирланган лавҳалар кўплиги ҳам халқимиз орасида “Шоҳ мойлар” ёки “Биринчи қўш” номи билан юритилган бу аграр маросимнинг тарихий илдизлари жуда олис замонларга бориб тақалишини кўрсатади.

Саймалитош суратларида бир жуфт хўқиз(як)ни қўшга қўшиб ер ҳайдаётган деҳқон образи тасвирланган 32та лавҳани таҳлил қилган Ю.Н.Голендухин милоддан аввалги III минг йилликнинг охири – II минг йилликнинг бошларида яшаб, Саймалитош петроглифларини чизиб қолдирган қабилалар асосан деҳқончилик билан шуғулланишганлигини аниқлади. Зеро қоятошдаги чизгиларда акс эттирилган шамсий тимсоллардаги нурлар сони 7, 12, 13, 15, 28

тарзида изчил такрорланади. Бу эса дала ишларини бажариш муддатларини аниқ ифодаловчи анъанавий тақвимни қўллаган аждодларимиз муайян астрономик ва математик билимга эга бўлишган деб хулоса чиқаришга асос беради (**Голендухин Ю.Н.**, 1971. – С.202). Бу ёдгорликдаги қўш ҳайдаш ҳолати тасвиirlанган суратларни “ритуал-эътиқодий лавҳа” сифатида тасвифлаган А.И.Бернштам ҳам Ўрта Осиё деҳқончилик маданиятининг илдизлари чукурлигини эътироф этади (**Бернштам А.И.**, 1952. – С.61). Қуёш культидинг қадимги тасаввурлар силсиласида тутган ўринини Саймалитош материаллари асосида тадқиқ этган Г.А.Помаскина эса бу қоятош суратларида баҳорда ер ҳайдаб, экин экиш маросими акс эттирилганлигини эътироф этади (**Помаскина Г.А.**, 1975. – С.45-47; **Помаскина Г.А.**, 1976. – С.29).

Бизнингча ҳам бу лавҳалар қадимги деҳқонларнинг эрта баҳорда ерга биринчи қўш солиш удумининг тасвири бўлиб, ўзбек маросим фольклори жанрлар таркибида сақланиб қолган “шоҳ мойлар” маросимининг тарихий-генетик асосларини аниқлаш учун нодир манба бўла олади. Саймалитош суратларида қўшга қўшилган ҳўқиз (як) ва бошқа жонзотларнинг узун, қайрилма шохлари бўрттириб, муболағадор қилиб чизилган. Саймалитош, Зарауткамар, Сармишсой, Қарнаб, Буқантов ва бошқа жойлардаги қоятошларга чизилган петроглифларда тасвиirlанган жониворлар шохининг бўртиб кўриниб туриши уларнинг самовийлиги, серҳосиллик маъбулларига алоқадорлигини кўрсатувчи белги саналган.

Ўрта Осиё ҳалқлари қадим замонлардан бўён эчки, қўчкор, арҳар, олқор ва бошқа жониворлар шохига алоҳида магик кучга эга бўлган нарса деб қараганлар. Тешиктош горида тоғдан йиқилиб ҳалок бўлган ёш болани дағн этган неандерталлар маййит жасадининг боши узра тоғ тақаларининг шохини ярим ой шаклида териб қўйишган. Шу орқали ҳам марҳумни жонивор қиёфасида намоён бўлади деб тасаввур қилинган мифологик ҳомийлар ўзга оламга кузатиб боришига бўлган ишонч-эътиқодларни намойиш этишган. Муқаддас жойларда, шунингдек, айрим хонадонларда қўчкор ва олқорларнинг бурама шохларини осиб қўйиш анъанаси ҳам қадимда мавжуд бўлган шоҳ-сүяқ культи билан алоқадор ҳалқ қараашларининг қолдиқ ҳолда этиб келган кўриниши ҳисобланади. Эрта баҳорда далага биринчи қўш солаётганда ҳўқизлар шохини “ис ёғи” билан мойлаш удумида ҳам жонивор шохининг магик кудрат касб этиши, серҳосиллик фояси билан боғланиши каби инончлар ўз ифодасини топган.

Құш ҳайдаётган одамнинг күриниши ҳам афсонавий персонаж шаклини эслатади. Хусусан, Саймалитошдаги қоятошлардан бири-га икки шохдор ҳұқызни құшга құшиб ер ҳайдаётган думли одам сурати тасвиrlанған. Бошида иккита шохи ҳам бор бўлган бу одам бир қўли билан ҳұқизлар боғланған ипни маҳкам ушлаганча, ўнг қўли билан омоч дастасини бошқариб бормоқда. Қўшчининг ўнг гомонида бошидан ўн иккита нур таралаётган иккита “қуёш одам” сурати ҳамда уларнинг ўртасига битта тўғри чизиқ чизилган.

Фикримизча, биринчи қўш маросими акс эттан бу суратдаги “қуёш одам”лар ҳар бири ўн икки ойдан иборат (“қуёш одам”лар бошидан таралаётган нурлар сони ҳам ўн иккитадан) янги ва эски йилни англатади. Уларнинг ўртасидаги чизиқ эса йилбоши белгисидир. Анъанага кўра, дехқонлар наврўзи олам байрами сайлини ўтказғандан кейин янги йилнинг биринчи чоршанбасида (чоршанба “чош” куни, яъни барака куни деб тасаввур қилинған) далага биринчи қўш солишган. Саймалитош суратида ҳам қўш ҳайдаётган афсонавий персонаж “қуёш одам”чалар ўртасидаги чизиқдан тепада турибди. Бу эса Саймалитош петроглифларини қолдирған қабилалар йилбоши байрамидан кейин анъанага кўра далага қўш чиқаришган деб кулоса чиқаришга имкон беради.

Саймалитошдаги қўш ҳайдаш лавҳаси тасвиrlанған петроглифларнинг деярли барчасида қўшчи бошига эчки шохини эслатувчи мослама ёки ниқоб кийган “думли одам” сифатида тасвиrlанған. Бизнингча, бу типдаги қоятош суратларида дехқончилик билан боғлиқ қадимги тақвимий маросимлардан бири – “биринчи қўш” ритуали акс эттирилган. Унда қўш ҳайдаётган “шохли” ва “думли” одам - ҳосил мўл бўлиши ҳамда йилнинг баракали келишини таъминловчи афсонавий табиат культининг антропоморф шаклда тасаввур қилинған күриниши, яъни мифологик ҳомий тимсолидир. Габиатнинг эзгу кучларидан мадад тилаш ва уларга эътиқод қилиш ритуалларининг тадрижий ривожи жараёнда кейинчалик Ўрга Осиё ҳалқлари мифологиясидаги аграр культулар тизимида Бобо дехқон образи юзага келган. Баҳорда ўтказилған биринчи қўш ёки “Шох мойлар” маросимида ҳам Бобо дехқон культу муҳим роль ўйнаган.

Қадимда ерга илк бор уруғ сепиши жараёни ўзига хос рамзий ритуал тусини олган бўлиб, унда кекса зироаткорлардан бири табиат кульгини ўзида мужассамлаштирган Бобо дехқон қиёфасига кириб қўш ҳайдашни бошлаб берган. Бу анъана ҳалқимиз орасида XX асрға қадар яшаб келганлигини таниқли этнограф олим К.Шониёзовнинг қуй-

идаги сўзлари ҳам тасдиқлайди: “қорлуқлар эрта баҳорда далага биринчи марта омоч солишдан аввал “ис” чиқаришган. Улар қозонга мой солиб қиздиришган ва кейин унга бўғирсоқ ташлаб пишириб олганлар. Халқ қараашларига кўра, вафот этиб кетган аждодларнинг руҳлари ана шу “ис”дан баҳраманд бўлиб, ўз яқинларига омад тилашар экан. Пиширилган бўғирсоқни кўни-кўшнилар, яқин қариндошлар биргалашиб истеъмол қилишган, ҳатто кўшга кўшиладиган ҳўкизларга ҳам бир оз бўғирсоқ едиришган. Ҳўкизларнинг шохларини “ис” ёғи билан ёғлаб, тумор таққанлар. Удумга кўра, биринчи кўшни қишлоқнинг ёши улуг кишиларидан бири бошлаб берган” (Шаниязов К., 1964. - С.50-51). Дофистонликлар удумича, ерга биринчи кўши солаётган қишлоқ оқсоқоли бу ишга киришишдан аввал гўнини тескари қилиб кийиб олар экан (Аничков Е.В., 1905. – С.331). «Тўнни тескари кийиш» ибораси ўзбек тилида ҳам мавжуд бўлиб, бизнингча, бу фразеологизм инсон тасаввуридаги руҳларни чалғиши мақсадида кўлланилган бўлса керак.

Ана шу этнографик маълумотлар ҳам Саймалитошдаги қоятош суратларида баҳорда ерга биринчи қўши солищ билан боғлиқ қадимги аграр маросим тасвиrlанганлиги ҳамда магик-ритуал аҳамият касб этган бу лавҳада маҳсус ниқоблар воситасида ҳомий кучлар қиёфа-сига кирган коҳин, шомон ёки уруғ оқсоқолларининг образи ифодаланган деб хулоса чиқаришга асос беради.

## ҲАЛИНЧАК УЧИШ

Халқимизнинг баҳор фасли билан боғлиқ анъанавий маросимларидан бири «Ҳалинчак учиш» ёки «Арғимчоқ учиш» маросими-дир. Анъанага кўра, байрам кунлари қиз-жуvonлар тўпланишиб, боғ сайрига чиққанлар. Азим ўрикларнинг бақувват шохларига арқон ташлаб, арғимчоқ – ҳалинчаклар ясашган, ҳамма навбати билан арғимчоқ учган. Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Тангачар қишлоғида яшовчи Яхшигул момо Мулла Ниёзберди қизининг айтишича, кимки наврўзда арғимчоқ учса, йил бўйи билиб-бilmай қилган гуноҳлари ”тўкилармиш”. Шу боис, кекса момолар ҳам ”Арғимчоқ учсан, савоб бўлади! Оғирлигимиз ерга тўқилади, қушдек енгил бўламиш!” – дейишиб, ҳазил-хузул билан арғимчоқ учишган. Набиралари эса «момоларимизнинг ёшига етайлик» деган эзгу ниyatda арғимчоқнинг ипидан тутиб ҳаракатлантирганлар.

Турмушга чиқмаган қизлар, фарзанд кутаётган келинчаклар арғимчоқни баландлатиб, ҳаволатиб учишга ҳаракат қиладилар. Улар

ҳар гал шүх кулгу билан ўрикнинг энг баланд шохидаги оппоқ гуллар орасидан эндигина бўртиб чиққан япроқни узуб олишга интиладилар. Фольклоршунос олим О.Сафаровнинг аниқлашича, гўё аргимчоқ учайтган келинчак дараҳт учидан япроқ узуб ололса, жамики ўйлаган ниятларига етаркан (Сафаров О., 1985, 92-бет).

«Бойсун» фольклор-этнографик жамоаси репертуарида қайта тикланган қуидаги халқ қўшиғида ҳам келинчакларнинг ҳалинчак учиши серфарзандлик ғояси билан боғлиқлигини кўрсатади:

*Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,  
Ҳалинчакда келинчак,  
Салтлигини соғинган-о,  
Келинчаклар куйинчак.  
Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,  
Учавергин келинчак.  
Кўзга сурма ярашар,  
Кўш чаккага қўш чечак,  
Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,  
Ҳалинчакда келинчак.*

*Келинчак, ҳо, келинчак,  
Үйқинг бузсин “инга”лар,  
Эртаму кеч беланчак,  
Олиб келсин янгалар,  
Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,  
Ҳалинчакда келинчак.*

Этнограф Т.Қиличевнинг ёзишича, Хоразмда «Қизил гул» сайлининг учинчи куни қизлар ўз чиқон(дугона)ларидан бирининг ҳовлисида соринжоқ (аргимчоқ) ўйинини ташкил қилишган. Ёш йигитлар ҳам шу ўйин ташкил қилинган жойга келиб аргимчоқ учайтган қизлар билан олма отиш ўйинини бошлаганлар» (Қиличев Т., 1988, 24-25-бетлар).

Қашқадарёлик фольклоршунос олим А.Қаҳдоров ёзиг олган қуидаги халқ қўшиғи ҳам бевосита ҳалинчак учиш чоғида ижро этилган бўлиб, унда ҳам келинчакларнинг яхши ният билан аргимчоқ учиши удуми магик маъно касб этганлигига яна бир далил ҳисобланади:

*Тақрон-тақрон тозаси,  
Юрт ошар овозаси,  
Халгинчак учган қизнинг,  
Шакардан андозаси,  
Шакар-шакарга кетди,  
Тилло ковушга етди,  
Хөвли ичи тойинчоқ,  
Халгинчак уч, келинчак.*

Қадимда ҳалинчак учиш ҳам магик аҳамиятта эга бўлиб, кишилар ҳалинчақда қанчалар юқориласа, ҳосил шунчалар мўл, одамлар шунча серфарзанд бўлишига ищонгандар. Бу ишонч дунёниг кўпгина ҳалқлари учун хос бўлган (Мусақулов А., 2003.-№3-4).

Хоразм воҳасида байрам, сайил ва ҳайитларда қизлар ҳалинчак учишаётганда йигитлар ўзига унаштириб қўйилган қизга олма отиши удуми мавжуд бўлган. Одатда наврўз байрами, «қизил гул» байрами, «қовун сайли» ва бошқа маросимлар, ҳайитларда қизлар йиғилишиб ҳалинчак – «соринжоқ» учишган. Унаштирилган қизлар ҳам ўз янгалари ҳамроҳлигида ҳалинчак учгани келганлар. Шунда куёв ўн-йигирма дона олмани олиб жўралари билан келган ва олмаларни бир дўстининг қўлига бериб томоша қилиб турган. Агар соринжоқда ўзига фотиҳа қилинган қиз учайдиган бўлса, куёв бўлғувчи йигит келинни кўриб «юз кўрим», яъни «ҳайитлик» совға берган ва секин олма билан қизни урган. Бошқа йигитлар ҳам соринжоқда учган қизлардан ўзлари севганларига олма отишган. Баъзан йигитнинг олмаси уни севмаган қизга отилса, қиз чап бериб олмани ўтказиб юборган. Айрим қизлар отилган олмани ушлаб олиб ўзи севган йигитга қайтариб отган.

«Олма отиш» удуми чоғида қуйидаги анъанавий ҳалқ қўшиқла-ри ижро этилган:

*Олма отдим ёримга,  
Қайта менга отсин деб,  
Кўнгли қолган ёрининге,  
Қайта кўнглин топсин деб.*

*Олма отдим ошириб,  
Орқа, ўнгингга тушириб,  
Қачонгача юрамиз,  
Севгимизни яшириб.*

Ж.Фрэзер, Л.Я.Штернберг, Г.П.Снесарев қаби олимларнинг фикрича, сайил ва байрамларда «олма отиш» одати ҳосилдорлик гояси билан боғлиқ бўлиб, келаётган янги йилнинг ҳосили мўл бўлишини таъминловчи магик амаллардан бири деб қаралади (Фрэзер Дж., 1928. – С.128,131; Штернберг Л.Я., 1936. - С.466; Снесарев Г.П., 1969. – С.79.).

Ҳалинчак учиш маросимининг келиб чиқиши ҳақида Абу Райхон Беруний қўйидаги афсонани келтирган: ”Жамшид ўзига арава ясаттириб олгач, ўша куни аравага чиқди. Жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир кунда Дунбованддан Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни ҳайит қилдилар ва Жамшиднинг аравада учишига тақлид қилиб, аргимчоқларда учдилар” (*Абу Райхон Беруний*, 1968, 255-бет).

Ҳалинчак учиш ўйини халқимиз томонидан асрлар мобайнида авайлаб-асраб келинган азалий қадрият эканлигини XI асрда яшаб ижод қилган машхур тилшунос олим Маҳмуд Кошгариининг “Девону луготит турк” номли асарида келтирилган бир маълумот ҳам гасдиқлади. У ўша даврда аждодларимиз орасида урф бўлган “йалнгу” номли ўйинни тавсифлаб, қўйидагиларни ёзган эди: “бу жоријалар ўйнайдиган бир хил ўйин номи. Шундайки, арқоннинг икки учи бир дарахтга ёки устунга боғланади, сўнг уларнинг бири арқон ўргасига ўтиради – оёқларини сакратиб, баъзан юқори, баъзан қуйи тушиб учади” (*Маҳмуд Кошгари*. З. 1963, 390-бет).

Демак, ҳалинчак учиш удуми қиши фасли ўз ниҳоясига етиб, фарахбахш кўклам бошланадиган ажиб фаслнинг гаройиб анъана-ларидан бири сифатида юзага келган. Унинг келиб чиқиши наврўз билан боғлиқлиги эса, мазкур ўйин ғоятда қадимийлигидан далолат беради.

## «НАВРЎЗГУЛИ» САЙЛИ

Хассос фөльклоршунос олима М.Алавия томонидан ёзил олинган маълумотга кўра, XX асрнинг бошларида Тошкент вилоятининг Сижжак қишлоғида ҳар йили эрта баҳорда «Наврўзгули сайли» ўтказилган. Баҳор келиши билан тоғларга наврўзгул, навшодил, шунгула, яъни сабзининг баргига ўхшаб чиқадиган гулли кўкат бўлиб, сучук сабзиси пиширмай ейиладиган ўсимликлар кўкариб чиқсан. Бундан ташқари, кўкламда тоғ пиёз (пиёзбошиси сутли бўлса-да, саримсоқдай сассиқ бўлмаганлиги боис ошга, норинга солиб исгайтимол қилинган), қизил гуллайдиган зирк, меваси олчага ўхшай-

диган қатранғи ҳам гуллаган. Одамлар қатранғининг мевасини ҳам куритиб, толқон қилиб олишган. Қатранғи ёғочидан қошиқ, чүмич ясалған. Чунки қатранғидан қилингандын қошиқни идиш ичига солиб күйилса, идишни қатрат қилиб турад экан.

Наврұзгули чиққанда сижжакликлар тоғларга, бое-роғларга наврұз қилиб чиқишигандар. Бу сайилда ўйин-кулғи қилиб, құшиқ айтишиб, йигит-қизлар лапар, ўлан айтишганлар. Қиз-жувонлар, ёш келинчаклар даладан қызыл, сариқ, тарғыл лолаларни, бойғалча, наврұзгуллардан териб сочларига қулоқларига тақиб олишган. Аждодларимиз соч, чаккага тақылған гуллар кишининг сер-фарзанд бұлишига магик тәсір қилишига ишонғанлар (Мусақулов А., 2003. - №3-4).

Сижжак қишлоғилик Мирзааҳмад Мирзабадаловнинг айтишича, бойғалча гулнинг ранги сариқ бўлиб, қор кетиши биланоқ кўкариб бўй кўрсатиб чиққан. Наврұзгули сайилида йигит-қизлар куйидагича лапарларни ижро этишган:

**Йигит:**

*Эшигингдан ўтаман ҳам йўталиб, гул кўтариб,  
Сен агар ҳуштор бўлсанг чиққин укангни кўтариб.*

**Қиз:**

*Эшигимда жуп чинор, чиқманг ака, шохи синар,  
Шохлари синганида булбул келиб қайга қўнар.*

**Йигит:**

*Бир келибон сайрасин, дардимга дармон айласин,  
Бир келиб, икки келиб, вақтим беармон айласин.*

**Қиз:**

*Билмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини,  
Билсам эрдим, босмас эрдим, тортмас эрдим дардини  
(«ЗЎФА». И nv. № 9330).*

## ЛОЛА САЙЛИ

Гул билан алоқадор анъанавий халқ сайлиининг қадимиий намуналаридан бири «Лола сайли» бўлиб, асосан, Фарғона водийсида, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларининг лола ва қиз-

ғалдоқлар очиладиган тоғли ҳудудларида ўтказилган. Асрлар давомида халқимиз орасыда бағорда лола сайлига чиқиши үзига хос анъана ҳисобланған. Бинобарин, лола очилған пайтни тантана қилиш удуми жағоннинг бошқа халқларига ҳам маълум. Масалан, нидерландиялайларда лола очилған пайтда маҳсус байрам ўтказилади («Календарные обычай и обряды», 1977. – С.185).

“Лола сайли” халқимизнинг наврӯз билан алоқадор анъанавий сайлларидан бири бўлиб, кишиларда табиатта муҳаббат ҳиссини тарбиялашда муҳим амалий аҳамият касб этган. Этнограф олим Е.М.-Пешчеванинг маълумотларига қараганда, XX асрнинг 20-йилларида Кўқон уездининг Исфара қишлоғида “Лола сайли” үзига хос гарзда ўтказилган. Анъанага кўра, төғ ёнбағирларида ўтказилган “Лола сайли”ни даставвал “лолачилар” бошлаб беришган. Дала-қирларда лола очилғанлигини кўрган “лолачи” болалар тол ёки терак шохини кесиб олиб, уни лола билан безатишган. Улар ана шу “гулчаман”ни кўтариб, қишлоқ кўчалари бўйлаб айланиб юрганлар. “Лолачи”ларни кўрган одамлар болалар кўтариб юрган “гулчаман” шохига рўмолча, мато бўлаги боғлаб, дилларидаги орзу-истакларини изҳор этишган. “Лолачи” болалар қишлоқни айланиб чиқишидан кейин, лола гуллари билан безатилган “гулчаман”ни кўтарганча төғ ёнбағри томон йўл олганлар. Улар гуллар билан бурканган дараҳт шохини лазорнинг ўртасига ўрнатиб кўйишган. Шундан сўнг қишлоқ оқсоқоллари “Лола сайли”ни бошлаш учун оқ фотиҳа берганлар. Сайлининг эртаси куни исфаралик аёл ва эркаклар гуруҳ-туруҳ бўлишиб, Абдуллоий сурхи, яъни «Қизил Абдулла» деган авлиё мозорига зиёратга боришган (Пещерева Е.М., 1927. – С.374-384).

Исфараликларнинг «Лола сайли»да бевосита иштирок этган этнограф Е.М. Пешчевева ва мусиқашунос олим В.А. Успенскийлар гомонидан мазкур сайилда куйланған халқ қўшиқларидан намуналар ҳам ёзиб олинган:

*Қалдирғоч қаро бўлур,  
Қаноти ало бўлур,  
Ёшлиқда берган кўнгил,  
Айрілса бало бўлур.*

*Ёқутим сойга тушди,  
Сойдан суксурлар учди,  
Суксур бўйли шул ёрим,  
Мулло кўзимдан учди.*

*Ул күчада сан бўлсанг,  
Бул күчада ман бўлсам,  
Боғди гули сан бўлсанг,  
Себаргаси ман бўлсам*

(Пещерева Е.М., 1927. - С.377-378).

Хўжанд вилоятининг Овчи-қалъачи қишлоғи яқинидаги Хўжа Боқирғон шоҳ мозоридаги муқаддас булоқ бўйи ҳам «Лола сайли» ўтадиган жойлардан бири бўлган. К.А.Богомолованинг 1948 йилда ёзиг олган маълумотига кўра, баҳорда илк лола очилган кундан эътиборан шу яқин атрофдаги қишлоқларнинг аҳолиси бу булоқ ёнига сайилга чиққан (Богомолова К.А., 1952. – С.111).

Тошкентда эса лола очилган пайтда болалар қўйидаги қўшиқни қўйлаганлар:

*Оппоқжон дастидан,  
Қизил гуллар очилди,  
Қизил гулнинг хумчаси (ғунчаси),  
Оппоқжоннинг бачаси,  
Оппоқжон ўлибди,  
Кўк кўйлакни кийибди,  
Оқ кўйлакни ёйибди,  
Олма билан отибди,  
Юмаланиб ётибди*

(Пещерева Е.М. 1925. - С.93-94).

Элшунос олим Ҳ.Исмоилов томонидан ёзиг олинган дала-этнографик материалларнинг гувоҳлик беришича, “Лола сайли” Тошкент вилоятининг тоғли худудларида ва ҳатто, Тошкент шаҳрининг атрофларида ҳам ўтказиб келинган. Далаларда қизгалдоқлар барқ уриб қийғос очилган пайтда, қишлоқларнинг аҳолиси баланд тепаликларга чиқишиб, “Лола сайли”ни ўтказишган. Сайилда асосан ёш йигит-қизлар иштирок этишган. Сайил қатнашчилари чилдирма чалиб, ашула айтишган, лапар, ўлан ижроҷиларининг беллашувлари бўлиб ўтган. Қизлар шўх оҳанглар оғушида рақсга тушганлар. Айтишларича, Паркент канали бўйидаги тепаликлар азалдан сайилгоҳ вазифасини ўтаб келган. Анъанавий дунёқараашда қизил ранг қон, ҳаёт рамзи бўлгани учун қиз-жувионлар “Лола сайли”га атаб қизил рангли матодан янги кўйлаклар тикиб кийишган.

«Лола сайли» қўшиқларида кўклам ҳуснига ҳусн қўшган лола-нинг ранги «ернинг қони»га ўхшатилади:

*Ернинг қони лолажон,  
Ернинг жони лолажон,  
Лола сайлига келиб,  
Кўрдик сени лолажон*

(Жўраев М., 2007, 82-бет).

Сиртдан қараганда, бу поэтик талқиннинг юзага келишига лола рангининг қон туисига менгзаши асос қилиб олинганга ўхшаб туюлади. Халқимиз орасида сақланган афсоналар эса бу ташбек қадимги мифологик тасаввурлар билан боғлиқлигини кўрсатади. Афсоналардан бирида айтилишича, Нуҳ алайҳиссалом кемасини сичқон гешганда, илон сув кираётган тешик устига кулча бўлиб ётганча, жонзотларни фарқ бўлишдан сақлаб қолибди. Шунда Нуҳ алайҳиссалом илонга дунёдаги гўшти энг лаззатли жонзотни ризқ қилиб беришга ваъда берган экан. Куруқликка чиқишиб, одамзот ва жониворлар кўпайгандан сўнг, илон Нуҳ алайҳиссаломга ваъдасини эслатибди. Нуҳ алайҳиссалом бир пашшани учиреб юборибди. Пашша ҳамма жонзотларни чақиб кўрибди. Қарасаки, ҳамма нарсадан кўра бешикда ётган чақалоқнинг қони ширин эмиш. У ана шу бола қонидан озгина сўриб олиб учиб келаётган экан, олдидан қалдирғоч чиқиб қолибди. «Ниманинг қони ширин экан?» - деб сўрабди қалдирғоч. «Ҳаммасидан одам қони мазали экан», - деб жавоб берибди пашша. Шунда қалдирғоч: «Қани, шу гапни айтган тилингдан бир ўпай» - деб, пашшанинг тилини чўқиб узиб олибди. Пашша тилининг учида олиб келаётган бир томчи қон эса ерга томиб, лола бўлиб униб чиқибди. Ер юзидаги лолалар ана шу бегуноҳ гудак қонидан пайдо бўлган эмиш (Муаллифнинг дала ёзувлари. Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги Қорабогсой қишлоғида яшовчи Яхшигул момо Мирзақуловадан 1983 йилда ёзиб олинган). Қоннинг лолага эврилиши эса нарса-ҳодисаларнинг пайдо бўлишини изоҳловчи архаик мифларга хос анъанавий мотивлардандир.

Фарғона водийсида ўтказилган «Лола сайли»га оид кўшимча материалларни нашр эттирган Е.М.Пешчреванинг ёзишича, қадимги фарғоналиклар лолани хўжа Такраут деган авлиёнинг қонидан пайдо бўлган деб тасаввур қилишган экан. Афсонада нақл қилинишича, хўжа Такраут ўз акалари – Абдуллои сурх, Ўш бобо ва Тахти Сулаймон билан биргаликда мушрикларга қарши жанг қилибди. Жангда душманнинг қули баланд келиб, хўжа Такраут шаҳид бўлибди. Унинг жасади кўмилган тепаликда лолалар ўсиб чиқибди. Бошқа бир афсонада эса хўжа Такраут етти оға-инининг бири бўлиб, унинг

жасади Исфаранинг турли жойларида, жумладан, Ҳўжа сурх, мўйи Муборак деган мозорларда дафн этилган дейилган.

Ҳўжа Такраут ҳақидаги бундай қолдиқ ҳолда етиб келган афсоналарни ўрганган Е.М.Пешчерева бу образ ўлиб-тирилувчи маъбуллар тўғрисидаги қадимги мифологик тасаввурлар асосида шакланган деб тўғри хulosи чиқарган. Унинг фикрича, қачонлардир яшаб ўтган бу мифологик персонаж серҳосиллик ва боқий табиатнинг тимсоли деб қарапланган бўлиб, у ўлганидан кейин жасади ер юзига сочилиб кетган. Авлиё жасадининг парчалари, яъни ҳоки кўмилган жойдан эса қип-қизил лолалар кўкариб чиққан эмиш. Шу боис, дараҳт новдасига териб олинган лолаларни боғлаб чиқиш удумини ана шу афсонавий авлиёнинг жоҳиллар томонидан бўлиб ташланган танасини қайта тиклашнинг рамзий амали деб тахмин қилиш мумкин (**Пещерева Е.М., 1956. - С.217-218**).

Этнограф М.С.Андреев томонидан ёзib олинган бир афсонада қайд этилишича, лолалар - мушриклар томонидан ўлдирилган имом Ҳусайннинг баҳор фаслида ер юзасида пайдо бўладиган қонлари эмиш (*Бу ҳақда қаранг: Соатов F., 1992, 55-бет*).

«Лола сайили»да йигитлар ўйин-кулгуни узоқроқда туриб томоша қилишган ва қизларнинг қўшиқларини берилиб тинглагандар. Улар нон орасига солинган қанд-курс, ширинлик, ҳолва, ёнғоқ, майизни рўмолга тугиб, бирорта ёш болакай орқали ўзлари суйган қизларга совға сифатида юборишган. Шу зайлда “Лола сайли”да боғланган муҳаббат ришталари мустаҳкамлана борган ва айни пишиқчилик палласи ёшларнинг никоҳ тўйлари ўтказилган (**Сухарева О.А., 1986. – С.33**).

«Лола сайли» Самарқанд вилоятида ҳам ўтказилган бўлиб, этнограф Н.П.Лобачеванинг қайд қилишича, Самарқанд яқинидаги Чўпон ота тепалигида ҳар йили анъанавий тарзда ташкил қилинган «Гули сурх» байрами айнан лола очилган пайтга тўғри келган. Ёш йигит ва қизлар тўп-тўп бўлишиб, лолақизгалдоқларни териш учун шаҳар ташқарисига чиққанлар, сайил маркази Чўпон ота тепалиги бўлган (**Лобачева Н.П., 1975. - С.121**).

Самарқандликларнинг анъанавий «Лола сайли» ҳақидаги қадими Чин манбаларида қайд қилинган маълумот эса бу мавсумий маросим ўлиб-тирилувчи маъбуллар тўғрисидаги мифологик қараашлар асосида келиб чиққанлигини кўрсатади (**Толстов С.П., 1948. - С.204**).

Этнограф О.А.Сухареванинг маълумотларида келтирилишича, мамлакатимиз худудида «лола» билан боғлиқ топонимлар ҳам аслида ана

шу ном билан аталағынан халқ сайлиға алоқадордир. Самарқанд шаҳри яқинидаги “Лолазор”, Тошкент вилоятидаги “Лолакұл” каби жой номлари шулар жумласидандыр. 1926 йилги ахоли рўйхати хужжатларида эса Бухоро вилоятининг Ромитан туманида “Лола” деган қишлоқ бўлганлиги қайд қилинган (**Сухарева О.А.**, 1986. - С.37). Бу каби жой номлари мавжудлиги ҳам бу ерлар қадимда “Лола сайли” ўтказиладиган сайилгоҳ вазифасини ўтаганлигидан далолат беради.

Қайд этиши лозимки, анъанавий дунёқараашга кўра, гул сайли шунчаки кўнгилхушлик эмас, балки маросимий, магик-ритуал аҳамиятга эга бўлган.

Ўзбек фольклорида «Лола сайли» билан боғлиқ халқ қўшиқлари кўп учрайди. Қўшиқларда лола «элнинг чиройи» эканлиги, бу гул очилиши одамлар дилига фарах баҳш этиши, чақмоқдан, селлардан қўрқмай қўкарған лола одамларни оммавий сайилга чорлаши тараннум этилган:

*Лола, лола, лолажон,  
Ўсар жойинг далада.  
Лола, лола, лолажон,  
Чидаш бердинг жалага.*

*Лола, лола, лолажон  
Чақмоқдан ҳам қўрқмагин,  
Лола, лола, лолажон,  
Жаладан ҳам қўрқмагин.*

*Лола, лола, лолажон,  
Селлар олса қўрқмагин.  
Лола, лола, лолажон,  
Совуқ турса қўрқмагин*

(**Жўраев М.**, 2007, 81-бет).

Қўшиқнинг анъанавий бадиий шакли ҳам ўзига хос матний тузилишга эга. Тўрт мисрали бандларнинг ҳар бирида «Лола, лола, лолажон» мисраси иккى марта тақрорланиб қелади. Бу ўзига хос поэтик гакрор ҳодисаси оддий қайтариқ бўлмай, қўшиқ матнига мусиқийлик, оҳангдошлиқ баҳш этиб турадиган бадиий восита ҳисобланади.

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги тоғ қишлоқларида ҳар йили қўкламда лола сайлиға чиқиши анъанавий маросимлардан бири ҳисобланган. Ана шу маросим чоғида ижро этилган халқ

құшиқларыда табиатнинг күкламғи уйғониши, лола нафосати баҳш этган әзгу түйғулар тараннум этилған:

*Лолачада ишим бор, әй лола,  
Киссамда кишишим бор, ҳей лола,  
Кишиши бўлса майлига, ҳей лола,  
Қиз болада ишим бор, ҳей лола.*

Құшиқда «лолача» образи рамзий маънода лоладек қизил куйлак кийган қызнинг ўзига teng. Йигитнинг сайилга келишдан мақсади лола териш эмас, аслида «лолача»да «иши борлиги»ни билдириш, яни ўз севгисини изҳор этишдан иборатдир. Халқ лирикасида мевалар, мевали дараҳтлар, боғ у ёки бу жиҳатдан севги, оила, фарзанд ғоялари билан боғлиқларини күпгина олимлар қайд қилиб ўтишган. Юқоридағи құшиқда ҳам йигит «киссасидаги кишиши» - бўлажак оила пойдевори, чин севги тимсолидир. «Лола сайли»да йигитлар ўз севгилилари-га ёш болалар орқали турли шириналлик ва совғалар қаторида майиз юборишларини назарда тутсак, бу поэтик деталнинг севги магияси билан боғлиқ жиҳатлари янада ойдинлашади. Құшиқда бир-бирига кўнгил қўйган йигит билан қиз ўргасида «воситачилик» қилувчи бола образининг тимсолий талқини ҳам мавжуд:

*Том устида пиёла, ҳей лола,  
Ичи тўла гул лола, ҳей лола,  
Нари туринг бўз бола, ҳей лола,  
Уялади қиз бола, ҳей лола.*

*Том устида нелар бор, ҳей лола,  
Ўрдак билан ғозлар бор, ҳей лола,  
Ўрдак кетиб ғоз қолсин, ҳей лола,  
Душман кетиб дўст қолсин, ҳей лола*

(Жўраев М., 2007, 83-бет).

Маълумки, халқ оғзаки ижодида «том» - оила, «ғоз» - хабарчи рамзи бўлиб келади. Ғоз образининг хабарчи сифатида тимсоллаштирилиши анъанаси «Алномиш» достонида ҳам бор. Л.И.-Ремпель қадимий осори атиқаларда тасвиrlанган ғоз образини «хабарчи» тимсоли деб қараш мақсадга мувофиқдир дейди (Ремпель Л.И., 1987. – С.192). «Ширин билан Шакар» достонининг версия ва варианларида ғоз отиш мотивини таҳлил қилган Н.Мадраҳимова «достонда ғоз образи қаҳрамон томонидан фар-

занд сифатида тимсоллаштирилган» (Мадраҳимова Н., 1996, 11-бет) деб ҳисоблайди.

Юқоридаги түртликларда тасвиrlанган «том» -оила рамзи деб қаралса, «ўрдак» - севишганларга хайриҳо бўлмаган ғанимлар, «ғоз» эса уларнинг хайриҳо дўстлари тимсолидир. «Ғоз» деганда йигитлар совғасини маъшуқага етказувчи болакайлар ҳам назарда тутилган. Болалар воситачилигининг бадиий талқинини яратишда «ғоз» образининг хабарчи сифатидаги анъанавий хусусиятлари асосга олинган.

«Лола сайли»нинг тарихий асослари Ўрта Осиёда яшаган қадими ги аждодларимизнинг ўлиб-тирилувчи табиат культлари билан алоқадор мифологик тасаввурларига бориб тақалади. Санъатшунос Г.А.-Пугаченкова томонидан таҳлил қилинган қадими осори атиқалардан бири, фанда «Квацпилееводан топилган идиш» (Россия федерациясининг Пермь шаҳри яқинидаги Квацпилеево қишлоғидан топилгани учун шу ном билан аталган) номли идишга чизилган суратларда тасвиrlанган аёллар қўлида лола кўтариб турганлиги ҳам бу гул билан боғлиқ инончлар қадимиyllигидан далолат беради. Мутахассислар томонидан қадимги Сўғд ҳунармандлари томонидан ясалган дея эътироф этилган мазкур кумуш идишнинг деворида тасвиrlанган аёллардан бири икки қўлида лола кўтариб турган бўлса, иккинчисининг бир қўлида лола, иккинчисида бола бор. Учинчи аёлнинг ўнг қўлида лола бўлса, чап қўлидаги идишни узум тўла ваза деб тахмин қилиш мумкин. Тўргинчи ва бешинчи аёл эса бир қўлида қушни, бошқасида аллақандай кутичани кўтариб олганлиги гасвиrlанган. Шунингдек, худди шунга ўхшаш кумуш идиш Пермьнинг ўзида ўtkазилган археологик қазилмалар чоғида ҳам топилган бўлиб, унда қўлларида лола кўтариб турган икки аёл сурати мавжудлиги аниқланган (Пугаченкова Г.А., 1952. – С.53-55).

Г.А.Пугаченкованинг фикрича, бу ашёлардаги тасвиrlар қадимги Сўғдда ўtkазилган «Лола сайли» маросимини ўзида акс эттирган бўлиб, қўлида лола кўтариб турган аёллар бу маросимни ўtkазишда фаол иштирок этган коҳинлар образидир (Пугаченкова Г.А. , 1952. – С.57).

Назаримизда, қадимги Сўғдда ҳар йили кўкламда биринчи лола очилган пайтда одамлар далаларга чиқиб, табиатнинг кўкламги уйғонишига тимсол қилинган бу гулга багишланган маросимни ўtkазишган. Маросимнинг XX асргача сақланиб қолган кўринишида уни «лолачилар» бошқаришгани каби қадимда ҳам «Лола сайли»ни ўtkазишга маҳсус коҳинлар бош-қош бўлиб туришгани эҳти-

молдан холи эмас. Шунга кўра, юқорида қайд қилинган кумуш идишларда тасвирланган «лола кўтарган аёллар» образини қадимги Сўф «лолачи»ларининг тимсоли деб талқин қилиш мумкин.

## «ҚИЗИЛ ГУЛ» САЙЛИ

Қадим замонлардан буён дәхқончилик маданияти юқсак дара-жада тараққий этган мамлакатимизда табиатнинг боқийлигини улуғлаш ва ўсимликлар культи билан алоқадор кўпгина анъанаалар вужудга келган. Ҳаёт дарахти ҳақидаги мифологик қарашлар замирада ҳам табиатнинг боқийлиги тўгрисидаги ибтидоий инончлар ётади. Аждодларимиз кузда ўз япроқларидан жудо бўлган дов-дараҳтларнинг эрта кўкламда яна барг ёзиши, шунингдек, баҳор келиши билан дала-туз ўт-ўланлар, гул-чечаклар ила қопланишида табиатнинг рамзий маънодаги ўлиб-тирилиши тимсолини кўрганлар. Табиатнинг кўкламда уйғониши ҳақидаги мифологик қарашлар ўсимликларни тимсоллаштиришга асосланган агарар культлар ва магик характердаги рамзий ҳаракатлар тизимидан иборат ритуалларнинг юзага келишига замин ҳозирлаган. Ҳалқимизнинг наврӯз байрами билан алоқадор маросимлари сирасига кирадиган анъанавий “Қизил гул” сайли ҳам ана шундай агарар культлар ва ҳосилдорлик гоясини ўзида мужассамлаштирган қадимий умумхалқ танганаларидан биридир (*«Кизил гул» сайлига доир қуйидаги тадқиқотлар чоп эттирилган*: Хамраев А., 1958. – С.72-73; Сухарева О.А., 1986. – С.31-46; Жўраев М., 2003,а, 29-34-бетлар; Жўраев М., 2003, б, 13-19-бетлар).

«Гул сайли» ёки «Гул байрами» жаҳоннинг жуда кўплаб мамлакатларида оммавий тарзда ўтказиб келинади. Хусусан, Францияда ҳар йили 1 майда «Ландиш (кўнфироқгул) байрами» нишонланади. Шунингдек, Женевада «Атиргул байрами», Лютерда «Нарцисс (нилу-фаргул) байрами», Лозанияда «Камелия байрами» ўтказилади (*«Календарные обычай и обряды...»*, 1977. – С.144, 185; Токарев С.А., Филимонова Т.Д., 1983. – С.159). С.Красиковнинг ёзишича, қадимги Юнонистонда ҳам гиацинт ва лилия гулларининг очилиши шарафига сайил ўтказиш урф бўлган экан (*Красиков С.*, 1990. – С.5-6). Шунингдек, лезгин, авар, татар ва тоҷикларда ҳам гул сайиллари ўтказилган (*Бузакда каранг*: Гаджиев Г.А., 1987. – С.34; Булатова А.Г., 1988. – С.55-56; Кашафуддинов Р.Г., 1969. – С.13; Нурджанов Н., 1956. – С.25; Сухарева О.А., 1986. – С.31-46).

Дунё халқарининг гул байрамлари ўзининг таркибий узвлари, композицияси, бадиий деталлари ва фольклорининг ранг-баранглиги билан ўзаро фарқланиб турса-да, генетик илдизларининг табиат культлари билан боғлиқлиги, ҳосилдорлик ғоясини ташишга хизмат қилиши, ўлиб-тирилувчи табиат тимсоли сифатида анъанавийлашганлиги, ўтказилиш вақтининг баҳор фаслида локаллаштирилганлигига кўра муштарак жиҳатларга эга.

Хозиргача тўпланган фольклор ва этнографик материаллар, шунингдек, илмий адабиётлардаги маълумотларга кўра, Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида ҳар йили кўкламда анъанавий гул сайиллари ўтказилган. Табиатнинг кўкламги уйғониши билан боғлиқ бу анъанавий халқ сайли хоразмликлар орасида ҳам қадимдан урф бўлиб келган. “Қизил гул” сайли ҳар йил баҳорда Хива шаҳри яқинидаги Баворис бобо қабристонида бўлиб ўтган.

Хоразмликларнинг «Қизил гул» сайли ғоят қадими асосларга эгалигини Абу Райхон Берунийнинг қўйидаги қайдномаси ҳам тасдиқлади: «Айяр...Бу ойнинг тўртинчи куни Хоразмда эски одат бўйича қизил гул байрами ўтказилади. Шу куни ибодатхонага қизил гул келтирилади» (*Беруний*., 1968, 339-бет).

Бу байрамда аҳолининг барча табақаси - ёшлар ҳам, болалар ҳам, катталар ҳам қатнашишган. Ислом ақидаларининг таъсири кучли бўлган даврларда ҳам Баворис бобо мозоридаги сайилда аёл ва эркаклар баб-баравар иштирок этаверишган. Ёш қиз-жувонлар мозор яқинидаги йўлакдан сайилгоҳ томон йўл олишган. Уларни кузатиб турган йигитлар ўз севгилиларига олма, анор, гул отишган. Кимдир гўшт, бошқа бирор гуруч, яна кимдир ёф олиб келиб, сайилгоҳда ош пиширишган. Халқ оғзаки ижодиётида қизил гул севги ва оила тимсоли сифатида талқин қилинишига асосланган Г.П.Снесарев бу баҳорий маросим замирида ўлиб-тирилувчи табиат культлари ҳақидаги қадими мифологик қарашлар ётишини қайд қиласи (Снесарев Г.П., 1969.-С.206).

Хоразмликларнинг «Қизил гул» сайлига доир этнографик материалларни тўплаган Н.П.Лобачева бу оммавий сайилни “баҳорий гантаналарни яқунлаб, ёз мавсуми удумларини бошлаб берадиган байрам” деб ҳисоблайди. У 1946 йили Хивада ўтказилган “Қизил гул” сайлида иштирок этган Ю.В.Кнозоровнинг кузатишлари қайд қилинган этнографик битиклар ҳамда ўзининг ана шу байрам ҳақида 1947 йилда ёзиб олган маълумотларига асосланниб, қўйидагиларни

ёзади: “Қизил гулларнинг очилиши май-июнь ойларига тұғри келади. Айрим жойларда бу байрам билан боғлиқ сайил-томушалар бир ой давомида муттасил ұтказиб келинганд. Яқын қариндош-уругларга, шунингдек, дүстларга қизил гул (ёки атиргул) совға қилиш бу байрамнинг үзиге хос удумларидан бири ҳисобланған. Хивалик-лар Баворис бобо қабристонида “Қизил гул” сайлини ұтказғанлар. Сайилда асосан ёшлар иштирок этишган. Унаштириб құйилған ва бүй етган қизлар, келинчаклар, ёш жувонлар чиройли кийинишиб, Баворис бобо мозорига олиб борадиган йүл бўйидаги уйларнинг томи устига чиқиб олишган. Пастда мозорга туташ йўл четида байрамона кийинган ёш йигит-яланглар ҳам йиғилишиб туришган. Кун ўрта бўлиб, яъни соат миллари 12дан ошганда Баворис бобо қабристонининг туғи туширилған: бу “Қизил гул” сайлининг бошланишига ишора бўлған. Шундан сўнг йигитлар том бошида турган қизжувонларга турли хил рангдаги пиширилған тухум, шунингдек, олма, анор отганлар. Ўзлари кўнгил қўйган қизларга шириналик, майиз ва ҳолва тұхфа этганлар. Одатда бундай совғалар ёш болалар орқали етказилған. Қизлар ҳам йигитларни ана шундай ҳадялар билан сийлашған. Сайилда қатнашған аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам қўлларида гул бўлған. Улар чаккаларига, рўмолларига, белбоғларига гул қистириб қўйғанлар” (**Лобачева Н.П.**, 1975. - С.121).

О.А.Сухарева тўғри пайқаганидек, «Қизил гул» сайлини тавсифлаган рус этнографларининг дала ёзувларида бири-иккинчи-сини инкор қиласидиган, аниқлаштирилиши зарур бўлған маълумотлар ҳам талайгина (**Сухарева О.А.**, 1986. – С.35-36). Хусусан, этнограф олим Г.П.Снесарев (**Снесарев Г.П.**, 1969. - С.206) Хивадаги «Қизил гул» сайли иштирокчилари бир-бирларига гул отишганлигини қайд этган бўлса, Н.П.Лобачева эса «аёл ва эркакларнинг қўлларида гул бўлади, улар гуллар билан ӯзларига зеб берадилар, аммо гул отилмайди» деб ёзади (**Лобачева Н.П.**, 1975. – С.121-122). Олиманинг таъкидлашича, «Қизил гул» сайли куни чоллар Баворис бобо мозори ёнидаги мачитга йиғилишиб номоз ўқишишган. Мозор ёнидаги сайилгоҳда эса шавла пиширилған ва кўпчилик бўлиб тановул қилинганд. Сайил кун бўйи хурсандчилик, шодиёна билан давом этган. Соат тахминан 16-17 ларда, яъни кун пешиндан оққандан кейин Баворис бобо қабристонида янги тур (оқ сурпдан тайёрланған байроқсимон мато) кўтарилған. Янги турнинг мозор узра кўтарилиши “Қизил гул” сайли ӯз ниҳоясига етганлигини кўрсатған (**Лобачева Н.П.**, 1975. – С.121-122).

1946 йилда Хоразм вилоятида этнографик тадқиқотлар олиб борган М.В.Сазонова ҳам Хива шаҳрининг жанубий-ғарбий томонида жойлашган Баворис бобо қабристонида ўтказилган “Қизил гул” сайли ҳақида қизиқарли маълумотларни тұплаган. Унинг аниқлашича, март ойининг 21-22-саналарида, яъни Наврӯз байрами кунлари тантана қилинганды бу сайил далага биринчи құш чиқариш маросими билан ҳам боғланиб кетган (Сазонова М.В., 1978. - С.38).

Назаримизда, ўзбек этнографи Т.Қиличевнинг Беруний ва Эллиқкальва туманларидан 1976-1977 йилларда тұплаган этнофольклористик маълумотлари Хоразм воҳасида қадимдан ўтказиб келинганды «Қизил гул» сайлиниң барча узвлари ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Т.Қиличевнинг ёзишича, «Қизил гул» сайли уч кун давом этганды. Биринчи куни қизлар ўз тенгдошлари билан биргаликда бир-бирларининг уйларига боришиб, оналари ва ёш қизалоқларни байрам билан муборакбод этгандар, құшиқ айтиб, ўйинга тушганлар. Йигит-яланглар ҳам навбатма-навбат ўз сафларидаги тенгкурларининг уйларига кириб оталарини байрам билан табриклагандар, мусиқа асбобларини чалиб ўйнагандар ва құшиқ айтишиб бутун кече давомида шодиёна кайфиятда бўлганлар.

Байрамнинг иккинчи куни мачит ёки қабристон яқинидаги сўлим ва хушманзара жойларда халқ сайли ташкил этилган. Сайил олдидан турли мева-чева ва ширинликлар савдоси ўтказилган. Сайилда карнай, сурнай, доира садоси янграган, хонандалар құшиқ айтишиб, раққослар ўйноқи мусиқа наволарига монанд рақсга тушишган. Чавандозлар пойгаси, полвонлар кураши, баҳшилар айтишуви, дорвозда масхарабозларнинг томошалари авжига чиққан. Сайил тамом бўлгач, қизлар ёш келинчаклар бошчилигига саф-саф бўлиб ўз яқинларининг қабрларини зиёрат қилиш учун жўнаганлар.

Сайил куни йигитлар ва қизлар қизил гуллардан гулдасталар тузганлар; ўз қариндошлари, яқинларига гул совға қилинганлар. «Байрам бошланган кундан то байрам охиригача бўлган даврда йигит ва қизлар тахия(дўппи)сига қизил гул фунчасидан қадаб қўйиш одат тусига кирган» (Қиличев Т., 1988, 22-бет). Бу гулга, унинг гўзаллигига, табиатнинг уйғонишига бўлган эҳтиром тимсоли саналган. Н.П.Лобачева ва Ю.В.Кнозоровларнинг «дала ёзувлари»да сайилда қатнашган аёл ва эркаклар чаккаларига гул тақиши, қўлларида гул кўтариб юришлари ҳақидаги маълумотлар келтирилиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Зеро, Хоразм халқ құшиқларыда ҳам баҳорда очиладиган қызил гулга бўлган эҳтиром, яъни бу рамзий деталнинг сайилда магик-ритуал аҳамият касб этганилиги ўзининг бадиий ифодасини тонгани:

*Қизил гуллар айтар: очилмагайман,  
Ёмонлар бошидан сочилимагайман,  
Очилсам очилай, яхши очилай,  
Оёқлар остида янчилмагайман.*

*Қизил гул устина сарсалар мани,  
Ўзим севган ёра берсалар мани,  
Ўзим севган ёра насиб бўлганда,  
Солланиб юрганим кўрсалар мани*

(«Хоразм ҳазинаси», 106-бет).

Халқ құшиқларидаги «қизил гул» детали лирик қаҳрамоннинг поэтик тимсолларидан бир бўлиб, қўпинча балофатга етган қиз эразининг бадиий аниқловчиси бўлиб келади:

*Қизил гул бўлмағай эдим,  
Очилиб, сўлмағай эдим,  
Очилиб сўларим билсан,  
Онадан бўлмағай эдим*

(«ЗЎФА». И nv. №1766/2. 1976 йилда хонқалик 60 яшар Шарифа Рўзи-евадан З.Хусайнова ёзиб олган).

Юқоридаги тўртликда ҳам «қизил гул» образи балофат, етуклик, севги тушунчалари билан боғланиб келади.

Хоразмда йигитлар ҳар йили баҳорда дастлаб очилган қизил гулдан чиройли гулдасталар тайёрлаб, уни турли-туман ширинликлар, мева-чева ҳамда рўмол билан қўшиб ўзларига унаштирилган қизларга тухфа қилиб юборганлар. Бу удум «**қизил гул янгилиги**» деб аталган (Қиличев Т., 1988, 28-бет).

Қизил гул, яъни атиргулнинг мифопоэтик моҳиятини ёритган В.Н.Топоровнинг хulosасига кўра, бу гул қуёш, гўзаллик ва севги маъбудасининг тимсоли сифатида талқин қилинар экан (Топоров В.Н., 1992, а. – С.386).

Гул совға қилиш удуми ҳам севги магияси билан боғлиқдир. Халқ құшиқларыда йигит-қизларнинг балофати гулларнинг очилишига тенглаштирилади. Улар одатда гулга ўхшатилади. Қадимда гуллар ҳам аёл ва эрлардан иборат деб тушунилгани учун жаҳоннинг

деярли барча халқарида гул байрамлари бўлган ва улар маълум даражада ҳозиргача сақланиб келган. Гул совға қилишнинг илк маъноси ҳам интим майлни билдирган» (Мусақулов А., 1995, 68-бет).

“Қизил гул” сайлида қатнашган йигитлар ўзлари ёқтирган ёки унаштирилган қизларга олма, анор, бўялган тухум отганлар. Бу нарсалар мифопоэтик тасаввурларга кўра серҳосиллик, севги, оила ва фарзанд тушунчалари билан боғланади. Бўялган тухумнинг гул сайлида асосий рамзий детал сифатида кенг қўлланилганлигига сабаб тухумнинг бевосита аграр кульглар билан алоқадорлигидар. В.Н.Топоровнинг фикрича, оламнинг тухумдан яратилиши тўғрисидаги мифологик тасаввурлар ҳосилдорлик культи билан боғлиқ маросим ва удумларда ҳам ўз ифодасини топган (Топоров В.Н., 1992, б. – С.681). Шарқий славянларнинг пасха байрамида бўялган гуҳум билан боғлиқ жуда кўп ирим-сиримлар, ўйин ва одатлар мавжудлиги (Соколова В.К., 1979. – С.112-113) ҳам тухум ҳосилдорлик фоясини ташувчи детал эканлигини кўрсатади.

Этнограф олима О.А.Сухарева ҳам жаҳоннинг кўпгина халқарида бўялган тухум табиатнинг кўкламги уйғониши тимсоли сифатида ритуал аҳамият касб этишини ҳамда Бухорода наврӯз байрами дастурхонини қизил рангга бўялган тухум билан безатиш одати бўлганлигини қайд қиласи (Сухарева О.А., 1986. - С.36).

«Қизил гул» сайлида бўялган тухум отиш келаётган йилдан мўл ҳосил сўраш, табиатнинг боқийлигини улуглаш, барака ва омад тилаш ифодаси санаалган. Ана шу рамзий детал билан боғлиқ ҳосилдорлик фоясини ташишига кўра ҳам «Қизил гул» сайли наврӯз байрами тизимидағи календарь маросимлар сирасига киради.

Г.П.Снесаревнинг ёзишича, «Қизил гул» сайли баҳор бошланиши, яъни табиатнинг кўкламги уйғониши билан бевосита боғлиқ ҳолда тантана қилинган (Снесарев Г.П., 1969. - С.205). Н.П.Лобачева Хоразмда қизил гул очилиши май-июнь ойларига тўғри келишига асосланиб, «Қизил гул» сайли бир ой мобайнида ўтказилган деб ҳисоблайди (Лобачева Н.П., 1975. - С.121). Этнограф Т.Киличев эса «ХХ асрнинг 20-йилларигача Хоразмда «Қизил гул» байрами ёшлиқ, севги, шодлик, баҳор байрами сифатида нишонланган. Бу байрам ҳар йили 13 майда эрта билан йигит ва қизларнинг янги очилган қизил гулдаста тайёрлашга киришиши билан бошланган», - деб ёзади (Киличев Т., 1988, 22-бет).

«Қизил гул» сайлининг ўтказилиши муддати Хоразм воҳасининг табиий-иқлимий шароитларига бевосита боғлиқ ҳолда белги-

ланганлиги ҳақиқатга анча яқиндир. Чунки кўкламнинг эрта ёки кеч келишига қараб қизил гулнинг очилиш вақти ҳам ҳар йили ўзгариб туриши, ҳатто воҳаннинг ҳамма жойида бу табиий жараён айни бир муддатда рўй бермаслиги ҳам мумкин. Шу боис, одамлар қизил гулнинг очилиш вақтига қараб анъанавий сайилни ўтказиш муддатини белгилаганлар.

Назаримизда, “Қизил гул” сайли халқимизнинг йилбоши - наврўз байрами билан боғлиқ тақвими маросимлари тизимининг анъанавий узвларидан бири бўлиб, табиатнинг кўкламги уйғониши, янги меҳнат йилининг бошланиши, ҳосилдорлик ва барака тилаш тантанаси сифатида ўтказиб келинган. Бу сайилнинг қадимий асослари баҳорий тенткунликни эзгуликнинг ёвуз кучлар устидан ғалаба қилган куни сифатида байрам қилиш анъанаси билан бевосита алоқадор. Бизнингча, бу анъанавий халқ сайлининг келиб чиқиш тарихи қадимги Хоразм маданиятининг шаклланишида муҳим исботлайдиган муҳим деталлардан бири мазкур сайил ўтказилган жойнинг номи, яъни *Баворис бобо* некронимидир ( “Баворис” некроними ва *Баворис бобо* культигининг “Авесто”га бориб тақалиши ҳақида қаранг: Жўраев М., 2001, а, 3-10-бетлар).

Баворис бобо қадимги Хива шаҳрининг жануби-ғарбий тараф�다 жойлашган қадимий қабристон номи бўлиб, ҳозирда унинг ўрни текисланиб кетган. Тарихий-этнографик манбаларда қайд қилинган маълумотларга кўра, ана шу мозорда ҳар йили наврўз байрами кунлари “Қизил гул” сайли анъанавий тарзда ўтказилган. Жанубий Хоразм аҳолисининг дәхқончилик ва чорвачилик хўжалиги анъаналарини ўрганган М.В.Сазонова улуф юртдошимиз Абу Райхон Беруний берган маълумотларга асосланган ҳолда, “Баворис бобо қадимги Эрон афсоналарининг қаҳрамони *Биварасиф* бўлса керак”, - деб тахмин қилган эди (Сазонова М.В., 1978. – С.98).

Дарҳақиқат, “Шоҳнома”нинг “Заҳдок ва унинг отаси ҳақида қисса” деб аталган фаслида баён қилинишича, *Беварасп*-Заҳдокнинг лақаби. “Меҳру оқибатдан дили бебаҳра” бўлган Заҳдокнинг ўн мингта бадавий тулпорлари бор бўлиб, учдан икки қисми ҳамиша сафарга шай турар экан. Шоир Жамшиднинг рўзгорини қаро қилган Заҳдок нима сабабдан *Беварасп* деб аталганлигини шундай изоҳлайди:

*Беварасп ҳам деяр эрдилар ани,  
Паҳлавий сўзи бу, нима дегани?*

“Бевар” паҳлавийда, бўлсане қулоқ-кўз,  
Ўн минг деганидир, дарийда бу сўз.  
Бадавий отлари бўлган-чун ўн минг,  
Номи ҳам Беварасп бўлганди унинг

(Фирдавсий., 1975, 71-бет).

Кўринадики, **Беварасп** атамасининг лисоний-этимологик асоси паҳлавий тилида “ўн минг” маъносини англатувчи **бевар** сўзига бориб тақалади. Скиф-сармат қабилалари тилига оид сўзларни тадқиқ этган М.Фасмер ҳам **Баіорапос** атамаси аслида **baivar - aspa** бўлиб, “кўп отли”, “кўп от эгаси” маъноларини билдиради, деб ёзган эди (Vasmer M., 1923. p.35).

Қадимги саклар лаҳжасидаги **baivar**, авесточа **baevar**, осетин тилидаги **bewra** сўзлари “кўп, ўн минг” маъноларини англатишини қайд қилган В.И.Абаев ҳам юқоридаги фикрни кувватлагани ҳолда **baivar-aspa** атамасини “Авесто”га боғлаб таҳдил қилиш лозимлигини таъкидлаган (Абаев В.И., 1949. - С.159).

Чиндан ҳам Биварасп образининг генетик илдизлари “Авесто”-га бориб тақалади. Ҳосилдорлик ва сув илоҳаси Ардвисура Анахитага бағищланган “Ардвисур яшт” алқовининг 29-бандида Ахриман яратган ёвуз махлукотлардан бири - Ажидахака эзгулик тимсолидан мадад сұраб, қурбонликка сон-саноқсиз жонлиқларни атаса-да, қудратли Ардвисура унга бундай омадни бермаганлиги айтилади:

Унга уч бошли Аждаҳо,  
**Баври** номли даҳйуда,  
Курбонликка келтирди,  
Юз той ва минг қорамол,  
Сон-саноқсиз совлик, қўй  
Ва Ардвидан тилади:  
“Менга шундай омад бер,  
Муқаддас Ардвисура,  
Етти иқлимда одам,  
Зотини қолдирмайин”.  
Унга бундай омадни,  
Бермади Ардвисура

(«Авесто. Ардвисура алқови», 68-бет).

Бу алқовда тилга олинган *Баври* атамаси Ажидәхака яшайдиган ва у хукмрон бүлгән афсонавий юртнинг номи сифатида құлланылған. Манбаларда Ажидәхака - Заҳҳокнинг лақаби ёки унинг мифологик тимсолларидан бири сифатида талқин қилинувчи Беварасип образининг шаклланишига ҳам ана шу *Баври* атамаси асос бүлгән.

“Авесто” мифологиясининг эпик талқинлари асосида кейинчалик шаклланған афсоналарда эса Заҳҳок образи баъзан *Биварасп* номи билан ҳам атала бошлаган. Қадимги асотирлар талқинича, күёш юзли Жамшиднинг қотили ҳам Биварасп-Заҳҳокдир. “Вендидод” таркибидаги иккинчи фаргарднинг биринчи бўлимида айтилишича, Вайвангҳоннинг пушти камаридан бўлганд Жамшид хукмронлик қилған даврда жаҳонга кенглик баҳш этган, олам аҳлини асраб-авайлаган, унинг салтанати совуқ, касаллик ва ўлим нималигини билмаган. Ахурамазда ўз шахриёри Жамшидга “заррин сувра” билан “зарнишон аштра” ҳадя этган. Жамшид ана шу мўътабар ашёлар воситасида ёруғлик сари, күёш кенгликлари томон йўл солиб, жаҳонга кенглик баҳш айлаган. Бу кенглик бағрига сурувлар, тевалар ўюри, одамлар келишган. Улар кўнгиллари тусаган ерларни ватан тутишган («Авесто», 2001, 109-110-бетлар).

Баҳорий шодиёна - наврӯзи оламнинг байрам қилиниши анъясининг урф бўлиши ҳам Жамшид номи билан боғланади. Алишер Навоий ўзининг “Тарихи мулуки Ажам” асарида бу хусусда қуйидагиларни ёзган: “Ва анда улуқ биное солдиким, ҳоло асари ва нишоналари борким, одамизод андоқ ясамоқ маҳол кўрунурким, киши кўрмагунча бовар қилмас. Ва ани Чиҳил минор дерлар. Чун бу иморат туганди, олам салотин ва ашроф ва акобирин йиғиб, анда азим жашн қилди. Ул вақтким, күёш нуқтаи эътидоли рубъага таҳвил қилиб эрди, ул бинода таҳт устига ўлтириб, адолат сийт ва садосин оламга мунтасир қилди ва ул куннинг отин Наврӯз қўйди. Ва салтанатининг замони етти юз йилгача бўлди... Табарийда аниң қатли Бюрасбқа мансубдир, аммо ўзга таворихда йўқдур” (Алишер Навоий, 2000, 199-200-бетлар).

Алишер Навоий Жамшиднинг Заҳҳок томонидан ўлдирилғанлиги ҳақидаги афсонани мухтасар баён қилған бўлса-да, “унинг қатли Бюрасбқа мансуб” лигини қайд қилиш орқали бу қадимий сюжетнинг ҳар иккала мифологик персонаж номи билан боғлиқ талқинлари мавжуд бўлганлигига ишора қилган ( Бу ҳақда қаранг: Жўраев М., 2001, б, 43-45-бетлар).

Бу эса “Авесто”даги Ажидәңәкә образы билан бөглиқ мифологик тасаввурларнинг ривожи натижасида минглаб отлари мавжуд бўлган афсонавий юрг номи Баври атамаси Ажидәңәкә-Заҳҳок тимсолини билдирувчи мифологик персонажлардан бирига айланганлигини кўрсатади. Шу боис, айрим афсоналарда Жамшид салтанати, яъни эзгуликнинг душмани Заҳҳок деб таърифланса, баъзи асотирларда олам аҳлига фаровон ҳаёт баҳш этган “куёш юзли Жам”нинг ҳалокати Бивараспга боғлаб талқин қилинади. Демак, қадимиј афсоналарда наврӯз байрамини урф қилган эзгу ҳукмдор Жамшидга қарама-қарши қўйилган Биварасп образи қиши, совуқ, ўлим ва касалликни ўзида мужассамлаштирган мифологик персонаж, яъни ёвузлик тимсоли бўлиб келади.

Наврӯз байрамининг келиб чиқиши ҳалқ афсоналарида Жамшид номи билан боғлаб талқин қилинганлиги боис, Биварасп образи ҳам билвосита йилбоши тантаналарига даҳлдор, деб қаралган. Чунки баҳорий тенгкунлик йил алмашадиган, қишининг совуқ кунлари туғаб, серфайз кўклам фасли бошланадиган, эзгулик ёвуз кучлар устидан тўла ғалаба қиласидиган кутлуг кун сифатида байрам қилинган. Ҳусусан, курдлар Наврӯзни фақатгина табиатнинг янгиланиши ва баҳор байрами тарзида эмас, балки эл-юргнинг афсонавий аждар-подшо, яъни Заҳҳок-Беварасп зулмидан ҳолос бўлган куни сифатида ҳам шодиёна қилишади (Delair D., 1964, p.4-5).

Демак, Наврӯз йилбоши ва баҳор байрами, келаётган янги меҳнат мавсумининг баракали, фаровон ва серфайз бўлишига тилак билдириш ҳамда ёвузлик кучлари зимиston қаърига чекиниб, эзгулик тантана қиласидиган кундир. Бу кун ёвуз кучларнинг мифологик тимсолларидан бири - Ажидәңәкә (Заҳҳок-Биварасп) маглуб бўлиб, олам аҳли рўшноликка чиққанлигини англатган. М.С.Руденконинг ёзишича, “Наврӯзни Заҳҳок-Беварасп билан боғлаб талқин қилиш анъанаси бу байрамнинг афсонавий ҳоқон Жамшид гомонидан жорий қилинганлиги тўғрисидаги қадимиј тасаввурларга алоқадордир. Афсоналарда Наврӯз байрамига асос солтан Жамшид Заҳҳок-Беварасп томонидан ўлдирилган деб нақл қилинганлиги боис наврӯз байрами билвосита ана шу мифологик персонаж номи билан ҳам боғлаб талқин қилинади. Ўрта Осиёда яшовчи ҳалқларнинг одатига кўра, наврӯз кунлари лойдан бўйнига илонлар чирмашиб олган аждаҳо шаклидаги хуштаклар ясад, болаларга ҳадя этиш удумида ҳам ана шу қадимиј анъананинг излари сақланаб қолган” (Руденко М.Б., 1974. - С.123-124). Чиндан ҳам, бола-

лар ўйинчоқлари ясовчи усталар наврўз байрами арафасида аждаҳо шаклидаги хуштаклар ясаши Ўрта Осиё халқлари кулолчилигига Қадимдан ўзига хос анъана бўлиб келган.

Хоразмликларнинг Наврўз байрамига дахлдор анъанавий “Қизил гул” сайилининг Хива шаҳри яқинидаги Баворис бобо қабристонида ўтказилиши ҳамда бу мозор номини англатувчи некронимнинг келиб чиқиши “Авесто”даги мифологик персонажлардан бири - Ажидаҳака ва у ҳукм сурган афсонавий юрт номи - Баврига алоқадор.

Ўрта Осиё ҳудудида қайд қилинган кўпгина топонимлар таркибида мавжуд бўлган *асп* сўзининг маъносини айрим мутахассислар “от” деб изоҳлайдилар (Абаев В.И., 1949. - С.157-158; Зарифов X., 1976, 77-бет; Раевский Д.С., 1977. С.68; Тилавов А., 2000. 24-бет). “Авесто” яштларини ўзбек тилига ўтирган мутаржим М.Исҳоқовнинг ёзишича, “Авесто” тилида *асп* ўзаги “муқаддас” деганидир. Бу ўзак асосида *спента, испантака* - “муқаддас тутилувчи” каби диний зардўштий тушунча ифодаланган. Масалан, *спента армайити* - “муқаддас авлиёлик”, *спентамана* - “муқаддас фикр” (Исҳоқов М., 1997, 74-бет).

Бизнингча, *Баворис* некронимининг лисоний тузилиши икки мустақил лексемадан иборат бўлиб, *Бавар* ўзаги авесточа ёвуз кучлар билан алоқадор мифологик маконнинг номини билдирувчи *Баври* сўзига бориб тақалади. Некроним таркибидаги *-ис* компоненти эса аслида *асп* бўлиб, маъноси “муқаддас” демакдир. Шунга кўра, *Баворис* (Биварасп) - “муқаддас Баври” деган маънони билдирган. Бу топонимнинг тадрижий ривожи давомида унинг лисоний тузилишида қуйидаги фонетик ўзгаришлар рўй берган: *Baevvar+aspa* → *Baivarasp* → *Bivarasp* → *Bavaris*. *Баворис* бобо некроними таркибидаги “бобо” компоненти эса топонимик индикатор бўлиб, муқаддас қадамжолар ва мозорлар номининг ясалишида фаол қўлланади.

Хива шаҳри яқинидаги кўхна қабристоннинг номи *Баворис бобо* деб аталганлиги Ажидаҳака билан боғлиқ мифологик тасаввурларнинг юзага келишида Хоразм воҳасида истиқомат қилган қадим аждодларимизнинг эътиқодий қарашлари ҳам муҳим ўрин тутганинги кўрсатади. “Вендинод”даги биринчи фаргарднинг 3-4-банларида Ажидаҳаканинг яратилиши ҳақида шундай дейилган:

“Ахура Мазда яратган илк сарзамин ва бирламчи юрт бу - Доитё дарёси соҳилидаги хушманзара Ийрон Виж эди. Шундан сўнг бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Ахриман келди-да, Доитё

дарёси қаърида Аждаҳони яратди. Ва бу зимистон девларини борлиқ олам устидан ғолиб қилди. У ерда ўн ой зимистон ва икки ой ёз фасли ҳукмрон бўлади. Бироқ, шу икки ойда ҳам ҳаво, сув, тупроқ ва дараҳтлар учун совуқдир. Зимистон у ерга даҳшатли фалокатлар келтиради” («*Авесто*», 2001, 107-бет).

Кўпгина авестошунослар ва шарқшунослар “Авесто”да *Айріана Ваижа, Ийрон Виж* қаби номлар билан тилга олинган юрт ҳозирги Хиванинг ўрнида бўлган, *Доитиё* (Доитий) эса Амударёнинг қадимий номи деб ҳисоблайдилар (Толстов С.П., 1964, 96-бет; «*Авесто. Вендиод*», 50-бет). Борлиқ оламга фалокатлар келтирувчи Ажидашака Доитиё, яъни Амударё қаърида яратилганлиги ҳақидаги мифик қараашларнинг тадрижий ривожи давомида бу зимистоний ёвуз куч тимсоли ҳукмрон бўлган афсонавий жой - Баври ҳам худди шу ҳудудда локаллаштирилган. Хива шаҳри яқинидаги мозорнинг номини билдирувчи *Баворис бобо* некроними ана шу мифологик тасаввурларни ўзида мужассамлаштирган.

Назаримизда, қадимда Баворис бобо мозорининг ўрни Ажидашака-Баври культи билан алоқадор ритуал маросимлар ўtkазиладиган жой вазифасини ўтаган. Баворис бобо қабристонидаги туғнинг туширилиши анъанавий “Қизил гул” сайлининг бошланишига ишора вазифасини бажарганлиги ҳам рамзий маънога эга: гуфнинг туширилиши Ажидашака-Захҳок-Биварасп сифатида тасаввур қилинган ёвуз кучлар мағлубиятини англатган. Баворис бобо қабристонининг ўрни. (ёки унга яқин бўлган жой) зардўшийлик даврида ҳам муқаддаслаштирилган жойлардан бири сифатида эътироф этилган. Бу жой Ажидашака яшайди деб тасаввур қилинган мифологик юрт (авесточа “даҳйуда”) тимсоли деб қаралган ва дастлаб “*Баври*” деб аталган бўлиши керак.

Габиатнинг кўкламги йўғонишини улуғлаш ва қут-барака тилаш анъаналарини ўзида мужассамлаштирган Наврўз байрамининг нишонланиши айни пайтда, Ажидашака-Биварасп мансуб бўлган зимистоний кучларнинг мағлуб бўлиши ҳамда йилнинг Ахурага гааллуқли қисми - иссиқ фаслларнинг бошланишини ҳам англатган. Шу боис, қадимги хиваликлар Наврўз шодиёналарини Биварасп культи билан боғлаганлар ва эзгуликнинг ёвуз кучлар устидан ғалаба қилган куни деб тасаввур қилинган йилбоши тантаналари ҳамда “Қизил гул” сайлини Баворис бобо мозорида ўтказгандар. Анъанавий “Қизил гул” сайлининг Баворис бобо мозорида ўтказилиб келиниши Ажидашака ва у макон тутган афсонавий юрт

– Баври ҳақидағи қадимги мифологик тасаввурларнинг маросим фольклори таркибидаги қолдиқ ҳолда сақланиб қолған күринишидир.

## «ГУЛИ СУРХ» САЙЛИ

Ҳар йили күкламда қызил гуллар очилған пайтда анъанавий тарзда ұтказиб келинганд “гул сайли” билан алоқадор сайилнинг “Гули сурх” – “Қызил гул сайли” деб аталған локал типи худудий жиҳатдан кенг қамровли бўлиб, Бухоро, Самарқанд, Тоҷикистон, Афғонистонда қайд қилинганд. “Гули сурх”, яни “қызил гул” байрами ҳақидағи дастлабки қайдлар ёзувчи Садриддин Айний қаламига мансубдир. У Бухоро яқинидаги Баҳоуддин Нақшбанд мозорида ұтказилған Гули сурх байрамини бевосита ўз кузатишлари асосида тасвирлаган.

Бухороликларнинг “Гули сурх” сайли Баҳоуддин мазорида ұтказилғанлиги, бинобарин, бу тантана бир ой давом этганлигини О.А.Сухарева ҳам қайд қиласди. Унинг фикрича, бу мозорнинг ўрни исломдан аввалги даврларда ҳам зиёратгоҳ жой бўлган. Табиатнинг қўкламги уйғониши шарафига ұтказиладиган “Гули сурх” сайлини шу жойда ұтказиш анъанасининг алоҳида тип сифатида локаллаштирилиши ҳам ўша замонларда яшаган деҳқонларнинг аграр мифологияси билан боғлиқдир (**Сухарева О.А., 1986. - С.39-40.**)

Е.М.Пешчерева ўзининг кейинроқ чоп этилған бошқа бир мақоласида “Гули сурх” – “Қызил гул” сайлининг худудий қамрови кенглигини бир қанча далиллар билан кўрсатиб беради. Ҳатто Исфара дарёси бўйидаги айрим қишлоқларда ҳам бу удум “Лола сайли” деб эмас, балки “Сайли гули сурх” деб аталар экан (**Пещерева Е.М., 1956. - С.214).**

Самарқанд яқинидаги бир қишлоқда ҳам “Гули сурх” сайли ҳақидағи маълумотлар сақланғанлигини аниқлаган этнограф Н.П.Лобачеванинг ёзищича, ёш йигит ва қизлар тўп-тўп бўлишиб лола-қизғалдоқлар териш учун шаҳар ташқарисига чиққанлар. Сайил маркази Чўпон ота мозорида бўлган. Бу сайил “Гули сурх” деб юритилган (**Лобачева Н.П., 1975. – С.120-121).**

“Гули сурх” тантаналари Бухоро вилоятининг Шоғиркон тумани қишлоқларида ҳам ұтказилғанлиги хусусида А.Х.Ҳамроев бағағсил маълумот берган. Унинг ёзищича, бу байрам деҳқонларнинг баҳорги экиш мавсуми билан боғлиқ бўлиб, ҳамал ойининг аввалида бошланган ва бир ой мобайнода узлуксиз тантана қилинганд. Бу

байрам атиргулга эмас, балки кўкламда очиладиган қизил гулга бағишиланган. Бир ой давомида қишлоқларда бозорлар гавжум бўлган, сайиллар уюштирилган (**Хамраев А.Х.**, 1958, - С.72-73).

Кўринадики, шофириконликларнинг “Гули сурх” сайли янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши билан боғлиқ ҳолда ўтказилган бўлиб, мозор ёки унинг атрофи билан боғлиқлиги илмий адабиётларда қайд қилинган. Чунончи **Б.Х. Кармишева** Бойсунда “Гули сурх” номли мозор борлигини айтади (**Кармишева Б.Х.**, 1976. - С.150). Шунингдек, Ўратепа яқинида ҳам Сурхи деган жой бор (**Сухарева О.А.**, 1986. – С.37).

Бухоролик деҳқонлар анъанасига кўра, Зарафшон дарёсининг ҳамалнинг бошида, ҳозирги ҳисоб бўйича 20-22 мартарага тўғри келадиган биринчи тошуви – «нарзоб» «Гули сурх» сайлиниң бошланишига белги деб қаралган. Халқ қарашларича, бу сув оллоҳ гомонидан ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга таҳорат учун юборилгани учун тошув номи «нарзоб» ёки «Баҳоуддиннинг суви» деб юритилган. Бу тошувнинг бошланиши Бухорода наврўз байрами ҳамда «Гули сурх» сайли тантаналари бошланишидан дарак берган (**Муҳаммаджанов А.Р.**, 1978. – С.119.).

Баҳоуддин Нақшбанд мозори ёнида ўтказилиб келинган “Гули сурх” сайлиниң нисбатан тўла тавсифи бухоролик этнограф Г.Қаюмова томонидан ёзиб олинган. Унинг ёзишича, «Гули сурх» сайли бир ҳафтадан бир ойгача давом этган. Унинг қатнашчилари бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрганлар. Бир жойда ашула айтиш, рақс, лапар айтишувлар бўлган. Иккинчи жойда масҳарабоз ва дорвазлар томоша кўрсатишган. Учинчи жойда тия, қўчкор, хўroz уриштиришган. Тўртинчи жойда кураш ўтказилиб, полвонлар беллашишган. Бешинчи жойда лаззатли таомлар, бухороча обаки дандон, нишолда ва бошқа шарқ шириналлари пиширилган. Олтинчи жойда бозор уюштирилган... “Қизил гул” сайлида йигит ва қизлар “Олма отиш”, “Гул узатиш”, “Анор отиш” ўйинларини ўйнаганлар. Ёш келинчаклар “келин салом”ни бажарганлар. “Қизил гул” шодиёнасига атаб қўшиқлар тўқилган, лапарлар айтилган (**Қаюмова Г.**, 1993, 6-бет).

Баҳоуддин мозори ёнида ҳар йили баҳорда ўтказилган “Гули сурх” сайлида тўртлик шаклидаги анъанавий қўшиқлар айтилган. Бундан ташқари, “Қизлар бозори қайдадир”, “Олманинг барги майда”, “Ўлдирса ёр ўлдирсан”, “Адоғ адоға дилбар”, “Дилбари ягонамидинг”, “Ака мана дона-шўрак”, “Ёғма ёмғир, меҳрибо-

ним йўлдадир”, “Киссамда кишишим бор” каби қўшиқлар ҳам ижро этилган.

«Гули сурх» сайли ўтадиган куни эрта тонгданоқ азим тут дарахтларига осилган занглар чалиниши билан одамлар кўч-кўронларини араваларга ортиб, Баҳоуддин Нақшбанд мозори жойлашган қишлоқ томон ошиққанлар. Чавандозлар отларини «совути» кўпкарига солишган. Қозонларда «софаки ош», кўраларда қабоб пиширилган.

«Гули сурх» сайли ўзига хос қўшиқлар тизимиға эга бўлган қадимий мавсумий тантаналардан бири бўлиб, ҳар йили баҳорда қизил гуллар очилган пайтда анъанавий тарзда ўтказиб қелинган. У ўз таркибиға ҳалқ қўшиқчилик санъати, ўйин фольклори, рақс, ҳалқ театри, хунармандчилик, урф-одат ва маросимларни қамраб олган маънавий қадрият намунаси саналади.

Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан кейин аждодларимиз томонидан минг йиллар мобайнида яратилган маънавий қадриятларнинг кўплаб унугилаётган намуналари тикланди. Ҳалқимизнинг маънавий-руҳий тикланишида муҳим роль ўйнаган ана шундай эзгу ишлар сирасига Бухоро вилоятининг Когон туманидаги **“Қасри орифон”** фольклор-этнографик жамоаси олиб борган ижодий изланишларни ҳам киритса бўлади. Жамоа ўз атрофига ҳалқ оғзаки бадиий ижодиётининг ҳақиқий фидойиларини жамлаган. Улар Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда яшовчи кекса кишилар билан сұхбатлашиб, қадимий “Гули сурх” сайлиниң ўтказилиш вақти, тартиби, сайилда айтиладиган анъанавий қўшиқ ва лапарлар, ўйин ва удумларни тўплаганлар. “Гули сурх” сайлида бевосита иштирок этган зуқко отахонлару нуроний онахонлар хотирасида сақланган бундай бадиий тафаккур дурдоналарини мисқоллаб йиғиши натижасида жамоанинг “Қизил гул сайли” деб аталган янги дастури юзага келган.

Маълумки, ҳалқ сайиллари анъанавий чорлов сўзлари билан бошланади. Жарчилар қишлоқма-қишлоқ юриб, сайил бошланганлигини маълум қиласидилар. “Қасри орифон” жамоаси тайёрлаган дастур ҳам “Қизил гул” сайлиниң барча узвларини қамраб олган бўлиб, унда сайил жарчилар чорлови билан бошланади. Бухороча доира усууллари садоси остида саҳнага жарчи кириб келади. Кўклам нафосатидан дили шодликка тўлиб турган жарчи ҳаммани Қасри Орифон қишлоғида ўтказилажак ҳалқ сайлига чорлайди: “Одамлару одамлар, боғда битган бодомлар, эшишмадим деманглар! Бугун Бухоройи шарифда, Қасри Орифонда “Қизил гул” сайли бўлади. Ҳамма сайилга келсин!”

Жарчи овозини эшитган одамлар байрамона кийинишиб Қасри орифон қишлоғи томон оқиб кела бошлайдилар. “Қизил гул” сайлига турли касб билан шуғулланувчи хунармандлар, қандолатчилар, косиблар ұzlари тайёрлаган маҳсулотларни олиб келишади. Катта-катта мис қозонларда лаззатли баҳорий таомлар пиширилади, санъаткорлар дилрабо күй-құшиқлар билан сайилга келган кишилар дилини хушнуд этадилар.

“Қизил гул” сайли фольклорининг ўзига хос жанрларидан яна бири сайилга келган йигит-қызыларнинг ўзаро айтишувидир. Лапар, ўлан жанрлари сингари бу құшиқ ҳам тарафма-тараф бўлиб айтилади. Икки томон бўлиб айтишувга асосланган маросим құшиқларини қизлар бошлаб бериши урф бўлмаганлиги боис, гуллар ҳақидағи айтишувни ҳам йигитлар бошлаб беради. Ижро этиладиган гўртликлар асосан гул мавзусига бағишлиган бўлиши жанрнинг асосий талабидир. Қиз ва йигитлар икки тарафга бўлиниб турадилар ҳамда йигитлардан бири айтишувни бошлаб, гул ҳақидағи бир тўртликни айтади-да, қўлидаги қизил гулни қизлардан биттасига узатади. Қиз ҳам жавоб тўртлигини айтиб, гулни йигитлардан бирiga қайтаради. Айтишув ана шу тарзда давом эттирилади.

Гул ҳақида бу типдаги халқ құшиқларини айтиш анъанаси мамлакатимизнинг турли вилоятларида ўтказиладиган никоҳ тўйи маросимлари таркибида ҳам учрайди. Масалан, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг айрим қишлоқларида никоҳ тўйидан бир неча кун аввал “Қизил гул” деган маросим ўтказилган. Бунда узатилаётган қизнинг дугоналари билан куёв ҳамда унинг журалари бўлаjak келиннинг бир қариндошининг уйида тўпланишган. Кичкина зиёфатдан кейин ёшлар гул тўғрисидаги құшиқ ва шеърларни айтгандар. Бу маросимда ҳам гул ҳақидағи құшиқлар айтишув усулида ижро этилган.

“Қизил гул” сайли деҳқон ва чорвадорлар учун янги меҳнат мавсумининг бошланиш даври сифатида муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган. Бободеҳқонлар эрта кўкламдан она заминга барака уруғи қадасалар, чўпон-чўлиқлар ўз сурувларини серўт яйловлар томон ҳайдайдилар. “Қасри орифон” фольклор жамоаси томонидан тайёрланган “Қизил гул” сайли дастурида чўпон таёфининг топширилиши лавҳасида ҳам аждодларимизнинг чорвачилик билан боғлиқ қадимий удумлари акс эттирилган.

Маълумки, халқимизда касб-кор, хунар отадан ўғилга мерос қилиб қолдирилган. Аждодлар мероси, касбий анъаналари авлод-

дан-авлодга ўтиб бизнинг кунларгача етиб келган. Ҳар бир касб соҳиби ўз хунарининг сир-асрорларини шогирдларига, фарзандларига қунт билан ўргатиб борган. Шу тариқа хунармандчилик, чорвачилик ва деҳқончиликка алоқадор барҳаёт анъаналар силсиласи юзага келган. Анъанага кўра, “Қизил гул” сайлида тажрибали чўпонларнинг ўз шогирди ёки ота касбини пухта эгаллаган ўғлига боболаридан мерос бўлиб келаётган чўпон таёфини топшириш маросими ҳам ўtkазилади. “Қасри орифон” фольклор-этнографик жамоаси ижросида ана шу кўхна маросимнинг талқин қилинганилиги меҳнат жараёни билан боғлиқ қадимий қадриятларимиз нечоғлик фусункорлигини намойиш этди.

“Қасри орифон” фольклор-этнографик ҳалқ ҳаваскорлик жамоасининг “Қизил гул сайли” дастури “Ҳой, ҳоя момо жимжима” номли қўшиқ билан яқунланган. Унда нақарот сифатида такрорланиб келувчи “ҳой, ҳоя момо жимжима” айтимидағи “жимжима” сўзи бу қўшиқнинг ниҳоятда қадимийлигидан далолат беради. Чунки 1989 йилда Олот туманидаги Қассоббаёт қишлоғида никоҳ тўйи маросимида ижро этиладиган “Ишимма” номли қўшиқ ёзib олинган эди. Бу қўшиқда ҳам ҳар икки мисрадан кейин “ишиммажон ишимма, ахур-жуҳур ишимма” айтими такрорланиб келади. Бухоро ҳалқ қўшиқларида сақланиб қолган “жимжима”, “ишимма” сингари сўзлар бу воҳанинг қадимий фольклорига алоқадор лисоний бирликлар ҳисобланади. “Ҳой, ҳоя момо жимжима” қўшиғини жамоа аъзолари биргаликда ижро этадилар:

Боғда булбул сайрайди-ей, ҳой, ҳоя момо жимжима,  
Бобо сайилга келди-ей, ҳой, ҳоя момо жимжима,  
Қизил гуллар сайлига-ей, ҳой, ҳоя момо жимжима,  
Диллар бирам яйради-ей, ҳой, ҳоя момо жимжима,  
Дошқозонда софи ош, ҳой, ҳоя момо жимжима,  
Ҳиди ураг думоққа, ҳой, ҳоя момо жимжима,  
Дамла палов дам есин-ей, ҳой, ҳоя момо жимжима.

Қўй гўшти думбали бўлсин, ҳой, ҳоя момо жимжима,  
Ичida сабзи мўл бўлсин, ҳой, ҳоя момо жимжима,  
Ичida майиз кўп бўлсин, ҳой, ҳоя момо жимжима,  
Кампир еб мазза қилсин, ҳой, ҳоя момо жимжима,  
Боболар еб кўк чой ичсин, ҳой, ҳоя момо жимжима,  
Ёшу қари баҳтига, ҳой, ҳоя момо жимжима,  
Юртбошим омон бўлсин, ҳой, ҳоя момо жимжима.

“Кизил гул” сайлида ижро этилган бу құшиқда одамларнинг баҳорий сайил баҳш этган әзгу түйгулар оғушидаги оний ҳолатлари, “Кизил гул” сайлиниң үтказилиш тартиби, унинг удумлари, кекса онахонлару нуроний отахонларнинг бу сайилда қатнашиб, күкіламга эсон-омон етиб келгандыктикара шукронда айтишлари тараннум этилган.

“Кизил гул” сайлиниң үтказилиш тартиби, унинг удум ва ой-инлари, сайил билан боғлиқ фольклор асарлари халқимизнинг маънавий қадриятлари тизимида муҳим ўрин тутган. Табиатнинг күкіламги уйғонишини поэтик идрок этиш ва ўлиб-тирилувчи табиат культларига сифиниш билан алоқадор мифологик тасаввурлар асосида келиб чиққан бу сайил XX асрнинг ўрталарига қадар анъ-анавий тарзда үтказиб келинган.

“Кизил гул” сайлиниң поэтик фольклори табиатнинг фусункор гүзалигини улуглаш билан бир қаторда ижодкор халқимизнинг руҳий кечинмаларини ҳам бадиий ифода этган. Бу құшиқтар табиатни севищга, инсоний меҳр-оқибатни қадрлашта, ота-боболар анъаналарига содиқ бўлишга, она юрг тупроғида ўсган ҳар бир гиёҳ, ҳар бир дараҳт, ҳар бир гулни мўътабар тутишга унданган. Шунинг учун ҳам “Кизил гул” сайли ритуал маросимлардан бири сифатида анъанавий тарзда үтказилиб, бу сайил билан боғлиқ фольклор асарлари асрлар оша сайқаллари қаланиб, такомиллашиб келаверган.

## ЁМГИР ЁДИРИШ МАРОСИМЛАРИ

Деҳқончилик халқимизнинг энг қадимий машғулотларидан бири ҳисобланади. Шу боис, аждодларимизнинг табиат ҳодисалари билан боғлиқ мифологик қарашлари ҳамда баҳор фаслига оид маросим фольклори силсиласида йил курғоқ келганда ёмғир ёдидириш маросимига алоқадор эътиқодий қараш ва айтимлар алоҳида ўрин тутади.

Этнограф Е.М.Пешчерева Зарафшон водийси аҳолиси орасида «Бобо Қамбар» номини тилга олиб ёмғир сұраш маросими мавжудлигини аниқлаган. Унинг ёзишича, курғоччилик бўлганда дараҳтларда тумор осганлар ва унинг тагидан ёмғир чақириш мақсадида сув сепганлар. Болалар тупроқ уюмидан чуқур ковлаб, уни сув билан тўлдирганлар. Сўнгра ана шу чуқурчалардаги сувга тошларни ташлаганлар. Натижада момақалдироққа ўхшаш товуш чиқиб, атрофга сув сачраган. Болалар тош ташлаётган пайтда:

*Қамбар, Қамбар сув қўйворгин,  
Сигирларга сут қўйворгин! –*

деб қўшиқ айтганлар (Пещерева Е.М., 1926. – С.91).

Бундан ташқари, агар йил қурғоқ келса, Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида сумалак пишириб, тупласини сувга оқизадилар, ийирма юпқа қилиб, у ҳам сувга оқизилади, ис қилиб тарқатилади, Шофиркон туманидаги Талижа қишлоғида сумалакка ҳар хил тошларни солиб, сумалак пишгандан кейин ўша тошларни териб олиб бирор рӯтнинг бўйига қон чиқарib қўмишган. Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги Арабсарой қишлоғида қурғоқчилик бўлса, ариқнинг бўйига қозон қуриб бўғирсоқ пишириб, «ёмғир ёғсин» деб ирим қилинар экан. Самарқанд вилоятининг Паҳтачи туманида сумалак пиширилган қозонни ювиб, суви дарёга оқизилган ёки сумалак пишириш вақтида ўстирилган майсанинг сувини сиқиб олишган-да, шу майса қолдигини ариққа, дарёга оқизишган. Шундай қилинса, мўл-кўлчилик бўлади деб ирим қилишган.

Паҳтачиликлар баъзан ёмғир ёғмаса, шўраларни териб, уни чошиб, сувини сиқиб олиб қибла томонга қараган деворга сепишган ёки тошбақани чаппа қилиб тагига тупурганлар ёки тошбақани сувга ташлаганлар. Навбаҳор туманидаги Учтут қишлоғида қурғоқчилик бўлганда ариқдаги бақани ушлаб, оёғидан дарахтга осиб қўйганлар, сумалакнинг тупласини ариққа тўкканлар, тошбақани ағдариб қўйганлар, кексалар «*Бурай, бурай, буралайни кўрай*» деб эсмонга қараб қўшиқ айтганлар.

Ўратепа туманида ёғингарчилик бўлмаса оиласдаги ёлғиз қиз тарновнинг тагида туради ва унинг устидан сув қуядилар. Қоракўл туманидаги Сайёд қишлоғида илгарилари қурғоқчилик бўлганда ёмғир ёғдириш учун қишлоқ қариялари тўпланишган. Уларнинг ҳаммасида сув бўлган. Бир аёлни эшакка миндириб устидан сув сепганлар. Унинг кийимлари қуригач, ёмғир ёғади деб ирим қилганлар.

Бойсун шаҳридаги Кўктепа маҳалласида яшовчи Холиқ бува Раҳмоновнинг айтишича, агар баҳорда ёмғир кўп ёғса, “*бош боланинг кетини куйдириш*” удуми бажарилади. Бунинг маъноси шундаки, ёмғир бир неча кун тинмаса, бир чўпнинг бошига латта ўрайди-да, оиласдаги бош боланинг кетини ялонгочлаб, ҳалиги латта ўралган чўп билан унинг кетига уч марта уриб, сўнгра ўша латтани куйдиради. Кейин ўша ёнаётган латтали чўпни ерга суқиб қўяди.

Ўтмишда айниқса, лалми әкинзорларидан мұл ҳосил күтаришда бириңчи галда миришкор дәхқонлар мәхнати ҳамда йиллик ёғин сочин миқдори муҳим аҳамият касб этган. Шунинг учун ҳам лалмикор ерларда дәхқончилик қылған боболаримиз йил қурғоқ келганды ёмғир ёғдириш мақсадида ўзига хос маросимларни ўтказғанлар. Бу маросимлар “Суст хотин”, “Сус хотин”, “Сув хотин”, “Сут хотин”, “Сұз хотин”, “Чала хотин”, “Чайла қозоқ”, “Туз хотин” каби номлар билан аталған.

## СУСТ ХОТИН

Ёмғир чақириш билан боғлиқ маросимларнинг кенг тарқалған күриниши «Суст хотин» деб аталған бўлиб, бу маросимга оид илк илмий қайд муаллифи ўлкашунос Г.Арандаренкодир. У ўзининг 1877 йилда ёзилған Зарафшон воҳаси аҳолисининг метереологик қарашларига оид бир мақоласида ёмғир ёғдириш маросими билан боғлиқ «Сус хотин» маросими қўшиғининг бир намунасини көлтирган. Унга кўра, мазкур маросимда қўйидаги қўшиқ ижро этилган:

*Ёмғир ёғсан, сус хотин,  
Арна пишсан, сус хотин,  
Сигир ийсан, сус хотин*

(Арандаренко Г., 1877. – С.86-87).

Ўтган асрнинг 40-50-йилларида тожикларнинг сув билан боғлиқ қадимий эътиқодларини ўрганған А.К. Богомолова Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларida қайд этилған «Суст хотин», «Сув хотин», Ўратепа туманида ўтказилиб келинған «тўйи Суст момо», шунингдек, ёмғир чақириш мақсадида ташкил қилинадиган «дарвешона» удуми тўғрисида этнографик маълумотларни көлтирган (Богомолова К.А., 1952. – №2. – С.117-118).

Этнограф олим В.Н.Басилов ёвмит туркманлари орасида қайд этилған «Суйт газан» маросими ва унда ижро этиладиган халқ қўшиқларини таҳлил қилиб, ёмғир чақириш маросимининг бу типи ўзбек ва тожик фольклоридаги «Суст хотин» маросими билан тарихий-генетик жиҳатдан муштаракдир деган холосага келған (Басилов В.Н., 1973. – С.197-200).

Фольклоршунос М.Алавия ўзбек халқ маросим қўшиқларининг турларини тавсифлар экан, «Суст хотин» жанрини ҳам эслади.

тиб ўтган (Алавия М., 1974). Ўзбекларнинг ёмғир ёғдириш маросими фольклори Б.Саримсоқов томонидан нисбатан кенг қамровда ўрганилган бўлиб, у мазкур маросимнинг ўзбеклар орасида тарқалган тўрт локал типини илмий тавсифлаган ( Саримсоқов Б., 1986, 71-110-бетлар; Саримсоқов Б., 1989. – С.37-49). Санъатшунос Р.Абдуллаев Ўрта Осиё ҳалқлари маросим мусиқаси тадқиқига оид ишларида ёмғир чақириш маросими қўшиқлари хусусида ҳам тўхталиб ўтган (Абдуллаев Р., 2006. – 80-85).

Биз 1982 йилнинг жавозсида лақай ўзбекларининг фольклорини ўрганиш мақсадида Жанубий Тожикистонда бўлганимизда, Ёвон гуманининг Султонобод қишлоғида яшовчи Бобо Муслимов, Улдана Розикова, Галабулоқ қишлоғилик Тошгул Жумаева, Кўлбулоқ қишлоғида яшовчи Саъдулла Мирсапаровлардан ёмғир ёғдириш мақсадида илгарилари ўтказилган «Суст хотин» маросими қақида қуидаги материалларни ёзиб олдик:

Кўклам курғоқ келиб лалмига экилган буғдор ўсмай қолса, ўн-ўн беш чоғли йигит-яланлар йиғилишиб, бир болани эшакка тескари миндириб, қўлига сув тўлгазилган кадини тутқазиб қўйишади. Иккита тошбақани тутиб келиб, оёғига ип болграб, эшакка осишади. Жони оғриган жониворлар зорланиб овоз чиқаради. Эшак устидаги бола эса қўлидаги кадига солиб қўйилган найчани айлантириб, тошбақа овозига монанд ҳолда «ғурр-ғурр» деб бақиради. Шундай қилиб, Йигитлар уйма-уй юришар, ҳар уйга боргандга эшак минган бола: «*Вой, жоним! Куйдим-эй! Куйдим-эй!*» - деб қичқиради. Хонадон соҳиби бўлса бир челак сув чиқариб ҳалиги боланинг устига сепади. Йигитлар уй эгаси берган дон-дун ёки бошқа бирор егуликни олиб қўшиқ айтганча бошқа ҳовли томон юришади:

*Ҳаво ёғмас бўларми,  
Томчи томмас бўларми,  
Саксондаги кампирларни,  
Сув оқизмас бўларми,  
Суст хотин-о, суст хотин,  
Куйлаклари бўз хотин.*

*Деҳқонларни ғам босди,  
Омочларни чанг босди,  
Ҳаво ёғсин зарчалаб,  
Буғдор бўлсин шохчалаб,*

*Суст хотин-о, суст хотин,  
Күйлаклари бўз хотин.*

Кўлбулоқлик Саъдулла Мирсапаровнинг хотирлашича, «Суст хотин» маросимини ўтказаётганда дэҳқонлар омочларининг учини тепага қаратиб қўйишган. Омочнинг тифига битта тошбақани осиб қўйиб қийнаганлар. Гўё жониворнинг қийналганини кўриб раҳми келган худо ёмғир юборади деб умид қилганлар. Аёллар эса уймай юришиб, «Суст хотин» қўшигини айтишган. Уй эгаси буғдой чиқариб берса, хотинлар: «Облоҳу акбар! Гулдур момо, Жалдир момо келсин. Ёмғир ёғсин, ҳаммамиз серобликка чиқайлик!» - деб ният қилишаркан. Маросим ниҳоясида йигилган дон-дундан ош пишириб, элга тарқатадилар.

Султонободлик Бобо Муслимовнинг айтишича, «Суст хотин» маросимини ўтказишда бир қиз билан болани эшакка миндириб, ҳар бирининг икки путига иккитадан – тўртга тошбақани осадилар. Аёллар эшак мингандан қиз билан боланинг устидан сув қуйиб турадилар. Олдинда бораётган хотин эса «Суст хотин» қўшигини айтади.

Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Новқа қишлоғида қайд этилган ёмғир ёғдириш маросими ҳам «Сус хотин» деб аталган бўлиб, уни ўтказишида, уч киши битта куракчага куйлак кийдириб, уни кўтарганча эшикма-эшик юрадилар ва ана шу қўшиқни айтадилар. Уй эгалари берган эҳсондан маҳсус таом пишириб, бугун қишлоқ аҳли биргалашиб тановул қиласадилар.

*Сус хотин, сус хотин,  
Ҳаволар ёғсин далага.  
Сус хотин, сус хотин,  
Ўралар тўлсин буғдойга,  
Сус хотин, сус хотин,  
Сус хотинга сув керак,  
Сус хотин, сус хотин,  
Оч қолганда нон керак.  
Сус хотин, сус хотин,  
Тандир тўла нон бўлсин,  
Қозон тўла ош бўлсин,  
Сус хотин, сус хотин,  
Аллонинг уйи куйисин*

(«ЗЎФА». Инв.№1748.Д.1.3. 56 яшар Зарҳал Бобоқуловадан 1980 йилда М.Мадраҳимова ёзиб олган).

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида эса ёмғир чақириш маросимини ўзидан тиниб-тингизган, серфарзанд, қут-баракали ва албатта, онасидан тўнгич фарзанд бўлиб туғилган момо ўтказган. У уч-тўртта хотинни эргаштириб олиб, бошига эски тўн ёки чакмон ёпинганча, уйма-уй юриб қуидаги қўшиқни кўялаган:

*Шамол елди, билмадингми, сус хотин,  
Қорлар кетди, билмадингми, сус хотин,  
Ўт-ўланлар қувраган далаларда-  
Қир-адирда кезмадингми, сус хотин,  
Арна-буғдой тўлиқ бўлсин, сус хотин,  
Катта-кичик кўнгли тўлсин, сус хотин*

(Раҳмонов Ф., 2001, 108-бет).

Ёмғир ёғдириш маросимининг турли хил намуналарида «тошбақа» деталига алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Бойсун туманидаги Робот қишлоғида яшовчи 76 яшар Нурмамат бува Бадаловдан профессор Т.Мирзаевнинг 1973 йил 27 июлда ёзиб олган маълумотига қараганда, ёмғир ёғмаса, тошбақани тўнтариб қўядилар. Роботликлар эътиқодича, тўнтарилган тошбақанинг ўзи ўнгланиб юриб кетолмайди. Шунинг учун ҳам жониворга раҳми келган худо ёғин ёғдирап эмиш.

Ёмғир чақириш маросимининг “Сус хотин” номи билан аталган бир қўриниши Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги Қирғизсарой қишлоғида этнограф олим Ф.Раҳмонов томонидан ҳам аниқланган. Бу қишлоқ удумича, ёмғир ёғдириш учун йигитлар баҳор курғоқ келганда бир қўғирчоқ ясад, унга аёлларнинг эски-туски кийимларини кийгизиб, “безатишган”. Қўғирчоқнинг бош қисмига эса битта тошбақани ип билан боғлаб осиб қўйганлар. Кейин ана шу қўғирчоқни баланд кўтариб, уйма-уй юришган ва қуидаги қўшиқни айтишган. Уй эгалари бўлса қўғирчоқ бошига илинган тошбақанинг устидан сув қўйишган:

*Ҳаволарнинг эгаси, сус хотин,  
Баҳор ойи бекаси, сус хотин,  
Сен меҳрибон энасан, сус хотин,  
Кўк тоқининг эркаси, сус хотин,  
Булутларни қамчилат, сус хотин,  
Экинларга томчилаб, сус хотин*

(Раҳмонов Ф., 2001, 107-бет).

Пахтачи туманидаги Боголон қишлоғида яшовчи 50 яшар Мастура Бобомуродовадан 1991 йилда ёзib олинган маълумотга кўра, қурғоқчилик бўлса, тошбақани ялангликка олиб чиқиб, тескари ётқизиб қўйиб, устидан сув қўйишар экан.

Ёмғир тилаш маросимида тошбақанинг табиятга сирли йўсинда гаъсир ўтказа олиш қудратига ишониш анъанаси аждодларимизнинг «ерни тошбақа қутариб туради» деган мифологик тасаввурларига боғланади. Нурота туманининг Қоракиса қишлоғида яшаган Раҳматулла Юсуф ўғли ёмғир камчил бўлса ёки ёғин-сочин бўлмай йил қурғоқ келса бир тошбақани топиб, оёғидан ип боғлаб дарахтга илиб қўйиш удумининг сабабини изоҳлайдиган қуйидаги афсонани ёзib олган. Унда айтилишича, инсон яшайдиган рўйи заминни бепоён уммонда сузиб юрувчи бир улкан тошбақа қутариб турар эмиш. Бирор сабаб билан худо ер юзига ёмғир юбормай қўйса, одамлар тошбақани ё тўнтариб қўйишар, ё бўлмаса, оёғидан ип боғлаб дарахтга осиб қўйишаркан. Дарахтга осилган тошбақанинг ўёқ-буёққа ағдарилиб турганини кўрган худо «Бу ерни қутариб турган тошбақа бўлса керак» деб ўйлаб:

- Менку ер юзига ёмғир ёғдирмайман деган эдим. Энди билсан янглишган эканман, бу қўриниб турган томон ернинг усти эмас, ости экан. Майли, бу ёғи бўлса, ёмғир ёғдирганим бўлсин! — деб ёмғир ёғдериб юборар эмиш («ЗЎФА». Инв.№1713/13. 1971 йилда ёзib олинган).

Тошбақани тўнтариб қўйиш удуми ҳалқимизнинг ёғин-сочин руҳларидан ёмғир тилаш маросимлари, ёғингарчилик ва қурғоқчиликнинг мифологик тимсоллари тўғрисидаги асотир ҳамда эътиқдий қараашларга бориб тақалади. Дунё ҳалқларининг кўхна асотирларидан бирида айтилишича, рўйи замин бепоён уммон ичидаги сузиб юрган улкан тошбақа устига ўрнатилган эмиш. Қадимги мифологияда тошбақа оламдаги жамики сувларнинг «эгаси», ёғин-сочин тартиботини назорат қилиб турувчи маъбуд сифатида ҳам тасаввур қилинган. Баъзан у ер юзидағи жами сувларни ичидаги қўяр, натижада қурғоқчилик бўлар эмиш. Шу боис, тошбақа (айрим афсоналарда қурбақа) серҳосиллик, кут-барака ва мўл ҳосил баҳш этувчи эзгулик рамзи сифатида тасаввур қилинган. Ёғингарчилик ва қурғоқчиликка ҳам тошбақа сабабчи деб ўйлаган қадимги одамлар ёмғир ёғдериш ва уни тўхтатиш билан боғлиқ мифологик ритуалларда бу жониворнинг магик қудратидан мадад тилашга қаратилган турли ирим-сирим ва айтим-аломатларни яратишган (Ев-

**сюков В.В.**, 1988. – С.92-99). Б.Саримсоқовнинг фикрича эса, «Авесто»да тошбақа қурғоқчилик тимсоли деб қаралади (**Саримсоқов Б.**, 1986).

Демак, дунё уммони ва ёғин-сочин манбай билан алоқадор деб тасаввур қилинган тошбақанинг магик хусусияти борлигига ишониш бу жонивор тұғрисидаги мифологик тасаввурларнинг асосини ташкил этади. Ёғин-сочин тилаш ёки бемаврид ёқсан ёмғирни тұхтағыш мақсадида ұтказиладиган маросимларда тошбақа билан боғлиқ ҳолда бажарыладиган амаллар бу жонивор ҳақидағи мифларнинг эътиқодий инонч шаклида халқ орасыда сақланиб қолғанrudimentлариidir.

Фольклоршунослиқда «Суст хотин» атамасининг этимологияси ва тарихий асослари масаласида ҳам муайян илмий қарашлар мавжуд. Жумладан, Б.Саримсоқов «Авесто»нинг 8-яштида келтирилған Тиштрия (Сириус) юлдузи ёмғир сувлари тангриси сифатида тасаввур қилингандығына үшбұ астрал күльт шарафига бағищлаб муайян маросимлар ұтказилғандығына асосланған ҳолда «Суст хотин» атамасидаги «Суст» компоненти «Тиштрия» космонимининг фонетик үзгаришга учраган шакли деган хulosага келади. Унинг ёзишича, «Тиштр сўзи халқ үргасида узок вақтлар қўлланилиб Туштр шаклига келиб қолған. Бизнинг тахминимизча, Туштр сўзи халқ үргасида фонетик үзгаришларга учраган Туштр //Тустр// Сустр ҳолда бизгача етиб келган Кейинчалик «Сустр» сўзи охиридаги «р» товушининг тушиб қолиши натижасида атоқли от «Суст» шаклида бизгача етиб келган» (**Саримсоқов Б.**, 1986, 82-86-бетлар).

Дарҳақиқат, Ўрта Осиё халқлари мифологиясида ёмғир худоси образи мавжуд бўлиб, А.М.Беленицкийнинг аниқлашича, унинг номи Тиштрия деб аталған (**Беленицкий А.М.**, 1949. – С.84-85). «Тиштр яшт»да «барча сувлар уруғин сақлагувчи» бу юлдуз осмонда пайдо бўлганида «отдан-да кучли сувлар келар кўқдан оқароқ» дейилган (**«Авесто. Яшт**», 72-73-бетлар).

Юқоридаги далилларга асосан, «Суст хотин» маросими аждодларимизнинг зардұштийликда «осмон сувлари», ёғин-сочин эгаси сифатида тасаввур қилинган астраль образ – Тиштрия юлдузи культи билан боғлиқ қадимий ритуаллари, хусусан, бу ёритқич шарафига қилинган қурбонлик маросимларининг тадрижий ривожи натижасида келиб чиққанлигини күрсатади.

## СУТ ХОТИН

Бу маросим номини билдирувчи сўз ҳам тарихий-этимологик жиҳатдан «Суст хотин» атамасига алоқадордир. Қашқадарё вилоягининг Касби туманидаги Миришкор қишлоғида яшовчи 67 яшар Гўпа Хидиалиеванинг 1972 йилда айтиб берган маълумотларига кўра, ҳаво ёғмаса, битта ходанинг тепа қисмига чўп боғлаб, одамга ўхшатиб қўғирчоқ ясайдилар. “Сут хотин” деб аталадиган бу қўғирчоқнинг этнига аёл куйлагини кийгизадилар ва бошига лачак ёки рўмол ўрайдилар. Момолардан бири ана шу қўғирчоқни кўтариб етти уйга боради ва ҳар хонадонга кирганида:

*Ёмғир ёғсин, Сут хотин,  
Дарё тўлсин, Сут хотин, -*

деб қўшиқ айтади.

Үй эгалари ун, буғдой, хуллас, бирорта атаган нарсаларини чиқариб берадилар. Момо етти уйдан йигилган буғдойларни ёргу-чоқдан чиқариб, овқат пиширади. Етти оила аъзолари бир жойга гўпланишиб, бу таомни биргалашиб тановул қиласидилар. Шундан кейин ҳалиги “Сут хотин”ни таом пиширилган уйнинг томига чиқариб тикка қадаб қўядилар. Миришкор қишлоғида ёмғир ёғмаганда тошбақани ҳам осиб қўядилар. Шундай қилинса, ёмғир ёғади деб ўйладилар.

“Сут хотин” маросими Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида эса бироз бошқачароқ ўтказилган. 1959 йилда фольклоршунос Т.Очилов ёзиб олган маълумотларга қараганда, агар қурғоқчилик бўлса, одамлар бир-бирини сувга пишади. Қаерда тошбақа кўрсалар, ағдариб ташлаб кетаверадилар. Болалар тошбақанинг устуга бир оёғини қўйиб, иккинчи оёғини кўтариб туриб:

*Оғирлигим сенга,  
Енгиллигим менга, -*

дейдилар.

Ёмғир ёғмай, лалмидаги буғдой ўсмай қолса, оиласида тўнғич бола бўлиб туғилган бир аёл куракка ходани қўндаланг қилиб боғлаб қўл қиласиди. Ҳосил бўлган чорчўпга кийим кийгизиб, қўлларига тошбақа осиб қўядилар. Аёллардан бири ана шуни кўтариб уйма-уй юради, унинг ёнида бораётган хотинлар ҳар уйга борганда:

*Сут хотин, сут хотин,  
Ҳаволар жосвин, сут хотин,*

*Бұғдойлар бўлсин, сут хотин,  
Ўралар тўлсин, сут хотин, -*

деб қўшиқ айтиб туришади. Уй эгаси эса бир пақир сув олиб чиқиб ҳалиги тошбақаларнинг устидан қуяди. Кейин бирор егулик билан буғдой чиқариб беради. Йифилган масаллиқдан овқат қилиб гарқатса, ёмғир ёғади дейдилар («ЗЎФА». И nv. №1597/8.).

## СЎЗ ХОТИН

Ёмғир чақириш маросимининг «Сўз хотин» деб аталган кўриниши Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий вилоятлари ҳудудида қайд этилган. Этнограф К.Шониёзовнинг аниқлашича, маросимнинг бу типи Шўрчи туманидаги Қаллиқ қишлоғида қуйидагича ўтказилган: икки ёки уч эркак томонидан ўтказилган бу маросимда эркаклардан бири аёл кишининг куйлагини кийган ва битта ёғоч ёки сопол идишни боши узра кўтарганча «Сўз хотин, сўз хотин, Куйнаклари бўз хотин» деб қўшиқ айтиб уйма-уй юрган (Шаниязов К., 1964. – С.52).

Нурота туманининг Дуоба қишлоғида ёмғир бўлмаса, кексароқ бир хотин киши қишлоқдаги хонадонларнинг дарвозасидан кириб: «Сўз хотин сўзalonим келди!» – деб қичқирган. Хонадон аҳли бир челак сув олиб унинг устидан қўйганлар.

Пахтачи туманидаги Қўшработ қишлоғида яшовчи Навбаҳор Жумаевадан 1991 йилда ёзиб олинган маълумотга кўра, ёмғир ёғдириш маросими “Сўз хотин” деб юритилган. Курғоқчилик бўлганда одамлар тошбақани ипга осиб, бир кампирни кийинтиришган ва тошбақанинг устидан сув қўйиб:

*Ёмғир ёғсин, сўз хотин,  
Ўралар тўлсин сўз хотин,  
Оқ-оққина бузоқлар  
Оқиб ўтсин, сўз хотин.  
Қарри-қурри момолар  
Жавраб қолсин сўз хотин, – дейишган.*

Шу қишлоқдан ёзиб олинган бошқа маълумотга кўра, одамлар курғоқчиликни бартараф этиш учун битта тошбақани тутиб, ип билан таёқ учига боғлаганлар ва битта кампирга эски-туски кийим кийдиришган. Кампир тошбақа боғланган таёқни кўтариб, уйма-уй юрган. У билан бирга бораётган аёллар эса, йўл-йўлакай тошбақанинг устидан сув қўйиб туриб:

*Ёмғир ёғсин, сўз хотин,  
Ўралар тўлсин, сўз хотин,  
Оқ-оққина бузоқлар,  
Оқиб ўтсин, сўз хотин,  
Қарри-қарри момолар,  
Жавраб ўтсин, сўз хотин! – деб қўшиқ айтганлар.*

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Работ қишлоғида яшовчи 76 яшар Нурмамат Бадаловдан 1973 йил 27 июлда Т.Мирзаев ёзиб олган маълумотга кўра, узоқ вақт ёмғир ёғмаганда бир неча эркак киши ва болалар бошларига чакмон ёпиниб, уйма-уй юриб ушбу қўшиқни айтишган:

*Сўз хотин, сўз хотин,  
Иштонбоги бўз хотин,  
Бизлар келдик кўп хотин,  
Ҳаво ёғсан, ҳўл бўлсин,  
Үйдим ерлар кўл бўлсин,  
Ҳосилимиз мўл бўлсин,  
Сўз хотин, сулув хотин,  
Сўз айтиб келар хотин,  
Ҳаво ёғса осмондан,  
Ҳосилин олар хотин,  
Ҳосилимиз мўл бўлса –  
Маст бўлиб юрар хотин.*

Уй эгалари эса «Сўз хотин» айтган кишиларнинг устидан сув қўйишган. Шундан кейин ёмғир ёғади деб ирим қилганлар.

Професор Т.Мирзаевга ушбу маросим тўғрисида маълумот берган ахборотчининг айтишича, «сўз хотин» - баҳор ойларида ёмғир ёққанда чиқадиган кичкина шиллиқ қуртнинг номидир.

## СЕЛ ХОТИН

Маълумки, кучли ёмғир ёғиши натижасида тоғ нишабликларида, сойларда, жарликларда ҳосил бўладиган кучли сув оқими «сел» деб аталади. Тилимизда қаттиқ ёққан ёмғирни ҳам «сел» деймиз. Ёмғир чақириш маросимининг бу локал кўриниши номи ана шу лексема асосида шаклланган. Навоий вилоятининг Арабсарой қишлоғида ҳам йил қурғоқ келган пайтда “Сел хотин” маросими қилинган. Бунинг учун қишлоқнинг сочи оқариб кетган энг кекса кампирини ҳовлига олиб чиқиб, устига оқ пустак ёпиб ўтиргизиб

қўйишган. Сўнгра бир чеълак сув олиб келиб кампирнинг устидан қўйишган ва шалаббо бўлган кампирни эшакка миндириб қишлоқ кўчаларини айлантирганлар ва :

*Сел хотин, сел хотин,  
Сув келтиурсин сел хотин, -*

деб қўшиқ айтганлар.

Самарқанд вилоятининг Пахтаки туманидаги Дарайтут қишлоғида яшовчи 60 яшар Тўти Кокиловадан ёзиб олинган маълумотга кўра, илгарилари қурғоқчилик бўлса, ер ёмғирга тўймади, бандалар орасида касалчилик кўпаймасин, вазминлик бўлсин деб “Сел хотин” маросимини ўтказганлар. Бунинг учун учта момо бошига фалвир ёпиниб олганча, кўчама-кўча юриб садақа сўраб, шундай қўшиқ айтишган:

*Сел хотин, селдир хотин,  
Ҳаволарни ёғдир хотин,  
Ерларимиз қурғоқ бўлди,  
Бандалар сувлоқ бўлди.*

Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида яшовчи Ҳазратқул баҳши Худойбердиевдан 1985 йил 26 марта ёзиб олинган маълумотга кўра, агар баҳор ойида ёгин гарчилик кам бўлиб, экинлар сувсизликдан қурий бошласа, хотин-қизлар тўпланишиб, 25-30 яшар, эмизикли чақалоғи бор бўлган бир аёлни уйма-уй олиб юриб, ҳар хонадоннинг дарвозаси олдига борганда унинг устидан бир чеълак сув қуиб ана шу қўшиқни ижро этадилар.

*Сел-сел хотин, сел хотин,  
Селларга оқсин шул хотин,  
Еру замин гулга тўлса,  
Гуллар тақсин шул хотин.*

## СУВ ХОТИН

Ёмғир ёғдириш мақсадида ўтказилган маросимларнинг туб мөҳияти «ёғин-сочин эгаси» деб тасаввур қилинган мифологик кучларга мурожаат қилиб, ёмғир сўрашдан иборатdir. Шунинг учун бўлса керак, баъзи жойларда бу маросим «Сув хотин» номи билан

оммалашган. Бу маросимнинг ўтказилиш тартиби хусусида К.Шониёзов ҳам маълумот бериб ўтган (*Шаниязов К.*, 1964. – С.51-52).

Самарқанд вилоятининг Каттақўргон туманидаги Уйшун қишлоғида қурғоқчилик бўлганда ёмғир ёғдириш учун қуидаги маросим ўтказилган: бир кампир бошига нон ёпишда ишлатиладиган рапидани кийиб олиб, икки енгига эса тандирдан нон узадиган енглик – “енгса”ни кийган ва уйма-уй юрган. Одамлар ҳазил-хузул билан унинг бошидан сув қуишган ва:

*Сув кампир, сув кампир,  
Ёмғирни ёғдирган кампир,  
Буғдойни уйдирган кампир,  
Ўрани тўлдирган кампир, - деб қўшиқ айтганлар.*

Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги Бердали қишлоғида ёмғир ёғдириш маросимиини асосан ёш болалар ўтказишган. Болалар битта қўғирчоқни ясаб олиб, ўшани қўтарганча уйма-уй юриб қўшиқ айтишган:

*Сув хотин, ивиб кел,  
Булултарни қувиб кел,  
Ёмғиринг сўл бўлсин,  
Ўралар кўл бўлсин,  
Ёмғир ёғ, сочим ўс,  
Ёмғир ёғ, сочим ўс!*

(Рахмонов Ф., 2001, 109-110-бетлар).

Сирдарёликлар кампир шаклидаги қўғирчоқни кўтариб олиб, қишлоқ қўчалари бўйлаб юриб, қўшиқ айтишган. Ҳар уй олдига борганда хонадон соҳибаси кампир-қўғирчоқнинг устидан сув қуиған. Ёмғир ёғдириш маросимида айтиладиган қуидаги қўшиқ на-мунасини фольклоршунос Охунжон Собиров ёзиб олган:

*Сув хотин - султон хотин,  
Кўланкаси майдон хотин,  
Сув хотин - сувсиз хотин,  
Куйлаклари бўз хотин.*

*Ёмғир ёғсин сув хотин,  
Буғдой пишсин сув хотин,  
Хирмон тўлсин сув хотин,  
Сув хотин - сувсиз хотин.*

*Ҳавони ёғдирган сув хотин,  
Буғдоини бўлдирган сув хотин,  
Элни тўйдирган сув хотин,  
Сув хотин - сувсиз хотин.*

Қадимда қурғоқчилик йиллари ёмғир ёғдириш учун магик кучга эга деб тушунилган тошдан ҳам фойдаланилган. Аммо ёмғир ёғдириш маросимининг кейинги тараққиёти натижасида «ёмғир тоши» ҳақидаги тасаввурлар унуглилган. Шаҳрисабздан 40 км. шарқроқда, жасур Муқаннанинг охирги қароргоҳи вазифасини ўтаган Ҳисорак қишлоғида кузатилган «Сув хотин» маросимида қўлланилган бир усул ўша яда тоши тўғрисидаги афсоналарни эслатгандай бўлади: кампир-қўғирчоқ кўтарган аёлнинг қетидан бораётган икки нафар эркак қўлларидағи тошларни бир-бирига уришириб, маросим қўшиғига жўр бўлиб овоз чиқаришади. Ёмғир чақириш маросими - «Сув хотин»да тошдан фойдаланиш удуми, бизнингча, яда тоши ҳақидаги иримларга боғланади.

### ЧАЛА ХОТИН

Ёмғир чақириш маросимининг бу варианти ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг 1981 йилги фольклор экспедициясида аниқланган. Б.Саримсоқов буни ёмғир ёғдириш маросимининг тўртингчи локал варианти деб ҳисоблайди (**Саримсоқов Б.**, 1986, 76-77-бетлар). Бухоро вилоятининг Коракўл туманига қарашли қишлоқларда ҳам ёмғир ёғдириш ва уни тўхтатиш билан боғлиқ талайгина анъаналар сақланиб қолган бўлиб, Жигачи қишлоғида яшовчи 70 яшар Олия момо Ондамурод қизидан:

- Момо, қадимда йил қурғоқ келса, қандай ирим-сирим қилинарди, - деб сўраганимизда, у:

- Бутун умидимиз ёмғир – қордан эди, болам. Қиши бўйи еримизга қор тўплардик, тупроқ тўйинади деб. Кўклам қурғоқчилик келиб, намгарчилик бўлмаса, ерлар метиндай бўлиб қотиб, омочнинг тиши ўтмай қолади. Шундай пайтларда момолар йиғилишиб, «Чала хотин» ўйнар эдик. Хотинларнинг битта кайвонироги эгнига эски-туски нарсаларни кийиб, бошига битта капкирни қистириб оларди. Уни «Чала хотин» дегич эдик. «Чала хотин» уч-тўртта гапга гул қўндирадиган хотинни изидан эргаштириб, эшикма-эшик юради. Хотинлар ҳар уй олдига борганда:

*Қивладан бир булут келар,  
Ёғаман деб.  
Момолар титрашади,  
Үламан деб.  
Ёғса ёғсин арпа-буғдой устина,  
Уравер селлар.*

*Онамнинг тўнгичиман,  
Козоннинг қурғичиман,  
Ёмғирнинг ёғдиргичиман,  
Ёғса ёғсин арпа-буғдой устина,  
Уравер селлар,*

- деб қўшиқ айтишади. Уй эгаси «Чала хотин»нинг устига бир сатил сув сепади. Сўнгра бироз буғдойми, унми, хуллас, нимаики хайр қилган бўлса чиқариб беради. Хотинлар бу нарсаларни халтага соглаш:

*Айланади Чала хотин,  
Ўрглади Чала хотин,  
Худо берса оби раҳмат,  
Ёғаверсин селлар,*

- деб нариги уй томонга йўл оладилар. Шу тариқа бутун қишлоқни айланиб чиқиб, йифилган буғдойдан ҳалиса (ҳалим) пишириб, эломон худойи қиладилар, - деб ҳикоя қилиб берди Олия момо.

Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги Қарноб қишлоғида йил қурғоқ келса ўтказилган «Чулдир хотин» маросими ҳам шу типга мансубдир. Чунки маросимнинг бу варианти номидаги «чул» сўзи этимологик жиҳатдан «Чала хотин» атамасининг биринчи қисми билан ўзакдош деб ҳисоблаймиз. Бердикулова Яхшигулнинг айтишича, Қарнобда ёмғир ёғдириш учун бир қызнинг устидан сув қуйиб, қўшниларникуга ўтказиб юбориб, қуйидаги қўшиқни айтганлар:

*Чул хотин, чулдир хотин,  
Ёмғирларни ёғдир хотин,  
Буғдоиларни бўлдир хотин,  
Майсаларни ўстир хотин.*

Энди «Чала хотин» атамасининг келиб чиқиши тарихи ва бу ном гаркибидаги «чала» компонентининг этимологияси хусусида тўхтлайлик. Бизнинг фикримизча, ўзбек тилида кенг кўлламда қўлла-

ниладиган «жилдирамоқ» сўзининг этимологик асоси ҳисобланган «жил» ўзаги, кичик ирмоқ маъносини англатадиган «жилга» лек-семасидаги «жил» компоненти, Қоракўл шевасида кўлмак маъносида ишлатиладиган «чалчиқ» диалектизмининг негизи ҳисобланган «чал» сўзи қадимда «сув» маъносини англатган. Шунингдек, Хоразм шевасида ариқча маъносини билдирувчи «солма» сўзи мавжуд бўлиб, унинг этимологик негизи «сол» ҳам тарихан «чал» этимони билан алоқадордир. Бинобарин, Крим, Кавказ, Мўгулистан, Бурятия, Қозоғистон ҳамда Ханти-Мантий автоном округида дарё ирмоғи «сал» ёки «сала» деб аталади (Чагдурев С.Ш., 1980. – С.84). Бу сўзининг этимологик маъноси ҳам «сув»ни англатганилиги-га шубҳа йўқ.

Демак, «чал» / «жил» / «сал» лексемалари сув маъносини билдирувчи протурк, яъни туркий халқлар аждодлари тилига мансуб сўзлар бўлиб, кенг қамровда кўлланилиши жараёнида муайян товуш ўзгаришларига учраган. Ҳозирги ўзбек тилидаги кучли ёмғир маъносидаги «жала» сўзи ҳам шу ўзак лексема асосида келиб чиқсан. Демак, «Чала хотин» атамаси таркибидаги «чала» компоненти ёмғир, жала маъноларини билдиради.

## КЎСАМ-КЎСАМ

ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг 1986 йилги фольклор экспедицияси чоғида аниқланишича, Бухоро вилоятининг Қоракўл туманинаги Вахм қишлоғида ёмғир чақириш маросими «Кўсам-кўсам» деб юритилар экан. Вахмлик Дурсун момо Ўраеванинг айтишича, баҳорда курғоқчилик бўлса, кампирлар тўпланишиб, бир катта таёқнинг бошига чўп боғлаб, устидан куйлак кийгизиб қўғирчоқ-кампир ясашар экан. Момоларнинг кексароги ўша қўғирчоқни кўтариб олиб, уйма-уй юаркан. Ҳар кимнинг эшигига борганда қўғирчоқ кўтарган момо:

*Кўсам, кўсам, ҳой кўсам,  
Бир олача той кўсам,  
Сен кўсамни кўмарман,  
Эрта туриб очарман,  
Ёмғирларни сочарман,*

- дея қўшиқ айтар экан. Хонадон эгаси бир кося сув олиб чиқиб, «Кўсам-кўсам»нинг, яъни кампир-қўғирчоқнинг устидан қуяркан. Шундай қилинса, илтижо ижобат бўлиб, ёмғир ёғади деб ирим қилишган. Уй эгаси буғдойми, унми, хуллас, бирор нарсани хайр

қилиб чиқарып берган. Момолар шундай қилиб, уйма-үй юриб айтим айтиб, айланиб чиққанлар ва түпланған маҳсулотлардан әлга худойи қилиб бергандар. Маросим ниҳоясига етгач, «кұсам-кұсам»ни, яъни аёл кийими кийгизилған құғирчоқни суви йүқ ариққа күмгандар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1986 йил 10 июль).

Ёмғир ёғдириш маросимининг Вахм қишлоғида қайд қилинган вариантида құғирчоқни сувсиз ариққа күмиш анъанаси ҳам бежиз эмас. Чунки Олот туманининг Баҳринбаёт қишлоғида яшовчи 74 яшар Жумадурди Бегиевнинг айтишича, илгарилари қурғоқчилик бўлганда қишлоқнинг ўнта ўғил боласини суви қуриган ариқ ичидан югуртириб, худодан ёмғир тилаш удуми бўлган («ЗЎФА». И nv. №1827/20. М. Пирматова ёзиг олган).

Халқ орасида «Кұсам-кұсам» маросими номини англатувчи атама таркибидаги «кұса» лексемаси қадимда сув билан боғлиқ бўлган деб тахмин қилишга асос берадиган «*Кұса борса кўл қурийди*» деган мақол ҳам бор.

Вахмликларнинг ёмғир чақириш мақсадида ўтказган «Кұсам-кұсам» маросими тарихий-генетик жиҳатдан озарбайжон фольклорида қайд қилинган «кёса-кёса» маросими билан боғлиқ бўлиши керак. Манбаларда қайд қилинишича, қиш ниҳоясига етиб, қўклам бошланған пайтда озар қишлоқларида аёллар «кёса» деб аталувчи битта катта құғирчоқни кўтариб уйма-үй юришган ва ҳамқишлоқларини баҳор келганлиги билан қутлашган. Бу ўринда «кёса» қишининг антропоморф тимсоли сифатида тасаввур қилинган (*Бу ҳақда қаранг*: Велиев В., 1988, 96-100-бетлар; Гулиева Ш., 1989. – С.116).

## ЧАЙЛА ҚОЗОҚ

Ёмғир ёғдириш маросимининг қашқадарёлик қорлуқлар орасида қайд этилган вариантининг номи «Чайла қозоқ» дейилади. Танниқли этнограф КШониёзовнинг ёзишича, Қашқадарё вилоятининг Косон туманида яшовчи қорлуқлар ёғингарчиллик кам бўлганида «Чайла қозоқ» маросимини ўтказишган. Ўн-үн беш ёшлар чамасидаги ўн-үн бешта ўғил бола бир ярим метр таёқнинг учига кичикроқ чўп боғлаб куйлак кийгизганлар. Болалардан бири ана шу құғирчоқни боши узра баланд кўтариб олган ва бошқа ҳамроҳларини эргаштириб уйма-үй айланиб чиқишиган. Ҳар уйга борганда «Чайла қозоқ ыйғлайди, нону патир тилайди» айтимини айтганлар (**Шаниязов К.**, 1964. – С.52).

Касби туманидаги Миришкор қишлоғида яшовчи 48 яшар Тұхта Хосиятовадан 1972 йил 14 июнда З.Хусаинова ёзиб олган маълумотга күра эса, ёмғир ёғдириш маросимининг ушбу вариантида:

*Чайла қозоқ йиғлайды,  
Нону патир тилайды,  
Күккина қўзи маърайди,  
Күккина ўтни тилайды, -*

деб қўшиқ айтилган («ЗЎФА». И nv.№1652/15).

«Чайла қозоқ» атамасининг биринчи компоненти, яъни «чайла» сўзининг ўзаги «чай» бўлиб, тилимиздаги «чайқамоқ», «чаймоқ» сўзлари шаклланишига асос бўлган ва назаримизда, тарихан «сув» маъносини англатган «чай» лексемаси билан боғлиқ. Туркман тилида «чай» сўзи «сув оқадиган ёки бир вақтлар сув оққан катта жар» маъносида қўлланади («Туркмен дилининг сўзлиги», 733-бет).

Қоракўл туманининг Тангачар қишлоғида «чойим-чойим» номли болалар ўйини мавжуд бўлиб, болалар «Чойим-чойим, неча чойим?» деб кичкина тошчаларни сув бети бўйлаб отиб юборадилар ва тошчанинг сув юзасига тегиб-тегиб учеб ўтишини санайдилар. Қайси боланинг тоши сув бетида кўп «сакраса», ўша голиб ҳисобланади. Бу ўйин номи ҳам «сув» маъносини англатувчи «чай» тарихий ўзаги асосида келиб чиқсан.

Ўйлашимизча, ёмғир ёғдириш маросимининг Қаш-қадарё воҳасида қайд этилган локал вариантининг номини билдирувчи «Чайла қозоқ» атамаси ҳам «сув» маъносини билдирувчи қадимий «чай» ўзаги негизида шаклланган.

## ЁМҒИР ТИНДИРИШ

Туркий халқлар табиат ҳодисаларини жонлантириб тасаввур қилганларни учун атрофимизни ұраб олган моддий оламга таъсир ўтказиб, уни инсон измига бўйсундириш мумкин, деб ўйлашган. Шу аснода табиат билан сирли равишда мулоқотга киришишнинг магик усуслари ёки турли хил жодугарлик амаллари ўйлаб топилган. Курғоқчилик бўлганда худо берган оби раҳмат экин-тикини куриб бораётган Бобо дехқон учун нечоғлик мұътабар бўлса, айни ҳосилни йигиштириб оламан деб турганида ёки эрта кўкламда ерга уруғ қадайдиган пайтда бевақт ёққан ёмғир шунчалик ташвиш келтир-

ган. Осмонда булат пайдо бүлганини күрган одамлар бемаврид ёғин- сочиннинг олдини олишга, сеҳр-жоду ва руҳий таъсир ёрдамида ёмғирни ёғдирмасликка, булатларни тарқатишга ҳаракат қылғанлар. Сўз сеҳрининг гаройиб мұжизасига ишонган одамлар бевақт ёғажак ёғин-сочиннинг олдини олиш билан боғлиқ қатор ирим-сирим, афсун ва айтимларни яратишган.

Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Қумкашон қишлоғида ис- гиқомат қилувчи 1927 йилда туғилган Ойпара момо Мурод қизининг айтишича, илгарилари кўк юзини қора булат қоплаб, ёмғирдан дарак берувчи намчил эпкин эса бошласа, шу яқин кунларда тўй қилишни ният қилғанлар ёки экин-тикин эқмоқчи бўлган кишилар узоқ чўзиладиган намгарчилик ташвишларининг олдини олиш мақсадида оиласининг тўнғич боласини бошяланг ҳолда ҳовлига чиқариб қўйиб:

Ёғма, ёғма, ёғма, ёғир,  
Ёлғиз оғам чўлладир,  
Беллари тиљла камарли,  
Савдогарим йўлладир.  
Қайт булат, қайтгин, булат,  
Қирлар томон кетгин, булат.  
Тўнғичимнинг тўни йўқдир,  
Тўхтамай йитгин, булат, -

дея қўшиқ айтишар экан. Шундай ирим қилинса, гўё булат тарқалиб, ёмғир салгина себалаб ўтиб кетаркан.

Ҳаво айниган пайтда ёмғирнинг олдини олиш мақсадида бундай айтим ва қўшиқлар билан табиатга мурожаат қилиш анъанаси туркий халқларнинг деярли барчасида учрайди. Масалан, қирғизларнинг тасаввурига кўра, ёмғир икки хил бўлади: осмоннинг ҳамма ёғини қоп-қора булатлар қоплаб, кучли ёмғир ёғса, бу «қора ёғир» дейилади. Агар осмоннинг бир томони очиқ бўлиб, булатлар сийрак бўлса ва ёғин салгина себалаб ўтса, буни «ўтқун», яъни «сўқир ёғир» дейдилар. Овулининг устидан ана шундай «сўқир ёғир» булути сузиб ўтаётганини кўрган кишилар осмонга қараб:

Ўтқун, ўтқун, ўтга чоп,  
Қора сувга етиб чоп.  
Бизнинг уй қалқон бўлсин,  
Қалмоқнинг уйи толқон бўлсин! -

дейдилар (Айтбаев М.Т., 1959. – С.71).

Булутни тарқатиб, ёфиши мумкин бўлган ёмғирнинг олдини олишга қаратилган айтим ва афсунлар қачонлардир табиатга сирли таъсир ўтказа оловчи коҳинлар - маглар томонидан ижро этилган. Даврлар ўтиши билан ёмғир ёғдириш ва уни тиндириш, булутни қайтариш мақсадида ўтказилган маросимлар чогида ижро этилган айтимлар ҳам халқ орасида кенг оммалашган. Булутни қайтариш ёки ёғин-сочиннинг олдини олиш маросими ёмғир ёғдириш ёки уни тўхтатиш қобилиятига эга деб тасаввур қилинган афсунгарлар ёки ядачилар томонидан ўтказилган булиб, бу анъана кейинчалик унутилиб кетган.

Халқимиз орасида қайд этилган этнофольклористик маълумотларга кўра, ёмғирни тўхтатиш билан алоқадор талайгина иримсирим ва айтимларда тўнгич образига алоҳида эътибор берилган. Хусусан, нуроталиклар удумича, ёмғирни тиндириш учун деворга ойна осишган ва оиласдаги тўнгич бола орқасини қиблага қаратиб очиб туриб, икки кафти билан кетини шапатилаб уриб турган (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 2004 йилда Жумаева Зилоладан ёзиб олинган). Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги Хоразм жамоа хўжалигида яшовчи 58 яшар Маъруфа Йўлдошеванинг айтишича, ёмғир кўп ёғса, онадан биринчи бўлиб туғилган болани ялонгоч қилиб, уч марта кетиға чўмич билан уриб уйнинг атрофини айлантирганлар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1997 йил).

Самарқанд вилоятининг Паҳтачи туманида узоқ вақт ёқсан ёмғирни тўхтатиш учун тўнгич фарзанднинг этагини кўтариб ёмғира тутишган (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1991 йилда М.Норбуатавадан ёзиб олинган). Шу туманинг бошқа бир қишлоғида эса тўйда ёмғир ёғса тўнгич боланинг орқасини очиб «*Ёмғир тинсин, тўй бўлсин, кўп-кўп бўлса ёғаверсин*» деб ирим қилишган (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. Самарқанд вилоятининг Паҳтачи туманида яшовчи Расурова Кароматдан 1991 йилда ёзиб олинган).

Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги Қорабоғ қишлоғида ҳаво ёғса уни тўхтатиш учун тўнгич бола этагини кўтариб «*Жовин тинсин, жовин тинсин, жовин тинсин*» деб уч марта тақрорлаган (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1917 йилда туғилган Яхшигул момо Мирзакуловадан 1983 йилда ёзиб олинган).

Тожикистон Республикасининг Ўратепа туманидаги Қайирма қишлоғида ёмғир ёғдириш маросимида оиласда якка-ёлғиз қиз бола фаол иштирок этади: ёмғир ёғмаса ёлғиз қизни **таривнинг тагида қўйиб**, устидан сув қуядилар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1982 йил 11 июнь).

Олот туманидаги Навоий номли жамоа хұжалиги худудидаги Қассоббаёт қишлоғида яшовчи 60 яшар Тугма момо Жума қизи-дан 1989 йилда ёзіб олинган маълумотларга қараганда, бир неча күн сурункасига ёғингарчылык бұладыған пайтларда одамлар қора құғирчоқ ясаб, ёмғир тұхтатиши маросимини үтказишигандай экан. Бұннинг учун қамишдан кичкина құғирчоқ ясаб, оқ мато бұлакларни қозонкуяға белаб, қоп-қора рангли «либос» кийдирадилар ва уни үйнинг қибла томонға қараган деворига қистириб құядылар. Қора құғирчоқни деворға қистирған момо ёш оиласардан бири-нинг түнгіч боласини ташқарига олиб чиқади-да, орқасини очиб, үй атрофини уч марта айлантириб:

*Онамнинг түнгічиман,  
Кети ялангочиман,  
Қозоннинг құргічиман,  
Ёмғирни тиндиргувчиман!*

- дейди ва боланинг орқасига уч марта шапатилаб құяды.

Құғирчоқнинг ранги масаласига келсак, бириңчидан, узоқ да-вом этадыған ёғин «қора ёмғир» деб аталғани боис, құғирчоқни ҳам шундай рангда тасаввур қилишган. Иккінчидан, қадимда ёмғирни тиндириш маросимида ёғин-сочин «эга»лари билан бир қаторда қурғоқчылык көлтирган руҳларға ҳам мурожаат қилинган. Аждодларимизнинг бебақо ижоди «Авесто» талқынларига құра оқ от қиёфасидаги ёғин-сочин ва ҳосилдорлик тимсоли Тиштрия қора от қүринишидаги қурғоқчылык рамзи ёвуз Апаушага қарши доимий кураш олиб борар әмиш (Андріанов Б.В., 1978. – С.70). Ёмғир тиндириш маросимларыда құлланилувчи магик восита - құғирчоқнинг қора тусда бұлиши боболаримизнинг қурғоқчылык руҳлари тұғрисидаги қадимий эътиқодлари асосида юзага келган аньанадир.

Худди шунга үхшаш удум Помир ва Їзғуломда яшовчи тоғиж-ларнинг ёмғир тиндириш маросимларыда ҳам қайд қилинган. Улар 20-30 см узунликдаги қамишдан құғирчоқ ясаб, либослар кийди-ришади ва юзининг ярмини қозон қораси билан бұяб, уни одамлар оёғи етмайдыған тозароқ жойға, масалан, ҳайдалған дала ўртасига ўрнатып құядылар. Гүё ёмғирдан ивиб кетған «кампир»га худонинг раҳми келиб, ёмғирни тұхтатар ва ҳаво очилиб кетармиш (Мухиддинов И., 1989. – С.77).

Ёмғир тұхтатиш маросимининг түнгіч бола шахси билан боғлиқ бўлган кўриниши Қоракўл-Олот воҳасида сақланиб қолган. Қоракўлiliklar ёмғир кўп ёқсанда, оиласидаги түнгіч бола уй атрофини уч марта айланиб чиқиб: «*Онамнинг түнгічиман, ёмғирни тиндиргувчи-ман!*» - деса, ҳаво очилиб кетади, деб ирим қиласилар. Ёмғир тұхтатиш иримларининг сумалак пишириш билан боғлиқ кўринишлари ҳам мавжуд. Қоракўл туманидаги Вахм қишлоғида яшовчи Дурсун момо Ўраева билан 1986 йилда суҳбатлашганимизда, ёмғир тиндириш ҳақида ғоят қизиқарли бир маълумотни эшигтан эдик: Эрта кўкламда сумалак пишираётганда осмонга булат келиб, ҳавонинг авзойи бузилса-ю, ёмғир томчилай бошласа, оиласада түнгіч фарзанд бўлган болани сумалакнинг дошқозони атрофидан уч марта айлангириб, капкир билан орқасига уч марта уриб:

*Онамнинг түнгічиман,  
Козоннинг қурғичиман,  
Ёмғирни тиндиргувчи-ман,  
Тин, тин ёмғир, тин, ёмғир!*

*Булутларни дўндараман,  
Ёмғирни тиндираман,  
Сумалакни сундираман,  
Тин, тин ёмғир, тин, ёмғир!* - дейишаркан.

Кўринадики, ўзбекларнинг ёмғир тиндириш билан боғлиқ қарашларида түнгіч боланинг сеҳрли қудратига алоҳида эътибор берилади. Хўш, оиласада бош фарзанд бўлиб туғилган болада қандай мўъжизавий куч борки, ёмғир тиндириш учун иккинчи ёки кейинги болалар эмас, айнан түнгіч айлантирилади?

Маълум бўлишича, табиат ҳодисаларига сирли таъсир ўтказишига қаратилган магик маросим ва ирим-сиримларда түнгіч болага алоҳида дикқат қилиш анъанаси жаҳоннинг турли жойларида яшовчи ва ҳар хил тилда сўзлашувчи бир қанча ҳалқлар фольклори учун муштарак ҳодиса экан. Масалан, Озарбайжоннинг шимолий-шарқий туманларида кенг тарқалган анъанага кўра, бир неча кун тинимсиз ёмғир ёғса, онасининг түнгичи бўлган қизалоқ ҳовлига чиқади-да, қўлидаги ипга бир неча тугун солиб туриб:

*Мен онамнинг илкиси,  
Оғзи қора тулкиси,*

*Агар қүёш чиқмаса,  
Маҳшаргача боғлиси, -*

дэйди. Бу удум «туманни боғлаш» деб аталади. Агар оиланинг, түнгич боласи ўғил бола бўлса, у ҳовлига чиқади-да, болтанинг тифини тепага қаратиб қўйиб:

*Мен онамнинг илкиси,  
Оғзи қора тулкиси,  
Булатларни тўсарман,  
Бу ёмғирни кесарман, -*

дэйди (Гулиева Ш., 1890. – С.166. Кўшиқ матни ўзбекча таржимада берилди).

Айрим озар қишлоқларида эса ёмғир тўхтатиш билан боғлиқ бу қадимий маросим деярли унутилиб кетган бўлиб, унинг қўшиқ ва айтимлари болалар фольклоридагина сақланиб қолган, холос. Фольклоршунос Д.Багиров томонидан таҳлил қилинган «Мен - түнгичман» ўйини ана шундай айтимлар асосида юзага келган. Агар бир неча кун сурункали ёқсан ёмғир кечга томон тинса-ю, булатлар тарқаб, кўкда юлдуз милтираб кўринса, қишлоқ болалари йигилишиб «Мен - түнгичман» ўйинини ўйнашган. Болалар давра олиб турадилар, оиласининг түнгичи бўлган бола эса:

*Мен онамнинг илкиси,  
Оғзи қора тулкиси,  
Юлдуз, сени боғларман,  
Тўрт томонинг доғларман,  
Агар ҳар кеч чиқмасанг,  
Маҳшаргача боғларман! -*

деб қўшиқ айтади. Гўё шундан кейин ёғин-сочинли кунлар тугаб, эртаси тонгданоқ қуёш чараклақ чиқар эмиш (Багиров Д., 1936. – №4-5. – С.190. Кўшиқ матни ўзбекча таржимада берилди).

Ёмғир тиндиришнинг худди шундай усули қорачой-болқар фольклорида ҳам учрайди. Т.Х.Ҳожиевнинг ёзишича, ёзги пичан ўрими пайтида кучли жала қўйиб, сел келиш хавфи туғилса, ёмғирни тиндириш учун маҳсус маросим ўтказилган. Овулдаги энг гўзал ҳамда онасининг түнгичи бўлган қизни дарё бўйига олиб борадилар. Қиз соҳил бўйлаб юриб:

*Мен тўнгичман, тўнгичман,  
Тўнгич бетим очарман,  
Туманларни сочарман,*

*Күёшни излаб юриб,  
Ёмғирлардан қочарман! –*

деб құшиқ айттан (Ходжиеев Т.Х., 1988. – С.75. Құшиқ матни үзбекча таржимада берилди).

Ёмғир тиндириш маросимларида оиладаги тұнғич фарзанднинг фаол иштирок этиши аждодларимизнинг қадимий мифологик эъти-қодларига боғланади. Аңынага күра, тұнғич бола омадли, яни «давлатбоши» саналған. Ҳатто бөш фарзанднинг нияти холис, унинг ҳар қандай илтижоси сүсзіз ижобат бүлади деган гап ҳам бор. Оролбүйіда яшаган қадимги туркій қавмларнинг гарбга силжиши натижасыда ёмғир тиндириш маросимининг тұнғич образы билан боғлиқ намунаси ҳам Ҳазар деңгизи орти вилоятларигача етиб борған.

Энди Қоракұл туманидан ёзіб олинган ёмғир тиндириш маросими құшиғидаги «қозоннинг қирғичиман» мисрасыға эътиборни қаратайлық. Халқымиз орасыда «Қозоннинг қирғичини есанг, түйинг-да ёмғир ёғади» деган нақл бор. Ҳатто шодиәнали кунда беҳосдан ёмғир ёғиб қолса, түй әгасыға: «Нима бало, қозоннинг қирғичини еғанмисиз?! Бундоқ чехрангизни очиб кулиб ўтириңг, зора ёмғир гиниб, ҳаво очилиб кетса!» – деб ҳазил қыладилар.

Үзбекларнинг ёмғир чақириш ва уни тұхтатиши билан боғлиқ ирим-сирим, удум ва маросимларида ёғингарчиликни «қозон қирмочи» билан боғлаб талқын қилиш аңынасининг излари сақла-ниб қолғанligини күрамиз. Масалан, нуроталиклар түйда ёмғир ёғса, «келин қозоннинг қирмочини еган экан, сероб келин келди» дейдилар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 54 яшар Курбонгұл Набиевадан 1991 йилда ёзіб олинган). Самарқанд вилоятининг Пахта-чи туманида қызы узатилаёттанды ёмғир ёғса, ўша қызниң баҳтли 5ұлиши белгиси деб билишган. Баъзан «қизимиз қозоннинг тагини ялаган экан-да» деб кулғи қилишган. Баъзи кишилар «түй әгаси-нинг құли очиқ, сахий экан» дейишілген (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1991 йилда М.Норбұтаевадан ёзіб олинган). Шу туманның Құшработ қышлоғыда сут-қатиқ солиб құйиладыған кадиннинг та-гини ялаган қызниң түйіда қор ёғади деган халқ қараши ҳам мавжуд (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. Навбаҳор Жумаевадан 1991 йилда ёзіб олинган).

Ёмғир билан боғлиқ бу ирим славян халқларига, румынлар, сер-блар ва македониялыklарга ҳам маълум экан. Ҳусусан, Украина ва Белорусияның Полесьесида яшовчы маҳаллий ахоли эътиқодига күра, никоҳ түйіда ёмғир ёғса, келин-куёвдан бири това тагида қолған

қирмочни, ноннинг куюгини ёки сут пиширилган идиш тубида қолган қирмочни еган деб ирим қиладилар. Шу боис, улар болаларига қозон тагида қолган овқат ёки сутнинг кўпигини беришмайди, акс ҳолда тўйингда ёмғир ёғади деб тушунтирадилар (Гура А.В., 1986. - С.31-32).

Фикримизча, қадим замонларда муқаддас қозонларда курбонлик таомлари пишириш чоғида оиласнинг тўнгич фарзандлари алоҳида магик хислатли, сеҳр-жоду қудратига эга кишилар сифатида фаол қатнашган бўлиши керак. Курбонлик таоми тарқатилгач, қозоннинг қирғичи муқаддас пишириқ сифатида маросимнинг муайян иштирокчиларига, масалан, тўнгич фарзанд сифатида туғилган болаларга берилган. Қозон қирғичини тўнгич бола еса йил бўйи ҳосил мўл бўлиб, ҳаво серёғин келади деб тасаввур қилинган. Хуллас, «қозоннинг қирғичи» билан боғлиқ магик тасаввурлар аждодларимизнинг олов культига доир мифологик қараашларига бориб тақалади. Қозон билан ўзоқ эса олов культининг атрибутий аниқловчиси сифатида унинг вазифасини бажарган.

Ўзбек ҳалқининг ёмғир тиндириш маросимлари ва ирим-сиримларида дунё томонларининг рамзий маъноларига ҳам алоҳида эътибор берилади. «Қора ёмғир»ни тўхтатиш учун ясалган «қора қўғирчоқ» уй ёки ҳовли деворининг қибла томонига қистириб қўйилгани сингари тўй куни ёқсан ёмғирни тиндириш учун ирим қилиб кунботарга қараган деворга кузгу осадилар. Бундай эътиқодий қараашлар аждодларимизнинг дунё томонлари тўғрисидаги мифологик тасаввурлари замирида шаклланган.

Халқимизнинг қадими тасаввурларига кўра, қибла, яъни кунботиш томон зулмат, ёвуз руҳлар, деву аждаҳолар макони, қуёш чиқадиган тараф эса ёруғлик ва ҳаёт рамзиdir. Бу мифологик талқинга кўра, ўзбек фольклоридаги афсонавий «ўзга юрт» - руҳлар, маъбудлар олами ва «ўликлар макони» ҳам қибла тарафда жойлашган деб тасаввур қилинган. Шунинг учун қибла - шамол, довул, тўфон, қуюн сингари табиий ҳодисаларни қўзғайдиган мифологик кучларнинг ҳам макони деб қаралади. «Қибладан эсган шамол ёмғир олиб келади» деб таъбири қилинишининг боиси ҳам ана шунда. Ҳатто, «қибладан шамол турса, қўши камалак чиқса, ёмғир ёғади» деган гап ҳам бор.

Ҳассос олим Музайяна Алавия таъбири билан айтганда, «ўзбеклар қивладан келган шамолдан ташвишланадилар. Фарбдан (қивла-

лан) шамол турса, чийга ёйилган қурт, томларга ёйилган майиз, туршак ва бошқа қоқыларни тезлик билан йиғиб олишга ҳаракат қилғанлар. Ҳовли, супада бешіндеңдегі болани уй, айвонга ола-пилар. Ҳатто яйловга тикилған қора уй, үтовлари учеб кетмаслиги учун ичидан, ташидан арқон тортиб, қозиққа маңкам боғлайдилар. Янги туғилған күзи, улоқтарни панага оладилар. Умуман, қибладан келған, ёмғир олиб келадиган шамолни яхшиликка йўймайдилар, у деҳқонларга меҳнатни кўпайтириб, экинларни ё ювиб кетади ёки қатқалоқ қилиб қўяди. Бобонларни шошилтириб, меваларни тўқади, сарғайтиради дейдилар» (Алавия М., 1974, 128-130-бетлар).

Халқимиз қиблани ёмғир манбаи, ёғин-сочин «эга»лари макони деб тасаввур қилғанлиги учун сурункали ёғингарчилик бўлганда ўша томонга қараган деворга ойна осиб, ёмғир «юборувчи»лардан ёғин-сочиннинг тезроқ тинишини сўраб, илтижо қилғанлар.

Хуллас, ёмғир тиндириш маросимининг тұнғич бола билан алоқадор айтим ва аломатлари Қоракұл воҳасида нисбатан тугал ҳолда сақланиб колғанлиги эътиборга молик ҳодиса бўлиб, қачонлардир оммавий тарзда бажарилған магик амаллар ҳамда ижро этилған айтим-кўшиқларнинг асрлар оша бизгача етиб келған бундай ноңир намуналари ўзбек маросим фольклорининг жанрлар таркиби ва генетик илдизларини тадқиқ этишда муҳим манба ҳисобланади.

## ЁЗГИ МАРОСИМЛАР ФОЛЬКЛОРИ

Маълумки, ёз фасли ўлкамизда дехқон, чорвадор ва боғбонларнинг меҳнати айни қизғин паллага кирган мавсум ҳисобланади. Бу даврда кишилар асосан далаларда, боғ-роғларда, ёзги яйловларда ўз юмушлари билан банд бўлишса-да, айни пайтда йилнинг бу фаслида ҳам муайян маросимларни ўтказишган.

Таниқли олима М.Бойснинг қайд қилишича, зардӯштийлар томонидан нишонланган еттига мавсумий байрамнинг иккитаси, яъни «**Майдой-шема**» («ёзнинг ўргаси») ва «**Пайтишахя**» («Галлани ўриб-ийғиб олиш байрами») байрамларининг нишонланиш вақти айнан ёзга тұғри келган (Бойс М., 1987. – С.44).

Ёз пишиқчилик мавсуми бўлганлиги боис қадимда боғ-роғларда меваларни йиғиб-териб олиш, ишкомлардаги узумларни узиш билан боғлиқ маросимлар ҳам бўлган. Абу Райхон Берунийнинг ёзиси, сўғдлар Аши-х-ида ойининг 18 кунида «**Бобахвара**» маросимини ўтказганлар. «Бобахвара» сўзи «узумнинг сиқиб олинган тоза ширасини ичиш» деган маънени билдирган. Шу ойнинг 26-куни сўғд боғбонлари «**Гарм-хвара**», яъни «Узум ейиш» маросимини ҳам ўтказишган. Улар еттинчи ойнинг 15-кунида ҳам узум ейишга бағишлиаб түққиз кун давом этадиган байрамни нишонлашга киришганлар. Шу каби маълумотларга асосланган У.Қорабоев «боғдорчиликка моҳир бўлган сўғдийларда узумга ва узум шарбатидан тайёрланган мусалласга бағишланган яхлит бир тизимни ташкил этувчи байрам бўлган» деб ҳисоблади (Қорабоев У., 2002, 38-бет).

Ёз фасли дехқончиликда сувдан самарали фойдаланиш мавсуми ҳисобланади. Шу боис, қадимда бу фаслда сувнинг мўл бўлишига магик таъсир кўрсатиш мақсадида муайян маросимлар ўтказилган. Абу Райхон Берунийнинг қайд этишича, хоразмликлар Испандармоҳ ойининг 1-куни Амударё сувининг мўл-кўл бўлишига бағишлиаб «**Вахшангом**» маросимини ўтказганлар. Амударё (Жайхун, Вахш) сувига бағишлиаб ўтказилган бу маросимда одамлар дарё бўйига чиқишигандан ва чўмилганлар, бир-бирларини сувга пишишган, кун бўйи сув бўйида ўйин-кулги қилганлар.

Аждодларимизнинг Амударё культи билан боғлиқ бундай ёзги маросимларининг айрим қолдиқлари XX асрга қадар сақланиб қолган. Шундай маросимлардан бири Амударёдаги Оролча авлиё деган жойда ўтказилган. Бу маросимнинг ўтказилиши хоразмликлар орасида машхур бўлган «тошув ҳисоби» тақвими билан боғлиқдир. Ҳалқ қарашларига кўра, Амударёнинг «**Қўкқамиш тошуви**» дейилган биринчи тошуви дарё ҳавзасида, орол ва кўлларда кўк қамишлар эндиғина ўсиб чиқаётган пайтга, яъни тахминан мартнинг йигирманчи чисолосига тўғри келган. Апрелнинг ўрталарида урчиш мавсуми бошланган оқ балиқлар Орол дengизидан чиқиб Амударёнинг юқори оқими бўйлаб сузиб ўта бошлаган даврда «**Оқ балиқ тошуви**» номли иккинчи тошқин рўй берган. Майнинг ўрталарида Ҳулкар юлдузи кўриниши билан бошланадиган тошув эса «**Юлдуз тошуви**» деб аталган. Амударёнинг охирги тошуви «**Қирқ чилғов тошуви**» деб юритилган бўлиб, одатда дарё сувининг кўпайиши июннинг иккинчи ярмидан то августнинг бошига қадар давом этган. Абу Райхон Беруний ҳам Амударёнинг бу тошуви «ҳазиран ойининг 24-куни бошланиб, унинг энг кучайган даври тамуз (июль) ойининг 25-чисолосига тўғри келишини» қайд этган (**Фуломов Я.**, 1957, 249-250-бетлар).

Археолог олим Я.Фуломовнинг аниқлашича, хоразмликлар орасида ҳар йили ёзги сугориш вақтида тошқин кечикса, дехқонлар «тошқин ўз вақтида рўй берсин, сув мўл бўлсин» деган ниятда Амударёнинг Туямўйиндан юқори қисмида жойлашган Оролча авлиёда маҳсус қурбонлик маросимини ўтказишган. Одамлар ўртада пул йифишиб, ҳўқиз сотиб олишган ва Оролча авлиёда ана шу ҳўқизни сўйиб, дарёга ташлаганлар. Хоразмликларнинг мифологик тасаввурларига кўра, Оролча авлиё хотин киши бўлиб, у шу оролда яшар ва дарё тошқинларини назорат қилиб турар эмиш. Я.Фуломовнинг фикрича, Оролча авлиёнинг «образи серҳосилликнинг тимсоли сифатида бир қулида олма ёки анор ушлаган хотин – «Кора соч она» образига ўхшаб кетади. Антик Хоразмнинг деярли ҳамма шаҳарларида бу образнинг терракотадан ишланган фигуralари кўп учрайди, улар археология адабиётига «серҳосиллик худоси» термини билан кирган» (**Фуломов Я.**, 1957, 250-бет).

Дарёга ҳўқизларни қурбонлик қилиш удумининг тарихий асослари сув культи билан боғлиқ бўлиб, Хоразмда Тошсақо каналининг бош қисми қайта бунёд этилиб, унга сув қўйилаётган пайтда

Хива хони Оллоқулихоннинг ўзи ҳўқиз сўйиб курбонлик берган (Фуломов Я., 1957, 250-бет).

Фаллакор деҳқонлар учун ёз фасли ҳосил ўриб-йигиб олинадиган фоят масъулиятли давр бўлганлиги боис, бу фаслда серҳо-силлик фоясини ташувчи «Обло барака», «Ҳақулло», «Ёзигарлик», «Она буғдой», «Оёқ қўшди», «Тоҳир қилиш» каби маросимларни ўтказганлар. Масалан, Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги Кўмирчи қишлоғида галла ўрилаётган даладаги охирги тутам буғдой «она буғдой» аталиб, уни ўриб олиш қайси ўроқчига насиб қиласа, шу бир тутам буғдойнинг белини боғлаб уйига олиб борган ва тўрга осиб қўйган. Даланинг «баракаси» ҳисобланган ана шу «она буғдой»ни баҳоргача сақлаганлар. Кўкламги экиш мавсумида унинг бир қисмини уруғликка қўшишган ва қолганини патир қилинадиган унга аралаштириб юборганлар (Аширов А., 2001, 11-бет).

Одатда деҳқонлар галла ўримини ҳашар йўли билан ўтказишган ва бу ишга чечан «ёзигўй»ларни ҳам таклиф этганлар. Этнограф Б.Х. Кармишева томонидан ўтган асрнинг 50-йилларида ёзib олинган маълумотларга кўра (Кармишева Б.Х., 1960. – С.72-76), Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги Тоғчиён қишлоғида буғдойзори катта майдонни эгаллаган деҳқонлар ҳатто бир нечта «ёзигўй»ни айтиб келишган. Улар ўроқчиларга яқинроқ жойда ўтириб олиб «Ёзи билан Зебо» достонидан қўшиқларни галма-галига ижро этишган. Ўроқчилар уларнинг ижроси давомида ҳар бир мисрадан кейин «Э-э-э, олло!» деб жўр бўлиб туришган. «Ёзигўй»лар бир-бирлари билан мусобақалашган каби қўшиқ айтиб, бири иккинчисини енгишга ҳаракат қилганлар. Буни тоғчиёнликлар «бир ёзикаш иккинчисини ёзи билан уриб ташлайди» дейдилар. Тоғчиёнда яшаб ўтган Эшқўзи ёзикаш ана шундай чечан ижрочилардан бири бўлганлиги учун уни Сариосиёнинг энг олис қишлоқларига ҳам ҳашарга айтиб кетишар экан. Ёзигўй ёки ёзикашларнинг буғдой ўримида иштирок этиши ҳолати жанубий Тожикистонда истиқомат қилувчи лақай, дўрман каби ўзбек уруғлари орасида ҳам қайд этилган.

Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги Илонсой қишлоғида яшовчи ёзикашлар галла ўрими пайтида қуйидаги қўшиқни ижро этишган:

*Ёзи айтсан ёзидак,  
Ҳар кишининг ёри бўлса ўзидак,*

*Ҳар кишининг ёри бўлса ўзидак,  
Киши бўйи асраб боқар қўзидак.*

*Ёргинам ёр экандур, билмадим,  
Сояси гулзор экандур, билмадим,  
Соясида бир майдон ўлтирмадим,  
Шу кунлар даврон экандур, билмадим*

(Кармышева Б.Х., 1960. – С.73).

Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз туманидаги Обмогон қишлоғида фаллакор-дехқонлар буғдойни шерик бўлиб ўришган. Бунда ўримда иштирок этётган ўроқчиларнинг уч-тўрттаси биргалашиб «ёзи» айтишган, қолганлар эса «Э-э-э, олло!» анъанавий қайтариғини такрорлаб турганлар. Шу қишлоқлик Шойим буванинг Б.Х. Кармишевага айтишича, «Асл йигит ёзи ҳам айтади, ўроқ ҳам ўради. Агар ёмон айтса, айб деб биламиз». Шунга ўхшаш «Лақай дехқон ҳам келади, чечан ҳам келади» деган нақл лақай-ўзбеклари орасида ҳам қайд қилинган (Кармышева Б.Х., 1960. – С.70-73).

Халқимиз орасида урф бўлган анъанага кўра, бугдой ўраётган, ўрилган буғдойни гарам қилиб уйиб, галагов қилаётган ёки чош совураётган кишилар ёнидан ўтаётганда “Ассалому алайкум, хирмонингиз тўлсин!” - деб мурожаат қилинган, дехқонлар ҳам бунга жавобан “Ваалайкум ассалом, йўлингиз унсин”, - деб жавоб қайтаришган. Айрим жойларда «Ҳорманг, хирмонга барака!» ёки «Чошга барака!» дейилса, дехқон «Ваалайкум ассалом, умрингизга барака!» - деб жавоб қайтаради.

Дехқонободда қайд қилинган одатга кўра хирмондаги дон янчилиб чош қилингач, дехқон бир фалвир фаллани сувда ювади ва яхшилаб тозалаб чошга аралаштириб юборади. Бу удум «Тоҳир қилиши» дейилади. Шундай қилинса, чошдаги фалла покланар ва ишлатишга яроқли бўлар эмиш. Тозаланган чошни қопларга жойлаштириб бўлгач, бир ҳовуч фаллани «Бободехқон рози бўлсин, чошимизга барака берсин!» деб чош кўтарилиган жойга сепилади (Камол Очил., 1992, 17-бет).

Маълумки, ёз иссиқ фасл бўлганлиги боис халқимиз иморат қуриш, уй-жойларни таъмирлаш ишларини ҳам асосан шу фаслда бажаради. Халқ орасида иморат қуриш билан боғлиқ маросимлар ҳам борки, шулардан бири ёз фаслида уй томига лой босиши чофида бажариладиган «Ҳақ обло» удумидир. Фольклоршунос олим Тўра Мирзаев томонидан Сайрамдан ёзиб олинган маълумотга кўра, бу

удум иморатнинг томи ёпилиб, қамиш устига лўмбоз босилиб, гомсувоқ қилинаётганда ўтказилган. Одатда, лойкашлар томга лой гортаётган пайтда бир кекса киши келиб «*Том тупроқ ҳақи облоси*» деб таърифланадиган қўшиқларни ижро этиб турган, ҳашарда ишгиrok этаётган кишилар эса «Хақ обло!» деб жўр бўлиб турганлар:

*-Борсам ман-о, борсам ман,  
Бориб йўлда турсам ман,  
Йўлни баҳона қилиб,  
Ошиқ ёрим кўрсам ман-о!  
Ҳақ, олло, ё олло-о, мавло!*

Хуллас, ўзбек ҳалқ тақвимининг ёз фасли ўзига хос удум ва маросимларга бойлиги билан ажралиб туради.

### ШАМОЛ ТЎХТАТИШ МАРОСИМЛАРИ

Деҳқончилик хўжалигини юритишда муҳим амалий аҳамият касб этадиган табиат ҳодисаларидан бири шамолдир. Буғдоj ўримини гутатиб, ғарамни янчидан бўлгач, деҳқон донни сомондан ажратадиган маҳсус паншаха-бодёвоч, яъни «шамол паншаха»ни қўлига олиб, чош ёнига келганида фир этган щабада бўлмаса иши юришмайди. Шунинг учун ҳам шамол эсиб турсагина донни сомондан ажратиб олиш осон кечишини яхши билган деҳқонлар ота-боболаридан ўргангандан ирим-сиримларни бажариб шамол «эга»сидан нажот сўрашган. Зеро, ўз вақтида эсган шамол фаллани сомондан ажратадиган деҳқоннинг меҳнатини енгиллаштиришга хизмат қилиши ёки аксинча, довул, қуюн каби кучли шамолнинг вайрон қилувчилик ҳусусиятига эгалиги бу табиий ҳодиса ҳақидаги турли хил мифологик тасаввурлар ва ҳалқ қараашларининг юзага келишига сабаб бўлган.

Аждодларимиз ўзларининг кўп йиллик кузатишлари натижасида шамол гоҳида ҳаддан зиёд кўп эсиб, чанг-тўзондан иборат қуюн олиб келса, баъзида кучли шамол буғдоj, жўхори ва бошқа экинларни пайхон қилиб, дов-дараҳтларнинг ҳали пишиб етилмаган фўраларини ерга тўкишини яхши билишган. Улар табиатдаги барча нарса-ҳодисалар сингари шамол ҳам муайян файриоддий кучларнинг измига бўйсунади, шамолнинг эсиши, унинг кучли ёки кучсизли-

ти ана шу «шамол эга»сининг хатти-ҳаракатига боғлиқ деб ўйланилар. Шу тариқа шамолнинг мифологик табиати тўғрисидаги халқ қирапшилари келиб чиққан. Айни пишиқчилик маҳали эсган гармселининг экин-тикинларни қовжиратиб кетиши ёки қуюн-довул дала-ларни, боғ-роғларни пайхон қилиши ҳам ана шу афсонавий «шамол эгаси» газабининг ифодаси деб билғанлар. Бу мифологик қаравшлар исосида буғдой ўрими палласи шамол эсишини сўраш ҳамда сурункали ел ёки қуюн тинкани қуритган пайтда эса муттасил эсган шамолнинг тинишини илтижо қилиб «шамол эгаси»га мурожаат қилишдан иборат маросимий амаллар ҳамда магик ритуаллар юзага келган. Табиат культларига сифиниш замирига курилган бундай қадимий ритуалларнинг тадрижий ривожи давомида шамол чақириш ва шамол тўхтатиши маросимлари фольклори келиб чиққан.

Туркий халқларнинг шамол маъбуллари тўғрисидаги мифологик гасаввурларига оид илк маълумотлардан бири қадимги Хитой манбаларида учрайди. Қайд қилинишича, «тукюлар аймоғи сардорини Аланбу дейишган. Унинг 70 та оға-иниси бўлиб, уларнинг тўнгичи - Инжини Нишиду бўридан туғилган эмиш. Нишиду гайриоддий хислатларга эга бўлган: у шамол ва ёмғир чақира олган» (Бичурин Н.Я., 1950. – С.221-222).

Назаримизда, Инжини Нишиду мифологик персонаж бўлиб, қадимги туркий мифологияда шамол ва ёмғир маъбути сифатида гасаввур қилинган. Н.Я.Бичурин томонидан хитой тилидан таржи-ма қилинган афсонада Нишиду «бўридан туғилган бола» эканлиги, у «шамол ва ёмғир чақира олиши», «баҳор ва ёз қизларига уйланганлиги» ҳам унинг мифологик табиат касб этувчи асотирий образ эканлитинидан далолат беради.

ХI асрнинг йирик тилишунос олимни Махмуд Кошфарийнинг гувоҳлик беришича, яғмолар шаҳрида яшовчи коҳинлар орасида «ёмғир, шамол ва бошқаларни талаб қилиш учун маҳсус тошлар (яда тоши) билан фол очиш одати» кенг тарқалган (М. Кошфарий., 1963, 8-бет).

Аждодларимизнинг қадимги мифологиясида шамол худоси образи мавжуд бўлган. «Вада» деб аталган бу маъбуд күшон даври Бақтрия танталаридан бирида югуриб бораётган ҳолатда тасвирланган. Унинг елкасидаги яктаксимон ёпинғич шамолда шишиб, кўтарилиб кетган, узун сочлари шамолда ҳилпирамоқда (Пугаченкова Г.А., 1979. – С.148 (рис172). Тошга ўйиб ишланган лавҳада эса Ваданинг иштончан ҳолатда икки серсоқол киши ўртасида бо-

раётган кўриниши акс эттирилган. Унинг сочларини шамол орқага тортқиламоқда, қўлида эса шамол тўла қопни қўтариб олган (**Пугаченкова Г.А.**, 1979. – С.199; **Monnetel devilard U.**, 1923, fig.21).

Ўрта Осиё халқларининг шамол культига алоқадор маросим қўшиқларига доир материаллар дастлаб А.Диваев томонидан ёзib олинган (Диваев А., 1891, №25, С.98; Диваев А., 1892, №41, С.201). Ўзбекларнинг шамол чақириш ва уни тўхтатиш билан боғлиқ маросимлар фольклори Б.Саримсоқов томонидан тадқиқ этилган (**Саримсоқов Б.**, 1986). Бизнинг нашр этилган мақолаларимизда эса ўзбекларнинг шамол билан алоқадор мифологик тасаввурлари, хусусан, Ҳайдар, Ялли момо ва Аждар культига доир халқ қараашлари атрофлича таҳдилга тортилган (*Каранг*: Жўраев М., 1995, 85-106-бетлар; Жўраев М., 1997, б, 37-42-бетлар; Жўраев М., 1997, в; Жўраев М., 1998).

Професор Б.Саримсоқов ўзбекларда шамол ҳақида икки хил қарааш мавжуд деб ҳисоблайди. Фарғона водийсидан ёзib олинган материалларда шамол ҳомийси кекса аёл сифатида тасвирланса, республикамизning жанубий вилоятларида яшовчи ўзбеклар бу табиий ҳодиса пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг күёви ҳазрати Алиниң измидадир деб ўйладилар (**Саримсоқов Б.**, 1986, 112, 136-бетлар). Тадқиқотчининг қаҷонлардир ўзбекларда шамол ҳомийси сифатида муқаддаслаштирилган мифологик персонажларга сифиниш анъанаси мавжуд бўлганлиги ва Ўрта Осиёга ислом дини кириб келиши билан маҳаллий культилар «исломлаштирилиб», ҳазрат Али шахси «шамол эгаси» сифатида тасаввур қилина бошлаганлиги тўғрисидаги мулоҳазалари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекларнинг шамол культи билан боғлиқ мифологик тасаввурлари, «шамол эгалари» ҳақидаги миф ва афсоналари, шамол тўхтатиш ёки шамол чақириш маросими фольклори материаллари, шунингдек, бу маросимларни ўtkазиш чоғида бажариладиган магик амал ва хатти-ҳаракатлар, ижро этиладиган айтим ва алматлар тўла тўпланиб, тадқиқ этилганича йўқ. Шу боис, биз қуйида шамол ҳомийлари ҳақидаги эътиқодий инончларнинг генетик асослари, шамол чақириш ва уни тўхтатиш маросими ритуалларининг мифологик табиати хусусида сўз юритамиз.

Ўзбек фольклорида шамолнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ мифологик тасаввурларни ўзида акс эттирган афсоналар мавжуд. Хусусан, Навоий вилоятининг Навоий туманидаги «Нарпай» давлат хўжалигига яшовчи Холида Бозоровадан 1991 йилда ёзib олин-

ган афсонада айтилишича, замин чексиз осмон билан үралган бўлиб, осмоннинг тўрт томони очиқ эмиш. Ана шу тўрт томонда шамол фаришталари ўтиришар, вақти-вақти билан улар ўз ўринларини ўзгартириб туришармиш. Улар ўз ўринларини алмаштираётган пайдага қанотларини қимирлатишар ва ер юзасида шамол кўзгалар эмиш.

Тўрт нафар шамол ҳомийси ёки «шамол эгаси» образи ҳам дунёни халқлари фольклоридаги энг қадимий мифологик персонажлардан бири эканлигини исботлайдиган кўпгина далиллар мавжуд. Чунончи, навах қабиласининг мифларида баён қилинишича, дунёнинг тўрт томони тўрт хил рангта бўялган тўрт худога тааллуқли эмиш. Улар тўрт хил шамол сифатида оламни кезиб юришармиш (Леви-Брюль Л., 1930. - С.138).

Халқимиз орасида шамолларнинг турлари ва қайси томондан эсиши билан боғлиқ турли-туман қарашлар сақланиб қолган. Айниқса, қибла томондан эсган шамол хосиятсизликка йўйилади. Бинобарин, халқ қўшиқларидаги «Қивладан келган шамол, райҳонимни куритди», «Қивладан шамол турса, ёrim қачон келади» («Оқ олма, қизил олма», 21,105-бетлар) каби мисраларда ҳам гарбдан эсган шамолнинг ташвиш туғдириши мазмуни акс эттирилган.

Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Сўлоқли қишлоғида яшовчи 72 яшар Абдуғаффор Шукуровдан 1987 йил 27 майда ёзиб олинган маълумотга кўра, бу қишлоқда эсадиган шамол икки хил бўлади. Биринчisi, «жилон ўтди шамоли» деб номланган бўлиб, Жиззахдаги Амир Темур дарвозаси номли дарадан бошланадиган совуқ шамолдир. Совуқ, ёқимсиз ва изгиринили бу шамол иссиқни кувиб келади ва ернинг қувватини олади. Одатда «жилон ўтди» шамоли ёғингарчилик келтиргани учун сойларда сув кўпаяди. Сўлоқликлар бу шамолни «илон оғзидан чиқсан ўтолов, барча шамолларнинг подшоси» дейдилар. Чунки Амир Темур дараси деган жойда Илон ўтди деган фор бор. Халқ қарашларига кўра, «жилон ўтди шамоли» ана шу фордан чиқар эмиш. Иккинчisi, «шалғар шамоли» бўлиб, Сўлоқлининг қибла тарафидан эсадиган шамол номидир. У иссиқ шамол бўлиб, совуқни ҳайдаб, сувни кувиб келади. Агар бу шамол қиши фаслида эssa, барча қорларни эритиб кетади.

Сўлоқликлар шамол эсган пайдага булутларнинг йўналишига қараб қаерда ёғингарчилик бўлишини ҳам таъбирлайдилар. Қибладан эсиб ёмғирли булутларни ҳайдаб келадиган шамол ўз йўналишини Сўлоқлининг куйи тарафида жойлашган Ургут шаҳрига қараб

бурса, «*Ургут – ўйна хонам, шаҳар – шарша хонам*» дейдилар. Бу ўринда «шарша хонам» бирикмаси ёмғир шариллатиб қуядиган жой маъносида қўлланилган.

Шамол чақириш ва уни тўхтатиш билан боғлиқ эътиқодий қарашлар ҳамда маросимлар қадимги туркийлар орасида кенг расм бўлганлиги аждодларимиз бундай маросимлар чоғида «шамол эгаси» сифатида тасаввур қилинган маҳаллий культларга сифинишганлигидан далолат беради. Ана шу қадимги мифологик тасаввурлар ва маросимларнинг тадрижий ривожи натижасида шамол чақириш ва уни тўхтатиш маросими фольклори шаклланган.

## ЦОЙМОМО

Маълумки, узоқ вақт давомида эсган кучли шамол натижасида кўтарилилган чанг-тўзон одамларнинг тинка-мадорини қурилган. Бундан ташқари, ёз кунлари бевақт эсган шамол мевали дараҳтларнинг ҳосилини тўкиб, боғбонларга ҳам катта зарар етказган. Шунинг учун ҳалқимиз орасида кучли шамолни тўхтатиш билан боғлиқ хилма-хил ирим-сирим ва одатлар келиб чиқсан. Шамол тўхтатиш билан боғлиқ маросим фольклори замирида шамолга ҳам мурдакларни ҳатти-ҳаракатлар ва сўз магияси воситасида таъсир ўтказиш мумкин деган мифологик тасаввурлар ўз аксини топган.

Хусусан, Нурота туманининг Дибаланд қишлоғида кучли шамол эсса, уни тўхтатиш учун кўк ўтнинг сувини сиқиб, ширасини қибла тарафдаги деворга сепишган (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1910 йилда туғилган Ойбозор момо Қобил қизидан 1991 йилда ёзиб олинган). Пахтачи туманининг Добусия қишлоғида шамол тинавермаса, момолар ёстиққа игна қадаб, том устига отганлар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 2004 йилда Рухсора Бўтаёровадан ёзиб олинган). Хатирчи туманининг Қайиш қишлоғида қаттиқ шамол эсганда ёш болалар кўчанинг ўртасига бориб туз сепганлар ёки этагини кўтариб шамол келаётган тарафга қараб тупуриб: «*Ажина, шамол кем!*» - деганлар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 2004 йилда Гўзал Назаровадан ёзиб олинган). Навбаҳор туманининг Боки Ҳайит қишлоғида ҳам кучли шамол йўналишига қараб совуқ сувдан уч марта сепиб: «*Бас, бас, жин, етар! Худойим, етар энди!*» - дейишиган (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1991 йилда 67 яшар Бозоргул Жумаевадан ёзиб олинган).

Навбаҳор туманинг Қалқон қишлоғида эса кучли шамол эсганда **Ўринбой** деган киши ўрнидан туриб худога ялинган ва шамолни тўхта-

тишни илтижо қилган (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1991 йилда Россия Fiёсовадан ёзиг билингандан). Шу қишлоқда қайд қилинган бошқа бир этнофольклористик маълумотга кўра, шамолни тиндириш учун «шамол пирлари» ҳақига ис чиқарганлар ва «Түф, туф, калга бор!» - леб, исни ариққа оқизишган ҳамда орқага қарамай қайтиб кетганлар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 2004 йилда Рухсора Бўтаёровадан ёзиг билингандан). Нарпай туманида қаттиқ шамолни тўхтатиш учун ариқнинг шабига бир чимдим туз кўмғанлар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1991 йилда 85 яшар Эшпўлат бобо Одинаевдан ёзиг билингандан).

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Кўктепа маҳалласида шамол кўп эсганда уни тўхтатиш учун пичоқни ўчоқ бошидан уч марта айлантириб, ерга қадаганлар; супургининг устига тош бостириб қўйганлар; тош тузни ўчоқ устига тўкканлар. Бошқа қишлоқлар шамол тинмаса, қиблага қаратиб ерга пичоқ тиқиб қўядилар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 2003 йил 23 октябрда 100 яшар Тўти момо Хурсандовадан ёзиг билингандан).

Ўзбекларнинг шамол тўхтатиш билан алоқадор маросим фольклорида шамол ҳомийси-эгаси сифатида тасаввур қилинган Чоймомо образи муҳим ўрин тутади.

Чоймомо ҳақидаги эътиқодий қарашлар Қозогистон республикасининг Чимкент вилоятида яшовчи ўзбеклар орасида сақланиб қолганлиги фольклоршунос ва этнограф олимлар томонидан қайд қилинган. Мутахассисларнинг аниқлашларича, одамлар сурункали эсган елни тўхтатиш учун шамол ҳомийси Чоймомога мурожаат қилишган. Турли хил ирим-сиримларни ўз ичига олган шамол тўхтатиш маросимининг Чоймомо культи билан боғлиқ шакли Жанубий Қозогистоннинг туманларида XX асрнинг 50-йилларигача ўтказилиб келинган экан (**Саримсоқов Б.**, 1986, 115-134-бетлар; **Тайджанов К., Исмаилов X.**, 1986. - С.116).

«Чоймомо» маросимининг ўтказилиш тартиби, унда ижро этиладиган қўшиқлар, амал қилинадиган ирим-сиримлар тўғрисида илк маълумот А.Диваев томонидан чоп эттирилган. У Чимкент вилоятида яшовчи ўзбекларнинг донли экинлар пишиб етилган пайдада эсадиган кучли шамолни тўхтатиш мақсадида ўтказадиган маросимини биринчи бўлиб тавсифлаган ва маросим қўшиғи матнининг рус тилига ўгирилган таржимасини нашр эттирган (**Диваев А.**, 1891. - С.98; **Диваев А.**, 1910. - С.131-132).

Шамол тўхтатиш маросимининг Чоймомо культига алоқадор локал кўринишларини таҳлил қилган фольклоршунос **Б.Саримсоқов**-

Чинг кўрсатишича, жанубий Қозоғистон ҳудудида бу маросимнинг ғоссан икки хил типи мавжуд. Мазкур «маросимнинг нисбатан қадимий типи» деб тавсифланган илк кўриниши Чоймомо маросими-Чинг аёллар томонидан ўтказилиши ҳамда ижро этиладиган кўшиқ матнида эпиклик ва эмоционаллик акс этиб туриши билан характерланса, маросимнинг «трансформацияга учраган кўриниши»да ритуаллар факат эркаклар томонидан бажарилиши ва «Чуй-чуй момо» кўшигининг матни шаклий ўзгаришга учраганлиги билан фарқлашиб туради (Саримсоқов Б., 1986, 115-123-бетлар).

Этнофольклористик кузатишлардан маълум бўлишича, «Чой-Момо» маросимининг ўтказилиш тартиби ва унда айтиладиган кўшиқларнинг бир неча хил локал типлари мавжуд экан. К.Тойхонов ва Ҳ.Исмоиловларнинг ёзишларича, Чимкент вилоятининг Сайрам туманидаги Қорамурт қишлоғида бу маросим уч кун давомида ўтказилган, яъни чоршанба куни бошланиб, жума куни худойи оши пишириб тарқатиш билан ниҳояланган (Тайджанов К., Исмаилов Ҳ., 1986. – С.116).

Қорамурт қишлоғида бир неча кун сурункали шамол эсиб турса, уни тўхтатиш мақсадида ўтказиладиган маросимнинг икки хил кўриниши мавжуд. Маросимнинг биринчи типи беш ёки етти нафар бўй етган қизлар томонидан ўтказилган. Баъзи ахборотчилар Уларнинг сони тўртга бўлади дейдилар ва шунинг учун маросимнинг номини ҳам «Чормомо» деб юритадилар. Қизлар бошларига палак ёки сўзана ёпиб олганча юзларини бекитиб кекса аёллар бошчилигига қишлоқ кўчаларини айланиб чиқадилар. Улар чоршанба, пайшанба ва жума кунлари уйма-уй юриб, ун ва буғдой йиғадилар. Энг орқада юрадиган қиз кели сопи кўтариб олади, үчинг этагига бояланган супурги эса ерда судралиб бораверади. Улар маросим чоғида қўйидаги кўшиқни айтадилар:

*Чоймомо ўлибди,  
Ўғли етим қолибди,  
Боса-боса беринглар,  
Босилиб қолсин бу шамол.  
Уга-уга беринглар,  
Угилиб қолсин бу шамол*

(Тайджанов К., Исмаилов Ҳ., 1986. – С.116).

Бу маросимнинг Қорамурт қишлоғида ўтказилиб келинган иккинчи локал кўринишини бошига чодир ёпиниб олган кампир

бошқарып туради. У орқасига қарамасдан қишлоқ күчаларини айланиб юради. Кампирнинг орқасидан эса бошларига ёпинғич ёпиб өлган етти нафар етим қиз боради ва улар «Чангмомо» қўшигини ижро этадилар. Қизлар «шамол келидай туйилсан, сондек босилсан, шамолнинг изи супурилсан» учун келисопга боғлаб қўйилган супургини судраб юрадилар (Гайджанов К., Исмаилов Х., 1986. – С.116).

Шамол тўхтатиш маросимида «супурги» деталининг иштироки тасодифий эмас. Хусусан, Каттакўргон шахрида яшовчи Сабоҳат Ўруновадан ёзиб олинган маълумотга кўра, қаттиқ шамол эсланда супургининг устига тоғора тўнкариб қўйганлар. Шундай қилинса, шамол тинади деб ирим қилинган (Муаллифнинг дала ёзувлари. 1991 йил). Қизилтепа туманидаги Хусбудун қишлоғида узоқ давом этган шамолни тиндириш учун ола сигирнинг устини супуриб, супуриндини тоғоранинг тагига бекитиб қўйишган (Муаллифнинг дала ёзувлари. 1991 йилда 76 яшар Мукаррамхон Раҳимовадан ёзиб олинган). Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида ҳаво дим бўлса, шамол қўзғатиш учун эски супургини ёққанлар (Муаллифнинг дала ёзувлари. 2004 йилда Шофиркон туманининг «Охунбобоев» жамоа ҳўжалигида яшовчи 70 яшар Мунаввар Бозордан ёзиб олинган). Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида эса шамол чақириш учун янги супургига сув сепиб, хирмоннинг устига силкитганлар, айрим кишилар эса қозонни ювиб, дасмол(қозонсочик)ни куйдирганлар (Муаллифнинг дала ёзувлари. 1991 йилда Пахтачи туманидаги Дарайтут қишлоғида яшовчи 60 яшар Тўти Кокиловадан ёзиб олинган).

Қорамурт қишлоғида ўтказилган «Чоймомо» маросимида етти нафар қизнинг иштирок этишининг сабаби шамол ҳомийси сифатида тасаввур қилинган Чоймомо образининг генетик илдизлари бевосита «етти момо» культи билан алоқадорлиги билан изоҳланади. Қизлар сонининг бешта бўлиши масаласига келсак, бу ўринда ушбу маросимни тадқиқ этган фольклоршунос Б.Саримсоқовнинг қўйидаги фикрлари асослидир: «қаттиқ шамолни тўхтатиш маросими пайтида бешта бўй етган қизни шолга ёпинтириб олиб юриш ва бутун маросим давомида уларнинг юзини очтирмаслик жуда олис ўтмишдаги шамол худоси йўлида қурбон қилишга маҳкум этилган шахсларнинг рамзий ифодасидан иборат бўлиши мумкин» (Саримсоқов Б., 1986, 118-бет).

Бизнинг фикримизча, Чоймомо маросимининг қадимий вариантларида «етти» рақамининг анъанавийлигига риоя қилинган бўли-

ши керак. Бу рамзий деталь Чоймомо тұғрисидаги афсоналар мөхиятини үзида мужассамлаштирган бўлиб, назаримизда, бошига ёпингич ёпиб, юзини очмай юрадиган етти қиз - етти момо, маросимга бошчилик қилувчи кампир эса уларнинг онаси тимсолидир. Қорамуртликлар қизлар юзини бекитиб юришса, шамол чиқади деб тасаввур қилинган Бавош форларининг оғзи ҳам ёпила-ди деб үйлашган.

К.Тойжонов ва Ҳ.Исмоиловлар томонидан ёзib олинган афсонада яна бир муҳим деталь борки, унга эътиборни қаратиш шамол тўхтатиш маросимида иштирок этувчи «**етти қиз**» образининг маъносини янада ойдинлаштиради. Қорамуртликлар одатича, маросимда етти нафар етим қиз қатнашади. Бизнингча, маросимнинг бу шарти – етти момонинг онаси, яъни қаҳратон қиши қийинчилликлага дош берган ахсикентлик кампирнинг невараси етим қиз бўлганлигига ишорадир.

«**Етти қиз**» детали Чоймомо маросимининг үзига хос қадимий мифологик атрибутларидан бири эканлигини далиллайдиган яна бир маълумот татар фольклорида қайд қилинди. Шамолнинг пайдо бўлиши ҳақидаги татар халқ афсонасида ҳикоя қилинишича, бир кампирнинг етти қизи бўлган экан. Кампирнинг қизларидан бири оқсоқ бўлиб, ӯзининг бадфөйлиги билан опа-сингилларини безор қилиб юборишибди. Шунинг учун улар ҳам чўлоқ қиз билан бирга яшашни истамай, ҳаммаси ундан қочиб юришаркан. Опа-сингиллар қочишаётган пайтда уларнинг кўлларидаги рўмоллари ҳилпираб, шамол қўзғатар экан. Оқсоқ сингилнинг таъқибидан қочиб қутулган қизлар дам олиш учун тўхташса, шамол ҳам босилиб қолар эмиш. Чўлоқ қизнинг қораси кўриниши биланоқ улар яна қочишар, шу тобда гағин шамол туаркан (**Мошков В.А.**, 1910. - С.25).

Фикримизча, кампир ва унинг етти қизи туркй халқлар фольклорининг муштарак мифологик образларидан бири бўлиб, шамол ҳомийлари ҳақидаги қадимги асотирларнинг мотивлари асосида юзага келган.

Маросимнинг учинчى локал варианти Сайрам туманининг Пушкин номли жамоа хўжалигига қайд қилинган. Ахборотчиларнинг маълумотига қараганда, қаттиқ шамолнинг оти «**Чоймомо**» бўлиб, олмапишар вақтида кучли шамол эсиб, меваларни тўкиб, зарар етказадиган бўлганда шамолни тўхтатиш мақсадида мазкур маросим ўтказилар экан. Маросимнинг барча ритуаллари асосан учта кампир томонидан бажарилган: улардан бири ўқлоғини миниб олса,

иккинчиси супурги ушлаб олган, учинчи кампир эса йигиладиган масаллиқларни тұрвага солиб күтариб юрган. Уч кампир ана шу ҳолатда қишлоқдаги ҳар бир уй олдига бориб Чоймомо құшиғини айтганлар. Уй әгалари хайр-садақа қилиб чиқариб берган нарсаларни тұплаб, худойи қилиб берганлар. Ахборотчи Жаҳон опа Имомрашидованинг эсласыча, уларнинг қишлоғида истиқомат қылған Бодомгул момо деган кампир ана шундай маросимларда доим қатнашиб келған бұлыб, у қуйидаги құшиқни айтған экан:

*Чоймомо, чой, чой, чой,  
Чайилиб қолсин қув шамол,  
Боса-боса беринглар,  
Босилиб қолсин қув шамол!  
  
Уга-уга беринглар,  
Угилиб қолсин бу шамол.  
Чоймомолар үлибди,  
Үғели етим қолибди,  
Чоймомонинг онаси,  
Амакимга борибди,  
Чоймомо, чой, чой,  
Чайилиб қолсин қув шамол,  
Боса-боса беринглар,  
Босилиб қолсин қув шамол!  
  
Уга-уга беринглар,  
Угилиб қолсин қув шамол*

(«ЗҰФА». Инв.№1630/1. 1969 йил 10 июнда З.Хусаинова томонидан ёзиб олинған).

Әнди бевосита Чоймомо образининг мифологик негизлари ҳамда бу асотирий персонаж тұғрисидаги халқ қараашларига тұхталайлик.

Сайрам тұманидаги Қорамурт қишлоғида яшовчи ўзбеклар орасыда «етти момо» культи кенг тарқалған бұлыб, маҳаллий аҳоли етти момонинг ҳомийлигига қаттық эътиқод қиласа экан. Қорамуртликлар Чоймомони «еттининг бири» деб ҳисоблашади. Бу қишлоқда қайд қылинған этнофольклористик маълумотларға күра, «етти момо» одамларни ёвуз күчлардан ҳимоя қилувчи афсонавий ҳомий бұлыб, Чоймомо ҳам уларнинг бири ҳисобланади. «Етти момо» образининг пайдо бўлишини эса қуйидаги афсона билан изоҳладилар: айтишларича, Қорамуртликлар яшаган қишлоқ илгари Ахсикент деб аталған. Бу қадимий қишлоқ ҳозирги Қорамуртнинг кунчиқар тарафыда жойлашган. Бир йили қиши жуда қаттық келибди,

қирқ кеча-қирқ кундуз бетиним қор ёғибди. Одамлар ҳаво очи-либ кетишини кутиб уйларидан чиқмай ўтираверибдилар ва ҳов-лига ёқсан қорни курамабдилар. Натижада уларнинг уйларини қор босиб қолибди. Фақат ёлғиз қиз невараси билан бирга яшайдиган бир кампиргина ҳар куни эринмасдан уйининг эшиги олдига ёқсан қорни кураб, супуриб-сидириб турибди. Шунинг учун Ахсикент қишлоғидаги барча уйлар қор тагида қолсаям ўша кампир билан невараси омон қолибдилар. Орадан бир қанча вақт ўтгач, Бухоро гомонлардан бир қора мурт(мўйлов)ли йигит келиб ҳалиги кам-пирнинг неварасига уйланибди. Улар етти нафар қиз фарзанд кўриб-дилар. Қорамуртликлар ўша одамнинг етти нафар қизини «етти момо» дейдилар. Кейинчалик қишлоқ аҳли Ичқўрғон деган жойга кўчиб ўтибдилар. Қорамуртли киши билан етти қизи яшаган қишлоқ эса Етти момо деб номланган (**Тайджанов К., Исмаилов Х.**, 1986. – С.11).

Бизнингча, Чоймомо ҳақидаги мифологик тасаввурлар бевосита «етти момо» тўғрисидаги ҳалқ қараашлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Чунки эзгулик кучларининг сонини белгилашда етти рақамининг магик хусусиятига асосланиш анъанаси жаҳон ҳалқла-ри мифологисининг қадимги унсурларидан бири саналади. Қадим-ги Бобил мифологиясида «етти донишманд» образи мавжуд бўлган (**Афанасьев В.К.**, 1979. - С.34-35). Зардўштийлик таълимотига кўра, эзгулик тимсоли Ахурамазданинг «етти ахура»си яхлит ҳолда ҳомий куч рамзи сифатига тасаввур қилинган. Ахураларнинг ҳар бири эзгуликнинг муайян бир қиррасини ўзида мужассамлаштирган. Худди шунингдек, қорамуртликлар афсонасида қайд қилинган «етти момо» қачонлардир ҳар бири мустақил мифологик функция бажарувчи етти нафар маъбуда сифатига тасаввур қилинган. Ҳозирги кунга келиб эса «момо»лардан фақат айримларининг касб-кори ҳақида узук-юлуқ маълумотларгина сақланган, холос. Масалан, «етти момо»дан биттаси ҳомиладор аёлларнинг кўзи ёришида бош-қош бўлиб турувчи дояларга ҳомийлик қилас әмиш (**Тайджанов К., Исмаилов Х.**, 1986. – С.115).

Шу ўринда қиёс учун бир маълумотни келтириб ўтишни жоиз деб билдик: Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғида қайд қилинган маълумотта кўра, илгари фарзанд кўргани билан боласи турмаган, яъни ёшлигида нобуд бўлиб кетадиган аёл яна ҳомиладор бўлиб кўзи ёрийдиган фурсат етганда туғруқ бўла-диган хонада етти нафар серфарзанд, ували-жували момо ҳозир

Үлиши керак деб ирим қилинган. Бу аёллар «**етти анака момо**» деб штаган. Агар бирор сабаб билан «анакалар» сони еттита бўлмай қолса, ҳомиладор аёлнинг кўзи ёрийдиган хона деворининг етти жойига оқ пахта қистириб қўйганлар. Оқ пахта ҳам анака момо ўрнига ўтади, деб ирим қилганлар. Жигачиликлар эътиқодича, боласи турмайдиган аёл кўзи ёриган пайтда туғилган чақалоқни «**етти анака момо**»нинг ҳаммаси баб-баравар ушлаб кўтариб олсалар, болага зиён-захматлар дахл қилолмас эмиш. «**Етти анака момо**»нинг қўли теккан боланинг умри узун бўлади деб умид қилганлар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**). 1980 йилнинг 12 июль куни Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Тангачар қишлоғида яшовчи 1932 Йилда туғилган Шарофат Мурод Олим қизидан ёзib олинган).

«**Етти анака момо**» тўғрисидаги мифологик эътиқодларнинг моҳиятини янада чуқурроқ таҳдил қилишда қуйидаги этнографик маълумот мухим аҳамият касб этади: «Тангачар қишлоғида яшаб, умр бўйи бефарзанд ўтган Дўнди момо деган аёлнинг қайнанасига бўй етган қиз пайтида алвости йўлиққан экан. Қиз эрга теккач, алвости унинг туғилган болаларини ўғирлаб кетаверибди. Ҳомиладор бўлиб, ой-куни яқинлашгач, қанча аёл қўриқлаб турганига Қарамасдан, туғилган чақалоқ ўз-ўзидан йўқолар ёки бола туғилдиган кун яқин қолганда худонинг амри билан аёлнинг қорни бўшаб қолар экан. Шундай қилиб, аёл 13-14 қорин бўғоз бўлиб, ҳамма боласи ном-нишонсиз йўқолибди. Охири уни ўткир бир дуохонга кўрсатибдилар. У фол очиб кўрса, аёлга алвости йўлиққанлиги маълум бўлибди. Дуохоннинг маслаҳатига кўра аёл кейинги сафар кўзи ёрийдиган бўлганда туғруқ бошланишидан аввал хонада етти нафар момо ҳозир бўлиб, ҳомиладор аёлнинг теварагини ўраб ўтиришибди. Уй деворининг етти жойига оқ пахта қистириб қўйибдилар. Дуохоннинг ўзи эса уй эшигининг олдида дуо ўқиб турибди. Тўлғоқ бошланиб, бола она қорнидан пастга туша бошлагач, ҳалиги етти момо боланинг етти жойидан маҳкам тутибдилар. Киндиги кесилгач, момолар жимжилоқларини чақалоқнинг оғзига тегизиб қўйибдилар. Шундай қилинса, алвости чақалоқни эмизолмайди деб ирим қиладилар. Етти момо ушлаб қолганлиги учун алвости аёлнинг бу чақалогини эмизолмабди, агар у болага кўкрак тутиб улгурганида чақалоқ ғойиб бўлар экан. Бу сафар чақалоқقا дахл қилолмаганлигидан аламига чидайолмаган алвости боланинг яғирниси(кураги)га панжа уриб кетибди. Омон қолган болага Ҳожибой деб от қўйибдилар. Аммо унинг курагидаги беш панжа изи то

умрининг охиригача чуқур из бўлиб билиниб қолибди. Ҳожи бува улгайгач, Дўнди деган қизга уйланган, аммо уларнинг фарзандлари бўлмаган. Айтишларича, алвастининг панжаси текканлиги сабабли, касофатга учраб уларнинг фарзанд йўли бекилган экан» (Муаллифнинг дала ёзувлари. 1980 йилнинг 12 июль куни Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Тангачар қишлоғида яшовчи 1932 йилда туғилган Шарофат Мурод Олим қизидан ёзиб олинган).

«*Етти анака момо*», яъни етти нафар доя момо ҳақидаги тасаввурлар қорамуртликларнинг «*етти момо*» тўғрисидаги мифологик инончлари билан муштарак негизга эга.

Қорамурт қишлоғи шевасида қўлланиладиган «*етти етаклади*», «*момоси тутди*», «*момоси бор*» каби иборалар (Тайджанов К., Исмаилов Х., 1986. – С.112) ҳам бевосита «етти момо» культи ҳақидаги қарашлар билан боғлиқ. Момолардан биттаси дояларнинг ҳомийси вазифасини бажаргани каби бошқаси қорамуртликлар тасаввурича, бирорта аёлни «танласа», у табибликни бўйнига олади ва ҳомий момолар кўмагида одамларни даволайди. Бундай табибларни қорамуртликлар «*момоси бор аёл, танлаб олган, момосини бўйнига олган*» деб таърифлайдилар (Тайджанов К., Исмаилов Х., 1986. – С.113).

Қорамуртликлар тасаввурича, бирор одам қачонлардир етти момо яшаган жойни булғаса, момолар унга озор етказар эмиш. Етти момо ўтган жойга ҳожат чиқарип, касалга чалинган киши қўй сўйиб қон чиқарган ва худойи қилган (Тайджанов К., Исмаилов Х., 1986. – С.113). «Етти момо»нинг биттаси Чоймомо бўлиб, Талас Олатови томонидан эсадиган «Бовош» деб аталувчи шамолни бошқарип гурадиган афсонавий тимсол сифатида тасаввур қилинган. Бу мифик образ қорамуртликлар орасида Чангмомо, Чормомо номлари билан ҳам юритилади (Тайджанов К., Исмаилов Х., 1986. – С.113). Бу образ ўзбекларнинг шамол тўхтатиш маросими билан боғлиқ айрим мифологик тасаввурларнинг муайян қирраларини сақлаб қолган.

«Чоймомо» маросимини ўтказища «шамол эгаси» яшайди деб гасаввур қилинадиган жой тўғрисидаги мифологик тасаввурлар ҳам муайян аҳамият қасб этади. Шу боис, шамол тўхтатиш маросими-нинг бу типини чукурроқ таҳлил қилиш ва Чоймомо образининг мифологик табиатини тўлароқ ёритиш мақсадида «шамол эгаси»-нинг макони ҳақидаги халқ қарашларини таҳлил қиласлил.

Этнографик кузатишлардан маълум бўлишича, қорамуртликлар тасаввурига кўра, шамол эсишидан аввал осмонда оппоқ булат

Пайдо бўлар экан. Булутлар тоғ ортига яшириниши биланоқ шамол эса бошлайди. Шамолни парилар олиб келади, улар тоғ оралигига кириб кетиб Бовош дарасидан бориб чиқади деб ўйлайдилар. Бовош дарасида шамол чиқади деб тасаввур қилинган тешик бор бўлиб, маҳаллий аҳоли уни «Қўлбоғ» деб атайди. Қорамуртликлар эътиқодича, бир неча кунлаб эсган шамолни тўхтатиш учун чоршанба, пайшанба ва жума кунлари Чоймомо маросимини ўтказилган. Ўша кунлари етти ёки беш нафар қиз «Чоймомо» қўшигини ёитиб уйма-уй юрган ва ҳар бир хонадондан ун, дон тўплаганлар. Жума куни тўпланган масаллиқдан худойи оши ёки атала, чўзма, чалпак пиширганлар. Шамол ошига атаб пиширилган чалпакнинг етти донасини шамол чиқади деб тасаввур қилинадиган дара яқинига қўмиб қўйганлар. Халқ қарашларига кўра, чўзма-чалпакнинг исини туйган Чоймомо шамолни эсишдан тўхтатар экан (Тайджанов К., Исмоилов Ҳ., 1986. – С.116).

Фольклоршунос Т.Мирзаевга шамол тўхтатиш маросими ҳақида маълумот берган ахборотчиларнинг сўзларига қараганда, «Чоймомо» маросими чоғида хонадонлардан тўпланган ундан хамир қилиб, Шамол отага атаб 12 дона чалпак пиширганлар. Бу чалпакларни шамол чиқадиган дарага ташлаганлар ёки ўша муқаддас дара ёнига қўмгандар. Шамол чиқадиган тешик олдида қўй сўйиб, курбонлик қилишган. Ана шу қўй гўштидан пиширилган таомни одамлар та новул қилишгач, қозонда қолган шўрва «шамол тешиги»га тўкилан (Саримсоқов Б., 1986, 115-бет).

Шамолнинг фордан чиқиши, яъни «шамол эгаси»нинг форда яшаци ҳақидаги мифологик қарашлар бошқа туркий халқлар орасида ҳам тарқалган. Ҳусусан, бошқирдлар тасаввурича, шамол қандайдир парининг измига бўйсунар экан. Бу пари қўпинча қоялар орасида ёки форда ўтиради, ташқарига чиққан пайтида эса кучли шамол қўзғалади деб ўйлайдилар (Руденко С.И., 1973. - С.26).

Жаҳоннинг кўпгина халқлари мифологиясида ғорни ер юзидағи мавжудликни вайрон қилувчи, яксон этувчи кучлар, шунингдек, шамол, ёмғир, булут каби табиий ҳодисаларнинг рамзий «эга»лари ўзига макон қилган афсонавий жой сифатида тасаввур қилиш анъясаси кенг тарқалганилигини В.Н.Топоров ҳам қайд қилган эди (Топоров В.Н., 1992,в. - С.311).

Қадимги одамлар кучли ел, қуюн ёки довул сифатида намоён бўладиган ҳамда экин-тикинларни пайхон қилиб, дарахтлар мева-сини тўкиб, катта зиён етказадиган шамолни ёвуз куч аломати деб

билишган. Бевақт эсган шамолни тұхтатиши, ҳосил исрофгарчилигининг олдини олиш мақсадида бу табиий ҳодисага турлы магик амаллар билан таъсир күрсатиши ҳаракат қилишган. Натижада шамол тұхтатиши маросими ҳамда шамолни жиловлай оладиган мифологик персонажлар тұғрисидеги асогирий қараашлар, афсоналар келиб чыққан. Хусусан, Янги зеландияліклар мифлари талқинича, афсоның қаҳрамон Мауи ҳамма шамолларни ушлаб, ғорға қамаб құяр, фақат мағриб шамолини тизгиналашга унинг қурбі етмас экан. Чунки мағриб шамоли жуда күчли бұлғанлиги туфайли ғор өғзидеги тошларни суриб ташлаб, тутқунликдан қтулиб кетаверар әмиш. Шундай бұлса-да, гоҳ-гоҳ Маунинг омади чопиб, бу шамолни маҳв этар, ана шунда мағриб шамоли ўзининг горига бекиниб, бир қанча вақ-гача тинчиб қоларкан (Тайлор Э.Б., 1989. - С.173).

Үзбеклар орасыда сақланған халқ қараашларига құра ҳам ғор-шамолнинг макони ҳисобланади. Хусусан, Самарқанд вилоятининг Булунғур туманинде Сұлоқли қишлоғидан ёзіб олинған маълумотта құра, ҳамма шамолларнинг подшосини «*Илон ўтди*» дейді. Фаллаорол билан Жиззах оралиғидеги Амир Темур дарвозаси деган дарада Илон ўтди деган ғор бор. Шамол ана шу ғордан чиққиб, ёмғир ҳайдаб келар әмиш. Айтишларыча, «*Илон ўтди*» атамасининг маъноси «*илон өғзидан чиққан олов*» демекдір (Муаллифнинг дала ёзувлары 1987 йылда Самарқанд вилоятининг Булунғур туманинде Сұлоқли қишлоғида яшовчи Абдуғаффор Шукуровдан ёзіб олинған).

Бизнингча, бу атама Жиззах вилояти ҳудудидеги тоғларда жойлашған Илон ўтди дарасининг номи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Афсоналарга қараганда, тилсимланған пичноқ билан қовун кесиб егандан кейин жоду таъсирида аждарга айланған бола ана шу тоғ оша судралиб ўтиб кетган. Аждарнинг изидан ҳосил бўлган дара «Илон ўтди» деб аталади («*Ипак йўли афсоналари*»).

«Шамол эгаси» образининг ғор билан боглиқлиги оламнинг мифологик тузилиши ҳақида халқ қараашлари асосида изохланади. Маълумки, қадимги мифологияда ғор (кудуқ, чуқурлик, тешик, жарлик каби) ер юзасида жойлашған ёруглик оламидан замин тубидаги ўзга дунёга ўтиш йўли деб тасаввур қилинған. «Чоймомо» маросимида «шамол эгаси»га атаб ритуал таом (чўзма, чалпак, курбонликка сўйилған кўй гүштининг шўрваси ва ҳ.к.) ташланадиган тешик ёки ковак ҳам, фикримизча, ғорнинг мифологик атрибутларини ўзида ифодалаган жойлар сирасига киради. Шамол тұхтатиши маросими чоғида қишлоқ хонадонларидан йи-

Гилган ундан пиширилган чалпакни шамол чиқадиган тешикка ташлаш ёки пишириқларни ғор (тешик) яқинига күмиш эса ер остида яшайды деб тасаввур қилингандын «шамол эга»ларини ритуал гаом билан сийлашнинг рамзий ифодасидир.

Аждодларимиз табиат ҳодисаларининг пайдо бўлиш сабабларини, ҳар бир табиий ҳодисанинг моҳиятини чукур англамаганлиги сабабли уларнинг бир қисми одамларга фойда келтирадиган эзгу кучларга боғлиқ бўлса, айримлари кулфат ва оғат манбай бўлган ёвуз руҳларга алоқадор деб билган. Маълумки, мифологияда ғор ер ости оламига ўтиш йўли деб қаралганлиги боис кўпинча ёвуз кучлар макони тарзида талқин қилинади (Топоров В.Н., 1992, в. - С.311). Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, бевақт эсган қаттиқ шамол ёки довул одамлар бошига кўп кулфат келтирганлиги учун, аждодларимиз бу табиий ҳодисанинг сабабчиси ер остини ўзига макон қилган ёвуз кучлардир деб тахмин қилган. Шамолни тоғдаги ғор ёки тешикдан чиқади деб тасаввур қилиш ҳам ана шу мифологик эътиқодларга бориб тақалади.

Демак, шамол чиқадиган ғор ёки тешик тўғрисидаги мифологик тасаввурлар замирауда аждодларимизнинг табиий ҳодисалар ҳақида ги қадимий қараашлари, инончлари ётади. Бир неча кун эсган сурункали қаттиқ шамолни тўхтатиш мақсадида «Чоймомо» маросими ўтказилганлиги ҳамда бу маросим чоғида шамол чиқадиган тешикка чалпак ташланганлиги аждодларимиз вайронагарчиликка сабаб бўлувчи кучли шамол ёки довулни ёвуз кучлар юборади деб тасаввур қилган дея хулоса чиқаришимизга асос бўла олади. Қизиги шундаки, ўзбекларнинг шамол чақириш маросимларида бевосита ғор билан боғлиқ ирим-сирим ёки ритуал удумлар мавжудлиги маълум эмас. Аммо шамол чақириш маросими қўшиғидаги «Ҳайдар, Ҳайдар, боланг қудуққа тушди, кетменингни олиб югар» айтими таркибидағи «қудуқ» детали рамзий маънода шамол чиқади деб тасаввур қилингандын «ғор» мифологик образининг эквивалентларидан бири сифатида қўлланилган.

## ЯЛЛИ МОМО

Ўзбекларнинг шамол культи билан боғлиқ мифологик тасаввурларининг матриархат даври эътиқодий қараашларига алоқадор алоҳида бир туркуми **Ялли момо** ёки **Ялала момо** ҳақидаги эътиқодий инончлар тизимини ташкил этади. Ялли момо ҳақидаги халқ

қараашлари қуий Зарафшон воҳаси ўзбекларининг шамол тўхтатиш маросимлари таркибида сақланиб қолган.

Халқ қараашларига кўра, Ялли момо шамолнинг эгаси эмиш. Одамлардан хафа бўлса, шамолни кучайтириб, чанг-тўзонни қўзғаб юбораркан. Шунинг учун кучли шамол турса ёки бир неча кун мобайнида шамол тинавермаса, «Ялли момо» маросими ўтказишган.

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги Famxўр қишлоғида бир неча кун шамол эсиб, қуюн бўлиб, одамларни безор қилса, момолар эски-туски латталардан «ўлик бача» ясайдилар. Тайёр бўлган «ўлик-бача» - қўғирчоқни оқ матодан қилинган кафанга ўраб, кўтариб олиб, қишлоқ кўчалари бўйлаб уйма-уй юрадилар. Ҳар уйга борганда момолардан бири:

*Ялли момо, ялли-ё,  
Ялли момо ўлдиё,  
Кудуқ суви тополмай,  
Сирка билан ювдик-о,  
Бўздан кафан тополмай,  
Бўйра билан кўмдик-о!*

*Ялли момо, ялли-ё,  
Ялли момо ўлди-ё,  
Ялли момом гуллари,  
Хазон бўлмай сўлди-ё,  
Шум шамолнинг онаси,  
Ялли момо ўлди-ё!*

*Ялли момо, ялли-ё,  
Ялли момо ўлди-ё,  
Кетмончани тополмай,  
Теша билан кўмдик-о,  
Очиқ гўрни тополмай,  
Молоҳўрга кўмдик-о!*

*Ялли момо, ялли-ё,  
Ялли момо ўлди-ё,  
Яллининг изи йитсин деб,  
Жўроб билан супурдик-о,  
Яллини сув ютсин деб,  
Изларига сув урдик-о!*

- деб қўшиқ айтадилар. Ҳар ким ўз имкониятига қараб, атаган нарсасини: бир кап унми, буғдойми, ноҳми чиқариб беради. Тўпланган нарсаларни қишлоқдаги ёлғиз яшайдиган момолардан бирининг уйига олиб бориб, «*шамол оши*» қилиб тарқатадилар. Кейин «ўлик бача»га жаноза ўқилади-да, болаларнинг кўлига берилади. Болалар «ўлик бача»ни кўмиш учун молхона томонга қараб йўл оладилар. Ҳаммадан орқада бораётган боланинг белига арқон боғлаб, арқоннинг учига супурги осиб қўядилар. Болалар «ўлик бача»ни кўтариб молхона атрофини бир айланиб, кейин оғилга кирадилар. Сигирнинг охуридан чукур ковлаб, «ўлик бача»ни кўмадилар. Шундан кейин болалар билан бирга «ўлик бача»ни кўмгани борган кишилар «*чандан қайт, чандан қайт*», - деб, орқаларига қарамасдан қайтиб кетадилар. Ана шу ирим қилинса, шамол босилиб қолади деб ўйлайдилар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1991 йилда Ойдин Атоевадан ёзид олинган).

Шамолни тўхтатиш мақсадида ўтказилиб келинган мазкур маросимнинг бир нечта локал кўринишлари мавжуд. Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида кучли шамол кўтарилса, уни тўхтатиш учун «*Ялкан момо*» ясашган. «Ялкан момо» - юзига қора суртилган қўғирчоқ бўлиб, уни кўтариб олган бир аёл етти уйга гадойчиликка борган ва ун, ёғ олиб келган. Йигилган ун билан ёғдан бўғирсоқ пишириб, болаларга тарқатилган (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1991 йилда Муяссар Рўзиевадан ёзид олинган). Бухоро вилоятининг Шоғиркон туманида кучли шамол кўтарилганда болалар уйма-уй юриб:

*Лалалай, Лайли хотин ўлибди деб эшиштамиз,  
Сув топмай, сирка билан ювибди деб эшиштамиз,*

*Кетмон топмай теша билан кўмибди деб эшиштамиз, -*  
деб қўшиқ айтишган ва ун йифиб келғанлар. Қишлоқ кайвониси болалар йифиб келган ундан «қотир» - қатлама пишириб, болаларга улашганлар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 2004 йилда Шоғиркон туманининг «Шоғиркон» жамоа хўжалигида яшовчи Шамсия Эсновадан ёзид олинган).

Шоғиркон туманининг Қайраоч қишлоғида эса бир неча кундан бери тинмаган кучли шамолни тўхтатиш учун аёллар битта қўғирчоқ ясаб, эски-туски латталардан кийим кийгизганлар. Кейин ўша қўғирчоқни кўтариб, қишлоқ кўчалари бўйлаб уйма-уй юрганлар ва ҳар бир ҳовлига борганда:

*Чалалай Чалти хотин ўлди дедилар,  
Сув тополмай сирка билан ювдилар,  
Кафан топмай бўйра билан ўрадилар,  
Кетмон тополмай теша билан кўмдилар, -*

деб қўшиқ айтганлар. Уй эгалари ун чиқариб берганлар ва тўпланган ундан чалпак пишириб болаларга берганлар. Қўғирчоқни эса мол оҳурга кўмганлар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 2004 йилда Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги Қайрағоч қишлоғида яшовчи Мухаррам момодан ёзиг олинган).

«Шамол қўғирчоғи» - «ўлик бача» ясаш қадим замонларда яшаган аждодларимиз орасида табиат ҳодисалари ҳомийларига одамларни қурбонлик қилиш одати бўлганлигидан далолат берадиган удумдир. Халқ орасида бу удумнинг келиб чиқиши тўғрисида шундай афсона бор экан. Айтишларича, қадим замонларда бир хотин боласини ўйнатиб ўтирган экан, бирдан қаттиқ шамол туриб, ҳамма нарсани учириб кета бошлабди. Буни кўрган хотин «шамол боламнинг қўғирчоғини ҳам учириб кетмасин» деб боласининг бир ўйинчогини ерга кўмиб қўйибди. Шунда бирдан шамол босилиб қолибди. Шундан бери қаттиқ шамол турса, қўғирчоқ ясаб, ерга кўмиш одати пайдо бўлган экан (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1989 йилда Коракўл туманидаги Сайёд қишлоғида яшовчи Иззатой Жўраевдан ёзиг олинган).

Ўйлашимизча, қадимги одам ҳаётига хавф соладиган табиий оғатлар - қуюн, довул, тўфон, кучли шамолларни ёвуз кучларнинг хуружи ёки одамлардан аразлаган «шамол тангри»ларининг фазаби деб билган. Шу боис, бир неча қунга чўзилган қаттиқ шамолни тўхтатиш учун афсонавий ҳомий шарафига қурбонлик қилиш керак деб ўйлаганлар. Ибтидоий қурбонлик маросими ёки шамол ҳомийларини ритуал таом билан сийлаш удумнинг излари халқимизнинг маросим фольклорида икки хил қўринишда сақланиб қолган:

а) *ритуал таом пишириш*; Олот туманидаги Қассоббаёт қишлоғида қаттиқ шамол бўлса, уни тўхтатиш учун қишлоқдаги бир марга никоҳ кўрган етти кампирдан етти ҳовучдан ун олиб, бўғирсоқ ва ўмоч оши пиширадилар. Шу нарсаларни кўчадаги болаларга тарқатиб берса, шамол тинади (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1989 йилда Эргаш бобо Нодирхўжа ўғлидан ёзиг олиган). Баъзан хона-донларда шамолни тиндириш учун ис чиқарадилар. Олот туманидаги Банги қишлоғида шамол пирларига атаб чиқарилган исни

котинлар ариққа оқизишар экан (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1989 йилда Абдукарим Исломовдан ёзиб олинган).

Бухоро вилоятининг Фиждувон туманидаги Улфатбиби қишлоғида шамол кўп эсиб, одамларнинг экини заарланса, «шамол оши» қилиб берганлар. Бунинг учун етти хонадондан масаллиқ йифиб олиб, суюқ ош қилиб тарқатгандар. Кекса момолар бўйрадан «шамол қўғирчоқ» ясашган ва уни қишлоқ мозорига кўмганлар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1991 йилда 77 яшар Иззат биби Мажидовадан ёзиб олинган). Қизилтепа туманидаги Кўкработ қишлоғида қаттиқ шамолни тўхтатиш учун **етти оиласдан етти хил масаллиқ йифиб**, «шамол оши» пиширганлар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1991 йилда Д.Сафаровдан ёзиб олинган). Хатирчи туманида эса сурункали эсанган ўқимсиз шамолни тўхтатиш учун **етти** хонадондан бир пиёладан ун олиб, «ўмоч оши» қилиб ҳамма оиласга етгунича тарқатишган (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 2004 йилда Гавҳар Қаюмовадан ёзиб олинган). Шамолни тўхтатиш мақсадида ритуал таом пишириш маросимида «кўприк» ёки «йўл» деталига алоҳида эътибор берилган. Масалан, Самарқанд вилоятининг Пахтаки туманидаги Дарайтут қишлоғида шамол кўп эсанда аёллар кўприк устига ёки йўл бўйига чиқиб «шамол оши» пиширишган (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1991 йилда 60 яшар Тўти момо Қаюмовадан ёзиб олинган).

Навоий вилоятидаги Навбаҳор туманининг Янгиқўрғон қишлоғида илгарилари қуон ёки довул кўтарилса, одамлар мачитларга йиғилишиб, худога нола қилишган. Азон айтилган, қишлоқ аҳлидан хайр-садақа йифиб, худо йўлига ҳалиса ҳам пиширганлар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1991 йилда Раҳмат Фойибовдан ёзиб олинган).

б) **жонлик сўйиб қурбонлик қилиш**. Шамол эгалари ҳақига қурбонлик қилиш бирорта жонлиқни сўйиш йўли билан амалга оширилади. Қизилтепа туманидаги Бўстон қишлоғида қуон турса-да, чор-атроф тўс-тўполон бўлиб кетса, **«шамол қонсирабди»** дейдилар. Одамлар ўзаро келишиб, бирорта мол, ҳеч бўлмаса, бир товуқ сўйиб, қонини шамол келаётган томонга сачратадилар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1991 йилда Ф.Темировадан ёзиб олинган).

Кучли шамол турганда ёки қуон кўтарилганда буни «қонсираган шамолнинг хуружи» деб тушунган қадимги одамлар бундай табиий офат рўй берган чоғда бирор жонлиқни қурбон қилиш лозим, деб ўйлаганлар. Назаримизда, ўтмишда турли худолар шарафига ўтказилган қурбонлик маросимларида бўлгани сингари шамол тўхтатиш ёки уни чақириш удумларида ҳам руҳлар ҳақига одамни қурбон қилиш

одати мавжуд бўлган. Зеро, Б.Саримсоқовнинг «Чоймомо маросимида иштирок этувчи беш нафар бўй қизлар ибтидоий инсонни даҳшатга солган сурункали давом этаётган қаттиқ шамолни тиндириш учун қурбонликка маҳкум этилган шахслардан иборат» (Саримсоқов Б., 1986, 117-бет) деган фикри ҳам аждодларимизнинг қадимий маросимларида шамол эгаларига атаб одам-ни қурбон қилиш удуми бўлганлигидан далолат беради.

Даврлар ўтиши билан ибтидоий маросимлар ҳам муайян ўзгаришларга учраши табиий ҳол. Бу эса ўз-ўзидан аждодларимизнинг кўпгина анъана ва удумлари инсон тафаккурининг тараққиёти ҳамда турмуш тарзидаги ўзгаришларга монанд ҳолда янгиланиб борганлигидан далолат беради. Шамол чақириш ва уни тўхтатиш маросимларининг удумлар таркиби ҳам ана шундай ўзгаришларни ўз бошидан кечирган. Кучли шамол эсиб, довул кўтарилиган пайтда табиат кучлари олдида ожиз бўлган қадимги давр коҳинлари шамол эгалари ҳақига бирорта одамни қурбон қилиб, афсонавий ҳомийлардан мадад тилаши удуми кейин ҳам сақланиб қолган. Факат ибтидоий маросимнинг энг муҳим узвларидан бири - қурбонлик қилиш одати ўзгарган: одам ўрнига бирор жониворни сўйиб қурбон қилиш удуми урф бўла бошлаган. Шамол ҳомийлари шарафига жонивор сўйиб қурбонлик қилиш ғоят қадимий ритуаллардан бири бўлиб, бу ибтидоий магик амалнинг қолдиқлари қуи Зарафшон воҳаси ўзбеклари орасида «шамол қонсираган»да хўroz сўйиб, қонини шамол келаётган томонга сачратиш удуми тарзида сақланиб қолган.

Шамол ёки довулни тўхтатиш мақсадида ўтказилган ибтидоий маросимлардаги одамни қурбон қилиш ҳақидаги қарашлар ҳам беиз йўқолиб кетмаган. Назаримизда, қуи Зарафшон воҳасида қайд қилинган Ялли момо маросимида кучли шамолни тўхтатиш учун «шамол қўғирчоқ», яъни «ўлик бача» ясаб, мол охурига дағи қилиш одати бевосита ана шу ибтидоий қурбонлик удумларига бориб тақалади. Шамолни тиндириш мақсадида ясалган қўғирчоқ рамзий маънода шамол «эга»си ҳақига қурбонлик қилиш учун танланган шахс тимсоли бўлиб, унинг ерга кўмилиши қурбонликнинг руҳлар оламига тақдим этилганлигини кўрсатади. Бу маросим юзага келган қадимги даврларда шамолни тўхтатишни умид қилган аждодларимиз бевосита руҳлар томонидан танланган деб тасаввур қилинган одамни қурбон қилишган бўлса керак. Кейинчалик шамол тўхтатиш маросимларида одамнинг рамзий тимсоллари - со-

шол ёки лойдан ясалган ҳайкалчалар, турли ўйинчоқлардан фойдаланиш анъанаси келиб чиққан. Демак, «Ялли момо» маросими даги «ўлик бача» ясаш билан боғлиқ ададларнинг тарихий-мифологик асослари табиат ҳодисаларининг «эга»лари ҳақига қурбонлик қилиш ритуаллари билан боғлиқ асотирий қарашларга бориб тақалади.

Тошкент вилоятининг Пискент шаҳри яқинида «Кампир ўлди» деган жой бор. Фольклоршунос А.Мусакуловнинг шу ерда яшовчи қексалардан эшитишича, ўтган асрнинг бошларида қаттиқ сел келиб, тўхтайвермаганида бир кампир ихтиёрий равишда ўзини селга ташлаган ва сел тинган экан. Шу боис, бу жойни «Кампир ўлди» дейишар экан. Инсонни қурбонлик қилиш удумининг жонивор билан алмашинуви ислом дини таълимотида Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исҳоқни қурбон қилиш ўрнига Оллоҳ томонидан Қўчкор юборилганида кўринади.

Энди, бевосита «ўлик бача» ясаш удумининг ўзига хос жиҳатлари ва асосий узвлари таҳдилига ўтайлик:

1) **«шамол қўғирчоқ»нинг ясалиш жараёни.** Биз билан суҳбатда бўлган ахборотчиларнинг аксарияти «ўлик бача» эски-туски латталардан ясалишини айтишган эди. Лекин кейинги кузатишлар «шамол қўғирчоқ»нинг ясалиши ҳақидаги тасаввурларимизни бирмунча ойдинлаштиришга ва тўлдиришга имкон берди. Чунончи Олот туманидаги Қассоббаёт қишлоғида қаттиқ шамол турганда етти турлик латтадан болага ўҳшатиб, қўғирчоқ ясадилар. Бу қўғирчоқни қаттиқ ерга қўмиб, орқага қарамай келадилар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1989 йилда Эргаш Назаровдан ёзиб олинган).

Қассоббаётликларнинг шамол тўхтатиш маросимида 7 рақамининг магик хусусиятига эътиқод қилиш анъанасининг сақланганлиги бежиз эмас. Чунки улар шамолни тўхтатиш мақсадида қўғирчоқ ясаш билан бир қаторда қишлоқдаги бир никоҳли етти момодан етти ҳовучдан ун йигиб, ўмоч билан бўғирсоқ ҳам пиширадилар. Қўғирчоқнинг етти хил матодан тайёрланиши ва етти момодан етти ҳовучдан ун йифиш удуми халқимизнинг мифологик тасаввурлари тизимида шамол ҳомийларидан бири сифатида эътироф этилган Етти момо культи билан боғлиқ мифик қарашларга бориб тақалади (**Етти момо культи ва унинг шамол чакириш ҳамда тўхтатиш маросимларига алокадорлиги хусусида каране**: Тайжанов К., Исаилов Х., 1986. - С.111-116; Жўраев М., Тоҳиров Ў., 2003, 33-бет).

Фиждувон туманидаги Қумон қишлоғида кучли шамол бўлса, бўйрадан «шамол қўғирчоқ» ясайдилар. Қишлоқ оқсоқоллари уни мозорга элтиб, кўмиб келса, шамол қолади деб ирим қиладилар. Одат бўйича, шамол қўғирчоқ ясаш учун бўйра қамиши ёки чўпига «кўл» боғлаганлар, ҳосил бўлган «одамча»га турли-туман латта бўлакларидан либос қилиб, уни кийинтирганлар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1991 йилда Шарофат Файзуллаевдан ёзиб олинган). Бу ўринда «**бўйра**» детали қайд қилинганини ёвуз кучлар билан боғлик халқ қарашла-рига алоқадордир. Фамхўр қишлоғидан ёзиб олинган маросим қўши-ғида ҳам **«Бўздан кафан тополмай, бўйра билан кўмдик»** мисралари мавжудлиги ҳам бу детал шамол тўхтатиш маросимининг анъанавий узвларидан бири эканлигини кўрсатади.

Маълумки, бўйра кигиз, гилам каби тўшакларнинг остига со-линади ва уларни чангдан, намдан сақлади. Шу боис, одамлар орасида бўйра остини зиён-заҳматлар макон қилади деган қараш-лар ҳам бор. Ўзбек халқ афсоналаридан бирида дев билан парилар-нинг келиб чиқиши шундай тушунтирилади: «Оллоҳ таолло ерни бино қилгандан кейин рўйи заминни эъзозлаш учун Одам Отани яратибди. Одам отага жума куни жон ато этилибди. Орадан юз йил ўтгач, худо унинг қовурғасидан Момо Ҳавони ҳам яратибди. Момо Ҳаво ҳар сафар ҳомиладор бўлганида бирваракайига учтадан бола гуғаверибди. Болаларининг чап томондагиси ўғил, ўнг томондаги-си эса қиз бўларкан. Ўргадагисини бўлса Мома Ҳаво бўйра орқаси-га отиб юбораркан. Бўйра орқасига ташланган болалардан дев би-лан парилар пайдо бўл-ган эмиш (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1991 йилда Ромитан туманидаги Қаҳрамон қишлоғида яшовчи Маҳбуба Нозимовадан ёзиб олинган).

Қадимда кучли шамолни эсдирувчи афсонавий илоҳа сифатида тасаввур қилинган Ялли момо одамлар бошига оғир кулфатлар соладиган ёвуз кучлар тоифасига мансуб деб қарабган. «Шамол қўғирчоқ», яъни «ўлик бача»нинг бўйрадан ясалиши шамол «эга»-сининг ёвуз кучлар дунёсига алоқадорлигини англатади. Ҳатто «Ялли момо» маросимида ижро этиладиган қўшиқларда ҳам юқорида қайд қилинганидек, **бўйра** детали кўлланилади. Фольклоршунос А. Му-сақулов томонидан ёзиб олинган шамол тўхтатиш маросими қўши-ғида шундай мисралар мавжуд. Умоч оши пишириб, ана шу «ша-мол байти»ни айтса, шамол тинармиш:

*Ялала момо ял дедилар,*

*Жом косада сув дедилар,  
Сув тополмай, сирка билан юв дедилар,  
Кафан топмай, бўйра билан кўм дедилар*

(«ЗЎФА». И nv. № 1805/20, 23-бет).

2) «шамол қўғирчоқ»ни кўмиш ритуали. Шофирконликларнинг шамол тўхтатиш маросимини ўз хотиралари асосида тасвирлашга ҳаракат қилган Йўлдош Муқим ўғли Оташ Айём Ожуз билан Ялли момо ҳақидаги халқ қараашларини қоришириб юборганилигига қарамасдан, муаллифнинг «қўғирчоқ кампир» ясаш одатига доир этнографик маълумотлари муҳим илмий қимматга эгадир. Унинг ёзишича, шофирконликлар «телба шамолу бўронни, тўс-тўполонни тўхгатмоқ учун қадимгилар одатига кўра, Айём Ожузни үлдириб, тобутга солиб, очиқ гўрга кўммок керак деб ўлашган. Шунинг учун эски латталардан «қўғирчоқ кампир» ясаб, оқ матодан кафан ва тобут тайёрлаганлар. Болалар эса уйма-уй юриб, қора ош пишириш учун зарур бўлган масаллиқларни тўплаб келишган. «Қўғирчоқ кампир»ни қишлоқ чеккасида бир ўзи яшайдиган «якказан» момонинг уйидан чиқарганлар. Фотиха ўқилиб, зарур расм-русумлар адо этилгач, «қўғирчоқ кампир»нинг «жасади» солинган тобутни кўтариб, болалар йўлга тушишган. Дафн қилювчилар сафининг охирида бораётган боланинг белига бир учига супурги боғланган арқонни ўраб, танғиб қўйганлар. Супурги болаларнинг изини супуриб, кўчани чангитиб бораверади. Қадимийлар одатича, қишлоқ чеккасидаги бузилган, хароба уйнинг молхонасидағи эски охурга «қўғирчоқ кампир»ни кўмиб қайтадилар» («Наврӯз нақли», 19-бет).

Йўлдош Муқим ўғли Оташнинг китобида келтирилган Ялли момо ҳақидаги қўшиқ бизнингча, шофирконликларнинг анъанавий шамол тўхтатиш маросими қўшиқларини бадиий жиҳатдан қайта ишлаш асосида яратилган. Чунки бу қўшиқ матнида ҳам «шамол қўғирчоқ»ни сирка билан ювиш, бўйра билан кафандаш, охурга кўмиш, изини супуриш каби анъанавий мотивлар талқини мавжуд:

*Ялли момо яллиё,  
Айём ожуз ўлдиё,  
Булоқ суви тополмай,  
Сирка билан ювдиго...  
Бўздан кафан тополмай,  
Бўйра билан кўмдиго.*

*Ялли момо, яллиё,  
Шаштинг синсин, яллиё,  
Шамол тинсин, яллиё!  
Ялли момо, яллиё,  
Айём ожуз ўлдиё,  
Кетмон, курак тополмай,  
Теша билан кўмдиго.  
Гўру қабр тополмай,  
Охурчага кўмдиго...  
Шумнинг изи синсин деб,  
Жўроб билан супурдик.  
Изидан гуллар унсин деб,  
Гармоб билан сув қўйдик*

(«Наврӯз нақли», 20-бет).

«Шамол қўғирчоқ»ни дағн қилиш ритуали шамолнинг ер ости олами билан боғлиқлиги тўғрисидаги мифологик эътиқодлар асосида келиб чиқсан удумдир. Илмий адабиётларда Чоймомо маросимининг ўтказилиши жараёнида шамол «эга»лари шарафига атаб гайёрланган ритуал таом шамол чиқади деб тасаввур қилинган тешик (ёки унинг фор, ўра каби қўринишлари)ка ташланиши ёки ўша жой яқинига кўмилиши қайд қилинган (Саримсоқов Б., 1986, 115-бет). Қадимги одам назарида қўрқинчли табиий ҳодисалардан бири деб қаралган қаттиқ шамол - довул ер остида яшайдиган афсонавий мавжудотлар измига бўйсунади ва уларнинг фаолияти натижасида рўй беради деб тасаввур қилинган. Шунинг учун «шамол эга»ларига аталган муқаддас таом ҳам ерга кўмилиши, фор, қудук ёки ўрага ташланиши ва шу тариқа ер ости олами - руҳлар оламига тақдим этилиши керак деб билганлар. «Шамол қўғирчоқ»ни дағн этиш ҳам уни ўзга дунёга йўллашнинг магик воситаси деб қаралган.

«Шамол қўғирчоқ»нинг мозорга эмас, охурга кўмилиши одагининг замирида эса халқимизнинг ёвуз руҳлар тўғрисидаги қадимий мифик қарашлари ётади. Бухоро вилоятининг Қоракўл туманинаги Жигачи қишлоғида яшовчи Эшон бува Жалиловнинг айтишича, отхоналарда алвости бўлар эмиш. У одатда отнинг охурида бекиниб ётар ва кечаси ҳеч ким йўқлигига отни миниб, унинг ёлинни ўриб кетаркан. Демак, охур - ёвуз руҳлар яшириниб ётадиган жой деб тасаввур қилинган. Қаттиқ шамол сабабчиси деб тасаввур қилинган Ялли момо ҳам ёвуз кучлар оламига дахлдор

бұлғанлиги боис унга аталған қурбонлик - «үлік бача» хам охурға күмилған.

**Ялли момо** ёки **Ялала момо** ҳақидағи мифологик афсоналарнинг тұлиқ матни сақтаниб қолмаганлиги учун бу образнинг қиёфа-си қандай бұлғанлигини аниқ тасаввур қилиш имконига зға эмас-миз. Бизнингча, шамол әгаси деб қаралған Ялли момо ҳақидағи әътиқодий қарашлар генетик жиҳатдан Чоймомо тұғрисидаги мифологик тасаввурларға алоқадордир. Ҳар икқала маросим ҳам бир неча күн әсган сурункали шамолни тұхтатиши мақсадида үтказилиши ҳам бу фикрни тасдиқлайды. **«Ялли момо»** мифологемасидаги **«Ялли»** атамаси эса «кучли шамол» маъносини англатувчи **«ел»** сүзи билан алоқадор булиши керак. Бу мифологик персонаж номи-ни билдирувчи атама аслида **«Елли»** тарз�다 таляффуз қилинған бұлиб, **«ел»**, яны «кучли шамол әгаси» деган маънони англатған. Демек, **Ялли момо** - «шамол момо»дир.

Фикримизча, Ялли момо образи туркий халқдар мифологияси-да шаклланған асотирий персонажлардан бири бұлиб, Чоймомо образига қараганда қадимийроқдир. Қуйидаги далиллар ана шундай хulosаси чиқаришимизга асос беради:

1) Ялли момо маросимида кучли шамолни тұхтатиши билан бөглиқ қадимги ритуалларнинг эң мұхым узвларидан бири - табиий ҳодисаларнинг рамзий әгалари шарафига қурбонлик қилиш уду-мининг «үлік бача» ясаш одати тарзидаги варианти сақтаниб қол-ған;

2) Ялли момо билан жағон халқлари мифологиясида қайд қилинған айрим шамол тангрилари образлари орасида муайян типологик үхшащлик мавжуд. Хусусан, қадимги юон мифологиясида Эolia оролида яшовчи шамол худоси Эол образи бұлғанлиги қайд қилинған. Эол ўз шамоллари билан форға қамаб қўйилған эмиш (Тайлор Э.Б., 1989. - С.402). У бир куни кучли шамоллар қамалған халтасини Одиссейга берібди. Аммо Одиссейнинг ҳам-роҳлари қопни очиб, шамолни чиқарып юборадилар ва натижада кучли бүрон бошланади. Бүрон Одиссейнинг кемасини яна Эolia ороли соҳилларига суріб келади. Аммо бу сафар аччиги чиққан Эол уни ҳайдаб юборади (Тахо-Годи А.А., 1992. - С.663).

Әтибор берилса, **Эол** ва **Ялла** атамалари орасида фонетик яқин-лик күзға ташланади. Бу эса ҳар иккى атаманиң генетик илдизла-ри муштарап мифик қарашлар тизими - қадимги туркийларнинг шамол тангриси (балки бу мифологик персонаж номи ҳам «ел» сүзиге алоқадор бұлғандыр) ҳақидағи әътиқодий инончларига бое-

лик эмасмикин деб тахмин қилишга асос бўла олади. Эолнинг фор билан боғлиқлиги (Чоймомо образи бевосита фор билан, Ялли момо эса ер ости олами билан алоқадор ҳолда тасаввур қилинган), шамолнинг «қопда сақданиши» ва Одиссейнинг ҳамроҳлари халтанинг оғзини очиб, шамолни чиқарип юборишлари (Айём ожуз ҳақидаги ўзбек афсоналаридан бирида ҳикоя қилинишича, шамол форда яшовчи момонинг қопида туради, у ухлаган пайтда Аҳман билан Даҳман деган ўғиллари қопнинг оғзини очиб, шамолни чиқарип юборишади. *Каранг: Жўраев М., 1994-а, 28-29-бетлар*) каби мотивлар ҳам юнон асотирларида номи тилга олинган Эол образи туркий мифлар билан генетик жиҳатдан алоқадорлигини кўрсатади.

Ялли момо ҳақидаги мифлар ва унинг культи таъсирида шаклланган шамол тўхтатиш маросими билан боғлиқ ҳалқ қараашлари қадимда Ўрта Осиёда яшаган туркий ҳалқлар орасида кенг тарқалган. Бу асотирий персонаж шамол культининг мифологик тимсолларидан бири сифатида анъанавийлаштирилган. Даврлар ўтиши билан Ялли момо образининг мифологик табииати ўзгаришга юз тутган бўлса-да, у билан боғлиқ тасаввурлар шамол тўхтатиш маросимининг қуи Зарафшон воҳаси ўзбеклари орасида оммалашган локал варианларидан бири сифатида сақланиб қолган.

## ШАМОЛ ЧАҚИРИШ МАРОСИМЛАРИ

### «ҲАЙДАР» КУЛЬТИ

Ўзбекларнинг шамол чақириш билан боғлиқ ирим-сиримлари ва бу эътиқодий инончлар тизими билан алоқадор магик айтим матнларида шамолнинг афсонавий ҳомийси - Ҳайдар ёки Мирҳайдар номи тилга олинади. Ҳайдар культи билан боғлиқ мифологик тасаввурлар Ўрта Осиёда истиқомат қиласиган туркий халқларнинг деярли барчасига мътумумлиги илмий адабиётларда қайд қилинган (Джикиев А., 1983. - С.15; Кармышева Дж.Х., 1986. - С.63; Демидов С.М., 1962. - С.201; Оразов А., 1973.-С.30). Хусусан, Каспийбўйи туркманлари хирмон совураётганда шамол эсмай қолса, бир сиқим сомонни таёқ учига боғлаб, хирмонга қистириб қўйишган ва «Ҳайдар бабанын ёлына бир чорек, ел гойса» (яъни «Агар шамолни қўйорса Ҳайдар бобонинг ҳақига битта нон атадим») дейишган. Агар шамол эсиб, таёқ учидаги сомонни учирив кетса, хирмондаги дондан бир қисмини худойи қилиб элга тарқатгандар. Баъзи ўзига тўқ дехқонлар бирорта жонлик атаб шамол эсиши билан уни сўйиб гўштини овулдошларига тарқатиб чиқишиган (Джикиев А., 1962. - С.201).

Мурғоб ва Ахал воҳасида яшовчи туркман дехқонлари эса бошига отнинг тезаги қистириб қўйилган чўпни дони сомонидан ажратилиши керак бўлган хирмон устига тиқиб қўйганлар ва «Ҳайдар! Ҳайдар!» - дея шамол пирларига илтижо қилганлар (Оразов А., 1973. - С.30). Туркман дехқонлари хирмондаги чошдан ғаллани совуриб олиш чоғида шамол бўлмаса, бир чеълакни буғдойга тўлдириб четроққа қўйганлар, «кушлар ҳақи» деб озроқ ғаллани атрофга сочганлар, бир таёқнинг ёриғига тезак қистириб ерга қадаганлар ва «Ел гойса, Ҳайдар бабанын ёлуна бир чорак» («Агар шамол юборса Ҳайдар бобонинг ҳақига бир нон худойи») дейдилар (Демидов С.М., 1987. – С.20-21).

Айрим ахборотчилар шамол пирини «Мирҳайдар» деб ҳам атайди-

лар. Масалан, жанубий Қозоғистон дәхқонлари хирмон совурила-ётганда шамол бўлмаса, «*Мир-ҳайдар, Мирҳайдар, кел, Мирҳайдар!*» - деб чақирганлар (Кармишева Дж.Х., 1986. - С.63). Бойсун туманининг Ариқусти маҳалласида яшовчи кекса дәхқон Умбар бобо Хўжамов «хирмон совураётганда шамол бўлмаса, “*Ё тасаддугингиз бўлай, Мирҳайдар, қувват беринг!*”-деб шохани тайлайвепар эдик. Мирҳайдарга сифинар эдик», - дейди (Муаллифнинг дала ёзувлари. 2003 йил 24 октабрь).

Шамол чақиришнинг худди шунга яқин усули Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги Кумушкент қишлоғида ҳам қайд қилинган. Ахборотчимиз С.Олимовнинг айтишича, бу қишлоқда яшовчи кекса кишилар ёз қунлари ҳаво дим бўлиб қолса, дараҳтларнинг шохларига от ёки эшак тезагини қистириб қўйиб, «*Ҳайдар, боланг ариққа ишқилди, югур!*» - деб шамол чақиришганини эслашар экан. От тезаги об-ҳаво ва табиат ҳодисалари билан боғлиқ маросимларда анъанавий тарзда қўлланиладиган магик восиғалардан бири ҳисобланган. Бинобарин, қадимги одамлар от тезагининг магик қурдати ёрдамида нафақат шамол, балки ёмғир ёғдиришга ҳам ҳаракат қилганлар. У.Душаннинг ёзишича, қалмиқ шомонлари ёмғир ёғдириш учун бир тепалик устига чиқиб ён-атрофига от тезагини сочиб юборар ва сеҳрли афсун сўзларини ўқир экан (Душан У., 1976. - С.57).

Демак, шамол пирини Ҳайдар деб аташ Ўрта Осиёда яшовчи туркий халқлар мифологияси ва маросим фольклорининг муштарак анъаналаридан бири бўлиб, қачонлардир бу афсонавий ҳомийга мурожаат қилиб шамол чақириш маросимини ўтказиш кенг расм бўлган. Кейинги пайтларда бу маросимни ўтказишга ҳаётий эҳтиёж қолмаганлиги сабабли бу ритуал унутилиб кетган. Б.Саримсоқовнинг фикрича, бу маросим чоғида ижро этилган қўшиқлар ҳам унутилиб кетган, ўзбеклар орасида фақат бир тўртлик сақланиб қолган, холос (Саримсоқов Б., 1986, 135-136-бетлар).

Биз томонимиздан кейинги йилларда Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида олиб борилган текширишлар натижасида гўпланган фольклор ва этнографик материаллар бир замонлар бободеҳқонларимиз томонидан ҳар йили буғдой ўримидан сўнгги хирмон совуриш мавсумида ўтказиб келинган анъанавий шамол чақириш маросими фольклори ҳақидаги тасаввурларимизни бирқадар бойитиш имконини беради.

Навоий вилоятининг Нурота туманидаги Сойкечар қишлоғида яшовчи Тоштемир Турдиевнинг айтишича, хирмон совураётганда

ҳаво дим бўлиб, сомон юришмаса, сопол ёки чинни идишларни тақиилатиб, хуштак чалишган. Шундаям шамол эсавермаса, хуштак чалиб туриб:

*Шамолингни қўйвор,  
Сомони сендан,  
Буғдойи мендан,  
Ҳайдаро, Ҳайдар,  
Боланг сувга оқди,  
Югур ушлаб ол!*

Шофириконлик Турсуной Ўрунованинг эсласича, бобоси хирмон совураётганда:

*Ҳайдар-о, Ҳайдар,  
Шамолингни қайтар,  
Боланг қудуққа тушди, -  
Үйинг қайғуга тўлди,  
Ҳайдар, Ҳайдар, келақол,  
Шамол бўлиб эсақол,  
Буғдойи менга фойда,  
Сомонини олақол!*

- деб хитоб қилиб, хуштак чалишар экан.

Шамол пирига мурожаат қилаётган дехқон агар Ҳайдар ўз марҳаматини дариф тутмаса, уни маҳсус неъмат - сомон билан сийляяжагини айтади. Чунки хирмон совураётганда дехқон қўлидаги паншахаси (Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғида бу асбобни *бодёвоқ* дейдилар) билан янчилган бугдойни тепага қаратиб отади. Буғдой дони оғир бўлгани учун хирмонга тўкилади, сомонни эса фир-фир эсаётган шамол учирив бориб, салнарироқдаги тўсиқ олдига йигади. Шу боис дехқонлар Ҳайдар донни дехқонга қолдириб, сомонини ўзи олиб кетади деб ўйлаганлар.

Айрим жойларда дехқонлар шамол пирига хирмондаги дондан ҳам «улуш» чиқарганлар. Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Банги қишлоғида яшовчи Эшон бува Абдиевдан ёзиб олинган қўйидаги айтим фикримиз далилидир:

*Ҳайдар оға, Ҳайдар оға,  
Шамолингни қайтар, оға,*

*Отиздаги бүгдойимнинг  
Ярмини қилдим садоға.*

Бу айтим замираидар халқимизнинг Ҳайдар культига сифиниш удумининг ўзига хос бир кўриниши - шамол чақириш маросимида шамол пирига қурбонлик қилиш анъанаси ўз ифодасини топган. Назаримизда, илгарилари ҳар бир деҳқон олинадиган ҳосилнинг маълум бир қисмидан ҳосилдорлик культларини ритуал таом билан сийлаш мақсадида маҳсус маросим оши тайёрлашда фойдаланган. «Даладаги бүгдойининг ярмини сенга садақа қилдим» деганда олинажак дондан маҳсус таом пишириб, шамол пири Ҳайдар ҳақига баҳш этилиши назарда тутилган.

Маълумки, **ҳайдар** - сочнинг алоҳида магик қудратга эга деб гасавур қилинган қисми - **кокил** маъносини ҳам билдиради. Айни пайтда бу рамзий детал шамол пири образининг анъанавий атрибутларидан бири вазифасини ҳам бажаради. Юқоридаги маросим қўшигига ҳам Ҳайдар образининг алоҳида белгиларидан бири – шамол пирининг кокили борлиги ҳақида маълумот берилган. Халқимизнинг одатига кўра, фарзанд кўргани билан боласи турмайдиган оиласда чақалоқ туғилса, бола ёшига етганда унга «соч тўйи» қилинади. Бола ўсиб-унсин, зиён-заҳматлар озор етказмасин деган ниятда бошнинг энса қисмидаги «қорин сочи»дан бир тутамини қирқмасдан қолдидилар. Ана шу кокил «**ҳайдар**» дейилади. Шамол чақириш маросими айтимларининг айрим намуналарида Ҳайдарнинг мифологик қиёфаси кокил детали воситасида тасвирланганлигининг ҳам муайян тарихий асослари мавжуд. Аждодларимизнинг эътиқодий қарашларига кўра, деҳқоннинг мурожаатини эшишиб йўлга чиққан Ҳайдар кокилини силкитиб келаётган пайтда, шамол қўзғалар эмиш. Бу мифологик эътиқод Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги Арабон қишлоғида яшовчи М.Орзиевдан ёзиг олинган қуйидаги маросим қўшиғида ҳам яққол кўзга ташланади:

*Ҳайдар-о, Ҳайдар,  
Кокилингни силкит!  
Хотинингни уйқу босди,  
Болангни сув оқизди,  
Ҳайдар-о, Ҳайдар,  
Кокилингни силкит!*

Демак, Ўрта Осиё халқлари мифологиясида Ҳайдар образи ел-Касига тушиб турадиган кокилларини ҳилпиратганча, куличини қенг ёзиб келадиган асотирий персонаж сифатида тасаввур қилинган. Агар А.Диваев томонидан оммалаштирилган қозоқ маросим Қўшиғида (Диваев А., 1892, №41) ҳам шамол пирининг «куличини кериб келиши»га истак билдирилганлигини ҳисобга олсак, бу образнинг мифологик асоси Ўрта Осиё халқларининг табиат культларига сифинишдан келиб чиқсан қадимий культ мифларига боғлиқлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Халқ қарашларига кўра, Ҳайдарнинг ота-онаси, хотини ва болалари ҳам бор. Шамол чақириш маросимида ижро этиладиган магик айтимларда кўпинча унинг оиласи бошига оғир фалокат тушнлиги, яъни яқинларидан бири ўлганлиги ҳақида маълумот берилади. Қизилтепа туманидаги Арабон қишлоғида яшовчи 73 яшар Ҳадича Тоированинг айтишича, қибла томонга қараб:

*Шамол, шамол,  
Тез кел, шамол,  
Онанг ўлиб қолди,  
Боланг сувга оқиб кетди,  
Тез кел, шамол!*

— деб уч марта такрорласа, шамол эсар эмиш.

Назаримизда, шамолнинг «онаси ухлаб қолиб, боласи сувга оқиб кетиши» мотиви Азиз момо ва унинг ўғиллари тўғрисидаги мифологик афсоналарга боғланади. Чунки афсоналарга кўра, Азиз момо торда ухлаб қолган пайтда Аҳман билан Даҳман унинг қопидаги шамолларни чиқариб юборишар эмиш.

Навоий вилоятиннинг Навбаҳор туманида яшовчи 89 яшар Асқар Пўлатовдан ёзиб олинган тўртликда шамолнинг ота-онаси қазо ўлганлиги ҳақида хабар берилади:

*Ҳайдар, Ҳайдар,  
Шамолингни қўйвор,  
Отанг ўлди, онанг ўлди,  
Кетмонингни кўтариб кел!*

Қашқадарё вилоятидан ёзиб олинган маросим қўшиқларида ҳам шамол пири Ҳайдарнинг онаси ҳалокатга учраганлигини баён қилиш мотиви мавжуд. Этнограф Ф. Раҳмоновнинг ёзишича, «ах-

боротчиларнинг маълумотига қараганда, шамолни чақириш учун унинг тилини билиш керак. Шамолнинг ҳомийси қаттиққўл, ўжар бўлиб, ноҳақликларга, зулмкорликка хуши йўқ экан... Мободо ҳалол-покиза, бироннинг ҳақига хиёнат қилмайдиган одам ёрдамга чақирса, албатта кўмакчи бўлиб келар экан. Унга мурожаат этишдан олдин шамолнинг эсишига тақлид қилиб хуштак чалиш ва ундан кейингина илтижо қилмоқ лозим экан:

*Ҳайдарбой-а, энанг-а,  
Кўмагингга бўлди зор.  
Товдан думалаб кетди,  
Шамолингни қўйивор»*

(Рахмонов Ф., 2002, 117-бет).

Қашқадарёликлар орасида ўтказилган этнографик изланишлар давомида Ф.Рахмонов томонидан Ҳайдарга мурожаат қилиб шамол чақириш маросими қўшиқларининг қўйидаги намуналари ёзб олинган:

*Ҳайдар, Ҳайдар, Ҳайдар-а,  
Шамолингни қўйбер-а,  
Шамол элга эш бўлсин,  
Дон совурмоқ пеш бўлсин.*

*Ҳайдар-а, Ҳайдар,  
Молларини ким ҳайдар,  
Шамолингни қўйвор,  
Қараб юрсин-а, пайдар (доимо).*

*Ҳайдар-а, Ҳайдар,  
Шамолингни қўйвор.  
Ота-онанг қамовда,  
Холидан, кел, хабар ол*

(Рахмонов Ф., 2002, 117-119-бетлар).

Юқоридаги матнлар ҳам Ҳайдарга мурожаат қилиб шамол чақириш маросими қўшиқлари «фақат бир тўртлик» сифатида сақлашиб қолган деган илмий қарашнинг тўғри эмаслигини, бинобарин халқимиз орасида бу маросим айтимларининг турли хил вариантлари мавжудлигини кўрсатади.

1989 йилнинг июнида Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Қассоббаёт қишлоғида яшовчи Дурси момо Аллашева айтиб берган тўртликда эса шамол қари ота-онасидан айрилиб, гирт «етим»га

**Айланганлиги**, барча мерос унга қолганлиги баён қилинади:

*Ҳайдар-о, Ҳайдар,  
Шамолингни қўй, Ҳайдар!  
Отанг-онанг ўлибди,  
Моли сенга қолибди!*

Шу қишлоқлик Яхши момо билан суҳбатлашганимизда, олот-никларнинг шамол чақириш билан боғлиқ маросимида ижро этилган қадимий қўшиқнинг нисбатан тугал сақланган намунасини ёзиб олишга муваффақ бўлдик. Момонинг айтишича, қадимгилар буғдой совуриладиган палла шамол бўлмай қолса, дарҳол олов ёқиб, **чўп кади**(сув қовоқ)ларни куйдиришаркан. Сув қовоқни куйдириш удуми ҳам сув культи билан боғлиқ. Аёллар Ҳайдар бобонинг ҳақига ис чиқаришган, кади куйдираётганлар эса:

*Ҳайдар оға, Ҳайдар,  
Шамолингни қайтар,  
Ўғлинг ўра кетди,  
Қизинг қира кетди,  
Ўғлинг керак бўлса,  
Арқон олиб югур.  
Қизинг керак бўлса,  
Кетмон олиб югур,  
Ҳайдар оға, Ҳайдар,  
Шамолингни қайтар! -*

деб қўшиқ айтишган.

Назаримизда, маросим айтимида Ҳайдарнинг оила аъзолари тўғрисида бундай тўла маълумот берилганлиги бежиз эмас. Табиат ҳодисалари тўғрисидаги қадимги туркий асотирларнинг чуваш фольклорида сақланниб қолган мотивлари талқининга кўра, шамолнинг отаси билан онаси бор эмиш. Турган-битгани зиён-заҳматдан иборат бўлган бу чол-кампир одамларнинг уй-жойлари, экин-тикинларини пайхон қилиб, ҳамиша зарар етказишар экан (Ашмарин Н.И., 1984. - С.20).

Шамол чақириш маросимида «чўп кади» - «сув қовоқ» куйдириш одати бошқа ҳудудларда ҳам қайд қилинган. Қоракўл туманининг Жигачи қишлоғида яшовчи чўпонларнинг айтишларича, шамол бўлмаганда илгарилари чўпон-чўлиқлар қўй-эчкиларнинг калла су-

якларини ҳамда сув, мой солишда ишлатиладиган кадиларни түплас күйдиришган экан (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1981 йилда кекса чўпон Бардиш Султоновдан ёзил олинган). Фиждувон туманининг Улфатбиби қишлоғида хирмон совураётгандан шамол бўлмаса, кексалар шамол чақириш учун дарҳол олов ёқиб, чўп кадини күйдиргандар (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 1991 йилда 77 яшар Иззат биби Мажидовадан ёзил олинган). Шу тумандаги Абдухолик Фиждувоний номли жамоа хўжалигида яшовчи кишилар эса шамол тўхтатиш учун кади күйдиришган (**Муаллифнинг дала ёзувлари**. 2004 йилда Аълам бобо Нуриддиновдан ёзил олинган).

Шамол чақириш маросимининг Ҳайдар культи билан боғлиқ галқинида ижро этилган қўшиқлардан бирини фольклор тўпловчи Йўлдош Султонов ёзил олиб оммалаштирган. У нашр этган матн бадиий жиҳатдан анча пишиқлиги ва табиатга магик воситалар ёрдамида сирли йўсинда таъсир ўтказиш билан алоқадор қадимий ҳалқ қарашларини ўзида сақлаб қолганлигига кўра муҳим илмий қимматга эга:

*Гарамларни яйратиб,  
Увотга босиб қўйдим,  
Елкасига игна саншиб,  
Курбақа осиб қўйдим,  
Ҳайдар, шамолингни олиб кел!*

*Ҳовузлар сасиб кетди,  
Бақа тўн босиб кетди,  
Боқ бува соқолидан,  
Бир тутам осиб кетди,  
Ҳайдар, шамолингни олиб кел*

(«Қайнар булоқ», 28-бет).

Бугдойни ўриб-йигиб олган деҳқон похолни обдон қурилмасдан янчмайди. Бунинг учун буғдойи ўриб олинган даланинг бир четини кетмон билан текислаб, ён-верини бегона ўтлардан тозалайди. Ўрилган буғдой гараларини ана шу жойга яйратиб босиб қўяди, ёйиб қуритади. Обдон қурисин учун ўёқ-буёққа ағдариб ҳам туради. Кейин гараларни ўртага йигиб, уч-тўртта эшак ёки хўкизларни хўпга қўшиб, буғдойни янчади. Ана шундан сўнг деҳқон тезроқ шамол эсишини кута бошлайди. Баъзан бир неча кунлаб ҳаво дим бўлиб, гир этган шабада эсавермаса, хирмоннинг

таги нам тортиб, фалла чиримаслиги учун сомонни тез-тез афдариб турадилар. Шу тариқа бир неча кун бесамара ўтиб, кутилган шамолдан дарап бўлавермаса, дехқон қадимгилар одатига амал қилиб битта қурбақани тутиб олади-да, елкасига нина санчиб, хирмон устига ўрнатилган таёққа осиб қўйиб, юқоридаги маросим қўшиғини айтади. Хўш, нега энди айнан қурбақани бунчалик қийнаш керак бўлиб қолди экан?

Шарқ халқларининг дехқончилик билан боғлиқ кулътларини гадқиқ этган В.В.Евсюковнинг ёзишича, *қурбақа* образи қадимги мифологияда ёмғир ва сув тимсоли сифатида талқин қилинган экан. Хусусан, қўхна Чин асотирларида олам уммонининг эгаси бўлмиш улкан самовий қурбақа ҳақида ҳикоя қилинган. Бу миф сюжети Шимолий Америка ва Австралияда яшовчи маҳаллий аҳоли фольклорида ҳам қайд қилинган: қурбақа бутун бир ҳовузнинг сувини бир сипқорганда ичиб қўяди, аммо одамлар уни мазах қилаётганини кўриб, ҳафсаласи пир бўлади-ю, ютган сувини тўкиб юборади. Қадимги одам тасаввурида сув, ёмғир каби табиат неъматлари билан боғлиқ ҳолда муқаддаслаштирилган афсонавий қурбақа образи аста-секин ҳосилдорлик ва кут-барака рамзига айланаб кетган (Евсюков В.В., 1989. - С.94-95).

Ўрта Осиё ҳудудида олиб борилган археологик қазув ишлари чоғида қурбақа шаклидаги сопол ҳайкалчалар ва турли-туман тақинчоқлар топилган. Сополлитепа қўргони атрофидан қурбақанинг тошдан йўниб ишланган жажжи ҳайкалчаси топилган бўлса (Рахманов У., 1977. - С.24), Тупроққалъянинг юза қатламларидағи V асрга оид қадимий ибодатхона қолдиқлари ўрганилаётганда олимлар қурбақа шаклида ясалган мунҷоқ донасига дуч келишган (Неразик Е.Е., 1975. - С.509). Шунга ўхшаш топилдиқларнинг мифологик моҳияти борасида фикр юритган санъатшунос Л.И.Ремпель «Ўрта Осиё халқларининг хунармандчилик санъатида қурбақа образидан намгарчилик ва ёмғир ифодаси, баҳт ва омад тимсоли, яъни бамисоли тумор сифатида фойдаланилган»лигини қайд қилади (Ремпель Л.И., 1987. - С.37).

Қурбақанинг самовий ҳодисалар билан алоқадорлиги ҳақидаги халқ қарашлари ёмғир ва шамол чақириш маросимларида унга ҳосилдорлик тимсоли сифатида мурожаат қилиш анъанасини келтириб чиқарган. Шу боис, Догистонда яшовчи лак ва даргинлар бевақт ёқсан ёғингарчиликни тұхтатиш учун ўз туқсан онаси, бувиси ҳамда катта момоси, яъни «уч она»си тирик бўлган аёл

яшил матодан қурбақага «иштон» тикиши керак деб ўйлайдилар. Яшил либос кийдирилган қурбақани тарнов учи ёки айвон пештоқига илиб қўйиб, «ёмғир тинсин, қуёш чиқсан!» дейишган (Халилов Х.М., 1985. - С.19). Тибетликлар эса қурбақани чукурчага кўмиб қўйиб, устига таёқ суқиб қўйса, ёмғир тинади деб ирим қилишган («Календарные обычай и обряды...», 1988. - С.276). Қадимги чинликлар эътиқодича, қурбақа жуда кўп яшаб, қариса, қурғоқчиликка сабаб бўлувчи ёвуз руҳларни еб қўядиган даражада кучли бўлиб қолар экан. Агар ана шундай «каромат»ли қурбақани бешинчи ойда сояда қўйиб, қуритса, дарҳол ёмғир ёғармиш (Евсюков В.В., 1989. - С.95).

Бухоро вилоятининг Вобкент туманинаги Зарбдор жамоа хўжалигига шамолни тўхтатиш учун битта қурбақани лаган тагига бостириб қўйишади ёки бирор дараҳтга оёғидан осиб қўядилар (Муаллифнинг дала ёзувлари. 2004 йилда 1960 йилда туғилган Дилбар Худойкуловадан ёзиб олинган). Наманган вилоятининг Чуст туманинаги Балиқчи қишлоғига шамол чақириш учун «*Бақанинг хотини ўлди, шамол бўлсанг келавер!*» - айтими ижро этилиши қайд қилинган (Саримсоқов А.А., 2007, 72-бет).

Назаримизда, қурбақанинг шамол, ёмғир, сув культи билан боғлиқлиги тўғрисидаги халқ қараашлари ўзбекларга ҳам маълум бўлган. Ўзбек халқ эртакларидан бирида қаҳрамон қудуққа тушганида, икки девни кўради. Девлардан бирининг тиззасида гўзал пари ўтирган бўлса, иккинчиси эса бир қурбақани эркалаб-суйиб ўтирган эмиш. Девлар қаҳрамондан «қайси биримизники чиройли?» деб сўраганларида, у «ҳар кимничи ўзига, ой кўринар кўзига» деб жавоб беради.

Бизнингча, қурбақанинг қудуқ билан боғлиқлиги мотиви қурбақани сув-ёмғир тимсоли сифатида тушунтирувчи қадимий мифларнинг бевосита таъсирида яратилган. Қадимги одам қурбақани ҳосилдорлик, кут-барака тимсоли сифатида эъзозлаганлиги учун шамол чақириш маросимида ҳам бу жониворнинг магик қудратидан нажот кутганлар. Қурбақанинг елкасига игна санчиб осиб қўйиш, яъни жониворни қийнаш удуми шамол пири Ҳайдар культи тўғрисидаги халқ қараашларига боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил эътиқодий инонч сифатида халқ орасида аввалдан мавжуд бўлиб, маросим фольклори жанрларининг бадиий эволюцияси давомида бу икки хил мифологик эътиқод бирлашиб кетган. Аслида қурбақа - табиат ҳодисаларига ўз ҳукмини ўтказа оладиган ёвуз кучлар кушандаси

деб қаралғанлиги боис, одамлар уни қийнаш орқали шамолни эсишдан тұхтатиб қўйган деб тасаввур қилинган ёвуз күчларни жиловлашга уни мажбур этишган.

Энди Ҳайдар культи билан боғлиқ мифологик тасаввурларнинг тарихий асослари масаласига тұхталиб үтайлик. Кўпгина тадқиқотчилар Ҳайдар ҳақидаги халқ қараашлари Мұхаммад пайғамбаримизнинг куёви Ҳазрат Али тўғрисидаги афсоналар асосида юзага келган деб ҳисобладилар (**Басилов В.Н., 1986. - С.201; Саримсоқов Б., 1986, 136-бет; «Асотирлар ва ривоятлар», 1991, 33-бет**). Масалан, Б.Саримсоқовнинг ёзишича, Ҳайдар Мұхаммад пайғамбаримизнинг куёви Али ибн Абу Толибнинг сифатларидан бири бўлган. «Афсоналарга кўра, Ҳайдар куч-кудрати билан табиат ҳодисалари, жумладан, шамолни ҳам ўз ихтиёрида сақлар эмиш. Унга илтижо қилиб, мурожаат қилинса, у ўзи тутиб турган шамолни қўйиб юборар эмиш» (**Саримсоқов Б., 1986, 135-бет**).

Биз табиат ҳодисалари билан боғлиқ халқ қараашларига доир материалларни тўплаш мақсадида Зарафишон воҳасида этнофольклористик кузатишлар олиб борганимизда, ахборотчиларимиздан «Ҳайдар»нинг кимлиги, бу образнинг тасвири ҳақида сўраб-суринтиридик. Маълум бўлишича, биз ўрганганд ҳудудда Ҳайдар образи Али ибн Абу Толиб шахсига боғлаб талқин қилинмас экан. Бу эса этнограф В.Н.Басиловнинг «хирмон совуриш чогида чақириладиган шамол пири Мир-Ҳайдар туркманларга ҳам маълум бўлган, аммо туркманларнинг диний-эътиқодий қараашларидан худди қозоқларники сингари Мир-Ҳайдар ким бўлган деган саволга жавоб топиб бўлмайди. Факат ўзбекларнинг (айниқса, Фаргона водийсида яшовчилар) тасаввурларига кўра, Мир-Ҳайдар - Мұхаммад пайғамбарнинг куёви, мусулмон мифологиясида мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатиб, одамларни ҳам, девларни ҳам маҳв этувчи баҳодир сифатида талқин қилинган персонаж, ислом оламида машҳур бўлган тўртинчи халифа Али эканлиги маълум бўлади. «Ҳайдар» Алининг сифатларидан бири бўлиб, араб тилида «шер» деган маънени билдиради. Шундай қилиб, Али ҳақидаги исломий талқинлардан яхшигина хабардор бўлган қозоқ ва туркманлар мифологиясида Али образидан ажралиб чиққан ҳамда мустақил асотирий персонаж сифатида оммалашган Мир-Ҳайдар образи мавжуд бўлган» (**Басилов В.Н., 1986. - С.201**) деган фикрларида жон борлигини кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, Ўрта Осиё халқлари, хусусан, туркман мифологиясида исломдан аввал ҳам Ҳайдар культи мавжуд бўлган

бўлиши керак. Туркманлар шамол ҳомийсини «Ҳайдар кака», яъни «Ҳайдар ота» ёки «Ҳайдар кечели», яъни «Ҳайдар кигизли» деб аташар экан (**Басилов В.Н.**, 1973. - С.202).

Ўзбекларнинг шамол чақириш маросимларида бу мифологик персонажга Ҳайдар, Мирҳайдар, Ҳайдар бува деб мурожаат қилинади. Аммо «Ҳайдар качали» варианти мавжудлиги ўзбек фольклорида учратилмади. Фақат Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Вахм қишлоғида қайд қилинган бир маълумот шамол пирининг Амударё соҳилларида яшаган аҳоли орасида қадимда ўзига хос тарзда номланганлигини кўрсатади. Вахмлик Дурсун момо Ўраевадан 1986 йилда ёзил олинган маълумотга кўра, чоллар буғдойни ўриб, хирмон қилишгач, уч-тўртта эшак тўплаб, хўп қўшишган. Буғдой янчилгач, ёғочдан ясалган маҳсус паншаха-бодёвօқ, яъни шамол паншаха билан хирмон совураётганда шамол эсмаса: «Олала гижак, келавер!» - деб хуштак чалганлар (**Жўраев М., Тоҳиров Ў.**, 2003, 41-бет).

Бу айтим таркибида келган «олала гижак» бирикмасидаги «гижак» сўзи ҳам туркман тилидаги «кечели» лексемасига алоқадор бўлиши керак.

Бизнинг Зарафшон водийсида олиб борган этнофольклористик кузатишларимиз эса Ҳайдар культининг юзага келиши Али ибн Абу Толиб шахсининг муқаддаслаштирилиши анъанаси билан боғлиқ бўлмасдан, аждодларимизнинг исломдан бурунги мифологик инончлари, биринчи галда, табиятга сифинишга алоқадор эътиқодий қарашларга бориб тақалишини кўрсатди. Ўрта Осиё халқларининг қадимги мифологиясида шамол ҳомийси сифатида мўътабарлаштирилган Ҳайдар образи тўртинчи халифа Али ибн Абу Толиб шахсининг муқаддаслаштирилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ўлкамизга ислом дини ёйилишидан анча илгарироқ яратилган мифологик персонажлар сирасига киради. Фикримиз исботи тариқасида куйидаги далилларни келтирамиз:

1) Ўрта Осиё туркий халқларининг кўпчилигига (В.Н.Басилов таъбири билан айтганда, «Фарғона водийси ўзбекларидан ташқари») Ҳайдар ёки Мирҳайдар культи ҳазрат Али шахси билан боғлиқ ҳолда талқин қилинмайди. Ҳайдар образининг бундай икки хил талқинга эгалиги, Алиниң шамолни ўзига бўйсундира олиши ҳақидаги халқ қарашларининг унугилиши натижасида юзага келган ҳолат эмас. Балки, Ҳайдар мустақил мифологик образ сифатида исломгача ҳам мавжуд бўлган;

2) деҳқонлар асосан хирмонни совуриб, донни сомондан ажратиб олиш пайтида шамол сўраб, Ҳайдарга мурожаат қилганлар. Бу эса шамол ҳомийси Ҳайдар ёки Мирҳайдар образи бевосита ҳосилдорлик, кут-барака тушунчалари билан боғлиқлигини кўрсатади. Зоро, абхаз деҳқонлари эътиқодича, ҳосилдорлик худоси Айтар (баъзи манбаларда Айетыр)га илтижо қилинса, ҳосил чўғи баланд бўлар эмиш (**Акаба Л.К., 1976. - С.41-42**). *Айтар* ва *Ҳайдар* атамаларининг ўзаро яқинлиги ҳамда уларнинг ҳар иккаласи ҳам ҳосилдорлик тимсоли сифатида тасаввур қилинганлиги бу икки образнинг мифологик асослари ва этимологик талқинида муштараклик 5 ўлиши мумкинлигини кўрсатади;

3) Ўрта Осиё туркий халқлари фольклоридаги шамол ҳомийсининг номи сифатида кўлланилувчи «Ҳайдар» атамасининг келиб чиқиши ҳам халифа Али шахси ва унинг афсонавий сифати (шер - ҳайдарга монандлиги)га алоқадор эмас. Бу сўзнинг ўзаги зардӯштийлик динининг муқаддас битиги - «Авесто»да номи тилга олинган шамол худоси «*Vata*» - «*Vata*» атамасига боғланади деб ҳисоблаймиз.

«Авесто»да икки нафар шамол худосининг номи (*Vayu* ва *Vata*) тилга олинган. Бу мифологик атамаларнинг ўзаги «*va*» лек-семаси бўлиб, қадимги ҳинд-эрон тилларида бу сўз «эсмоқ» (яъни шамол эсиши) маъносини билдирад экан. Б.А.Литвинский шамол ҳомийсининг исми паҳлавий матнларида «*Val*», яъни «шабада манбай», турк-манихей ёзма ёдгорликларида эса «*wadziwanta*» тарзида кўлланилганлигини аниқлаган. Унинг фикрича, «*Vata*» - жанубдан эсадиган шамол худосининг исмидир (**Литвинский Б.А., 1981.-С.104-105**).

«Авесто»да тасвиrlанган шамол тангриси Вайю ўзида жангужадал, ғалаба ва омад худосининг айрим сифатларини ҳам мужас-самлаштирган. И.В.Ракнинг қайд қилишича, қадимги ҳинд-эрон мифологиясида шамол худоси сифатида тасаввур қилинган персонаж ҳинд «Веда»ларида Вайю деб тилга олинган бўлиб, муқаддас ичимлик Сомани илк бор татиб кўрган асотирий қаҳрамон деб қаралади. Қадимги мифологияда Вайю образи билан бир қаторда шамол ҳомийси сифатида Ватага ҳам эътиқод қилинган. Вата дуалистик табиатга эга бўлганлиги боис жанубий ва шимолий шамоллар фарқланган (**Рак И.В., 1998. - С.158-459**).

Шамол ҳомийси ёки худоси *Vata* ҳақидаги мифологик қарашлар Ўрта Осиёда яшаган қадимги элатлар дунёқарашида муҳим ўрин

гутганлигини археологик топилмалар ҳам тасдиқлайди. Чунончи күдратли Күшон империясининг ҳоқони, милоднинг 78—123 йилларида яшаган Канишка ҳамда унинг II аср учинчидан зарб қилинган мис тангаларда чопиб бораётган одам тасвири туширилган. Тангадаги эркак киши тасвирининг кўриниши ва сурат остида Vad деган ёзув мавжудлигига асосланган мутахассислар қадимий тангаларда шамол тангрисининг тасвири туширилган бўлса керак деб тахмин қилмоқдалар. Бу эса ўша пайтларда «Авесто»даги шамол тангриси ҳақидаги қарашлар ўртаосиёликлар орасида кенг шуҳрат қозонгандигини кўрсатади. Бунинг устига шамол ҳомийсининг сўғдча атамаси ҳам «Авесто» мифларида номи тилга олинган шамол худоси образи исмига ўхшаш экан (**Литвинский Б.А.**, 1981. - С.105-106).

Осетин, алан ва абхаз фольклоридаги айрим мифологик образлар қадимий шамол худоси Vata ёки Vayuga алоқадорлигини С.Л.Зухба (**Зухба С.Л.**, 1970. - С.187), Ж.Дюмезиль (**Дюмезиль Ж.**, 1976. - С.149-151) каби олимлар ҳам қайд қиласидар. В.И.Абаев эса бу шамол тангриси образининг мифологик асослари. зардўштийликдан ҳам аввалги эътиқодий қарашларга, чунончи ҳинд-европа бобо тилида сўзлашган қабилаларнинг ибтидоий тасаввурларига бориб тақалади деб ҳисоблади (**Абаев В.И.**, 1960. - С.6).

«Авесто»да номи тилга олинган шамол худоси ҳақидаги мифологик қарашларнинг айрим талқинлари муайян ўзгаришларга учраган ҳолда бўлса-да, бизнинг кунларгача сақланиб қолган. А.З.Розенфельд гомонидан ёзib олинган бир афсона «Vata» образининг тожик фольклорида сақланиб қолган талқинлари хусусида фикр юритиш имконини беради. Панжлик тожиклар эътиқодича, қўёш ботаётган пайтда пайдо бўлган қуюндан Хайт деб аталувчи бир афсонавий маҳлук гуфилар эмиш. Бўйи жуда дароз бўлган Хайт гира-ширада тоғ ёнбағрида кетиб борар, бир оёғини Панж дарёсининг бир соҳилига, иккинчи оёғини эса нариги қирғоқча кўйганча, шахдам одим отиб, кўздан фойиб бўларкан. «Хайт» сўзи «улкан одам», «паҳлавон» маъноларини билдираш экан (**Розенфельд А.З.**, 1973. - С.93).

Тожик фольклорида Войд, Вуйд, Хайт деб аталувчи бу мифологик образни шўғононликлар узун бўйли, сочи тақимига тушган, оппоқ кийимли маҳлук сифатида тасаввур қиласидар (**Литвинский Б.А.**, 1981. – С.104).

Узун соч ёки кокил, яъни ҳайдар ўзбек маросим фольклоридаги шамол ҳомийси образининг мифологик табиатини белгиловчи

Ўзига хос деталларидан бири эканлигини «Ҳайдар, кокилингни силкит» айтими таҳлилида юқорида қайд қилиб ўтган эдик. Чамаси болаларнинг сочини илк бор олганда ирим қилиб қолдирилган кокилни «ҳайдар» деб аташ анъanasи кейинчалик урф бўлганга ўхшайди. Чунки зардўштийлик ақидалари амал қилган замонларда шамол тангриси сочи узун афсонавий ҳомий сифатида тасаввур қилинган ва бу эътиқод кейинчалик Ҳайдар образининг мусулмон мифологияси талқинлари билан кўшилиши жараёнида мазкур асостирий персонажнинг исломдан аввалги халқ қарашларига алоқадор галқинлари унугтилиб кетган.

Н.И.Гаген-Торннинг фикрича, қадимги одам сочни алоҳида магик қудрат манбаи, яъни ҳосилдорлик культи билан боғлиқ тимсол деб ўйлаган (**Гаген-Торн Н.И.**, 1933. - С.76-88). Қадимги даврларда ҳукмдорлар «ўз мамлакатида ҳосилдорликнинг йўқолишига олиб келмаслиги учун соч олдириш, баъзан ҳатто сочини бошқапарга қўрсатишлари ҳам мумкин бўлмаган» (**Толстов С.П.**, 1948. - С.319). Чунки улар сочда одам жони ёки унинг магик қудрати мавжуд бўлади деб ўйлаганлар (**Пропп В.Я.**, 1946. - С.29-30).

Соч деталининг бевосита шамол билан алоқадорлигини доғистонликлар мифологиясида ҳам кузатиш мумкин. А.М.Черчиевнинг қайд қилишича, Доғистон халқлари эртакларида тилла сочли маликаларнинг сеҳрли мӯъжизалар кўрсата олиши тасвиrlанган. «Уч марта жасорат кўрсатган қаҳрамон» эртагида тасвиrlанишича, уммонларда тўфонни қўзғатиб, кемаларни фарқ этувчи денгиз маликасининг сочи кесиб олингач, у ўзининг куч-қудратидан маҳрум бўлиб қолади. «Гарун ва Гулсара» эртагида эса қаҳрамон гўзал қизнинг тилла соchlari билан ёвуз ва кучли шамол ҳомийсининг соқолини боғлаб қўяди. Шундан кейин шамол ожиз бўлиб, қаҳрамоннинг измига бўйсунишга мажбур бўлади (**Черчиев А.М.**, 1988. - С.152).

Кўринадики, биринчи эртакда соч шамол қўзғатиш воситаси ролини ўйнаган бўлса, иккинчи эртак қаҳрамони соч ёрдамида шамол ҳомийсини маҳв этади. Шамол ҳомийсининг магик кучи соқолида мужассамлашганлиги учун ҳам қизнинг сочи билан боғлангач, шамол қўзгатолмай қолади. Шу ўринда ўзбекларнинг шамол билан боғлиқ маросим қўшигидаги «Боқ бува соқолидан, бир тутам бериб кетди» мисрасида соч (бу ўринда унинг рамзий эквивалентларидан бири - соқол) магик хусусиятга эга эканлигига ишора қилинади. «Бир тутам соқолнинг қирқилиши» - Боқ бува ўз магик қудратини йўқотиб қўйганлиги, яъни шамол эсмай қолган-

лигини англатади. Одамлар бундай оғир ақволдан қутулиш учун «узун сочли» шамол ҳомийсими ёрдамга чақирадилар.

«Авесто»даги шамол тангриси «*Vata*» ҳам магик құдратта эга бүлгәнлиги, яғни сочи узунлиги туфайли барча шамолларни үз изміга бүйсундира олган. Шамол тангриси образининг мифологик қарапшлар тизимидағи тадрижий ривожи давомида «*Vata*» атамаси асосида «Хайдар» номи юзага келган. Сочнинг алоҳида магик күчга әғалиги ҳақидағи тасаввурлар эса болаларга табаррук кокил - ҳайдар күйиш удумида үз ифодасини топған.

Бизнинг фикримизча, Ўрта Осиёда яшовчи туркий халқлар орасида шамол ҳомийси сифатида тасаввур қилинувчи Ҳайдар ёки Мирхайдар образининг тарихий-мифологик асослари зардұштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да тасвиrlанған шамол тангриси - «*Vata*» ҳақидағи эътиқодий қарапшларга бориб тақалади. «*Vata*» образы эса аждодларимизнинг зардұштийликдан ҳам илгариги эътиқодий инончлари, табиат ҳодисаларини мұтабарлаштириш билан боғлиқ мифологик тасаввурлар, ҳосилдорлик күльтларига сифиниш анъаналари замирида юзага келган ҳамда ҳомий күч тимсоли сифатида мифологик персонажлар тизимидан ўрин олган. Юқоридаги мулоҳазаларимизни қуйидагича умумлаштириш мүмкін:

а) «*Vata*» ва «Хайдар» образлари орасидағи тарихий-генетик алоқадорлик мавжуд бўлиб, ҳар иккала образ ҳам муайян табиат ҳодисаси – шамол культи билан боғлиқдир. Қадимги дәхқонларнинг ҳосилдорлик культи билан алоқадор мифик тасаввурлари тизимида шамол тангриси сифатида талқын қилинған мифологик ҳомий образининг тадрижий ривожи натижасида шамол пири – Ҳайдар тұғрисидаги халқ қарапшлари келиб чиққан;

б) «*Vata*» ва «Хайдар» образларининг мифологик табиати сочининг магик құдратига ишониш анъаналарини ҳам үзіда мужассамлаштирган;

в) «*Vata*» ва «Хайдар» атамаларининг фонетик қурилиши ҳам үзаро яқин бўлиб, ҳар иккала мифологема таркибида қадимги ҳинд-европа бобо тилида сўзлашган аҳоли лаҗжасида «шамол эсши», «ша-мол» маъноларида қўлланилган «va» - «vay» - «vat» үзаги мавжуд. Шунга кўра Ҳайдар мифологемасининг шаклланиш босқичлари ва бу атаманиң этимологик жиҳатдан келиб чиқишини тахминан қуйидагича таърифлаш мүмкін: *Va* → *Vata* → *Vayta* → *ayta* → *Hayta(+ar)* → *Haydar*. Яъни лисоний-этимологик жиҳатдан Ҳайдар атамаси икки узвдан иборат: *Hayt* + *ar*. Ми-

фологеманинг биринчи қисми зардұштийлик мифологиясидаги шамол ҳомийсі «**Vata**» атамасининг фонетик үзгаришга учраган күриниши бўлса, **ағ** эса «одам», «эр», «эркак» маъносидағи сўздир.

## «АЖДАР БОБО» КУЛЬТИ

Ўзбекларнинг шамол чақириш маросимининг ўзига хос локал тип-ларидан бири Аждар образига мурожаат қилиш орқали шамол қўзғатишга ҳаракат қилиш анъанасидир. Шамол чақириш маросимининг бу кўриниши Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида қайд қилинган. Шу гуманнинг Қораҳожи қишлоғида истиқомат қилувчи Жумақул Дурматовдан 1981 йилда ёзиб олинган маълумотта кўра, шамол чақириш учун ҳуштак чалиб туриб, қуйидаги қўшиқ айтилади:

*Аждар, шамолим,  
Аждар, шамолим,  
Ота-онанг ўлди,  
Моли сенга қолди,  
Шамолингни қуийб юбор,  
Шамолингни қуийб юбор!*

(«ЗЎФА». Инв.№1760/3, 44-бет. Ёзиб оловчи: У.Жуманазаров).

Биз ҳам ўша йили Қораҳожи қишлоғилик Ражаббой ака Қораевдан Аждарга мурожаат қилиб шамол чақириш маросимининг сўйидаги тўртлигини ёзиб олган эдик:

*Аждар-о, Аждар,  
Ота-онанг ўлибди,  
Моли сенга қолибди,  
Югуракўр!*

Ахборотчилар ёзниң иссиқ кунларида шундай деб туриб, шамолнинг эсишига тақлид қилиб ҳуштак чалинса, майин эпкин эсади дейдилар.

Фикримизча, шамол ҳомийсининг «Аждар» деб аталиши ўзига кос эътиқодий қараашлар маҳсул бўлиб, ҳалқимизнинг улкан илон-сифат мавжудот сифатида тасаввур қилинадиган мифологик образ-аждаҳо тўғрисидаги ионончлар асосида юзага келган. Ҳалқ қараашларига кўра, илон тўққиз ёшгача «илон» деб айтилади. Тўққиздан гўқсон ёшгача «афҳи» дейилади. Тўқсон тўққиз ёшдан тўққиз юз

ёшгача аждахо, түқкиз юздан түқкиз минг ёшгача «юҳо» деб аталади («Боболардан қолган нақллар», 61-бет). Аждар ёки аждаҳо кўпинча форда яшар эмиш. Маълумки, фор – қадимги мифологияда шамол пирининг макони, шабада-ел чиқадиган жой деб тасаввур қилинган. Наманганлик Бибисора Худойберган қизидан ёзib олинган бир эртакда тасвиrlанишича, бўронларнинг отаси Шамол бобо ўзининг кулбаси-форидан чиқиб, ёмон одамларнинг додини бериш учун йўлга тушади («Қора дев», 62-бет).

Ўзбек халқ эртакларида аждаҳонинг ўз маконидан чиқиб келиши тасвирига диққат қилинса, бу мифологик жонзотнинг шамол билан боғлиқлиги яққол кўзга ташланади. «Сув бола» эртагининг қаҳрамони булоқдаги балиқ билан гаплашиб турганида, бирдан «еру кўкни қоронғу босибди. Бирдан шамол, тус-тўполон кўтарилиб, ёмғир ёға бошлабди. Бола, бу нима экан, деб ҳайрон бўлиб турган экан, осмону фалакдан аждаҳо қуюлиб келиб, булоқ бозига қўнибди» («Оймомода аждаҳо», 133-бет).

Қадимги одамлар форда яшовчи аждаҳо дамидан шамол ҳосил бўлади, деб ўйлашган. Шунинг учун ҳам эртакларда аждаҳо ҳар пуфлаганда «дамининг шамолига дов-дараҳтлар ҳам илдиз-пилдизи билан кўпорилиб, осмону фалакка учиб кетиши», «ҳовузу қудуқлар кумтупроққа тулиши» («Оймомода аждаҳо», 39-бет) ҳикоя қилинади.

Қадимги ҳинд-эрон мифологияси талқинича, шамол худоси Ваю олий тангрилардан бири Пурушининг дамидан ҳосил бўлган (Мейлах М.Б., 1992. - С.241). Демак, шамол – мифологик жонзот ёки димиургнинг нафас олишидан пайдо бўлади деган эътиқод Аждар культидининг асотирий негизини ташкил этади.

«Олтин қаср» эртагида аждаҳонинг оғзи «бамисоли ўнгар тоғдаги форга ўхшаши» бежиз таъкидланмаган. Бу ўхшатиш шамолнинг фор билан боғлиқлиги тўғрисидаги мифологик қаравшлар асосида юзага келган. Аждодларимиз башарти шамол фордан чиқар экан, у ҳолда аждарнинг оғзи ҳам форга ўхшаса керак, деб ўйлаганлар. Оғзи форга ўхшайдиган аждар бир пуфлаганда, эртак қаҳрамони бўлган бола сандиқ-пандиги билан бир чақирим ерга учиб кетади («Қора дев», 65-бет).

Аждарнинг шамол билан боғлиқ ҳолда тасвиrlаниши аждодларимиз тасаввурида мўл ҳосил ва тўкин-сочинлик тимсоли ҳисобланган муқаддас илонга топиниш анъаналари билан боғланади. В.Н.Басилов озарбайжон, татар ва бошқирд асотирларида тасвиrlangan аждаҳо образи сув, ёғин-сочин ҳамда ёмғирли булат билан

алоқадорлигини қайд қиласы (Басилов В.Н., 1992. - С.50). Ўзбек мифологиясида ҳам аждар қуйи олам, ҳаёт дарахтининг туби, сув, аникроғи, оби ҳаёт булоги билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. «Сув бола» эртагида аждарнинг ёмғир, жала билан келиши тасвири ҳам ана шу күхна эътиқодий қараашларнинг инъикосидир.

Қадимги осири атиқаларга туширилган илон тасвирининг мөҳиятини таҳдил қилган Б.А.Рибаковнинг фикрича, ўтмишда яшаган одамлар илонларни ёғин-сочин сувларининг рамзий «эгаси» деб билганлар ҳамда ёмғир чақириш маросимларида бу жонзотнинг магик курратидан мадад сұраганлар (Рыбаков Б.А., 1965, №1.-С.29). Дәхқончилик маданиятининг қадимий анъаналарини ўзида акс эттирған ҳосилдорлик маъбудалари, хусусан, Муқаддас она ҳайкалчаларида мавжуд бўлган илон чизгилари ёмғир чақириш маросими билан боғлиқлигини Б.В.Андианов ҳам таъкидлаган эди (Андианов Б.В., 1978. - С.64-66).

Ўрта Осиё ҳудудидан илон тасвири туширилган кўплаб археологик ёдгорликлар топилган. Мутахассисларнинг фикрича, бундай тасвиirlар магик характер касб этган бўлиб, ҳосилдорлик ва қутбарака тимсолини ўзида мужассамлаштиргандир (Бу ҳақда қаранг: Антонова Е.В., 1983. - С.24-29).

Аждодларимиз аждарни ҳосилдорлик, ёмғир, сув, шамол ва булут билан бевосита алоқадор мифологик жонзот деб тасаввур қилганлар ва уни муайян табиат кучлари устидан ўз хукмини ўтказа оладиган афсонавий ҳомий деб билганлар. Шамоннинг фор ичидан чиқиши ҳақидаги қараашлар аждарнинг форда яшаши тўғрисидаги асотирлар билан бирлашиб кетиб, шамоннинг қай даражада эсиши ана шу хаёлий мавжудотга боғлиқ деган мифологик иончларни келтириб чиқарган. Шу боис, унинг номини айтиб шамол чақириш удуми ва шамол ҳомийси сифатида анъанавийлаштирилган Аждар культи келиб чиқкан.

Аждар культига сифиниш анъанаси қадимда Амударё соҳилларида яшовчи ўзбеклар орасида ҳам кенг урф бўлган. Ҳатто шамол ҳомийсининг номи билан боғлиқ муқаддас қадамжолар ҳам бўлган. Этнограф Г.П.Снесаревнинг маълумотларига қарангда, Кўхна Урганч шаҳридан 50 км. узоқликда Аждар бобо деб аталадиган муқаддас мозор бор экан. Маҳаллий табиблар ва порхонлар Аждар бобони ўз пирлари деб билишган ва шомонистик амалларни бажариш чогида ундан мадад сўраб илтижо қилишган. Бу мозор «Авесто»даги Ажи даҳака образи билан боғ-

лиқ мифологик қарапшлар асосида юзага келган бўлиб, исломдан аввалги эътиқодий инончларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутган муқаддас жойлардан бири бўлган (**Снесарев Г.П.**, 1969. - С.291-292).

С.П.Толстовнинг ёзишича, зардӯштийлик мифологиясидаги Ажи даҳака образи осмон сувлари культини ўзида ифода этган асотирий илонлар сирасига мансуб деб тасаввур қилинган (**Толстов С.П.**, 1948. - С.294). Бу мифологик образнинг генетик асослари ҳам зооморф кўриниш қасб этувчи сув маъбуллари тўғрисидаги қадимги эътиқодларга бориб тақалади (**Рак И.В.**, 1998: - С.443). «Авесто» мифологиясининг туб асослари бевосита мамлакатимиз худудида, ҳусусан, Ҳоразм воҳасида шақлланганлигини назарда тутсак, Амударё соҳилларидағи қишлоқларда табиат стихиясини ўзида ифода этган Аждар бобо культиниң анъанавийлашганлиги табиий ҳол эканлигини англаймиз.

Гарчи Аждар бобо мозорига сифиниш анъанаси билан шамол қаҳириш маросими ўртасида бевосита алоқадорлик мавжудлиги аниқланмаган бўлса-да, бу муқаддас жой бир замонлар қадимги одамга даҳшатли куч бўлиб туюлган табиат ҳодисалари – шамол, бўрон, довул, қуюнга ўз ҳукмини ўтказа оладиган афсонавий авлиё – ҳомий куч қадамжоси бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Қадимги гуркий мифологияда аждар кўл бўйида яшайди, булутлар уни кўтариб юради деб талқин қилингани каби (**Басилов А.**, 1992. - С.50), одамлар куртоқчилик бўлганда ёмғир тилаб, хирмон совурган пайтда шамол сўраб Аждар бобо мозорида муайян ирим-сирим ва ритуалларни бажариб, магик характердаги маросимларни ўтказишга бўлиши керак.

## «ЯЛОНФОЧ ОТА» КУЛЬТИ

Ўзбек мифологиясида чанг-тўзонга сабабчи бўладиган сурункали шамол Чоймомонинг эмас, балки Шамол отанинг измига бўйсунади деган тасаввур ҳам мавжуд. Ҳусусан, профессор Т.Мирзаев томонидан қорамуртлик Кумри Нематжоновадан ёзиг олинган Чоймомо маросимига доир бир ахборотда **«Шамол ота»** номи тилга олинган. Бу маросим номи «Чоймомо» деб аталгани ҳолда унда ижро этилган маросим қўшифининг матнида ҳам шамол эгаси деб гасаввур қилинган аёл жинсига мансуб асотирий образ ҳақида сўз борса-да, одамлар елни тўхтатиш учун Шамол отага атаб ис чиқа-

ришган. Маросим иштирокчилари тұпланған ундан пиширилған үн иккита қалпакни ҳам Шамол отага атаб, ерга күмгәнлар (Саримсоқов Б., 1986, 115-бет).

Тошкент вилюяты ҳамда Қозогистон республикасининг жанубий туманларыда шамол эгаси **Ялонғоч ота** деб тасаввур қилинганд. Б. Саримсоқовнинг ёзишича, «Ялонғоч ота» культи Тошкент атрофлари ҳамда жанубий Қозогистонда яшовчи үзбеклар ўртасида кенг тарқалған. Унинг шахсияти билан боғлиқ микротопонимлар ҳам мавжуд. Масалан, ҳозир Тошкент шаҳар 2-шымолий шарқ мас-сиви илгари «Ялонғоч ота» деб юритилған. Бинобарин, Ялонғоч ота культи Тошкент воҳаси ва унинг шымолида шамол ҳомийси сифатида тасаввур қилинганд. Бу нарса үзбекларда ўтмишда шамол ҳомийси сифатида асосан маҳаллий культлар қабул қилингандигидан далолат беради» (Саримсоқов Б., 1986, 136-бет).

**Ялонғоч ота // Жаланаш** атани шамол пири сифатида тасаввур қилиш анъанаси Сирдарё бўйларида яшовчи қозоқ деҳқонлари орасида ҳам сақланған (Кармышева Дж.Х., 1986. - С.63).

Ўзбекларнинг Ялонғоч ота номини тилга олиб шамол пирлари-га мурожаат қилиш маросимига доир материаллар сақланиб қолмаған ёки ҳалқ орасида мавжуд бўлса-да, қўлимиизда ёзиб олинганд матн мавжуд бўлмаганлиги сабабли бу маросимнинг ўтказилиш жараёни, удумлар таркиби, магик айтим ва қўшиқларининг бади-ияти ҳақида фикр юритиш имконига эга эмасмиз. Зоро, Ялонғоч ота культи хусусида сўз юритмоқчи бўлган тадқиқотчиларнинг аксарияти ўтган асрда А.Диваев томонидан ёзиб олиб, нашр этилған шамол чақириш маросими қўшиғининг қозоқ тилидаги мат-нига асосланиб иш қўрадилар. Маълумки, А.Диваев Сирдарё бўйидаги Перовский уездига қарашли Кисбугут волостида яшовчи ол-чин уруғига мансуб қозоқ деҳқони Пирмуҳаммад Тейжановдан буғдой совураётган пайтда **Жаланаш** (Ялонғоч) отага мурожаат қилиб, шамол сўраш маросими ҳақида қизиқарли маълумотларни аниқлаган ва унинг қўшиғини ёзиб олган. Бу маросим қўшиғида **Жаланаш** ата жанубий-ғарб томондан эсувчи кучли шамолнинг пири сифатида тасвирланған. Деҳқонлар шамолнинг қора тумандай босиб келишини, довулдай кучли эсиб, ялонғоч бандаларни со-вуқдан дийдириашга мажбур этишини сўраганлар (Диваев А., 1892. №41).

Бинобарин, Ялонғоч ота культига эътиқод қўйиш анъанаси-нинг муайян излари шамол чақириш ёки уни тұхтатиши мақсадида

баданнинг муайян қисмини ялонғочлаш удумида ҳам ўз аксини гопган. Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Банги қишлоғида яшовчи кишилар эътиқодича, бир неча кун сурункали шамол эсиб, чанг-тўзон кўз очирмай қўйса, бирорта оиласидаги тўнғич бола орқасини ялонғочлаб шамол келаётган томонга қараб энкайиб турганча, уч марта кетини шапатиласа, шамол тинар эмиш. Бу иримнинг маъноси «шамол онада жирканиш кайфияти уйғотишдан иборат» эканлигини фольклоршунос Б.Саримсоқов ҳам тўғри қайд қилган (**Саримсоқов Б.**, 1986, 134-бет).

Тўнғич бола шахси билан боғлиқ бу удум туркий халқлар ва уларга ёндош бўлиб яшаган бошқа элатлар орасида ҳам кенг тарқалганлигини қалмиқ маросим фольклори материаллари ҳам исботлайди. Қалмиқлар машриқ шамолини тўхтатиш учун қуидагича ирим қилганлар: кучли шамол бўлганда бирорта оиласинг тўнғич боласи сув бўйига чиқиб, орқасини ялонғочлаб туриб тўнқаяди, яъни қўлларини ерга тираб энкайиб туради. Шундай қилинса, шамол тиниб қолар эмиш (**Душан У.**, 1976. - С.55).

Тўнғич бола культидининг генетик асослари ва ёмғир тиндириш маросимидағи тўнғич бола иштирокида бажариладиган удум ҳамда иримларнинг магик характерга эгалигини биз ўз мақолаларимиздан бирида (**Жўраев М.**, 1993. - №1) атрофлича ёритганлигимиз боис бу ўринда мазкур масалага алоҳида тўхталиб ўтирадик.

Ялонғоч ота культи билан боғлиқ маросим қўшиқларида шамолни жонли нарса тарзида тасаввур қилиш анъанасининг излари ҳам сақланган. Қозоқ фольклори орқали етиб келган қўшиқда шамол қуличини кериб келганда унинг бадани ялтираб туриш тасвирланган. Бу образли ифода шамол пири Ялонғоч ота образининг мифологик табиатини белгилайди ва шамол пири халқ қарашларида ялонғоч маъбуд ёки асотирий персонаж тарзида тасаввур қилинганлигидан далолат беради. Назаримизда, Ялонғоч ота тўғрисидаги эътиқодий инончларнинг шаклланишида Чоймомо билан боғлиқ халқ қарашлари муҳим мифик асос вазифасини ўтаган кўринади. А.Диваев ёзиб олган шамол чақириш маросими қўшиғида шамолга «эй, сен улуғвор тоғ чўққилари оша эсаётган бебош шамол» дея мурожаат этилиши ҳам бежиз эмас. Чунки қадимги мифологик қарашларга қўра, шамол тоғ даралари орасидаги фор ёки тешиклардан чиқар эмиш.

Энди Ялонғоч ота билан боғлиқ тасаввурларнинг тарихий асослари хусусида тўхталайлик.

Маълумки, Тошкент шаҳридаги Ялонғоч ота мавзесида шу ном билан аталувчи қадимий мозор мавжуд. Жой номларининг келиб чиқишини тадқиқ этган С.Кораевнинг қайд қилишича, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида Ялонғоч деган қишлоқ мавжуд. У тилшунос олим Х.Дониёровнинг ўзбекларнинг шажара силсиласида «ялонғочсарой» номли этноним бор деган фикрларига таяниб туриб, «Ялонғоч» атамаси бирор уруф номи билан алоқадор бўлиши мумкин деб тахмин қиласди (Кораев С., 1978, 161-бет).

Тошкентдаги «Ялонғоч» деган жой ҳам воҳада шамол пири сифатида тасаввур қилинган мифологик персонаж номи билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Зоро, мазкур топонимнинг келиб чиқиши тӯғрисидаги афсонада ҳикоя қилинишича, бу ерда илгарилари бир одам яшаган экан. У кийим киймасдан юрар, ҳатто ёз ойларида ҳам олов ёқиб исиниб ўтиаркан. Одамлар уни «Ялонғоч девона» ёки «Ялонғоч эшон» деб ҳам аташар экан. Аста-секин «девона» сўзи тушириб қолдирилиб, Ялонғоч бўлиб қолган дейдилар (Набиев А., Асроров Х., 1985, 41-бет).

«Ялонғоч девона» образи билан боғлиқ қадамжо Қирғизистон республикасининг Аравон туманидаги Чорбог девона деб аталган боғ ёнидаги тоғ этагида ҳам мавжуд. Чилустун фори жойлашган тоғ ёнбағридаги қоятошлардан бирида оёқ изига ўхшаш ясси ботик бор бўлиб, маҳаллий аҳоли бу изни Ялонғоч девонанинг оёғининг изи деб ҳисоблади (Муаллифнинг дала ёзувлари. 2005 йил 14 августда Аравон шаҳрида яшовчи Мамлакатхон Исмоновадан ёзиб олинган).

Бизнингча, юқоридаги топонимик афсонада номи тилга олинган Ялонғоч девона ёки Ялонғоч эшон образи Тошкент воҳаси дехқонлари мўътабар билиб сифинган қадимий шамол пирининг айнан ўзи бўлиши керак. А.Диваев ёзиб олган қозоқ маросим қўшиғида шамол талаб қилиш мақсадида бевосита Жаланаш ата (яъни Ялонғоч ота)га мурожаат этилганда, унинг «ялонғоч баданини ялтиратиб, қўлларини кериб келиши», «ялонғоч бандалар баданини жунжиктириши» таъкидлаб ўтилади. Демак, шамол ва бу табиий ҳодисани ўз измига бўйсундирадиган асотирий образ ялонғоч, яъни кийимсиз ҳолатда тасаввур қилинган. Шу боис, юқоридаги афсонада тасвирланган Ялонғоч девона образи шамол пирига хос мифологик сифатларни ҳам ўзида акс эттирган деб ўйлаймиз.

Ялонғоч ота образининг тарихий асослари халқимизнинг табиат ҳодисаларини тилсимлаштириш билан боғлиқ мифологик қарашларига бориб тақалади. Афсона сюjetидаги муҳим бир деталь –

Ялонғоч девонанинг «ҳатто ёз кунлари ҳам олов ёқиб исиниб ўтириши» тасвири бу образни совуқ, шамол, қишлоғ билан алоқадор эътиқодий инончларни ўзида мужассамлаштирган мифологик персонажлар билан чоришириб таҳлил қилишга имкон беради. Чунончи, «Аҳмадлар» эртагида («Ўзбек ҳалқ эртаклари», 1981, 152-162-бетлар) тасвиirlанишича, қаҳрамон тоғдан-тоққа ўтиб бораётганида бир маҳал «шундай жазирама иссиқда бир киши эгнига қирқ пўстин кийиб, ияги-иягига тегмай қалтираб ётган» лигини кўриб қолади. Эртак қаҳрамони ўзининг биринчи адаши – Аҳмад сўвшак билан шу тариқа учрашади. Аҳмад сўвшак образининг эртак бадиий структурасидаги поэтик вазифаси қаҳрамон бажарishi кўзда тутилган эпик шартларнинг адo этилишида намоён бўлади. Айнан ўзининг функционал-семантик хоссаларига кўра ҳам Аҳмад сўвшак ва Ялонғоч девона образлари бир асосга боғланади. Уларнинг ҳар иккови ҳам ёз кунида совқотадилар: Аҳмад сўвшак совуқдан сақланиш учун қирқ пўстинга ўралиб ўтиrsa, Ялонғоч девона кийимсиз бўлганлиги учун олов ёқиб исиниб ўтиради.

Бу мифологик образларнинг ҳар иккиси ҳам ўт-олов, совуқ ҳаво, шамол стихиялари билан боғлиқ бўлиб, Аҳмад сўвшакнинг иссиққа чидамлилиги анъанавий шартларни бажариш чоғида намоён бўлади. Эртакда тасвиirlанишича, Темирхон подшо қаҳрамонни олов билан синааб кўрмоқчи бўлади. «Аҳмад сўвшакни темир уйга солиб, қирқ тую ўтинни лампа мойга ботириб ёқаверибдилар, ўтин тамом бўлибди. Одам гапми, кули ҳам қолмагандир! – дебди вазир. Темир уй совугандан кейин очиб қарасалар, Аҳмад сўвшак «совуқ экан» деб турганмиш».

Бу эртак мотиви ибтидоий жамиятнинг ўзига хос синов-инициация маросимлари, яъни ўсмирларни бир ёш-табақа мансубиятидан бошқасига ўтказиш билан алоқадор анъанавий удумларнинг мифик талқини асосида келиб чиққан.

Бинобарин, ҳар қандай иссиққа бардош бера олувчи «сўвшак»-ларнинг олов билан синааб кўрилиши мотиви қадимги туркийлар фольклорининг маҳсулидир. Бу мотивнинг нисбатан қадимиy-архаик кўринишларидан бири тоғли олтойликларнинг қаҳрамонлик эпоси – «Мадайд қара»да учрайди. Эпос қаҳрамони Кўгэдэй мэргэн билан унинг ҳамроҳлари Ойхоннинг ўтови олдида пайдо бўлишганида ҳоқон уларга «мурувват кўрсатиб», етти қават темирдан ясалган уйда дам олишни гаклиф қиласиди. Етти баҳодир тош болишларга бош кўйиб, уйкуга кетганларидан сўнг ҳоқоннинг одамлари темир уй тагига ўт ёқадилар.

Гарчи ботирларнинг барчаси олов билан синаш жараёнида иштирок этган бўлишса-да, аслида кўл сувини ичувчи йигитнинг гаройиб хусусияти туфайли омон қоладилар. Темир уй чўғдек қизиб турганида, Кўл сувини ичувчи тутмаларидан бирини ечиб, битта кўл сувини гўкиб юборади. Бу ҳолат учинчи марта такрорланганида қизиб турган темир уйнинг ичи музлаб, ботирлар қалин туман ичида қоладилар. Темир уй деворлари эса совуқقا бардош беролмай, етти бўлакка бўлинниб кетади («**Маадай кара**». - С.401-402).

Туркий халқларнинг эртак ва эпосида қаҳрамоннинг олов билан синааб кўрилиши мотиви никоҳдан аввалги шартлардан бири сифагида тасвирланиши эса бу эпик мотив ибтидоий тўй олди маросимлари билан боғлиқ ҳолда келиб чиққанлигини кўрсатади. Уйланувчи йигит тўйдан аввал муайян шартларни бажариши, ўзининг ақлий заковати ва жисмоний куч-кувватини қабиладошларига намойиш этиши керак бўлган. Бинобарин В.Я.Пропп ҳам эртаклардаги олов билан синаш мотивининг асосини худди шу маросимларда деб билади. Чунки у таҳлил қилган шимолий Америка мифларида тўй маросими пайтида ритуал удумларни бажараётган бўйдоқ йигитнинг иссиқ-совуқقا чидамлилиги синааб кўрилиши ҳикоя қилинади. Қаҳрамон мифик ҳомийлар берган сеҳрли ашёлар кўмагида қўйилган шартларни бажаради (**Пропп В.Я.**, 1946. - С.294).

Демак, Аҳмад сўвушак ва Кўл сувини ичувчи типидаги эпик қаҳрамонлар жаҳон халқлари фольклори учун типологик ҳодиса бўлиб, уларнинг олов билан синааб кўрилиши мотиви табиатнинг мифологик қудратига ишонишга асосланган қадимги тасаввурлар замирида шаклланган (*Бу ҳақда қаранг: Жўраев М.*, 1991, 115-117-бетлар; *Жўраев М.*, 1989, №2). Бу асотирий персонажлар мифик ҳомий, совуқ ҳаво эгаси, қиши билан боғлиқ табиат стихиясининг тимсолидир. Ялонғоч ота культидининг шаклланишида ҳам қадимги туркийлар мифологиясидаги совуқ шамоллар эгаси ва ҳомийси образи билан алоқадор эътиқодий қараашлар илк асос ролини ўтаган.

## ОБЛО БАРАКА

Жаҳоннинг дехқончилик билан шуғулланадиган халқлари орасида даладаги охирги тутам буғдойни ўриб олиш билан боғлиқ турли-туман ритуаллар мавжуд бўлган. Масалан, Сумбар ва Чандир воҳасида истиқомат қилувчи гўкланг уруfigа мансуб туркман дехқонлари шевасида бир тутам қилиб bogланган буғдой «энере» дейил-

ган. Охирги тутам буғдойни ўриб олаётган ўроқчи «эррене-черрене, ене берсин хармана» («Элленгге-черренге, яна берсин хирмонга») деган ва сўнгги тутамдаги донни ажратиб олиб далага сепиб юборган (**Оразов А.**, 1973. – С.27).

Ҳосилни ўриб-йигиш иши тугалланиш арафасида буғдой ўришга келган ҳашарчилар иштирокида ўтказилган маросим «Обло барақа» дейилган. Ҳашарчилар даладаги буғдойни ўриб тугатаётганларида бир парча ўрилмаган жой қолганда ҳар бир ўроқчи шу дала-даги энг охирги буғдойни ўриб олиш учун жадал ишлай бошлаган. Чунки энг охирги тутам буғдой «она буғдой» ҳисобланган ва шу-нинг учун ҳам ана шу буғдойни ўриб олган киши унинг белини боғлаб уйига олиб кетган. «Она буғдой» борган хонадонга кут-барака келади деб ният қилган ўроқчилар ҳар тарафдан қистаб ўра бошлайдилар. Сўнгги тутам буғдойга қўли етган ўроқчи «Еттим, еттим, еттим, обло барака берсин!» – деб уни ўриб олган. Ўроқчи охирги тутам буғдойни келаси йил баҳоргача авайлаб сақлаган ва кўкламда унинг бир қисмини ерга сепиладиган уруғликка, қолга-нини эса рўзгорга ун қилиш учун мўлжалланган донга аралаштир-галар (**Саримсоқов Б.**, 1986, 139-бет).

Нурота туманининг Қоракиса қишлоғида яшовчи дехқонлар буғдойни ўриб тугатар ҳолатда оз жой қолганда уни ҳар тарафдан қамсаб ўришни бошлагандга «Келинглар, «қуён қочти» қиласиз», - дейдилар. Чаққонроқ ўроқчи охирги тутам буғдойга қараб интила-ётган шеригининг олдини кесиб ўриб ўтса, «фалончи шеригининг бурнини кесди» деганлар («**Боболардан қолган нақлар**», 70).

Қашқадарёлик дехқонлар орасида фалла, беда, пичан ўраётганда ўроқчилар томонидан амалга ошириладиган **«бурун кесди»** деган одатга кўра ўриш жараёнида айрим тез ўрадиган ўроқчилар ўзига тегишли бўлган товасини ўриб бўлгач, ўзининг ўнг ёки чап томо-нидан ўроқчилардан бир ёки бир нечтасининг олдини ўриб ўтади. Ана шу одат **«бурун кесди»** дейилади. Олд томони ўрилган киши ўроқчи белгилаган пайтда зиёфат бериши керак бўлади (**Мирзаев И.**, 1991, 20-бет).

«Куён қочти» қилиш одати қашқадарёлик дехқонлар орасида ҳам қайд қилинган. Айниқса, ўрим чоғида «қўша бош буғдой» топиб олган ўроқчининг қувончи ичига сифмаган: чунки буғдой бошоғи-нинг қўшалоқ бўлиши ҳосилнинг баракасидан нишона деб қаралган.

Қашқадарё вилояти дехқонлари охирги тутам буғдойни **«барака етакловчи»** деб атаганлар. Ана шу сўнгги тутам буғдойни ўриб ола-

ётган ўроқчы «*Еттим, еттим, Хизр суфлаган бўлсин, Оллоҳ баракасини берсин!*» - дегач, тутамни ўриб олган. У ана шу охирги тутам буғдойни уйига олиб кетган. Бошқа ўроқчилар белгиланган куни «барака етакловчи» буғдойни олиб кетган ҳашарчиникига «ризқ қуллуқ бўлсин»га боришган. У бирорта жонлиқ сўйиб, ўроқчиларни зиёфат қилган (**Раҳмонов Ф**, 2001, 103-104-бетлар).

«Обло барака» маросимининг қўшиғи Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида сақланиб қолган бўлиб, 2003 йилда «Бойсун» ҳалқаро фольклор экспедицияси таркибида шу туманнинг Авлод қишлоғига борганимизда 1933 йилда туғилган авлоди уруғига мансуб Турди ака Маматкулов, 1933 йилда туғилган авлоди уруғидан Ваҳоб Манноповлардан буғдой ўрими пайтида ижро этиладиган «Обло барака» қўшиғининг бир намунасини ёзиб олдик. Галлани ўраётган пайтда ўроқчилардан биттаси қўшиқнинг асосий матнини ижро этгани ҳолда қолган ўроқчилар «ё обло дўст, ё обло, ҳақ дўст, ё обло» деб унга жўр бўлишаркан:

*Қошинг билан имлайсан, ё обло дўст, ё обло,  
Зулфинг билан тоблайсан, ё обло дўст, ё обло,  
Қайси номард қизисан, ё обло дўст, ё обло,  
Ўлдирмоққа чоғлайсан, ё обло дўст, ё обло.*

Ушбу маросим қўшиғида ҳар мисрадан кейин «ё обло дўст, ё обло» поэтик такрорининг қайтарилици анъанаси қадимги анимистик тасаввурларга бориб тақалади. Чунки буғдой ўрими билан боғлиқ бошқа қўшиқларда ҳам «обло», «олло» такрори қўлланилиши шундай хулоса чиқаришга асос беради. Масалан, этнограф оlimа Б.Х. Кармышеванинг қайд қилишича, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ғалла ўрим-йифими пайтида маҳсус чақирилған «Ёзигўй» томонидан «Ёзи ва Зебо» достонидан парча-қўшиқлар ижро этиб турилган бўлиб, қолган ўроқчилар «Э-э-э, олло!» деб жўр бўлиб туришган. Фориш туманидаги Синтоп қишлоғи дехқонлари эса ғалла ўраётганда «Ҳай, жон олло», «Ё олло» каби қўшиқларни айтишган (**Кармышева Б.Х.**, 1960. – С.72-76). М.С.Андреевнинг 1927 йилда ўтказган этнографик экспедицияси натижасида Хингов водийиси тожиклари буғдой ўраётганда «Ман доф», «Ё оллоҳ» қўшиқларини ижро этганликлари аниқланган (**Андреев М.С.**, 1928. – №17. – С.166-167).

Ғалла ўрими чоғида бу типдаги ҳалқ қўшиқларининг куйланишига сабаб шундан иборатки, қадимги дехқонлар ернинг ҳам жони

бор, шунинг учун буғдой ўриб олинган дала «вақтингча ўлади» деб ўйлашган. Шу боис, ўроқчилар охирги тутам буғдойни ўриб олаёт-гандар ер күп қийналмасин учун ишни тезроқ битказишга ҳаракат қылғанлар ва «олло» номини тилга олиш орқали «ўлаётган» ерга мадад беришга ҳаракат қылғанлар (*Бу ҳақда қаранг: Рахимов М.Р., 1956. – С.82; Аширов А., 2007, 139-бет*).

Демак, ўзбек мавсумий маросимлар тизимидағи «Обло бара-ка» маросими қадимги деҳқонларнинг анимистик қарашлари ҳамда серҳосиллик фоясини ташувчи аграр культлари таъсирида келиб чиққан.

## ҲАҚУЛЛО

Ўзбек деҳқонларининг анъанасига кўра, буғдойни ўриб-йигиб олгандан кейин, янчиқ пайтида «чош қурди», «чош оши», «хирмон оши», «чошнинг белини боғлаш», «ҳақулло» каби маросимлар ўтка-зилган.

Буғдой ўрилгач, деҳқонлар арава-улов билан ғарамларни хирмон жойига ташиғанлар. Сурхондарё вилоятининг Ангор туманидаги Қорақир қишлоғида яшовчи 46 яшар Роҳила Пўлатовадан 2002 йилда ёзиб олинган маълумотга кўра, фалла ташишда иштирок этадиган йигитлар араваларда ғарамларни ташиётиб, «Ҳаввор-ҳаввор» кўшигини ижро этишган:

*Кўз тегмасин сайдорингга, ҳаввор-ҳаввор,  
Тош тегмасин туёғингга, ҳаввор-ҳаввор,  
Аста-аста жебалагин, ҳаввор-ҳаввор,  
Кувват берсин оёгинга, ҳаввор-ҳаввор,  
Узоқ йўлда ҳамроҳим, ҳаввор-ҳаввор,  
Оғир юқдан ҳинқиллаб, ҳаввор-ҳаввор,  
Сола берсан ҷўққингга, ҳаввор-ҳаввор,  
Йўргалагин зинғиллаб, ҳаввор-ҳаввор.*

Бир жойга тўпланган буғдой ғарамларини янчиш иши боланадиган кунни қашқадарёлик деҳқонлар «аяққўши» деб аташган. Хирмонга уюлган ғарамларни янчандан кейин чошни сомондан ажратиш учун хирмон совураётган деҳқоннинг ёнига келган кишилар хирмончининг иши енгиллашсин учун «Хирмонга барака, хирмонга!», «Мўлчилик-кўлчилик», «Кўп берсин, кам қилмасин» дейдилар.

Қашқадарё вилоятида яшовчи қорлуқлар донни чош қилишгач, бир ғалвирни тоза донга тұлдириб олиб, чош теварагини айлантириб чиқишиган ва чош устига сепиб юборишиган. Бу удум «*чошнинг белини боғлаш*» дейилган. Ўрта ва Юқори Қашқадарёда эса деҳқонлар чошнинг теварагига беш жойға қозық қоқишиган ва уларни бир-бирига ип ёрдамида боғлаб туташтириб чиқишиган. Бу удум «*барака қозықлари билан чош белини боғлаш*» дейилган. Яккабог ту-манининг Эсат қишлоғида эса чошнинг устига бешта тош ёки девор кесагини қўйиб, хирмонда ишлатилган асбобларни чош устига ташлаб қўйиш одати «*чошнинг белини боғлаш*» деб юритилар-кан (**Раҳмонов Ф.**, 2001, 122-123-бетлар). Фарғона водийсининг шимолий ҳудудларида чошнинг ўргасига курак суқиб, унга белбоғ боғлаб қўйишган (**Саримсоқов А.**, 2007, 72-бет). Шундай қилинса, чошга ҳеч қандай зиён-заҳмат етмайди, ундаги доннинг чўфи ба-ракали бўлади деб тасаввур қилинган.

Деҳқонлар чошдаги донни ғалвирлаш пайтида ҳам ўзига хос удумларга амал қилишган. Этнограф олим **Ф. Раҳмоновнинг ёзишича**, «ғалвирни донга тұлдириб қопга соглунга қадар «*бир барака*» деб уч марта қайтаришган. Бу саноқ кейинги ғалвирларда ҳам «*икки ба-рака*», «*гўрт барака*» деб давом эттирилган. «*Беш барака*» ўрнига эса «*ёр олти барака*» дейишган» (**Раҳмонов Ф.**, 2001, 126-бет).

Наманган вилоятида чош эгаси галлани қоплашдан аввал дон-нинг устига бир жуфт нонни қўйган ва ўзи қиблага қараб ўтириб «*Куръони карим*» оятларини тиловат қилган. Шундан кейин чош-дан бир ғалвир дон олган. Ана шу фалла «*ҳақулло*» дейилган ва уни етим-есирларга, кам таъминланган оиласарга бўлиб беришган (**Саримсоқов А.**, 2007, 73-бет).

Хоразмда чошдаги ғалладан бир неча ҳовуч донни «*кушлар ҳаки*» сифатида сочиш орқали хирмонга барака тилаш маросими «*ҳақулло*» дейилган. Деҳқонлар анъанага кўра, фаллани чош қилишдан аввал хирмон уюладиган жойға бир парча тоза кесак қўйишган. Бу «*барака кесаги*» ёки «*Хизр кесаги*» дейилган. Ана шу «*барака кесаги*»нинг устига чошни уйганлар. Фаллани кафсан ёрдамида қоплашдан аввал чошни «*поклаш*» ва ёмон кўзлардан асраш мақсадида «*ҳақулло*» деб аталған маросимни ўтказишиган. Қишлоқнинг энг кекса, пиру бадавлат боболаридан бири хирмон ёнига келиб қибла томонга қараб ўтирган ва чошдан бир ғалвир буғдой олган. Ана шу донни етим-есирларга, кам таъминланган оиласарга, фаллага муҳ-тоҷ қишиларга улашилган. Деҳқон хирмондаги фаллани қопларга

солиб бүлгач, бир неча ҳовуч буғдойни «Бобо дәхқон ҳақи» деб сошнинг ўрнига сочиб юборган (**Шониёзов К.**, 1964. – С.56-57).

Хоразмлик дәхқонлар эса ғалла ўриб-яңчиб чош қилингач, хирмоннинг тўрт томонидан бир ҳовучдан донни олиб бир идишга солишган ва беш-олти қадам юриб хирмоннинг атрофига сочиб юборишган. Бу «қушлар ҳақи» дейилган. Беруний туманидаги Бий-бозор қишлоғида эса «ҳакулло» деб олинган ғаллани оқар сувда яхшилаб ювишган ва яна чошга қўшиб қўйганлар. Бу маросимнинг гарихий илдизлари қадимги аждодларимизнинг ота-боболар руҳини озиқлантириш билан алоқадор мифологик тасаввурларига бориб тақалади. Қадимда вафот этган одамнинг руҳи қуш қўринишида учиб келади деб ишонилганлиги боис, чошдан олинган ғаллани «кушлар ҳақи» деб сочиб юбориш орқали ана шу жонзот шаклидаги аждодларга ўзига хос «эҳсон қилиш» амали бажарилган (**Снесарев Г.П.**, 1969. – С.114).

Сурхондарёлик дәхқонлар ғалла экинларини ўриб-йифиб олишгач, ўзларига яқин кишилар, оила аъзолари ва қариндош-уруглари билан тоғ сайрига чиқиб, у ерда икки уч кун дам олишган ва қайта-ётган вақтда «Шоҳий наҳшбанд» қўшиғини айтишган (**ҲабибуллаFaфур**, 1992, 49-бет). Қўшиқнинг асосий матни якка ижрочи томонидан айтилган бўлиб, бошқалар «шоҳий нақшбанд ё пир раҳмат, ё дўст» тарзида анъанавий такрор қисмига жўр бўлиб туришган:

*Тоғларга қор эмасму-ей,  
Шоҳий нақшбанд ё пир раҳмат, ё дўст,  
Йигитга ор келмасму-ей,  
Шоҳий нақшбанд ё пир раҳмат, ё дўст,  
Икковимизга бир кўйлак-ей,  
Шоҳий нақшбанд ё пир раҳмат, ё дўст,  
Ёқаси тор эмасму-ей,  
Шоҳий нақшбанд ё пир раҳмат, ё дўст.  
Эниб келдим оқ тошдан-ей,  
Шоҳий нақшбанд ё пир раҳмат, ё дўст,  
Оқ салла тушди бошдан – ей,  
Шоҳий нақшбанд ё пир раҳмат, ё дўст,  
Оқ салланинг эгаси-ей,  
Шоҳий нақшбанд ё пир раҳмат, ё дўст,  
Айрилди қалам қошдан – ей,  
Шоҳий нақшбанд ё пир раҳмат, ё дўст.*

Эрта баҳордан то ҳосил йифиб олингунгача бўлган муддатда тиниб билмай қилингган меҳнати самарали бўлғанлигидан мамнун бўлган дехқон ижросидаги бу қўшиқдаги «шоҳий нақшбанд ё пир раҳмат, ё дўст» мисрасининг кўпчилик жўрлигига қайтарилиб туриши галлага серҳосиллик баҳш этган ҳомий-пирлар, бу ўринда Баҳоуддин Нақшбандга бўлган эҳтиромнинг бадиий ифодаси саналади.

## КУЗГИ МАРОСИМЛАР ФОЛЬКЛОРИ

Куз фаслида ўтказилган маросим ва удумлар ҳосил йифиш ишлари билан бевосита боғлиқ бўлган. Чунки бу фасл ўзига хос табиати, пишиқчиликнинг авж олиши, дехқон, боғбон ва полизкорлар йил бўйи қилинган ҳалол меҳнатининг маҳсули ўлароқ ҳосилни нес-нобуд қилмай йифиштириб оладиган, ёзги яловда кўй-кўзиларини семиртирган чўпон-чўлиқлар кузги қирқимни сифатли ўтказиш ва сурувга қўчкор қўшиш учун қўтонга қайтиш ҳарататига тушиб қоладиган масъулиятли даврdir. Ҳатто зардўштийлик даврида ҳам бу воқеага бағишланган алоҳида тантана – «Айат-рима», яъни «Чорванинг ёзги яловдан уйга қайтиб келишини байрам қилиш» маросими ўтказилган (Бойс М., 1987. – С.44).

Аждодларимизнинг куз фаслида ўтказган энг катта ва нуфузли байрамларидан бири «Мехржон» бўлса, иккинчиси «Тиргон» ҳисобланган. «Тир» «тирама» сўзи ҳозир ҳам «куз» деган маънони билдиришини ҳисобга олсак, бу ҳақиқий куз байрами эканлигини билдиради. Беруний «тир» сўзининг маъносини дехқончилик билан боғлайди. Қадим замонларда «тиргон» катта байрам бўлиб, косиблар ва дехқонлар янги кийим кийиб юришган. Бу байрамда буғдой ва мевалардан маҳсус таом тайёрланиб, дастурхонларга тортилган. Баъзи жойларда эса шу куни чўмилиш одати бўлган. «Тиргон»нинг мазмуни ва одатлари унинг куз бошида йигим-терим бошланишидан олдин ўтказиладиган байрам эканлигидан далолат берган» (Қора боев У., 2001, 37-бет).

Абу Райҳон Беруний қадимги аждодларимизнинг куз фаслида ўтказган маросимлари тўғрисида маълумот берар экан, хоразмликлар «чири» ойининг бешинчи куни ўтказилган «Ажгар», яъни «куз охирида оловда исиниш ҳайити»ни алоҳида қайд қиласди. Бу сўз «ўтин арралаш» маъносини билдирган. Беруний ўтмишда «Ажгар» байрами кузда нишонланган, аммо бизнинг давримизга келиб ёзга гўғри келадиган бўлиб қолди. Шунинг учун дехқонлар ажгардан етмиш кун санаб беда экадилар» деб ёзган (Беруни Абу Райхан,

1957. – С.257). Сүгдийлар кузда «Нимсарда» ҳайитини ўтказганлар. Бу ҳайит «ф-ғ-кон» ойининг биринчи кунига тұғри келган ва «Йил ярим бұлғанлигини нишонлаш тантанаси» маъносини англағатган.

## ҚОВУН САЙЛИ

Халқимизнинг кузги мавсумий маросим фольклори тизимида полизларда турфа қовунлар ғарқ пишган пайтда ўтказиладиган «қовун сайили» алоҳида ўрин тутади. Чунки ўлкамизда қовуннинг хилма-хил навлари ўстирилган бўлиб, миришкор дәхқонлар бундай сайилларда ўзлари етиштирган янги навларни, энг мазали қовунларни намойиш этишган.

Қадимда қовуннинг халқимиз турмуш тарзида муҳим аҳамият касб этганлигини таниқли олим Я.Ғуломов томонидан ёзиб олинган қуидаги ривоят ҳам тасдиқлади. XIX асрнинг бошларида Хива хони Кўнғиротни қамал қилиб, кўнғиротликларнинг ҳамм 1 экинларини пайхон қилган ва уларга таслим бўлишни таклиф қилган. Шунда қамалдагилар: «*Уч ой қовуним, уч ой совуним, уч ой қовоғум, уч ой чавогум*» деб жавоб беришган экан. Бу айтим орқали «Кўнғиротликлар йилнинг ҳар бир фаслида муайян неъматни тановул қилиб бемалол қамалга бардош бера оладилар» деган маънони билдиради.

Чиндан ҳам хоразмлик дәхқонлар орасида «қайр дәхқончилиги» деган ибора қўлланилган. Чунки Хоразмда сугорма дәхқончилик билан бир қаторда, Амударё соҳилларида қайр дәхқончилиги ҳам кенг ривожланган эди. Дарё бўйларидағи сизот сув ер юзига яқин бўлган жойлар «қайр» дейилади. Қадимда дәхқонлар Амударёнинг Чоржўй воҳасидан то Орол дентлизигача бўлган ҳавзасида икки соҳил бўйлаб қайрга қовун экишган. Қайрда етилган қовунлар ғоят мазали бўлиб, қадимда савдо карвонлари билан узоқ мамлакатларга ҳам олиб кетилган. 1333 йилда Хоразмга келган сайёҳ ибн Батута ўз сафарномасида Хоразм қовунларига алоҳида боб бағишилаган. У Ҳиндистонга борганида Хоразм қовунларининг мазасига қойил қолганлигини айтганида у ернинг ҳоқони сайёҳга Хоразмдан келтирилган қовун қоқисини берган. Чунки савдогарлар Хоразмнинг қайр қовунини маҳсус қофозга ўраб Бағдод ва бошқа шаҳарларга олиб кетишган (Ғуломов Я., 1957, 67-бет).

Ҳар йили жавзо кириши билан дәхқонлар қайиқларга ўтириб дарё қирғоғига яқин оролчаларга, «сув ташлаб кетган» эски ўзан-

ларга сузиб боришган ва намиқиб турган ердан чуқурчалар ковлаб қовун уругини экишган. Ёзнинг охирларида улар яна шу ерга сузиб келишган ва қайр полизи ёнида чайла қуриб, балиқчилик қилишган ва палак ёзиб пишаётган қовунларни қўриқлаганлар.

Кузнинг бошларида қайр қовуни пишиб етилган ва хоразмликлар орасида урф бўлган «*дарё қидиришмаси*» номли сайиллар ўтказилган: қайр қовунини эккан дэҳқоннинг яқин қариндошлари, қўни-қўши, ҳамқишлоқлари бола-чақаси билан қайиқчаларга ўтириб оролча ёки дарё соҳилидаги тўқайзорлар орасидаги очиқлиkdiragi полизга «қовун сайли»га келишган. Улар ўзлари билан нон, ёғ, қанд-курс, чой ва бошқа зарур нарсаларни олиб келишган. Полиз эгаси уларни мазали қайр қовуни ҳамда дарёдан тутилган балиқ билан меҳмон қилган. Бу сайил бир неча кун давом этган ва одамлар ўйин-кулги қилишиб, дам олиб уйларига қайтишган (**Фуломов Я.**, 1957, 68-бет).

Халқимиз орасида қовунни экиш билан боғлиқ бир қанча иримсирим ва айтимлар мавжуд бўлган. Хусусан, Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Тангачар қишлоғи дэҳқонлари қовун экаётганда чўнтакларига уч-тўртта майда кесакларни солиб қўйишиади. Шундай қилинса, қовун худди тошчалардек кўп ҳамак тугади деб ирим қиласидар. Яна бир удумга кўра, қовун экаётган кишилар бир-бирларига ҳазил-хузул қилишиб, кулишиб ишлаганлар. Чунки гангачарликлар орасида машҳур бўлган «*Кулагон экин битагон келади*» (яъни кулиб экилган экин бўлиқ бўлади) деган нақлга кўра, қовунни кулиб туриб экилса, у кўп гуллаб яхши ҳосил берар эмиш. Бу ўринда дэҳқонларнинг кулиши «рамзий кулги» бўлиб, қадимги дэҳқонларнинг экинга серҳосиллик баҳш этиш мақсадида ўтказган ритуал кулги удумининг қолдигидир.

Тошкент шаҳрининг Янги шаҳар маҳалласи яшовчи Роҳат биби Мирсадик қизидан 1927 йилда Ҳоди Зариф ёзиб олган маълумотга кўра, дэҳқонлар орасида қовоқ экаётган киши қўйнига тош солиб экса, қовоқ тошдек кўпайиб чиқади ва кўп қовоқ қиласиди деган ирим мавжуд бўлган. Атоқли олим Ҳ.Зариф Тошкент шаҳрининг Минор маҳалласида истиқомат қилувчи Қорёғди Шермуҳаммад ўғлидан 1927 йилда полизчилик билан боғлиқ қўйидаги иримни ёзиб олган: дэҳқонлардан ёзиб олинган маълумотга кўра, қовун палагига шира тушса ўша дэҳқоннинг хотини иштонини ечиб олиб, ичига беш-ўнта тош солиб полизнинг ичига кирган ва шира тушган палакни қўлидаги тошлиқ иштон билан уриб:

- Шол тошлиқ, шол тошлиқ! – деб қочса, қовун палагига тушган шира күтарилиб кетар эмиш («ЗЎФА». И nv. №1648/1-79, 96).

Одатда қовун пишиги мавсуми асадда бошланган бўлса-да, қовун пайкалларида пишиқчиликнинг энг авжига чиққан палласи кузнинг бошига тўғри келган. Халқимиз орасида полизда пишган биринчи қовунни узишнинг ҳам ўзига хос рамзий удумлари мавжуд бўлган. Анъанага кўра, биринчи пишган қовунни ўзидан тиниб-тинчидек кетган, невара-чеваралари кўп бўлган ёши улуф боболар узишган. Шундай қилинса пайкалнинг ҳосили мўл бўлади деб ирим қилинган.

Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли тумани миришкорлари полизда қовун пишиб етилган пайтда биринчи пишган қовунларни кўпчилик бўлиб татиб кўриш удумини «пўчоқ кўмди» дейишган (Ишаев А., 1979, 147-бет). Дехқонлар полиз оралаб юриб, тўргаган қовунлар пишиб етилганини кўришгач, қишлоқ оқсоқолларини, ёши улуф чол-кампирлар ҳамда ёш болаларни полиз бошига меҳмонга чақиришган. Серфарзанд, ўзидан тиниб-тинчидек кетган, «қўли баракали» чоллардан бири пайкал оралаб пишган қовунлардан бир нечтасини узиб чиққан. Бу қовунларни ҳаммалари баҳамжиҳат бўлиб тановул қилишгач, Бобо дехқон ҳақига дуо ўқилган ва пайкалга барака тилашган.

Ўзек фольклорида қовун егандан кейин ўқиладиган ўзига хос дуо-олқиши матнлари ҳам мавжуд. 1927 йилда Каттақўрғон тумани ҳамда Хива шаҳрида фольклор экспедициясида бўлган В.Дружинин қовун егандан кейин ўқиладиган фотиҳа-олқишиларининг «Омин, еганчи-ичганни худо муродига еткарсинг» каби бир нечта намунасини ёзиб олган (Дружинин В., 1927. – С.57).

Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Толқонсаёт қишлоғда яшовчи 1917 йилда туғилган Севар момо Қандим қизининг айтишича, қовун егандан кейин «Манзил обод, ширин новвот, экканга, тикканга, еганга-ичганга худо раҳмат қилсин!» - деб фотиҳа ўқилади. Шу қишлоқлик 1907 йилда туғилган Дўнди момо Абдимурод қизининг айтишича эса қовун егағ: «Ширин новвот, манзил обод, пайғамбар-худога саловот, экканни-тикканни, келтирганни-еганни худо раҳмат қилсин. Бахи этдим, Бобо Дехқоннинг ҳақига, омин оллоҳу акбар!» - деб фотиҳа ўқилади (Муаллифнинг дала ёзувлари. 1987 йил 12 июнь).

«Қовун сайили» мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларида анъанавий тарзда ўтказиб келинган бўлиб, санъатшунос-этнограф Т.Қиличевнинг қайд қилишича, Қорақалпоғистон Республикаси-

нинг Элликқалъа туманида Жагил авлиё деган жойда ўтказилган. Бу сайилда турли-туман қовунлар намойиш этилган, йигитлар ва ўсмир болалар «қовун-қовун» ўйинини ўйнаганлар. Бунда ўйинчилар иккига бўлиниб, бир-бирларига қовунларни отиб, уларнинг ширинлиги, тилими тилни ёришини қўшиқ қилиб куйлашган. Айтишув шаклидаги бу қўшиқнинг ҳар бир тўртлиги «Қовун-қовунлар дедим» анъанавий такрорланувчи мисра билан бошланиб, кейинги мисраларда исталган қовун номи қўшиб ижро этилаверади:

*Қовун-қовунлар дедим,  
Мазали қовунлар дедим,  
Эй ширинноввот дедим,  
Гурвак қовунлар дедим.*

*Қовун-қовунлар дедим,  
Ширин қовунлар дедим,  
Оқ бекзоди, кўк бекзоди,  
Қариқиз қовунлар дедим*

(Киличев Т., 1988, 82-83-бетлар).

Хоразм вилояти туманларида эса «Қовун сайли»да анъанавий «Ширинноввот» ўйини ўйналган. Бу ўйинни ўйнаш учун катта айвони бор уй танланган ва йигит-қизлар ҳар хил қовунларни олиб шу уйга йифилишган. Йигитлар қовунларни кутариб томга чиқишишган ва айвон тепасидан ипга боғланган қовунларни пастда турган қизлар томонга туширишган. Қизлар илиб олиш учун қўл чўзишганда улар ипни юқори тортганлар. Шу тариқа ўйин давом эттирилган ва йигит-қизлар томонидан лапар усулида қўшиқ айтилган (Бу хакда каранг: Киличев Т., 1985. - №1, 24-25-бетлар).

«Қовун сайли» Фарғона водийсида ҳам анъанавий тарзда ўтказилганлигини бу қадимий маросимнинг «Ёзи билан Зебо» достонида қайд қилинган талқини ҳам тасдиқлади. Асарнинг Наманган вилоятининг Янгиқўргон туманида яшаган Амин Малик ўғлидан О.Холмирзаев ёзиб олган вариантида Ёзи Тошбулоқ деган жойга қовун экади ва қовун пишигига Зебони «қовун сайли»га таклиф қиласди. Бу ҳолат достонда шундай тасвиirlанган:

*Қовун экдим Тошбулоқнинг бошига,  
Сайил айладим сарчашманинг қошига.  
Зебожон ўсмалар қўяди қошига,  
Кел Зебожон, Ёзи томошасига.*

*Қовуним ғарқ пишгандир,  
Мазаси тилни тешгандир.  
Қовун тақдирим қўшгандир,  
Ақлим севинчдан тошгандир.*

Мазкур достоннинг наманганлик Раззоқ бахши Қозоқбой ўғлидан ёзиб олинган вариантида («ЗЎФА», Инв.№1601) қовун экилиши эпик қаҳрамоннинг сеҳрли ҳомийлари (бу ўринда ўзида серҳосиллик гоясини ташувчи эзгу ҳомий Хизр образининг ўзига хос талқини) иштирокида амалга оширилиши тасвирланган: Ёзи тошлоқ ерга келиб, нима қиласини билмай, уйқуга кетади. Уйқудан тургач, қараса бир оқсоқол тошлоқ ерга этаклаб тупроқ тўкиб, ерни текисляпти. Ёзи ўрнидан туриб, салом беради. Мўйсафид саломга алик олиб, Ёзига қовун уруғини берди. Бу уругни косага ўхшаш тош ичига солиб, унга уч марта туфлайди, кейин уни уч кун сув ичига ивитиб, сўнгра экишни буюради ва ўзи эса кўздан фойиб бўлади.

«Қовун сайли»ни ўтказиш анъанаси бугунги кунга қадар сақланиб қолган бўлиб, ҳозирги даврда унинг «Қовун сайли», «Ширинак» каби турли хил кўринишлари ўлкамиздаги кузги пишиқчилик, тўкин-сочинлик, миришкор деҳқонларимиз меҳнатининг самарасини ва юртимиз табиатининг саховатини намойиш этувчи қадриятга айланган.

## ҚАМАРИЙ ТАҚВИМ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМ ФОЛЬКЛОРИ

Маълумки, халқимиз орасида амалда бўлган ҳижрий - қамарий тақвимнинг юзага келиши ойнинг ер атрофидаги ҳаракат даври -- синодик (ойнинг ўз ҳаракати туфайли ҳар ойда бир марта ерга яқинлашиши) ойга, яъни ойнинг гарбдан ўроқ шаклида кўринишидан бошлаб, токи 29 ва 30 кундан иборат муддат ичидан яна ўша ҳолатга қайтиб келишигача ўтган даврга асосланади. Ҳижрий-қамарий тақвим 12 ойдан ташкил топган бўлиб, бу тақвимда бир ой 29 кун 12 соат 44 дақиқа ва 2 сония қилиб белгиланган. Шунга кўра, 29,5 куннинг ортиб қолган 12 соатини ҳар иккى ойда бир кун қилиб, тоқ ойларга қўшиб борилган. Бундан ташқари, ҳар тўрт йилда 44 дақиқа 2 сония эса йигилиб бир кун бўлади ва бу ҳам кабиса йилининг охирги ўн иккинчи ойига қўшиб қўйилади. Шунинг учун ҳижрий - қамарий тақвим бўйича оддий йил 354 кундан, кабиса йили эса 355 кундан иборатdir.

Манбаларда келтирилишича, бу тақвим ҳисоби пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломнинг Макка шаҳридан Мадинага ҳижрат қилган вақтидан, яъни ҳозирги жорий ҳисоб бўйича 622 йилнинг 21 мартаидан бошланган. Бундан ташқари, ҳижрий-қамарий йил шамсий йилга қараганда ўн бир кун қисқа бўлганлиги сабабли биз ҳозир қўллаётган тақвимга нисбатан бу йил ҳар гал 11 кун илгари сурилиб келади.

VIII асрдан эътиборан Ўрта Осиёning араблар томонидан фатҳ этилиши ва ўлкага ислом дини кириб келиши муносабати билан ҳижрий-қамарий тақвим ҳам халқимиз орасида кенг ёйила бошланган. Шундан кейин XX асрнинг бошларига қадар халқимиз вақт ҳисобини юритишда бошқа ҳисоблар билан биргаликда ҳижрий-қамарий тақвимдан ҳам кенг кўламда фойдаланиб келган.

Шу тариқа ўзбек мавсумий маросимлари силсиласида ҳижрий-қамарий тақвим билан алоқадор «мавлуд», «арафа», «рўза ҳайити», «қурбон ҳайити», «сафар қочди», «охир чоршанба», «барот келди», «рамазон» каби маросимлар келиб чиқкан. Куйида ана шундай мавсумий маросимларнинг баъзилари хусусида тўхталамиз.

## АРАФА

Рўза ва қурбон ойларининг охирги кунлари, ҳайит кунлари бошланишидан олдинги кун, сайил олди тайёргарлик кўриш удуми «арафа» деб аталади. «Арафа» сўзи Арабистондаги Арофат тоғининг номидан олинган бўлиб, ҳижрий-қамарий тақвим бўйича зулҳижжа ойининг 9 кунида ҳожилар ана шу тоғда жам бўладилар ва тоққа чиқиб намоз ўқийдилар. Ҳайитдан олдинги куннинг «арафа» қилиниши одати ана шундан келиб чиққан. Арафа куни барча хонадонларда ҳайитга тайёргарлик кўрилади, бекалар бўғирсоқ, чўзма-чалпак пишириб «ис» чиқарадилар. Вафот этиб кетган кишилар руҳига тиловат қилинади. Кўпгина оилаларда арафа куни оқшомда палов пиширилди ва қўни-қўшнилар бир-бирларига «ҳайитлик» чиқарадилар.

Бирор яқин қариндоши ёки оила аъзоси вафот этган кишилар арафа куни қабристон зиёратига боргандар, бўғирсоқ, чўзма-чалпак пишириб «ис» чиқарганлар. Чўп бошига пахта ўраб пилик ясанганлар ва уни ёққа ботириб «қора чироқ» ёққанлар. Қабр бошига чиққан аёллар эса ўтганларни ёдга олиб, йўқлов қўшиқларини ижро этганлар:

*Олмадан отлар қиласин,  
Баргига хатлар битайин,  
Ҳайит куни онажонимни,  
Йиғлаб-йиғлаб ёд этайин*

(«Бўзлардан учган ғазал», 115-бет).

Янги келин тушган оилаларда алоҳида тайёргарлик кўрилади: келинчакнинг уйи янада чиройли қилиб безатилади, яхшилаб дастурхон тузатилади. Чунки ҳайит куни эрта тонгданоқ маҳалланинг қизжуонлари «келин кўрди»га келадилар. Келин ҳам ҳарир рўмол ёпишиб олганча, келган меҳмонларга эгилиб салом бериб туради. Меҳмонлар ҳам келин-куёв шаънига эзгу тилаклар билдириб, дуо қилиб чиқиб кетадилар.

## БАРОТ КЕЛДИ

Ўзбекларнинг қамарий йил билан боғлиқ мавсумий маросими-ларидан бири «Барот келди» деб аталади. Бу маросим қўшиғи ҳақида-ги илк маълумот ўлкашунос Н. Будзинский томонидан ёзил олинган. Унинг қайд этишича, тошкентликлар шаъбон ойининг 14-

кечасини рұхий янгиланиш, билиб-бilmай қилинған гуноҳлардан покланиш кечаси деб билғанлар. Шунинг учун ҳам ўша кечаси ҳар бир оила бекаси ўтганлар ҳақыға «ис» чиқарған. Уй-рұзғоғ буюмлари, айниңса, қозон-товоқ, идишларни яхшилаб тозалаганлар. Бекалар яхши ният билан ўз қозонларига мой қуйиб, чучитганлар ва құзма, чалпак, бұғирсоқ пиширилиши шарт бұлған. Кеч кириб, «ис» ҳиди маҳалла бүйлаб таралған пайтда болалар уйма-уй юриб «Барот келди» құшиғини айтғанлар. Н.Будзинский фольклоршунослық амалиетіда бириңчи бұлиб, «Барот келди» маросими құшиғини чоп эттирган (Будзинский Н., 1910. - С.160-163).

Шунингдек, М.Алавия, О.Сафаров каби фольклоршуносларнинг гадқиқотларида ҳам «Барот келди» маросими тұғрисида маълумот берилған (Алавия М., 1974, 126-бет; «Бойчечак», 99 - бет). Бу маросимнинг келиб чиқиш тарихи ва унда ижро этиладиган халқ құшиқтарининг бадиияти ёш фольклоршунос М.Пирматова томонидан тадқиқ этилған (Пирматова М., 1997. - №6, 51-53-бетлар).

Анъанага күра, ҳижрий-қамарий ҳисоб бүйича саккизинчи ой – шаъбоннинг ўн тұртқинчи куни «Барот» деб аталади. Бу кун гуноҳлардан покланиш, тозариш, рұхан янгиланиш куни сифатида мұйтабар санаған. Исломий ривоятларға күра, ўша кеча ўлим фариштаси Азроил йил давомида, яньни келаси йил 14-шаъбонгача қазоси етган кишиларнинг рұйхатини олар эмиш. Шунинг учун ҳам бу кечани «хукм кечаси», «буйруқ кечаси» деб ҳам атаганлар (Климишин И.А., 1981. – С.94).

Барот кечаси бекалар ҳамма идиш-товоқларни ювіб тозалашған, хонадонларда құзма, чалпак, бұғирсоқ ва турли хил ширилліктер пиширилған. Тайёрланған пишириқтарни құни-құшниларға, қариндош-уругларға улашғанлар. Ҳар бир хонадонда ўтганлар ҳақыға «Курьон» тиловат қилиниб, дуо ұқылған. Оқшом тушгач, болалар уйма-уй юриб, «Барот келди» деб номланған анъанавий құшиқни ижро этиш орқали маҳалладоштарини муборакбод эттәнлар:

*Барот келди билдингизми,  
Субхидамда турдингизми,  
Субхидамда тура солиб,  
Идиш-оёқ ювдингизми,  
Барот келди билдингизми,  
Бизга чалпак қўйдингизми.*

Бекалар ўзлари пиширган неъматлар билан болаларни сийлаганлар, уларга ҳар хил совғалар беришган.

Қўқон шаҳрининг Фарғона қўчасидаги 2-йда яшовчи Тўраев Ҳабибуллодан ёзиг олинган қўйидаги «Барот келди» қўшиғида ҳам маҳалладошларини муборак кун билан қутлаб юрган болакайларнинг самимий тилаклари ўз ифодасини топган:

*Баротувво бой билан,  
Куён қочди той билан,  
Мўнди, мўнди, қора мўнди,  
Қора сувга юмаланди.  
Овратманг, овратманг,  
Болаларни жсовратманг,  
Бор бўлса кабоб,  
Йўқ бўлса жавоб.*

Уй эгалари ҳадеганда чиқавермаса, эшик олдида кутиб турган болалар хонадоннинг савобталаб соҳиблари «Барот кечаси» тайёрланган тансиқ пишириқлардан олиб чиқишини кутиб шундай деганлар:

*Барот келди билдингизми,  
Козонга ёғ қўйдингизми,  
Ўзингиз еб тўйдингизми,  
Бизга пича қўйдингизми.*

Агар шундан кейин ҳам ҳеч ким чиқмаса, уйма-уй юриб чарчаган болалар уларни тезроқ чиқишига ундан шундай деганлар:

*Овратманг, овратманг,  
Ёш болани жсовратманг,  
Ағи тушди, бағи тушди,  
Ёш боланинг жағи тушди*

(«ЗЎҒА». Инв.№1657.лап.1.№3.2).

Шаъбон ойида бўладиган «Барот кечаси»да болаларнинг уйма-уй юриб айтадиган анъанавий қўшиғининг ўзига хос бир намунаси 1926 йилда атоқли олим Ҳ.Зарифов томонидан ҳам ёзиг олинган:

*Ойи-ойи, барот ойи,  
Барот келди билдингизми,*

*Идииш-оёқ ювдингизми,  
Идииш-оёқ ювган жойда,  
Дуо тақбир қылдингизми.*

«Барот келди» маросими қўшиғининг бу намунасида якунланма қисм анъанавий характерга эга бўлиб, маросим лирикасида, жумладан, «ё рамазон» қўшиқларининг ижро жараёнида ҳам ишлатиладиган «формулавий» мисралардан таркиб топган:

*Оқ танга, кўк танга,  
Чиқара қолинг жон янга!  
Оқ тамаки, кўк тамаки,  
Чиқара қолинг жон амаки!  
Борми савоб, йўқми жавоб?*

(«ЗЎФА». И nv.№ 1648/98).

«Барот келди» маросимининг типологик характерга эгалигини бошқа туркий халқлар фольклорида шаъбон ойининг ўн тўртинчи кечаси билан боғлиқ маросим мавжудлиги ҳам тасдиқлайди. Хусусан, туркманлар шаъбон ойини «Меред» деб атайдилар. Бизнингча, бу атама «барот» сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шакли бўлиши керак. Уларнинг эътиқодича, «меред»нинг 14-кечаси ҳар бир мусулмон бандаси ўзининг йил бўйи қилган гуноҳ ишлари учун жавоб беради ва унинг қанча умри қолганлиги маълум бўлади. Чунки Азроилнинг қўлида маҳсус китоби бор бўлиб, унда ҳар йили 14-меред кечаси йил давомида вафот этадиган кишиларнинг номлари битилар эмиш. Афсонада айтилишича, ўша кечаси Азроил ва бошқа арвоҳлар барча тирик одамларнинг жонини танасидан чиқариб, ҳар хил тўсиқларга қараб ҳайдашаркан. Кимнинг жони тўсиқлардан омон-эсон ўтиб олса, ўша киши йил бўйи бегам яшайверар, жони тўсиқдан ўтолмай йиқилган кишининг исми эса Азроилнинг жони олинадиган кишилар номи ёзилган дафтарига битиларкан. Шу боис, туркманлар ўша кеча ёлғиз қолмасликка ҳарарат қилишган, савоб олиш ниятида ўз уйларини тозалаганлар, кийим-кечакларини ювишган (Йомудский., 1928. - №9. – С.58-59).

Уйғурлар ҳам шаъбон ойининг 14-кечасини гуноҳлардан по-кланиш айёми сифатида байрам қилганлар. Шу ойининг 15-куни кечаси болалар мойқовокларнинг оғзига тиқиладиган латталарни чўп бошига ўраб ёққанлар ва шу машъялани кўтарганча «Барот келди туйдуналарму? Бизга чепек қойдуналарму?» ёки «Барот улуқ

зайду, Охақларға женнет жайды» деб құшиқ айтишган («Уйғур халық еғиз ижадийити», 218-219-бетлар).

Хозирги даврда бу маросим унтилиб кетган бўлиб, унда ижро этиладиган құшиқлар болалар поэтик фольклори намунаси сифагида сақланиб қолган.

## САФАР ҚОЧДИ

Анъанага кўра, ҳижрий-қамарий тақвим бўйича сафар ойининг охирги чоршанба куни кечаси маҳалла-куйларда, кўчаларда катта гулхан ёқиб, катта-кичик оловдан ҳатлаши маросими «сафар қочди» дейилган. Қўшкўпир туманидаги Гулистон жамоа ҳўжалигига яшовчи Анабиби Ражабовадан 1997 йилда ёзib олинган маълумотга кўра, сафар ойининг охирги чоршанбасида қишлоқ кўчаларида, дарвозалар олдида ўт ёқиб, ҳамма одамлар ана шу оловдан ҳатлаб ўгадилар. Сафар ойи «оғир ой» деб тасаввур қилинганилиги сабабли “ундан сог-саломат ўтдик” деб шукроналар қиласидилар. Г.П.Снесаревнинг маълумотларига кўра, қадимги Аму соҳили аҳолиси оловдан ҳатлаш одатига бошқа ҳолатларда ҳам амал қилишган. Масалан, Беруний туманида олис сафарда бўлиб қайтган киши уйига келгандан эшик олдида олов ёқтириб, устидан ҳатлайди ва олов атрофидан уч марта айлангач, уйига киради. Шовот туманида йўлда ўзини ёмон ҳис қилган киши уйига қайтгач, олов ёқтириб, устидан ҳатлайди.

К.Л.Задихина, Н.П.Лобачева каби этнограф олимларнинг илмий кузатишларида қайд этилишича ҳам хоразмликлар сафар ойини «бехосият» деб билишган ва унинг охир и чоршанбаси куни кечаси кўча-куйларда олов ёқиб, гуноҳлардан покланиш мақсадида олов устидан навбати билан ҳатлаб ўтганлар. Анъанага кўра, ҳар бир киши «сафар қочди» маросими куни уйидан бирорта кўп ишлатилган эски идиш-товоқни олиб келган ва олов устидан ҳатлаб ўтгандан кейин ўша идишни ерга уриб синдирган. Шундай қилинса, келган бало-қазо синган идишга уриб, унинг эгаси шикаст гопмайди деб ирим қилинган (Задыхина К.Л., 1952. – С.411-412; Лобачева Н.П., 1995. – №5. – С.29-30).

Халқ орасида «Сафар қочди» деб юритилган ушбу маросимнинг ўтказилиши ҳақида Ш.Шомақсудов ва С.Долимов қуйидагиларни қайд қиласидилар: «сафар ойининг тезроқ кетишини орзу қилиб, мана шу ойда бир итни тутиб, думига челак ёки латта боғлаб, унга

ұт тутатиб, итни құрқитадилар ва орқасидан калтак күтариб ҳай-хай сурон солишиб, итни қувлайдилар. Ит құрқиб, қоча бошлайды. Мана шу воқеани «сафар қочди» дейдилар» (Шомақсұдов Ш., Долимов С., 1961, 216).

Қадимда одамлар сафар ойини хатарли деб тасаввур қилғанлик-лари боис, бу ойда иложи борича түй қилмасликка, узоқ жойларга сафарга отланмасликка ҳаракат қилишган.

Элшунос А.Ашировнинг ёзишича, үтмишда Косонсој туманинда үтказилган «Сафар қочди» маросимида маҳаллаларда катта-катта гулханлар ёқилган. Барча одамлар бало-қазоларни даф қилиш мақсадида «Алас-алас, барча балолардан халос», деб гулханлардан сакраган ва сопол идишларни ерга уриб синдиришган» (Аширов А., 2001, 17-бет).

Бухоро вилоятининг Олот туманиндағы Қассоббаёт қишлоғида яшовчи Орзигул Очиловадан фольклоршунос М.Пирматова қуйидаги маълумотни ёзиб олган: «сафар ойида тұртта йүл бирлашган - кесишган жойда олов ёқиб, устидан ҳатласа ой безарар үтади деб ирим қилинади. Бунинг учун сафар ойи охирлаб қолганида одамлар тұрт йүл кесишган ерда катта олов ёқишишган. Катта-кичик ҳамма навбати билан ана шу оловнинг устидан ҳатлаб үтган. Оловдан ҳатлаётганды: *Алас-қапас, алас-қапас, кулли балолардан халос*, - дейдилар».

М.Пирматованинг ёзишича, «Бухоро вилоятининг Олот туманиндағы Қассоббаёт қишлоғида бу маросим «охир чоршанба» деб аталған. Сафар ойи «бехосият» бўлғанлиги сабабли бу ойни кузатаётганды одамлар ўзларига тушган «оғирлик»дан, яъни хосиятсиз ойнинг юқидан халос бўлиш мақсадида уйларнинг ёнида, дарвозаларнинг олдида олов ёқиб, хонадон аҳлининг ҳаммаси – каттаю кичик олов устидан ҳатлаб ўтишишган. Оловдан ҳатлаётганды:

*Сафар момом сухладилар,  
Олов ёқиб пухладилар,  
Олов, олов, олдиради,  
Икки кўзи ёлдиради,  
Оғирлигим куйиб кетар,  
Енгиллигим қўйиб кетар,*

- деб қўшиқ айтишишган» (Пирматова М., 2008).

«Сафар қочди» маросимининг келиб чиқиши тарихи ҳижрий-қамарий тақвимдаги «сафар» ойи билан алоқадор халқ қарашларига боғланади. Ўзбеклар орасида ҳам бу ой түғрисида турли хил

эътиқодий қарашлар қайд этилган. Жумладан, Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида сафар ойи ҳақида қуидаги халқ қарашлари мавжуд бўлган: «сафар ойида сафар қилмайди. Юриш қип бир ёққа қидирмоқчи бўлса, сафар ойи кирса жўнамайди, отланмайди, тунламайди. Сафар ойида тўй қилмайди. Қанақа тўй бўлсин, хоҳ ул тўйи, хоҳ қиз тўйи бўлсин қилмайди. Уй солмайди. Уйди бошлаб қилмайди, сафар ойида қаерда бўлса шу ерда туради. Агар сафар ойидан илгари сафар қилиб бир ёққа борган бўлса, ўзининг уйига қараб келаберади. Сафар ойида бир ёққа жўнамоқни ирим қилади, сафардан қайтиб келмоққа сафар ойида ирим қилмайди. Сафар ойида бир ёққа жўнамаганининг, қидирмаганининг сабаби шул: биздинг муллаларимиз, бу сафар ойида ҳар ким сафар қилса, иши ўсмайди, кейин бўлиб шу сафаридан вақти хуш бўлмайди, хафа бўлади, деб айтган. Бу сафар ойининг ичидаги кўчмаслик, сафар қилмаслик, тўй қилмаслик, бир ишни бошламаслик, хоҳ яхши, хоҳ ёмон иш бошламаслик ишда катта ирим бўлиб қолган. Ҳар бир иш, тўй-томуша қилмоқчи бўлса, никоҳ тўйи, ул тўйи бул ойда сирам қилмайди, қичаб сафар ойидан илгари келатурғон ойларда қилади, бошлайди. Сафар кириб қолса шу ишни бошлаб қилмайди. Сафар ойидаги ирим шул бўлади» («ЗЎҒА». И nv. №9130, 3-4-бетлар. «Одамнинг дунёга келиши, уйланиши ва то вафотига қўлла-ниладиган иримлар». Тўпловчи: Исо Эрназар ўғли).

Сафар ойи билан алоқадор бундай халқ қарашларининг асрлар давомида халқ орасида кенг тарқалганлиги гўёки «хосиятсиз» деб тасаввур қилинган бу ойнинг тезроқ тугашини, ой давомида кишига «ёпишган ёмонликлар» эса оловга тушиб куйиб кетиши учун ойнинг охирги чоршанба қуни олов устидан ҳатлаб ўтиш маросими келиб чиқишига асос бўлган.

## Ё РАМАЗОН

Ўзбек халқ маросим қўшиқларининг жанрлар таркиби ғоятда ранг-баранг бўлиб, ҳар бир жанрга оид фольклор намуналари ўзининг тарихий асослари, ижро этилиш ўрни, ҳаётий-маиший йўналганлиги ва поэтик табиатига кўра фарқланиб туради. Ана шундай қадимий фольклор асарларидан бири ҳар йили муборак рамазон ойида ижро этиладиган «ё рамазон» қўшиқларидир.

Халқимизнинг қадимий анъаналарига кўра, ҳар йили рамазон ойида ўттиз кун мобайнода яхши ният билан рўза тутилади. Маъ-

лумки, рўза ислом оламида «аркон ад-дин», яъни «дин асослари» номи билан машхур бўлган беш талабдан бири бўлиб, одамларни савоб ортиришга, жисмоний ва руҳий покланишга, гуноҳлардан фориф бўлишга, эзгу ишлар билан шуғулланиш, адолатли, иймон-эътиқодли, саховатли, меҳр-мурувватли бўлишга чақирган. Беназир ижодий салоҳият соҳиби бўлган аждодларимиз рўза ойи билан боғлиқ кўплаб ибратли ривоят, нақл ва қўшиқларни яратганлар, Ана шундай қадимий маънавий қадриятлардан бири «ё рамазон» айтиш удуми ҳисобланади.

Ўзбек фольклоршунослигига «ё рамазон» қўшиқларини тўплаб, тадқиқ этиш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, Н.П.Остроумов 1898 йилда Тошкентдан ёзib олинган рамазон қўшигини нашр эттирган (**Остроумов Н.П., 1898, С.2-8**). 1910 йилда «Туркистон вилоятининг газети»да жиззахлик Мирзо Ражаб Абдулжаббор ўғли томонидан ёзib олинган «ё рамазон» қўшиги эълон қилинган (**«Рамазони шариф қўшиқлари»**, 1910 йил, 18 февраль - 7 март). Ўша йили Н.Будзинский ҳам тошкентлик болалардан ёзib олинган «ё рамазон» қўшигини оммалаштирган (**Будзинский Н., 1910. - С.160-163**).

Ўзбек фольклоршунослигига М.Алавия (**Алавия М., 1974, 130-131-бетлар**), О.Сафаров, (**Сафаров О., 1992, 2-сон, 27-бет**), М.Жўраев, (**Жўраев М., 1992-д, 21 апрель; Жўраев М., 1992-е, 11-сон, 3-бет**). М.Пирматова, (**Пирматова М., 1998, 5-сон, 33-36-бетлар**), М.Адизова, (**Адизова М., 2000**), З.Қаюмов (**Қаюмов З., 2007, 74-77-бетлар**) «ё рамазон» жанрининг ўзига хос хусусиятлари ва бади-иятини тадқиқ этишган. 2001 йилда «ё рамазон» қўшиқларидан тузиленган илк тўплам чоп эттирилди (**«Улуғ ой умидлари»**, 2001).

«Ё рамазон» қўшиқлари мамлакатимизнинг барча вилоятларида кенг тарқалган бўлиб, ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодининг тақвимий маросимлар фольклорига мансуб анъанавий жанрларидан биридир. Бу жанрга оид қўшиқларнинг ижро ўрни ва вақти рамазон ойида рўза тутилиши билан бевосита боғлангандир. Ана шу хусусият бу жанрга мансуб бадиий матнларнинг ўзига хос табиатини белгилайдиган етакчи хосса ҳисобланади.

Одатда рўза бошланиши билан орадан уч кун ўтгач «ё рамазон» айтилган. Анъанага кўра, бу қўшиқлар фақат ўғил болалар томонидан ижро этилган. Улар оқшом тушиши биланоқ уйма-уй юришиб, ҳар бир ҳовли олдига борганда ўша уй соҳибларининг яхши сифатларини улуғловчи мисраларга бой анъанавий қўшиқларни айтишган.

Гарчи мусиқа жўрлигисиз ижро этилса-да, «ё рамазон» қўшиқлари ўзига хос оҳангда айтилган. Рўза кунлари ана шундай қўшиқларни айтувчилар **рамазончилар** ёки **райванчилар** деб юритилган.

Ўзбек фольклорида «ё рамазон» қўшиқларининг бир неча хил локал варианatlари мавжуд бўлиб, бу намуналар ўзига хос ижро усули, матн қурилиши ва анъанавий дуо-олқиши қисмининг худудга хос табиати билан бир-биридан фарқланади. Масалан, Жиззах вилоятининг Фориш туманида «ё рамазон» қўшиғи:

*Ассалому алайкум эл оғаси,  
Олтиндан бўлсин отингнинг тўғаси,  
Кумушдан бўлсин эшигинг бўсағаси,  
Кичкина ўғлинг бўлсин ўтогаси.  
Рўзани тутиб келдик эшигинга,  
Худойим ўғил берсин бешигинга,  
Чигалтойдай қиз берсин насибанга,*

- мисралари билан бошланади. Агар уй эгалари «ё рамазон»чилар әлдига ҳадегандা чиқавермаса:

*Жонсул хола ётибсиз хира-хира,  
Супрангизни им тортибди тира-тира,  
Супрангизни тортган имни ўлдирайлик,  
Супрангизни қийигини келтирайлик , -*

деб ҳазил-хузул қиласидилар.

Халқимизнинг удумига кўра, «ё рамазон» айтувчиларга қанд-курс, пул, белбоғ, қўй-кўзи, турли пишириктар, хуллас, кўнгилдан чиқариб бирор нарса ҳадя этилади. Шунда улар уй эгаларининг олийжаноблиги, меҳмондўстлиги ва серҳимматлилигини таъриф-тавсиф қилиб, уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, битмас-туганмас бойлик тилайдилар. Фориш туманида «ё рамазон» қўшиғининг олқиши қисми **бучул** деб юритилади:

*Бучил-бучил, бучилма,  
Бўз тўрғайдай сочила,  
Қўрангда қўйинг яиласин,  
Куйруқ билан боври-я.  
Орқада йилқинг ўйнасин,  
Қази билан қартта-я.  
Сўм-сўм тилла, сўм тилла,*

*Сувга солса ботмасин.  
Худо берган күп давлат,  
Тепкиласа кетмасин!*

(«ЗЎФА». И nv. № 1745/1. 1980 йилда 70 яшар Ортиқбой Рисбековдан Б. Саримсоқов ёзиб олган).

Сайрам туманида эса бу тип қўшиқлар «рабиман» дейилади ва унинг ижроси рӯздорларни кутлаш билан бошланади:

*Аввал бошлаб айтиб келдим ҳаётини,  
Олло берсин болаларнинг муродини.  
Хуш муборак бўлсин, ё рамазон,  
Ё рамазон айтган билан тўяманми,  
Бурунгининг қаъдасини қўяманми?  
Рабиман, ё рабиман, ё рамазон,  
Хуш муборак бўлсин, ё рамазон.*

Сайрамликларнинг «рабиман» қўшиқларининг олқиши қисми ҳам «бучул» деб аталса-да, бошқа жойлардан фарқли ўлароқ, «оқ» ва «кўқ» рангларининг тимсолий маънолари билан боғлиқ поэтик ифода билан бошланади:

*Оқ танга, кўjk танга,  
Чиқара қолинг жон янга.  
Оқ обаки, кўjk обаки,  
Чиқара қолинг жон амаки.  
Бучул, бучул, бучулбой,  
Дастурхонга чулчулбой,  
Ола тойинг оралаб,  
Ола товга сиғмасин.  
Қулун биянг қулалаб,  
Қуло тузга сиғмасин.  
Бизга берган нонингиз,  
Тепкиласа кетмасин.  
Кираверсин давлат,  
Чиқаверсин палакат*

(«ЗЎФА». И nv. № 1630/3. 1969 йилда Жаҳонбуви И момрашидовадан З.Хусаинова ёзиб олган).

Тожикистон Республикасининг Ёвон туманидаги Галабулоқ қишлоғидан ёзиб олинган «ё рамазон» қўшиқларининг анъанавий бошлана қисми вазн қурилиши жиҳатидан ўзига хосдир:

Ё рамазон айтиб келдик эшигингизга,  
Күш ҳайдарли ўғил берсин бешигингизга.  
Шу уйда бир дараҳт кўрдим чўнтоққина,  
Эгаси бир қўй берар чўлоққина.

Оиласа фарзанд тилаш, яъни «қўш кокилли ўғил» ёки «кўнгил гули - қиз» фарзанд ато этилишига, ҳар бир хонадондан алла садолари янграб туришига бўлган эзгу умид мужассамлашганлиги бу қўшиқларнинг ҳаётбахшлигини кўрсатувчи энг муҳим белгиларидан биридир.

Агар уй эгалари ухлаб қолган бўлиб ёки бошқа сабаб билан рамазончиларга бирор нарса хайр-эҳсон қилиб чиқариб беришмаса, болалар:

*Ариқдаги бўримиди, тулкимиди,  
Икки танга отангизнинг мулкимиди?! -*

деб бошқа уй томонга ўтиб кетадилар. Агар уй эгаси рамазончиларга танга-пул, қанд-қурс, белбоғ, рўмолча, кийим-бош, нон, хуллас, атаган нарсасини кўнгилдан чиқариб берса, уни шундай дуо билан алқайдилар:

*Сўм-сўм тиљо, сўм тиљо,  
Сувга солса ботмасин.  
Худо берган кенг давлат,  
Тепкиласа кетмасин.  
Қора эчкининг шохлари,  
Ҳермагайда, сермагай.  
Сизга келган балолар,  
Сувли сойдан ўтмагай.  
Сизга ёмон соғинганнинг,  
Черув бориб оти ўлсин.  
Қора боши тош бўлсин,  
Қовундайин лош бўлсин*

(Муаллифнинг дала ёзувлари. 1982 йилда 1926 йилда туғилган Саътулла Мирсапаровдан ёзиб олинган).

Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Новқа қишлоғида эса «ё рамазон» қўшиқларининг олқиши қисми «бурчин» дейилади. Но-вқалик рамазончилар серҳиммат уй эгаларини шундай сўзлар билан алқашар экан:

*Бўрчин, бўрчин, бўрчинбой,  
Бўданадай чўрчинбой.  
Ҳайдаганингиз қўй бўлсин,  
Кураганингиз қий бўлсин.  
Уйингизнинг ёни сой бўлсин,  
Чайнаганингиз мой бўлсин.  
Товда қўйингиз жайнасин  
Кунда мойингиз қайнасин.  
Ўчоқ тўла кул бўлсин,  
Тўгараги ул бўлсин.  
Ичгани қатиқ бўлсин,  
Насибаси ортиқ бўлсин.  
Егани узум бўлсин,  
Умри узун бўлсин!*

Наманган вилоятининг Задарё туманидаги Шоҳанд қишлоғида рамазон қўшиқлари «рабигон» дейилади. «Рабигон»нинг бу типи матний жиҳатдан анча қисқа бўлса-да, бошлама ҳамда яқунланма қисми ўзига хосдир. Қўшиқ одатда:

*Рабигон айтга-айта одатим бор,  
Ёқамда ўттиз туйма - садапим бор.  
Рабигон айтганчилар, қайтганчилар,  
Отини гул шохига аргамчилар,*

- мисралари билан бошланади. Матнинг бошқа жойларда қайд қилингани каби дуо-олқиши қисми йўқ бўлиб, хонадон эгалари шаънига билдирилган яхши тилаклар матнинг асосий қисмига сингдирив юборилган. Болалар ўз қўшиқларини:

*Бака-бака, бой тилла,  
Уйимизга чоч тилла.  
Худойим ўғил берсин,  
Унинг оти Раҳматилла.  
Ўлтириб чиқинг, ўлтириб чиқинг,  
Ёвоштовоқни тўлдириб чиқинг,*

- мисралари билан яқунланади («ЗЎФА». И nv. № 1522/22. 1901 йилда туғилган Мингбой Олтибоевдан М.Муродов ёзиб олган).

Профессор Т.Мирзаевнинг маълумот беришича, Сурхондарё

вилоятигининг Бойсун туманида «раббиман» құшиқлари анъанавий тарзда хонадон ақыла сиҳат-саломатлик, фарзанд ва барака тилаш билан бошланади ва уй әгалари «ё рамазон» айтувчиларнинг овозини эшитгач, уларга аталған хайр-әхсөнини олиб чиқиб бергандан сүнг болалар уларни:

-Төмға сепдім седана,  
Теріб есін бедана,  
Үйнгиз - булбулхона,  
Хар йили бўлсин тўйхона! -

деб алқайдилар.

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғида «ё рамазон» айтишнинг ўзига хос усули қайд этилган. 67 яшар Хайрулла бува мулла Файзулла ўғлидан 1981 йилда ёзиб олинган маълумотга кўра, бу қишлоқда болалар кўпчилик бўлиб рамазон айтгани чиқиши-са-да, қўшиқнинг ҳар бир тўртлигини улардан биттаси ижро этар ва бошқалар «Бой уйига барака!» такрорини қайтариб туришган:

Ё рамазон айтаман нордай бўлиб,  
Бергингизни чиқаринг ойдай бўлиб.  
Тирикликда инъом-әхсон бермаганлар,  
Охиратда ииғлашади тойдай бўлиб.  
Бой уйига барака-а!

Ё рамазон айтиб келдик элингизга,  
Шоий қийиқ бойлангиз белимизга.  
Шоий қийиқ бойласангиз белимизга,  
Мақтаб-мақтаб кетармиз элимизга.  
Бой уйига барака-а

(«Улуг ой умидлари», 80-82-бетлар).

«Ё рамазон» қўшиқларининг специфик белгиларидан яна бири ҳар бир ҳудудда унинг ўзига хос ижро усули ва матн қурилиши мавжудлигидир. Жумладан, 1967 йил 23 март куни Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларидан бири - Ангрен шаҳрининг ёнидаги Қорабоғ қишлоғида яшовчи 68 яшар Ортиқбой Ўразалиевдан ҳаваскор фольклор тўпловчи Ботир Асқаров ёзиб олган қуйидаги матн «ё рамазон» жанрининг бошқа жойларда қайд этилмаган ўзига хос ижро йўсими ва матн таркиби мавжудлигини кўрсатади.

Анъянага кўра, рўза бошланганининг учинчи куни кечаси ёш йигитлар ва ўсмир болалар уйма-уй юришиб, ҳар бир хонадон дарвозасининг олдига борганда баланд овоз билан:

*Кириб келсин давлатинг,  
Чиқиб кетсин шайтонинг,  
Беш юз бўлсин байталинг,  
Уч юз бўлсин сир отинг,  
Сир отингнинг бирини,  
Ўразага қўёлинг,  
Бор уйингга барака,  
Йўқ уйингга тарака,  
Тўрда ётган бой ака,  
Қилаберма калака.  
Қилаберсанг калака,  
Боллар чиқар теракка,  
Кўтаришлар барака,*

- деб қўшиқ айтишган. Кўринадики, «ё рамазон» қўшифининг бу локал варианти ижронинг анъанавий дуо-олқиши матнида қўлланиладиган анъанавий мисралар билан бошланиши билан бошқа намуналардан фарқланиб туради. Ижрочилар уй эгаларини таърифтавсиф қилишни хонадон соҳибининг сердавлатлигини мақташдан бошлаганлар:

*Уйим, уйим уй экан,  
Уйнинг кўрки чий экан,  
Ошнинг кўрки туз экан,  
Йигит кўрки қиз экан.  
Сандиқ кўрки тўй экан,  
Собо кўрки бия экан,  
Бўсағасин бўрлатғон,  
Манглайчасин сирлатган,  
Бўз саройдай кўринган,  
Бу ким бойнинг уйи экан.*

Уй эгаси чиқавермагач, «ё рамазон» айтувчилар «бой»нинг хотини, яъни бойбичани мақташга ўтганлар. Бунда «тогда битган оқ қайин»дай гўзал бойбичанинг серҳимматлигига алоҳида урғу беришган:

*Товга битган оқ қайин,  
Човиб келган отдаин,  
Бойни билай тошдайин,  
Бойбичадан бошлайин.*

*Күйи манграб келганды,  
Күзи солган бойбича.  
Жолчисига ишонмай,  
Үзи солган бойбича.*

*Әчки манграб келганды,  
Улоқ солган бойбича.  
Бизнинг айтган сүзларга  
Кулоқ солган бойбича.*

Шундан кейин ҳам уй эгаларидан бирортаси атаган ҳадяларини олиб чиқавермаса, бойнинг «тош»дай қаттиқлигию, бойбичанинг бегамлигидан нолиган «ё рамазон»чилар уларни никташга ўтиб:

*Қалдириғоч уясига кирап-чиқар,  
Хар ерда шунча турсак күн ҳам чиқар,  
Бермасингга құймайман,  
Берганингдан түймайман,  
Әтагингдан ушлайман,  
Пул бергин деб қистайман,*

- дейишган. Буларга бирор нарса бермаса кутулмаслигига құзи ет-  
ган бойбича озгина нарса олиб чиқса, буни қўрган «ё рамазон»чи-  
лар:

*Жо рамазон жарлайди,  
Жарда туриб арлайди,  
Жомон кампир жаримтик,  
Нонни бериб алдайди,*

- деб нариги уй томонга ўтиб кетишган.

Бошқа дарвоза олдига борган «ё рамазон»чилар ҳалиги мисра-  
ларни бошдан-оёқ қайтаришган ва охирида қуйидагиларни қўшимча  
қилишган:

*Айтайн ё рамазон жойиминан,  
Икки нонни опчиқинг мойиминан,  
Опчиқсанг икки нонни мойиминан,  
Биздан кейин ётавер бойингминан.*

Агар «ё рамазон»чилар уй эгалари олиб чиқиб берган хайру эҳсонлардан күнгли тұлиб, вақтлари хуш бұлса, унда бундай кишиларга қуидагича яхши ният билдириб:

*Ичгани қатиқ бўлсин,  
Давлати ортиқ бўлсин,  
Энг бўлсин-да, энг бўлсин,  
Тўрт оёғин тенг боссин,  
Вайсил қора ёр бўлиб,  
Туя боссин уйингди,  
Овзилари анқайган,  
Муннилари шанқайган,  
Пода боссин уйингди,  
Майдаласин чийингди.  
Жангур-жунгур кишинашган,  
Ёл-қуйругин тишилашган,  
Кумлоқ ерда овнашган,  
Тошлоқ ерда тебишган,  
Йилқи боссин уйингди.  
Бола-чақанг кўп бўлиб,  
Кулки боссин уйингди.  
Ола биянг қулуңлаб,  
Олатовга сиғмасин,*

- деб фотиҳа беришиб, күнгиллари тұлишиб, бир-бирига қарашыб, йиққанини күтаришиб кетаверишган («ЗЎҒА». Инв.№1657-лап.23. 4-дафтар, 19-25-бетлар).

«Ё рамазон» қўшиқларининг ўзига хос жанр хусусиятлари қуидагилардан иборат:

а) «ё рамазон» қўшиқлари ҳар йили фақат бир марта, яъни рамазон ойида рўза бошланиши муносабати билан бир ой мобайнида ижро этилган қадимий фольклор намунаси ҳисобланади;

б) бу қўшиқларда халқимизнинг эзгу фазилатлари, меҳр-муруват, саховатлилик, ўзаро хурмат, сахийлик, бағрикенглик улугланади. Хонадон аҳлига эзгу тилакларни тилаш, ҳар бир оиласининг бешигига қўчқордай ўғил берилишига истак билдириш, хайр-саховатли уйга қут-барака ёгилишини оллоҳдан сўраш «ё рамазон» қўшиқларининг бош гоясими ташкил этади;

в) «ё рамазон» қўшиқлари қадимда йигитлар томонидан ижро этилган анъанавий маросим қўшиғидир. Ўзбек маросим фольклор

рининг изчил ривожи давомидаги ўзгаришлар натижасида бу ма-  
росим қўшиги болалар репертуарига ўтиб қолган;

г) ўзбек халқ оғзаки ижодиётида «ё рамазон» қўшиқларининг турли хил вариантлари кенг тарқалган бўлиб, ҳар бир жойнинг ўзига хос фольклор ижрочилиги анъаналари бу қўшиқ матнининг 5адиятида ўз ифодасини топган.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

**Каримов И.** Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.

**Каримов И.** Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998.

**Каримов И.** Юксак маънавият – енгилмас куч. – Ташкент: Маънавият, 2008.

**Абаев В.И., 1949 - Абаев В.И.** Осетинский язык и фольклор. 1. - М.,-Л., 1949.

**Абаев В.И., 1960 - Абаев В.И.** Дохристианская религия алан. - М: Наука, 1960.

**Абдуллаев Р., 1994 - Абдуллаев Р.** Обрядовая музыка Центральной Азии. - Ташкент, 1994.

**Абдуллаев Р., 2007 - Абдуллаев Р.** Обряд и музыка в контексте культуры Узбекистана и Центральной Азии. – Ташкент, 2007.

**Абдуллаев Ф., 1961 - Абдуллаев Ф.** Хоразм шевалари. 1. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1961.

**Абдуллаев Ф., 1978 - Абдуллаев Ф.** Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. – Тошкент: Фан, 1978.

**Абишев Х., 1949 - Абишев Х.** Элементы астрономии и погода в устном народном творчестве казаков. – Алматы, 1949.

**Абишев Х., 1960 - Абишев Х.** Аспан сірі. – Алматы, 1960.

**Авеста, 1990 - Авеста.** Избранные гимны. – Душанбе: Адиб, 1990.

**Авесто. Вендиод** - Авесто. Вендиод. 5 ва 6-изоҳлар // Гулистан. 1999. 1-сон.

**Авесто. Ардвисура алқови** - Авесто. Ардвисура алқови. 5-яшт // Ўзбек тили ва адабиёти. 1999, 2-сон.

**Авесто. Орд яшт** - Авесто. Орд яшт (Аши алқови) // Ўзбек тили ва адабиёти. 2000. 3-сон.

**Авесто. Фравардин алқови** - Авесто. Фравардин алқови (Фравардин яшт) // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001, 2-сон.

**Авесто, 2001 - Авесто.** Тарихий-адабий ёдгорлик. - Тошкент, 2001.

**«Авесто. Яшт»** - Авесто. Яшт китоби. – Тошкент: Шарқ, 2001.

**Адизова М.**, 2000 - Адизова М. Ўзбек маросим фольклорида «ё рамазон» жанри (диплом иши). - Навоий, 2000. (қўлёзма).

**Азизов С.**, 2004 - Азизов С. Коинот, юлдузлар олами Навоий бадий тасвирида // Соғлом авлод учун. 2004. 2-сон.

**Айтбаев М.Т.**, 1959 - Айтбаев М.Т. Народные знания киргизов XIX – начало XX вв. // Известия АН Киргизистана. Серия общественных наук. Вып.1. - Фрунзе, 1959.

**Акаба Л.К.**, 1976 - Акаба Л.К. Из мифологии абхазов. - Сухуми, 1976.

**Акишев К.А., Күшееев Г.А.**, 1963 - Акишев К.А., Күшееев Г.А. Древняя культура саков и усуней долины реки Или. - Алматы, 1963.

**Акрамов F.**, 1977 - Акрамов F. Аниматик мифология // Ўзбек гили ва адабиёти. 1977. 3-сон.

**Алавия М.**, 1974 - Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974.

**Аламшоев М.М., Каландаров Т.С.**, 2000 - Аламшоев М.М., Каландаров Т.С. Об одном ирригационном празднике шугнанцев долины Шахдары (Западный Памир) // Этнографическое обозрение. 2000. №4. С.68-73.

**Алишер Навоий,** 2000 - Алишер Навоий. Муқаммал асарлар гўплами. 16-том. - Тошкент, 2000.

**Андреев М.С.**, 1928 - Андреев М.С. Экспедиция в Янгоб 1927 г. (Краткий очерк) // Бюллетень САГУ. 1928. №17. С.166-167.

**Андреев М.С.**, 1959 - Андреев М.С. Таджики долины Хуф. Т.1. – Ходжанд, 1959.

**Андианов Б.В.**, 1978 - Андианов Б.В. Земледелие наших предков. – М: Наука, 1978.

**Аникин В.П., Круглов Ю.Г.**, 1983 - Аникин В.П., Круглов Ю.Г. Русское народное поэтическое творчество. – Л., 1983.

**Аничков Е.В.**, 1905 - Аничков Е.В. Весенняя обрядовая песня на Западе и у славян. Часть 1. – СПб., 1905.

**Антонова Е.В.**, 1983 - Антонова Е.В. Мургабские печати в свете религиозно-мифологических представлений первобытных обитателей юга Средней Азии и из соседей // Средняя Азия, Кавказ и зарубежный Восток в древности. – М., 1983. С.24-29.

**Арандаренко Г.**, 1877 - Арандаренко Г. О метрологических познаниях туземцев Зарагашанского округа // Туркестанские ведомости. 1877. №22. С.86-87.

**Аргынбаев Х.,** 1969 - Аргынбаев Х. Қазақтын мал шаруашылығы жайында этнографиялық очерк. - Алматы, 1969.

**Аргинбаев Х.,** 1974 - Аргинбаев Х. Народные обычай и поверья казахов, связанные со скотоводством // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. - М., 1974. С.194-205.

**«Асотирлар ва ривоятлар»** - Асотирлар ва ривоятлар. 1-китоб. (Тұплаб, нашрға тайёрловчилар: М.Муродов, М.Шайхова). - Тошкент, 1991.

**Афанасьев В.К.,** 1979 - Афанасьева В.К. Гильгамеш и Энкиду. - М: Наука, 1979.

**Аширов А.,** 2001 - Аширов А. “Авесто”дан мерос маросимлар. - Тошкент: Шарқ, 2001.

**Аширов А., Саримсоқов А.,** 2006 - Аширов А., Саримсоқов А. Фаргона водийси ўзбекларининг деҳқончилик билан боғлиқ маросимлари ва урф-одатлари // Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар. - Тошкент, 2006. 98-105-бетлар.

**Аширов А.,** 2007 - Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. - Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашириёти, 2007.

**Ашмарин Н.И.,** 1984 - Ашмарин Н.И. Введение в курс чувашской народной словесности // Исследования по чувашскому фольклору. - Чебоксары, 1984.

**Багиров Д.,** 1936 - Багиров Д. Детские игры и народные обряды в селении Шихли Казакского района Азербайджана // Этнография. 1936. №4-5.

**Басилов В.Н.,** 1973 - Басилов В.Н. Хозяйство западных туркмен-ёмудов в дореволюционный период и связанные с ним обряды и верования // Очерки по истории хозяйство народов Средней Азии и Казахстана. - Л., 1973.

**Басилов В.Н.,** 1986 - Басилов В.Н. Заключение // Древние обряды, верования и культуры народов Средней Азии. - М: Наука, 1986.

**Басилов В.Н.,** 1992 - Басилов В.Н. Аждаха // Миры народов мира. Т.1. - М: Энциклопедия, 1992. С.50.

**Беленицкий А.М.,** 1949 - Беленицкий А.М. О домусульманских культурах Средней Азии // Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях Института истории материальной культуры. Вып.XXYIII. - М.-Л., 1949.

**Бельчибоев Е.А., Бурнаков В.А.**, 2003 - Бельчибоев Е.А., Бурнаков В.А. Традиционный календарь Туба // Сибирский этнографический вестник. 2003. №12 (13).

**Бернштам А.И.**, 1952 - Бернштам А.И. Наскальные изображения Саймалы Таш // Этнография. 1952. №2. С.50-67.

**Беруний**, 1968 - Беруний Абу Райхон. Танланган асарлар. 1-том. – Тошкент: Фан, 1968.

**Беруни**, 1957 - Беруни Абу Райхан. Изб. произведения. Т.1. - Ташкент, 1957.

**Бичурин Н.Я.**, 1950 - Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т.2. – М.-Л., 1950.

«**Боболардан қолган нақллар**» - Боболардан қолган нақллар. Тўплаб, нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: М.Жўраев, У.Сатторов. – Тошкент: Фан, 1989.

**Богомолова К.А.**, 1952 - Богомолова К.А. Следы древнего культа воды у таджиков // Известия Отделения общественных наук АН Таджикистана. 1952. №2.

«**Бойчечак**» - Бойчечак. Болалар фольклори. Меҳнат кўшиқлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983.

**Boyce M.**, 1985 - Boyce M. ab zohr // Encyclopedia Iranica. T.Y. – London, 1985. – p.48.

**Бойс М..** 1987 - Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычай. - М: Наука, 1987.

**Брагинский И.**, 1992 - Брагинский И. Аша Вахишта // Мифы народов мира. - М.: Энциклопедия, 1992. С.142.

**Будзинский Н.**, 1910 - Будзинский Н. Народная поэзия ташкентских сартов // Средняя Азия. Кн. IX-X. - Ташкент, 1910. С.160-163.

**Булатова А.Г.**, 1988 - Булатова А.Г. Традиционные праздники и обряды народов горного Дагестана в XIX - нач. XX века. – М.: Наука, 1988.

**Бунјадов Т.**, 1989 - Бунјадов Т. Новруз бајрами тарихи коклари Новruz. - Баки, 1989.

«**Бўзлардан учган ғазал**» - Бўзлардан учган ғазал-ай. Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: О.Сафаров, Д.Ўраева. – Тошкент, 2004.

**Бўриев О.**, 2005 - Бўриев О. Ўзбек халқи боқий қадриятлари. – Қарши, 2005.

**Vasmer M.**, 1923 - Vasmer M. Untersuchungen über die ältesten Wohnsitze der Slaven.1.Die Iranier in Sudrussland.-Leipzig, 1923.p.35.

- Велиев В.**, 1988 - Велиев В. Азербайджан фольклори. — Бакы, 1988
- Винников И.Н.**, 1962 - Винников И.Н. Словарь диалекта бухарских арабов. — М.-Л., 1962.
- В(яткин) В.**, 1897 - В(яткин) В. Науруз в Самарканде // Туркестанские ведомости. 1897. №14. С.61.
- Гаврилов М.Ф.**, 1929 - Гаврилов М.Ф. Остатки ясы и юсуга у узбеков. — Ташкент: Главный Среднеазиатский музей, 1929.
- Гаген-Торн Н.И.**, 1933 - Гаген-Торн Н.И. Магическое значение волос и головных уборов в свадебных обрядах Восточной Европы // Этнография. 1933. №5-6. С.76-88.
- Гаджиев Г.А.**, 1987 - Гаджиев Г.А. Структура народного календаря лезгин в XIX – нач. XX в. // Календарь и календарные обряды народов Дагестана. — Махачкала, 1987.
- Гаджиева С.Ш., Трофимова А.Г., Шихсаидов А.Р.**, 1964 - Гаджиева С.Ш., Трофимова А.Г., Шихсаидов А.Р. Старинный земледельческий календарь народов Дагестана. — М., 1964.
- Галиев Ш.**, 1998 - Галиев Ш. Ўзбек болалар ўйин фольклори. — Тошкент: Фан, 1998.
- Геродот.** - Геродот. История. кн.2. — М., 1962.
- Голендухин Ю.Н.**, 1971 - Голендухин Ю.Н. Вопросы классификации и духовный мир древнего земледельца по петроглифам Саймалы-Таша // Первобытное искусство. — Новосибирск, 1971.
- Гулиева Ш.**, 1989 - Гулиева Ш. Календарно-обрядовые праздники Азербайджана в фольклорно-этнографический традициях. Дисс. канд. филол. наук. — Баку, 1989.
- Гуляева Л.П.**, 1986 - Гуляева Л.П. Пастушеская обрядность на р. Паше (традиции и современность) // Русский Север. Проблемы этнокультурной истории, этнографии, фольклористики. — Л: Наука, 1986. С.172-180.
- Гура А.В.**, 1986 - Гура А.В. Дождь во время свадьбы // Славянский и балканский фольклор. - М., 1986. С.31-32.
- «Гүрүғли достонлари»** - Гүрүғли достонлари. 1. — Тошкент, 1996.
- Джикиев А.**, 1962 - Джиккиев А. К вопросу о некоторых пережитках домусульманских обрядов и верований у юго-западных туркмен // Труды Института истории, археологии и этнографии. Вып.УІ. — Ашхабад, 1962.
- Джикиев А.**, 1983 - Джиккиев А. Традиционные туркменские праздники, развлечения и игры (на материале Южного и Восточного Туркменистана). — Ашгабад: Наука, 1983.

**Дзендеревский И.А.**, 1984 - Дзендеревский И.А. Запреты в практике карпатских овцеводов // Славянский и балканский фольклор. Этногенетическая общность и типологические параллели. - М., 1984. С.256-277.

**Демидов С.М.**, 1962 - Демидов С.М. К вопросу о некоторых пережитках домусульманских обрядов и верований у юго-восточных туркмен // Труды Института истории, археологии и этнографии АН Туркм.ССР. Вып.VI. – Ашгабад, 1962.

**Демидов С.М.**, 1987 - Демидов С.М. Обряды и обычаи туркмен, связанные с земледелием и скотоводством (конец XIX – первая четверт ХХ в.) // Материалы по исторической этнографии туркмен. – Ашхабад, 1987.

**Delair D.**, 1964 - Delair D. Navroz and the Legend of Kawa // The Kurdish journal. 1964. №2. p.4-5.

**Диваев А.**, 1891 - Диваев А. Поверье // Туркестанские ведомости. 1891. №25.

**Диваев А.**, 1892 - Диваев А. Призыв ветра (киргизское поверье) // Туркестанские ведомости. 1892. №41.

**Диваев А.**, 1910 - Диваев А. Заклинание и призыв ветра // Этнографическое обозрение. 1910. Вып.1-2. С.131-132.

«Древние обряды...» - Древние обряды, верования и культуры народов Средней Азии. - М: Наука, 1986.

**Дружинин В.**, 1927 - Дружинин В. Материалы по фольклору узбеков // Сборник научного кружка при востфаке САГУ. Вып.1. – Ташкент, 1927. С.53-59.

**Душан У.**, 1976 - Душан У. Обычаи и обряды Кальмикии // Этнографический сборник.1. - Элиста, 1976.

**Дюмезиль Ж.**, 1976 - Дюмезиль Ж. Осетинский эпос и мифология. – М: Наука, 1976. С.149-151.

**Жаҳонгиров F.**, 1975 - Жаҳонгиров F. Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975.

**Журавлев А.Ф.**, 1978 - Журавлев А.Ф. Охранительные обряды, связанные с падежом скота и их географическое распространение // Славянский и балканский фольклор. Генезис, архаика, градации. – М., 1978. С.71-94.

**Жўраев Б.**, 1977 - Жўраев Б. Куйи Қашқадарё ўзбек шевалари. – Тошкент, 1977.

**Жўраев М.**, 1989 - Жўраев М. Ўзбеклар ойномаси // Фан ва гурмуш. 1989. №12. 14-15-бетлар.

**Жўраев М.**, 1989, №2 – Жўраев М. Етти ҳомийнинг мифологик асосларига доир // Адабий мерос. 1989. 2-сон.

**Жўраев М.**, 1990-а - Жўраев М. Халқ афсоналари // Тошкент ҳақиқати. 1990, 31 март.

**Жўраев М.**, 1990-б - Жўраев М. Календарь-тақвим. – Тошкент: Юлдузча, 1990.

**Жўраев М.**, 1990-в - Жўраев М. Сумалак ҳақида афсоналар // Тошкент ҳақиқати. 1990, 17 март.

**Жўраев М.**, 1991 – Жўраев М. Ўзбек халқ эртакларида сеҳрли рақамлар. – Тошкент: Фан, 1991.

**Жўраев М.**, 1992-а - Жўраев М. Қишилласида пишган тариқ ёки халқ тақвими хусусида // Тошкент ҳақиқати. 1992, 13 февраль.

**Жўраев М.**, 1992-б - Жўраев М. Ҳаётнинг абадият нуқтаси // Тошкент ҳақиқати. 1992, 24 март.

**Жўраев М.**, 1992-в - Жўраев М. Наврӯз афсоналари // Мулоқот. 1992. 3-4-сонлар. 20-21-бетлар.

**Жўраев М.**, 1992-г - Жўраев М. Сумалак - кўклам мўъжизаси // Туркистон. 1992, 21 март.

**Жўраев М.**, 1992-д - Жўраев М. Рамазон қўшиқлари // Тошкент ҳақиқати. 1992, 21 апрель.

**Жўраев М.**, 1992-е - Жўраев М. Рамазон қўшиқлари // Оила ва жамият. 1992, 11-сон.

**Жўраев М.**, 1993. – Жўраев М. Тўнгич – ёмғир тиндирувчи // Ёшлиқ. 1993. 1-сон.

**Жўраев М.**, 1994-а - Жўраев М. Ўзбек халқ тақвими ва мифологик афсоналар. – Тошкент, 1994.

**Жўраев М.**, 1994-б - Жўраев М. Бўйнингдаги мато ип Бобо Дехқон белгиси // Халқ сўзи. 1994, 19 март.

**Жўраев М.**, 1995 - Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. – Тошкент: Фан, 1995.

**Жўраев М.**, 1996 - Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари. Филол. фанлари докт. дисс. автореф. – Тошкент, 1996.

**Жўраев М.**, 1997-а - Жўраев М. Йилга татигулик кун // Мулоқот. 1997. 2-сон. 12-13-бетлар.

**Жўраев М.**, 1997-б - Жўраев М. Ўзбекларнинг шамол билан боғлиқ мифологик тасаввурлари. 1. Ялли момо культи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1997. 2-сон. 37-42-бетлар.

**Жўраев М.**, 1997-в - Жўраев М. Ўзбекларнинг шамол билан боғлиқ мифологик тасаввурлари. 2. Ҳайдар культи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1997. 4-сон. 41-47-бетлар.

**Жўраев М.**, 1998 - Жўраев М. Ўзбекларнинг шамол билан боғлиқ мифологик тасаввурлари. 3. Аждар культи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1998. 1-сон.

**Жўраев М.**, 2001-а - Жўраев М. “Авесто” ва ўзбек мифологиясида Баворис бобо культи // “Авесто” ва ўзбек фольклорининг эбразлар тизими. - Навоий, 2001. 3-10-бетлар.

**Жўраев М.**, 2001-б - Жўраев М. Алишер Навоий ижоди ва “Авесто” мифологияси // Алишер Навоийнинг ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти. - Тошкент, 2001. 43-45-бетлар.

**Жўраев М.**, 2003-а - Жўраев М. “Қизил гул” сайлининг замонавий фольклор санъатидаги талқини // Анъанавий маданиятни сақлаш муаммолари. Халқаро илмий анжуман материаллари. – Бойсун, 2003. 29-34-бетлар.

**Жўраев М.**, 2003-б - Жўраев М. “Қизил гул” сайлининг этнофольклористик таҳлилига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. 4-сон. 13-19-бетлар.

**Жўраев М.**, 2004 - Жўраев М. Кўздан ёруғ байрам // Соғлом звлод учун. 2004. 3-сон. 36-47-бетлар.

**Жўраев М.**, 2005 - Жўраев М. Бойсун халқ тақвимига доир материаллар // Бойсун тарихи ва анъаналари. Бойсун илмий экспедицияси материаллари. 2. – Тошкент, 2005. 106-113-бетлар.

**Жўраев М.**, 2006-а - Жўраев М. Археофольклористика: қоятош суратлари ва календарь мифлар генезиси // Хоразм фольклори. YIII – китоб. - Урганч, 2006. 20-28-бетлар.

**Жўраев М.**, 2006-б - Жўраев М. Ўзбек халқ аграр маросимлари тизимида “Шоҳмойлар” ёки “Биринчи қўш” удуми // Академик Яҳё Фуломов номидаги Республика илмий семинарининг “Ўзбекистон худудида дәҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар” мавзуидаги 37-йиғилиши материаллари. – Тошкент, 2006. 83-90-бетлар.

**Жўраев М.**, 2007 - Жўраев М. Наврӯз қўшиқлари (Наврӯз байрами ва баҳорий удумлар билан боғлиқ ўзбек халқ қўшиқлари). – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.

**Жўраев М., Холмуҳамедов К.**, 1989 - Жўраев М., Холмуҳамедов К. Етти иқлимдаги еттилар. - Тошкент: Фан, 1989.

**Жўраев М., Мусақулов А.**, 1990 - Жўраев М., Мусақулов А. Халқ наврӯзномаси // Тошкент ҳақиқати. 1990, 21 март.

**Жўраев М., Тоҳиров Ў.**, 2003 - Жўраев М., Тоҳиров Ў. Остонаси тиллодан. «Остонаси тиллодан» номли фольклор экспедицияси-нинг илмий сафарномаси. – Тошкент: Мозийдан садо, 2003.

**Жўраев М., Пирматова М.**, 2005 - Жўраев М., Пирматова М. Ўзбекларнинг «чорва ҳисоби» билан боғлиқ урф-одат ва маросимлари // Ўзбекистон тарихи. 2005. 4-сон. 54-64-бетлар.

**Жўраев М., Пирматова М.**, 2006 - Жўраев М., Пирматова М. «Юлдуз ҳисоби» билан боғлиқ халқ қараашлари // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 1-китоб. – Тошкент, 2006. 38-42-бетлар.

**Задыхина К.А.**, 1952 - Задыхина К.А. Узбеки делты Аму-Даръи // Археологические и этнографические работы Хорезмской экспедиции. 1945-1948 гг. Т.1. - М., 1952.

**Зарифов Ҳ.**, 1976 - Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар. Жанговар от образининг тарихий асослари // Пўлкан шоир. - Тошкент, 1976.

**Зимма Б.М.**, 1950 - Зимма Б.М. К вопросу о происхождении наскальных изображений // Труды Киргизского пединститута. Вып.2. – Фрунзе, 1950.

**Зухба С.Л.**, 1970 - Зухба С.Л. Абхазская народная сказка. - Тбилиси, 1970.

**«ЗЎФА»** - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Ҳ.Зарифов номли Ўзбек фольклори архиви.

**Евсюков В.В.**, 1988. – Евсюков В.В. Мифология китайского неолита. – Новосибирск: Наука, 1988.

**«Ипак йўли афсоналари»** - Ипак йўли афсоналари (тўплаб, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: М.Жўраев). - Тошкент: Фан, 1993.

**Исоқов З.**, 2004 - Исоқов З. Фаргона водийси ўзбекларида дех-қончилик тақвими билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар // Ўзбекистон этнологияси: янгича қараашлар ва ёндашувлар. – Тошкент, 2004. 205-208-бетлар.

**Исҳоқов М.**, 1997 - Исҳоқов М. Ҳазорасп “минг от” ми ёки... / / Ўзбек тили ва адабиёти. 1997. 1-сон.

**Ишаев А.**, 1979 - Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент: Фан, 1979.

**Йомудский.**, 1928 - Йомудский. «Кыр гун» и «Акыр гун». Туркменские праздники // Туркменоведение. 1928. №9. С.58-59.

**Кагаров Е.,** 1912 - Кагаров Е. Культ животных, фетишей и растений в древней Греции // Журнал министерства народного просвещения. 1912. №11. С.506-507.

**«Календарь и календарные обряды...»** - Календарь и календарные обряды народов Дагестана. – Махачкала, 1987.

**«Календарные обычаи и обряды»,** 1977 - Календарные обычаи и обряды в странах Зарубежной Европы. Весенние праздники. – М., 1977.

**«Календарные обычаи и обряды»,** 1988 - Календарные обычаи и обряды народов Восточной Азии. Годовой цикл. - М.: Наука, 1988.

**Камол Очил,** 1992 - Камол Очил. Қалдирғочни құндырылған қүшиқ. – Самарқанд: Зарафшон, 1992.

**Кармышева Б.Х.,** 1954 - Кармышева Б.Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. – Хужанд, 1954.

**Кармышева Б.Х.,** 1960 - Кармышева Б.Х. Об узбекских трудовых крестьянских песнях (материалы) // Сборник статей по истории и филологии народов Средней Азии. Памяти М.С.Андреева. – Худжанд, 1960. С.65-76.

**Кармышева Б.Х.,** 1976 - Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории населения южных районов Таджикистана и Узбекистана. - М.: Наука, 1976.

**Кармышева Дж.Х.,** 1986 - Кармышева Дж.Х. Земледельческая обрядность у казахов // Древние обряды и культуры народов Средней Азии. - М: Наука, 1986.

**Кашафуддинов Р.Г.,** 1969 - Кашафуддинов Р.Г. Народные праздники казанских татар. – АКД. – Казань, 1969.

**«Кенжа ботир»** - Кенжа ботир. Эртаклар. – Тошкент: Фан, 1974.

**Кенесбаев И.,** 1977 - Кенесбаев И. Қазақ тілінің фразеологиялық создігі. – Алматы, 1977.

**Кисляков Н.А.,** 1947 - Кисляков Н.А. Старинные приемы земледельческой техники и обряды, связанные с земледелием у таджиков бассейна р. Хингу // Этнография. 1947. №1.

**Кисляков Н.А.,** 1960 - Кисляков Н.А. Некоторые материалы по этнографии таджиков Верховой Қашкадарья // Сборник статей по истории и филологии народов Средней Азии. Памяти М.С.Андреева. – Худжанд, 1960.

**Кисляков Н.А.,** 1973 - Кисляков Н.А. Аловхона – «дом огня» у таджиков // Основные проблемы африканистики: К 70-летию Д.Л.Ольдерогге. – М., 1973. С.78-99.

**Климишин И.А.**, 1981 - Климишин И.А. Календарь и хронология. – М: Наука, 1981.

**Кошфарий М.**, 1963 - Кошфарий Маҳмуд. Девону луготит турк. 3-том. - Тошкент: Фан, 1963.

**Красиков С.**, 1990 - Красиков С. Легенды о цветах. – М: 1990.

**Криничная Н.А.**, 1986 - Криничная Н.А. О сакральной функции пастушеской трубы (по материалам северных пастушеских обрядов) // Русский Север. Проблемы этнокультурной истории, этнографии, фольклористики. – Л., 1986.

**Ксенофонтов Г.В.**, 1929 - Ксенофонтов Г.В. Пастушеский быт и мифологические воззрения классического Востока. – Иркутск, 1929.

**Кузьмина Е.Е.**, 1977 - Кузьмина Е.Е. В стране Кавата и Афрасиаба. - М., 1977.

**Куфтин Б.А.**, 1916 - Куфтин Б.А. Календарь и первобытная астрономия киргиз-казацкого народа // Этнографическое обозрение. 1916. №3-4. С.123-150.

**Леви-Брюль Л.**, 1930 - Леви-Брюль Л. Первобытное мышление. - М., 1930

**Лелеков Л.**, 1992 - Лелеков Л. Аши // Мифы народов мира. Т.1. - М., 1992. С.145.

**Ликошин Н.**, 1893 - Ликошин Н. Корхат // Туркестанские ведомости. 1893. №82.

**Ликошин Н.С.**, 1916 - Ликошин Н.С. Пол жизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения. – Пг., 1916.

**Литвинский Б.А., Седов А.В.**, 1984 - Литвинский Б.А., Седов А.В. Культы и ритуалы Кушанской Бактрии. – М.: Наука, 1984.

**Литвинский Б.А.**, 1981 - Литвинский Б.А. Семантика древних верований и обрядов памирцев // Средняя Азия и ее соседи в древности и средневековье. - М., 1981.

**Лобачева Н.П.**, 1975 - Лобачева Н.П. Формирование новой обрядности у узбеков. – М.: Наука, 1975.

**Лобачева Н.П.**, 1995 - Лобачева Н.П. Огни сафара в Хорезме / Этнографическое обозрение. 1995. №5. С.29-30.

**«Маадай кара»** - Маадай кара. Алтайский геройический эпос. - М.: Наука, 1978.

**Мадраҳимова Н.**, 1996 - Мадраҳимова Н. «Ширин билан Шакар» достонининг қиёсий-типологик таҳлили. Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1996

**Маншев Д.М.**, 2003 - Маншев Д.М. Способы и средства лечения скота у бурят (конец XIX – начало XX вв.) // Сибирский этнографический вестник. 2003. №14.

**Мейлах М.Б.**, 1992 - Мейлах М.Б. Вода // Миры народов мира. Т.2. - М., 1992. - С.241.

**Мирзаев Н.**, 1991 - Мирзаев Н. Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати. Тошкент: Фан, 1991.

**Мирзаев Т.**, 1998 - Мирзаев Т. Ўзбек фольклорида лапар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1998. 1-сон.

**Мирхасилов М.С.**, 1963 - Мирхасилов М.С. Из истории общественного быта узбеков // Этнография. 1963. №3. С.116-121.

**Monnetel devilard U.**, 1923 - Monnetel devilard U. La Scultara ad ahnes. – Milana, 1923, fig.21.

**Мошков В.А.**, 1910 - Мошков В.А. Мелодии ногайских и оренбургских татар // Известия общества истории и этнографии при Казанском университете. Т.ХII. Вып.1. – Казань, 1910.

**Мусақулов А.**, 1995 - Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 1995.

**Мусақулов А.**, 2003. - №2 – Мусақулов А. Бойчечак – наврӯз гули // Соғлом авлод учун. 2003. 2-сон.

**Мусақулов А.**, 2003. - №3-4 - Мусақулов А. Сумалак сири, ҳалинчак ҳадаси // Гулистон. 2003. 3-4-сонлар.

**Мустафоқулов Р.**, 1995 - Мустафоқулов Р. Халқ педагогикаси зарчашмаси. – Термиз: Жайхун, 1995.

**Мухамеджанов А.**, 1978 - Мухамеджанов А. Древний календарь поводков р. Зарафшан и порядок водораспределения // История орошения Бухарского оазиса. – Ташкент., 1978. С.119-122.

**Мухаммаджонов Қ.**, 1988 - Мухаммаджонов Қ. Жанубий Қозоғистон ўзбек шевалари. – Тошкент: Фан, 1988.

**Мухиддинов И.**, 1989 - Мухиддинов И. Реликты доисламских обычаяв и обрядов у земледельцев Западного Памира (XIX – нач. XX вв.). – Душанбе, 1989.

**«Наврӯз»** - Наврӯз (наврӯз билан боғлиқ қўшиқлар, афсоналар, одатлар ва иримлар). Тузувчилар: Т.Мирзаев, М.Жўраев. – Тошкент: Фан, 1992.

**«Наврӯз нақли»** - Йўлдош Муқим ўғли Оташ. Наврӯз нақли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992,

**Набиев А., Асроров Х.**, 1985 – Набиев А., Асроров Х. - «Ўзбекистон тарихи» курсини ўқитишда топонимик материаллардан фойдаланиш. - Тошкент: Ўқитувчи, 1985

**Наливкин В.П., 1896** - Наливкин В.П. Хрестоматия для Туркестанской учительской семинарии. – Ташкент, 1896.

**Нарзикулов А., 1991** - Нарзикулов А. Дәҳқон тақвими. - Тошкент.: Мөхнат, 1991.

**Наршахий, 1966** - Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахий. Бухорагарихи. – Тошкент, 1966.

**Неразик Е.Е., 1965** - Неразик Е.Е. Раскопки городища Топраккала // Археологические открытия. 1974. - М: Наука, 1975.

**Ниязкычев К., 1973** - Ниязкычев К. Земледельческий календарь и скотоводство у туркмен-човдуров в конце XIX – начале XX вв. // Очерки по истории хозяйства и культуры туркмен. – Ашхабад, 1973.

**Нурджанов Н., 1956** - Нурджанов Н. Традиционный народный театр. – М., 1956.

**«Об-ҳаво даракчилари»** - Об-ҳаво даракчилари (түплаб, нашрга гайёрловчи ва сўзбоши муаллифи М.Жўраев). - Тошкент, Адолат, 1996.

**«Оймомода аждаҳо»** - Оймомода аждаҳо. Ўзбек халқ фантастикаси. 1-китоб. - Тошкент., 1983.

**Олимжонов Р., 1958** - Олимжонов Р. Мизом нима? // Фан ва турмуш. 1958. 11-сон. 39-бет.

**Омонтурдиев А., 2007** - Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эфемикаси. – Тошкент: Фан, 2007.

**Оразов А., 1973** - Оразов А. О земледельческих традициях в долинах Сумбара и Чандира в конце XIX – начале XX вв. // Очерки по истории хозяйства и культуры туркмен. – Ашхабад., 1973.

**Оразов А., 1985** - Оразов А. Этнографические очерки хозяйство туркмен Ахала в XIX – начале XX вв. – Ашхабад, 1985.

**Остроумов Н.П., 1898** - Остроумов Н.П. Материалы к изучению наречия сартов Туркестана. Стихи в честь месяца Рамазана (сартский текст и русский перевод). - Казань, 1898.

**Оськин А.В., 1981** - Оськин А.В. Символика небесных светил в петроглифах внутренних Кызылкумов // Культура и искусства древнего Хорезма. – М., 1981.

**«Ошиқ Маҳмуд»** - Ошиқ Маҳмуд. Авазхон. - Тошкент, 1970.

**«Оқ олма, қизил олма»** - Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ ижоди. - Тошкент, 1972.

**Пещерева Е.М., 1925** - Пещерева Е.М. Некоторые игры среди оседлого населения Туркестана // Бюллетень САГУ. 1925. Вып.11.

**Пещерева Е.М.**, 1927 - Пещерева Е.М. Праздник тюльпана (лола) в селе Исфара Кокандского уезда // Сборник В.В.Бартольду. – Ташкент, 1927. С.374-384.

**Пещерева Е.М.**, 1956 - Пещерева Е.М. Некоторые дополнения к описанию праздника тюльпана в Ферганской долине // Иранский сборник. – М., 1956. С.215-218.

**Пещерева Е.М.**, 1957 - Пещерева Е.М. Игрушки и детские игры у таджиков и узбеков (по материалам 1924-35 гг.) // Сборник Музея антропологии и этнографии. Т.27. – М., 1957.

**Пирматова М.**, 1997 - Пирматова М. «Барот келди» қўшиғи ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1997. 6-сон. 51-53-бетлар.

**Пирматова М.**, 1998 - Пирматова М. «Ё рамазон» қўшиқлари ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1998. 5-сон. 33-36-бетлар.

**Пирматова М.**, 2005 - Пирматова М. Фасллар билан боглиқ мақоллар ҳақида айрим мулоҳазалар // Илм сарчашмалари. 2005. 2-сон. 62-64-бетлар.

**Пирматова М.**, 2008 - Пирматова М. Ўзбек тақвим фольклори. Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2008.

**Покровская Л.В.**, 1983 - Покровская Л.В. Земледельческая обрядность // Календарные обычаи и обряды в странах зарубежной Европы. Исторические корни и развитие обычаяев. – М., 1983.

**Помаскина Г.А.**, 1975 - Помаскина Г.А. К вопросу о культе солнце в верованиях ранних кочевников Прииссыккулья // Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана. – Л., 1975. С.45-47.

**Помаскина Г.А.**, 1976 - Помаскина Г.А. Когда боги были на земле. – Фрунзе, 1976.

**Пропп В.Я.**, 1946 - Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. - Л., 1946.

**Пугаченкова Г.А.**, 1952 - Пугаченкова Г.А. Некоторые изобразительные сюжеты на памятниках искусства древнего Согда // Известия Отделения общественных наук АН Таджикистана. 1952. №2. С.53-55.

**Пугаченкова Г.А.**, 1979 - Пугаченкова Г.А. Искусство Бактрийской эпохи Кушан. – М.: Искусство, 1979.

**Раевский Д.С.**, 1977 - Раевский Д.С. Очерки идеологии скифо-сакских племен. Опыт реконструкции скифской мифологии. - М., 1977.

**Раззоқов Ҳ.**, 1980 - Раззоқов Ҳ., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.

**Рак И.В.**, 1998 - Рак И.В. Миры древнего и раннесредневекового Ирана. - СПб.: Журнал «Нева» «Летний Сад», 1998.

**«Рамазони шариф қўшиқлари»** - Рамазони шариф қўшиқлари // Туркистан вилоятининг газети. 1910, 18 февраль.

**Рахимов М.Р.**, 1956 - Рахимов М.Р. Следы древних верований в земледельческих обычаях и обрядах таджиков Каратегина и Дарваза в XIX – начале XX в. – М., 1956.

**Рахимов М.Р.**, 1957 - Рахимов М.Р. Земледелие таджиков бассейна р. Хингу в дореволюционный период (историко-этнографический очерк). – Хужанд, 1957.

**Рахимов Р.Р.**, 1990 - Рахимов Р.Р. «Мужские дома» в традиционной культуре таджиков. – М: Наука, 1990.

**Раҳимов С.**, 1985 - Раҳимов С. Ўзбек тили Сурхондарё шеваси. – Тошкент, 1985.

**Рахманов У.**, 1977 - Рахманов У. Хозяйственные помещения за пределами крепости Сапаллитепа // История материальной культуры Узбекистана. Вып.13. - Ташкент., 1977.

**Раҳмонов Ф.**, 2001 - Раҳмонов Ф. Қашқадарё воҳаси аҳолиси-нинг зироатчиликка оид урф-одатлари ва маросимлари (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари). Тарих фанлари номз. дисс. – Тошкент, 2001,

**Ремпель Л.И.**, 1987 - Ремпель Л.И. Цепь времен. Вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. – Ташкент, 1987.

**Розенфельд А.З.**, 1973 - Розенфельд А.З. Великаны в таджикском фольклоре // Фольклор и этнография. - Л., 1973.

**Руденко М.Б.**, 1974 - Руденко М.Б. Новогодние обрядовые празднества у курдов // Фольклор и этнография. Обряды и обрядовый фольклор. - Л., 1974. С.123-124.

**Руденко С.И.**, 1973 - Руденко С.И. Башкирские сказки и поверье // Археология и этнография Башкирии. Том 1. – Уфа, 1973.

**Рыбаков Б.А.**, 1965 - Рыбаков Б.А. Космогония и мифология земледельцев энеолита // Археология. 1965. №1.

**Сазонова М.В.**, 1978 - Сазонова М.В. Традиционные хозяйство узбеков Южного Хорезма. – Л: Наука, 1978.

**Саримсоқов А.А.**, 2005 - Саримсоқов А.А. Шимолий Фаргона қипчоқларининг чорвачилик билан боғлиқ маросим ва урф-одат-

лари // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этнографик жараёнлар. 2-китоб. – Тошкент, 2005.

**Саримсоқов А.А.**, 2007 - Саримсоқов А. Дәхқончилик билан боғлиқ маросимларнинг айрим хусусиятлари // «Ўзбек маросим фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари» мавзусидаги Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Навоий, 2007, 72-бет.

**Саримсоқов Б.**, 1986 - Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. - Тошкент: Фан, 1986.

**Саримсоқов Б.**, 1989 - Саримсоқов Б. Маросим фольклори // Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. – Тошкент, 1989.

**Саримсоқов Б.**, 1989-а - Саримсоқов Б. Обряд вызивания дождя у узбеков // Поэзия и обряд. Межвузовский сборник научных трудов. – М., 1989. С.37-49.

**Сафаров О.**, 1992 - Сафаров О. «Ё рамазон» құшиқлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1992. 2-сон.

**Сейткулова Ж.Б.**, 2002 - Сейткулова Ж.Б. Обычаи и обряды казахов, связанные с традиционным скотоводством. АКД. – Алматы, 2002.

**Снесарев Г.П.**, 1963 - Снесарев Г.П. Традиции мужских союзов в ее позднейшем варианте у народов Средней Азии // Материалы Хорезмской экспедиции. Вып.7. – М., 1963. С.164-175.

**Снесарев Г.П.**, 1969 - Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М: Наука, 1969.

**Соатов Ф.**, 1992 - Соатов Ф. Халқ байрамларининг этнофольклор хусусиятлари. – Наманган, 1992.

**Соколова В.К.**, 1979 - Соколова В.К. Весенне-летние календарные обряды русских, украинцев и белорусов. – М: Наука, 1979.

**Сухарева О.А.**, 1986 - Сухарева О.А. Праздневств цветов у равнинных таджиков (конец XIX – нач. XX вв.) // Древние обряды, верования и культуры народов Средней Азии. – М., 1986. С.31-32.

**Тайджанов К., Исмаилов Х.**, 1986 - Тайджанов К., Исмаилов Х. Особенности доисламских верований у узбеков-карамуртов // Древние обряды, верования и культуры народов Средней Азии. – М: Наука, 1986.

**Тайлор Э.Б.**, 1989 - Тайлор Э.Б. Первобытная культура. - М: Политиздат, 1989.

**Тахо-Годи А.А.**, 1992 - Тахо-Годи А.А. Эол // Миры народов мира. Т.2. - М: Энциклопедия, 1992. С.663.

**Тилавов А.**, 2000 - Тилавов А. Ўзбек халқ достонларидағи от образининг тарихий асослари ва бадиий талқини. Филол. фанлари номз. дисс. - Тошкент., 2000.

**Токарев С.А., Филимонова Т.Д.**, 1983 - Токарев С.А., Филимонова Т.Д. Обряды и обычаи, связанные с растительностью // Календарные обычаи и обряды в странах Зарубежной Европы. Исторические корни и развитие обычаев. - М., 1983.

**Толстов С.П.**, 1948 - Толстов С.П. Древний Хорезм. - М., 1948.

**Толстов С.П.**, 1964 - Толстов С.П. Қадимги Ҳоразм маданиятини излаб. - Тошкент, 1964.

**Топоров В.Н.**, 1992-а - Топоров В.Н. Роза // Мифы народов мира. Т.2. - М., 1992. - С.386.

**Топоров В.Н.**, 1992-б - Топоров В.Н. Яйцо // Мифы народов мира. Т.2. - М., 1992. - С.681.

**Топоров В.Н.**, 1992-в - Топоров В.Н. Пещера // Мифы народов мира. Т.2. - М., 1992. - С.311.

**Тошев Х.**, 1972 - Тошев Х. Традиционное животноводство узбеков Среднего Зарагшана // Этнографические изучение быта и культуры узбеков. - Ташкент., 1972.

**Тульцева Л.А.**, 1985 - Тульцева Л.А. Современные праздники и обряды. - М: Наука, 1985.

«Туркмен дилинин созлуги» - Туркмен дилинин созлуги. - Ашхабад, 1962.

**Турсунов М.**, 1977 - Турсунов М. Жанубий Тожикистан ўзбекларининг оғзаки ижоди // Адабий мерос. 1977. 8-сон.

«Үйгүр халық ефиз иҗадийити» - Үйгүр халық ефиз иҗадийити. - Алматы, 1983.

«Улуг ой умидлари» - Улуг ой умидлари. “Ё рамазон” құшиқлари. Тұплаб, нащрга тайёрловчилар ва сүзбоши мұаллифлари: М.Жұраев, Ш.Шомусаров. - Тошкент: Моварауннахр, 2001.

**Халилов Х.М.**, 1985 - Халилов Х.М. Историческая общность и национальное своеобразие обрядовой поэзии народов Дагестана и Северного Кавказа // Дагестанский фольклор во взаимосвязи с иноэтническим фольклором. - Махачкала, 1985.

«Халқ дурданалари» - Халқ дурданалари. Нашрга тайёрловчи: Файзулла Аймоқ. - Тошкент: Адабиёт ва санъат нашириёти, 1986.

**Хаджиева Т.Х.**, 1988 - Хаджиева Т.Х. Эстетическая и утилитарно-магическая функции календарных песен балкарцев и карачевцев (весенне-летний цикл) // Календарно-обрядовая поэзия Се-

верного Кавказа. — Махачкала, 1988. С.60-78.

**Хамраев А.**, 1958 - Хамраев А. Праздник «Красной розы» // Общественные науки в Узбекистане. 1958. №6. С.72-73.

**Хлудов Н.Г.**, 1902 - Хлудов Н.Г. Перевал Саймали-таш, на котором найдены камни с надписями // Протоколы туркестанского кружка любителей археологии. Вып.УII. — Ташкент, 1902. - С.40-43.

**«Хоразм хазинаси»** - Хоразм хазинаси (тўпловчи: Собир Жуманиёзов ). — Урганч: Жайхун, 1996.

**Фишман О.М.**, 1986 - Фишман О.М. Связь пастушеской и свадебной обрядности у карел // Русский Север. Проблемы этно-культурной истории, этнографии, фольклористики. — Л., 1986.

**Фиельstrup Ф.А.**, 2002 - Фиельstrup Ф.А. Из обрядовой жизни киргизов начала XX века. — М: Наука, 2002.

**Фирдавсий** , 1975 - Фирдавсий. Шоҳнома. 1-китоб. - Тошкент, 1975.

**Фрэзер Дж.**, 1990 - Фрэзер Дж. Золотая ветвь. - М: Политиздат, 1990.

**Фрейман А.А.**, 1959 - Фрейман А.А. Три согдийских документа с горы Муг // Проблемы востоковедения. 1959. №1.

**Чагдуров С.Ш.**, 1980 - Чагдуров С.Ш. Происхождение Гесерицы. — Новосибирск: Наука, 1980.

**Черчиев А.М.**, 1988 - Черчиев А.М. О мотиве чудесных волос в дагестанской мифологии // Проблемы мифологии и верований народов Дагестана. - Махачкала: 1988.

**Чурсин Г.**, 1927 - Чурсин Г. Праздник выхода плуга у горских народов Дагестана // Известия Кавказского историко-археологического института. — Тифлис, 1927. Т.5. С.124-156.

**Чибирев Л.А.**, 1987 - Чибирев Л.А. Народный земледельческий календарь осетин. — Цхинвали, 1976;

**Шаниязов К.**, 1964 - Шаниязов К. Узбеки-карлуки. - Тошкент: Фан, 1964.

**Шаниязов К.**, 1974 - Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. — Тошкент: Фан, 1974.

**Шомақсудов Ш., Долимов С.**, 1961 - Шомақсудов Ш., Долимов С. Кенг уйнинг келинчаги. — Тошкент, 1961.

**Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш.**, 1987 - Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Нега шундай деймиз? Ўзбек халқ мақолларининг изоҳли лугати. — Тошкент, 1987.

**Штернберг Л.Я.**, 1936 - Штернберг Л.Я. Первобытная религия в свете этнографии. - Л., 1936.

**«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»** - Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-тум. – Тошкент, 2006.

**«Ўзбек халқ мақоллари»** - Ўзбек халқ мақоллари. Ўзбек халқ, ижоди. – Тошкент, 1989.

**«Ўзбек халқ эртаклари», 1981** - Ўзбек халқ эртаклари. - Тошкент., 1981

**«Қайнар булоқ»** - Қайнар булоқ. Болалар фольклори. (Тўпловчи: Й.Султонов). – Тошкент: Юлдузча, 1991.

**Қаюмов А., 1974** - Қаюмов А. Беруний ва адабиёт. – Тошкент, 1974

**Қаюмов З., 2007** - Қаюмов З. «Ё рамазон» қўшигининг бир намунаси ҳақида // «Ўзбек маросим фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари» мавзусидаги Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Навоий, 2007. 74-77-бетлар.

**Қаюмова Г., 1993** - Қаюмова Г. Унтилган қадриятлар. - Бухоро, 1993.

**Қиличев Т., 1985** - Қиличев Т. «Ширинноввот» ўйини // Ўзбекистон санъати. 1985. 1-сон. 24-25-бетлар.

**Қиличев Т., 1988** - Қиличев Т. Хоразм халқ театри. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.

**Қорабоев У., 2001** - Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. – Тошкент: Шарқ, 2001, 37-бет.

**Қорабоев У., 2002** - Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. – Тошкент: Шарқ, 2002

**«Қора дев»** - Қора дев. Ўзбек халқ фантастикаси. 2-китоб. - Тошкент., 1984.

**Қораев С., 1978** – Қораев С. Географик номлар маъноси. - Тошкент: Ўзбекистон, 1978.

**Фуломов Я., 1957** - Фуломов Я. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. – Тошкент, 1957.

**Ҳабибулла Faфур, 1992** - Ҳабибулла Faфур. Халқ ўйинлари, қўшиқлар ва анъаналарига бир назар. – Тошкент: Камалақ, 1992.

## МУНДАРИЖА

<b>Мұқалдима .....</b>	<b>3</b>
<b>Ўзбек халқ тақвими .....</b>	<b>10</b>
Халқ тақвимининг тарихий асослари .....	10
Деҳқон ҳисоби .....	15
Чорва ҳисоби .....	43
<b>Қишик маросимлар фольклори .....</b>	<b>65</b>
Қор хат .....	66
Шерда .....	69
<b>Баҳорги маросимлар фольклори .....</b>	<b>80</b>
Бойчечак хабари .....	85
Лой тутиш .....	91
Қозон тўлди .....	93
Наврӯз байрами .....	99
Сумалак пишириш .....	106
Ашшадарози .....	113
Сумалак бевити .....	123
Шоҳ мойлар .....	125
Ҳалинчак учиш .....	131
«Наврӯзгули» сайли .....	134
Лола сайли .....	135
«Қизил гул» сайли .....	143
«Гули сурх сайли» .....	155
Ёмғир ёғдириш маросимлари .....	160
Суст хотин .....	162
Сут хотин .....	168
Сўз хотин .....	169
Сел хотин .....	170
Сув хотин .....	171
Чала хотин .....	173
Қўсам-қўсам .....	175
Чайла қозоқ .....	176
Ёмғир тиндириш .....	177
<b>Ўзги маросимлар фольклори .....</b>	<b>186</b>
Шамол тўхтатиш маросимлари .....	190
Чоймомо .....	194
Ялли момо .....	205
<b>Шамол чақириш маросимлари .....</b>	<b>217</b>
«Ҳайдар» культи .....	217
«Аждар бобо» культи .....	233
«Ялонгоч ота» культи .....	236
Обло барака .....	241
Ҳакулло .....	244
<b>Кузги маросимлар фольклори .....</b>	<b>248</b>
Қовун сайли .....	249
<b>Қамарий тақвим билан боғлиқ маросим фольклори .....</b>	<b>254</b>
Арафа .....	255
Барот келди .....	255
Сафар қочди .....	259
Ё рамазон .....	261
<b>Фойдаланилган адабиётлар .....</b>	<b>272</b>

МАМАТҚУЛ ЖҮРАЕВ

**ЎЗБЕК МАВСУМИЙ МАРОСИМ ФОЛЬКЛОРИ**  
(ўкув кўлланмаси)

*Навоий давлат педагогика институти Илмий кенгаши  
томонидан нашрга тавсия қилинган.*

*Муҳаррир: М. Содикова*

*Дизайнер: М. Абдуллаева*

*Техник муҳаррир: Д. Жалилов.*

Нашриёт рақами: з-288

Босишга 2008 йил 25 декабрда рухсат этилди.

Босмахонага 2009 йил 31 январда топширилди.

Бичими: 60x84  $\frac{1}{16}$ . Ҳисоб-нашриёт табоги: 12.0.

Шартли босма табоги: 18,5. Адади: 1000.

7-сонли буюртма.

Баҳоси келишилган нархда.


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти,  
100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-йй.

«Нур полиграф» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
100128, Тошкент ш., З. Қобулов кўчаси, 19-йй.

ISBN 978-9943-09-743-8



9 789943 097438



ISBN 978-9943-09-743-8

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-09-743-8.

9 789943 097438